



<https://interscience.uz/>

ISSN 2181-1709 (P)

ISSN 2181-1717 (E)

SJIF: 3,546 (2020)

2022/№5

ТАЪЛИМ ВА
ИННОВАЦИОН
ТАДҚИҚОТЛАР

ОБРАЗОВАНИЕ И
ИННОВАЦИОННЫЕ
ИССЛЕДОВАНИЯ

EDUCATION AND
INNOVATIVE
RESEARCH

**ТАЪЛИМ ВА ИННОВАЦИОН ТАДҚИҚОТЛАР
ОБРАЗОВАНИЕ И ИННОВАЦИОННЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
EDUCATION AND INNOVATIVE RESEARCH**



№ 5, 2022
май

<p>Муассис: Бухоро давлат университети Фан ва таълим МЧЖ</p> <p>Бош муҳаррир: Маъмуров Баҳодир Бахшуллаевич</p> <p>Жамоатчилик кенгаши раиси: Ҳамидов Обиджон Ҳафизович, Бухоро давлат университети ректори</p> <p>Таҳририят кенгаши раиси: Маҳмудов Мэлс Ҳасанович</p> <p>Масъул котиб: Акрамова Гулбахор Ренатовна</p> <p>Техник муҳаррир: Давронов Исмоил Эргашевич</p> <p>Таҳририят манзили: Бухоро шаҳар, Қ.Муртазов кўчаси, 16-уй</p> <p>Телефон: +998(90)744-00-22</p> <p>E-mail: eirjurnal2020@gmail.com</p> <p>Журналнинг электрон сайти: www.interscience.uz</p> <p>Журнал ОАК Раёсатининг 2021 йил 30 сентябрдаги 306/6-сон Қарори билан ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ, ФИЛОЛОГИЯ, ТАРИХ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражасига талабгорларнинг диссертация ишлари юзасидан асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган</p> <p>Босишга рухсат этилди: 30.05.2022 й. Қоғоз бичими 60x84 1/8. б/т.12,5. Буюртма рақами 12 «FAN VA TA'LIM» нашриётида чоп этилди. Бухоро шаҳар</p> <p>Журнал 28.07.2021 йилда 9305 рақами билан Ўзбекистон Омма- вий ахборот воситалари давлат рўйхатидан ўтган</p> <p>Журнал 2020 йилда ташкил топди ва 2 ойда 1 марта чоп этилди. 2021 йил ноябрь ойидан бошлаб ҳар ойда 1 марта ўзбек, рус ва англис тилларида чоп этилади</p> <p>«Таълим ва инновацион тадқиқотлар» халқаро илмий-ме- тодик журналдан кўчириб босиш таҳририятнинг розилиги билан амалга оширилади</p> <p>Мақолада келтирилган фактларнинг тўғрилиги учун муаллиф масъулдир</p>	07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ	
	Ражабов Қ. Қ. Бухорода Чорикулбой ва бошқа мулкдорларнинг қатағон этилиши	7
	Амонова Ф. С. Пахтачиликда бозор тамойиллари жорий этилишига оид ислохотлар (Бухоро амирлиги мисолида)	13
	Отахўжаев А. “Бухоро” атамаси хусусида тарихчи суғдшунос олимнинг янги мулоҳазалари	21
	Элимов Л. Ш. Евпорада ренессанснинг пайдо бўлиши ва унга Шарқнинг таъсири	25
	Райимов Ф. У. Темурийлар даврига оид меъморий обидаларнинг “Туркистон тўпламида” акс этиши	31
	Пронин Р. О. Представления о зрительных иллюзиях: история и современность	36
	Boltayev B. B. “Jasorat” muzeyi: tarix va talqin	40
	Юлдошева Б. М. Пахта монополиясининг Бухоро шаҳар атроф-мухитига таъсири (XX аср давомида)	46
	10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ	
Шарипова Л. Боқий мавзуда битилган шеърлар	52	
Toirova G. I.. So‘zlashuv uslubida tejamlilikning pragmatik xususiyatlari	57	
Amonov U.. S. Jadidchilik harakati va «Buxoroyi sharif» ro‘znomasi	62	
Мавлянова Т. Б. Специфика мусулманского и европейского Ренессансов	68	
Темирова Ф. О. Болалар латифалари – таржимашуносликда тадқиқот объекти сифатида	74	
Тўйлиева Л. А., Хикматова Д. П. Трактовка исторических личностей в произведении Захириддина Мухаммада Бабура «Бабурнаме»	78	
Hojiyeva Nigina Hayot qizi O‘zbek poetik matnlarida meva nomlaridan ramz sifatida foydalanish	86	
13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ		
Jo‘rayev N. O., Jamolova Sh. Q., Xudoyberdiyev Sh. B. Fizika darslarida mobil dasturiy vositalardan foydalanish imkoniyatlari	91	
Еримбетов Б. К. Кураш спорт тури оммавийлигини ошириш муаммолари	96	
Ходжаев Б. Қ., Хожиева М. Ш. Фуқаролик маданиятининг инсон ҳаёти ва жамият тараккиётидаги ўрни	101	
Кинжаева Г. С. Талабаларни маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлашнинг педагогик концептуал моҳияти	109	

Сапарниязов С. К. Талаба-ёшларни спорт мусобақаларига тайёрлаш тизимини такомиллаштиришда тадбирлар ташкиллаштиришнинг аҳамияти	115
Razilova M. E. Ajdodlarimiz merosini o`rganish jarayonida talabalarning o`quv-bilish faoliyatini rivojlantirish	120
Narzullaeva B. Mahallalarda millatlararo do`stlik aloqasini rivojlantirish mexanizmlari takomillashtirish	125
Namazbayeva L. Bolalarni tabiat bilan tanishtirish usullari va texnologiyalar	132
Саидова Н. М. О`qituvchi-amaliyotchi talabalarning amaliyot jarayonida immanent va kontekst yondashuvlaridan keng foydalanishi	141
Умаров А. Т. Жисмоний тарбия инсоният маданий тараққиётининг ажралмас қисмидир	146
Мо`minova D. K. Bo`lajak "texnologiya" fani o`qituvchilarining raqamlashtirish ta`lim muhitida ishlash bo`yicha muhim kasbiy sifatlarini shakllantirishning pedagogik sharoitlari	152
Давронова фотима пирназаровна замонавий методлар асосида хорижий тилларни ўргатишнинг методик хусусиятлари	159
Юлдашев А. А. Халқ ўйинлари орқали ўқувчиларининг жисмоний сифатларини ривожлантириш	164
Гафурова М. Ю. Волейбол ўйинида махсус жисмоний сифатларни тарбиялаш усуллари	168
Mansurov Sh. Sh. maktabgacha ta`lim tashkilotlarida jismoniy tarbiya mashg`ulotlarini tashkil etishda qo`llaniladigan ta`lim metodlari	172
Nurullayev A. R. Jismoniy tarbiya dars mashg`ulotlarini tashkil qilishda ta`lim metodlarining ahamiyati	176
Худайберганов О. Э., Якубов А. М. Возможности и перспективы применения средств и специфики волейбола для формирования педагогических умений	179
Халилов Ф. Sharq mutafakkirlarining tarbiyaga oid qarashlari o`quvchilar tarbiyasida asosiy manba	185
Alqorov Q.X. Kompetensiyaviy yondoshuv asosida fizikadan sinfdan tashqari ishlarni o`tkazishning o`ziga xos xususiyatlari	190
Зайнитдинова М.А. Математика дарсларида ўқувчиларнинг мантиқий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга инновацион ёндашув	195
Чутбаева А. Б. Трансформация русских и узбекских паремий	198
Ибрагимов А. К. Jismoniy tarbiya darslari jarayonida o`quvchilarni harakat faoliyatiga o`rgatish usullari	202
Xudoynazarova G. A., Murodova Sh. I. Umumta`lim o`rta maktablarda kimyo fanidan masalalarni zamonaviy ta`lim texnologiyalar asosida yechish uslubiyoti	208
Bozorova M. Sh. Kompetensiyaviy yondashuvlar asosida metrologiya, standartlashtirish va sertifikatlashtirish fanini o`qitish	212



Rasulov E. M. Talaba portfoliosini yaratish texnologiyasi	218
Хамираев Р. А. Физическое воспитание и пропаганда физической активности: образ жизни, спорт как важный опыт	223
Мирзаев Д. Х. Ўқувчиларни миллий спорт турларига кизикишини оширишнинг тарихий тараққиёти	226
Ачилов О. Ҳ. Жисмоний тарбия ва спорт ўқувчини ахлоқий-эстетик тарбиялаш воситаси	229
Пулатова Д.Т. Мактабдан ташқари таълимда олий таълим интеграциялашуви	232
Хонқулов Ш.Х. Рақамли таълим муҳитининг ўзига хос хусусиятлари ва таркибий элементлари	237
Salimova S. F., Avliyakulova Sh. M. Ixtiologiya fani bo'yicha mutaxassis kadrlarni tayyorlashda kasbga yo'naltirish shakllarini takomillashtirish	241
Sobirova Sh. U. Chizmachilikni o'qitish jarayonida qo'llaniladigan konstruktiv loyihalash masalalar tizimi va ularning tahlili	244
Nematov I. A. Texnika oliy ta'lim muassasalarida "Elektrotexnika va elektronika" fanidan ma'ruza darslarini o'qitishni takomillashtirish mazmuni	249
Imomkulova M. N. Development of ethical and cultural relations in students as a pedagogical problem	257
Rahmonqulov X. B. Qalamtasvirda ikki, uch geometrik shakllardan tashkil topgan natyurmort chizish	262
Рахимова Ш. Б. Мактабгача таълим йўналиши талабаларига инглиз тилини ўргатиш сифат мониторингини такомиллаштириш	267
19.00.00 – ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ	
Тоштуров Ш. Э. Ўзбекистонда гендер тенглиги бўйича амалга оширилаётган ислохотлар	273
Abdurasulova F. R. Oliy ta'lim muassasalarida talabalarni pedagogik diagnostikaga tayyorlash	280
Мадрахимова Г. Ў. Хореографларни тайёрлашда педагогик туркум фанларнинг ўрни	284
Турсунов Л. С. Ёшлар дунёқарашида юзага келадиган салбий оғишларнинг ижтимоий – психологик индикаторлари	292
Жалилова С. Х., Умрзоқова Н. И. Шахснинг ахлоқий шаклланиши ва ривожланишининг психологик мезонлари	297
Исмоилова Н. З. Ўқув фаолияти жараёнида талабалардаги стрессоген омилларни ўрганиш	302
Абдуллаева Д. У. Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда тасаввурларнинг ўрни	307
Parpiyeva Sh. A. Psixolog shaxsida refleksiv madaniyatning rivojlanish xususiyatlari	311



ТАЪЛИМ ВА ИННОВАЦИОН ТАДҚИҚОТЛАР

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ

Джурев Рисбой Хайдарович, педагогика фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги
Шамсутдинов Рустамбек Темирович, Андижон давлат университети профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, тарих фанлари доктори
Мажидов Ином Урушев, техника фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети.
Олимов Кахрамон Танзилевич, педагогика фанлари доктори, профессор, А.И.Герцен номидаги Россия давлат педагогика университети Тошкент филиали
Таджиходжаев Зокирхўжа Абдусатторович, техника фанлари доктори, профессор
Мусурмонова Ойнисо, педагогика фанлари доктори, профессор
Сафарова Роҳат Ғайбуллоевна, педагогика фанлари доктори, профессор, Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти.
Ибрагимов Холбой Ибрагимович, педагогика фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАХРИРИЯТ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ

Артамонова Екатерина Иосифовна, педагогика фанлари доктори, профессор, Москва давлат педагогика университети, Халқаро педагогика фанлари академиясининг президенти
Емельянова Ирина Евгеньевна, педагогика фанлари доктори, профессор, Жанубий-ураль давлат ижтимоий-педагогика университети, Россия
Кузьменко Галина Анатольевна, педагогика фанлари доктори, профессор, Москва давлат педагогика университети, Жисмоний тарбия, спорт ва саломатлик институти
Олимов Ширинбой Шарофович, педагогика фанлари доктори, профессор, Бухоро давлат университети
Сафаралиев Бозор Сафаралиевич, педагогика фанлари доктори, профессор, Челябинск давлат академияси
Жўраев Хусниддин Олтинбоевич, педагогика фанлари доктори, доцент, Бухоро давлат университети
Кулишов Владимир Васильевич, педагогика фанлари доктори, профессор, Давлат иқтисодиёт ва технология университети проректори, Кривой Рог, Украина
Лазаренко Ирина Рудольфовна, педагогика фанлари доктори, профессор, Алтай давлат педагогика университети ректори, Россия
Филиппова Оксана Геннадьевна, педагогика фанлари доктори, профессор, Жанубий-ураль давлат ижтимоий-педагогика университети, Россия
Христо Кючук, педагогика фанлари доктори, Умумий тилишуносик ва психоллингвистика профессори, Берлин Эркин университети, Туркология институти, Халқаро психоллингвистика ва Социоллингвистика журналы асосчиси ва муҳаррири, Германия
Кумсков Михаил Иванович, физика-математика фанлари доктори, профессор, М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университети
Тилавова Матлаб Мухаммадовна, педагогика фанлари номзоди, доцент, Бухоро давлат университети
Дилова Наргиза Ғайбуллоевна, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети
Максименко Сергей Дмитриевич, академик, психология фанлари доктори, профессор, Украина Миллий педагогика фанлари академиясининг академиги
Умаров Бахриддин Мингаевич, психология фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат педагогика университети
Козлов Владимир Васильевич, психология фанлари доктори, профессор, Халқаро психология фанлари академияси президенти, П.Г.Демидова номидаги Ярославль давлат университети, Россия
Жабборов Азим Мейликулович, психология фанлари доктори, профессор, Қариш давлат университети
Бафев Мухиддин Мухаммадович, психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети
Падалка Олег Семенович, педагогика фанлари доктори, профессор, М.П. Драгоманова номидаги педагогика миллий университети, Украина
Ражабов Дилиход Зарипович, филология фанлари доктори, профессор, Бухоро давлат университети
Маджидова Раъно Уришевна, филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
Файзуллаев Мухаммад Бакаевич, филология фанлари номзоди, доцент, Бухоро давлат университети
Жамилова Баширота Сатторовна, филология фанлари номзоди, доцент, Бухоро давлат университети
Юсупова Хилола Уктамонова, филология фанлари номзоди, доцент, Бухоро муҳандислик-технология институти
Рўзиева Моҳичехра Ғубовна, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети
Иноятов Сулаймон Иноятович, тарих фанлари доктори, профессор, Бухоро давлат университети
Ражабов Кахрамон Кенжаевич, тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти етакчи илмий ходими
Хазретали Турсун, тарих фанлари доктори, профессор, Хожа Аҳмад Яссавий номидаги халқаро қозоқ-турк университети профессори
Мамедова Ирада, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент, Озарбайжон Миллий академияси Тарих институти бўлим бошлиғи
Жумаев Рустам Ғаниевич, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети
Тимур Хўжаюгли, тилишунос ва адабиётшунос олим, Мичиган университети профессори (AKII)
Nurettin Naitoğlu Doç. Dr., Zonguldak Bülent Ecevit Üniversitesi Fen-Edebiyat Fakültesi Tarih Bölümü (Turkiya)
Хайитов Шодмон Ахмадович, тарих фанлари доктори, профессор, Бухоро давлат университети
Муллоджанов Сайфулло Кучакович, тарих фанлари доктори, профессор, Тожикистон миллий университети
Долгов Вадим Викторович, тарих фанлари доктори, профессор, Удмурт давлат университети, Россия
Аршикова Хафиза Тўймуродовна, биология фанлари доктори, доцент, Бухоро давлат университети
Наврузова Шакар Истамовна, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Бухоро давлат тиббиёт институти
Гушко Сергей Владимирович, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Давлат иқтисодиёт ва технология университети проректори, Кривой Рог, Украина
Куралов Кобулжон Қулманович, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Ислам Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази директори
Маманазаров Абдухаким Бозорович, иқтисодиёт фанлари фан номзоди, доцент, Ломоносов номидаги Москва давлат университети Тошкент филиали
Соҳибов Акрам Рустамович, педагогика фанлари номзоди, доцент, Қариш давлат университети
Умаров Бахмулло Жўраевич, педагогика фанлари номзоди, доцент, Бухоро давлат университети
Ҳасанова Гулноз Қосимовна, педагогика фанлари номзоди, доцент, Бухоро давлат университети

ОБРАЗОВАНИЕ И ИННОВАЦИОННЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ

ЧЛЕНЫ ОБЩЕСТВЕННОГО СОВЕТА

- Джусраев Рисбой Хайдарович**, доктор педагогических наук, академик АНРУз
Шамсутдинов Рустамбек Темирович, профессор Андиганского государственного университета, заслуженный работник культуры Узбекистана, доктор исторических наук
Мажидов Ином Урушев, доктор технических наук, профессор, Национальный университет Узбекистана им. Мирзо Улугбека
Олимов Кахрамон Танзилович, доктор педагогических наук, профессор. Ташкентский филиал Российского государственного педагогического университета имени А.И. Герцена
Таджиходжаев Зокирхужа Абдусатторович, доктор технических наук, профессор
Мусурмонова Ойнисо, доктор педагогических наук, профессор
Сафарова Рохат Гайбуллоевна, доктор педагогических наук, профессор, Узбекский научно-исследовательский институт педагогических наук имени Т. Н. Кори-Ниязи
Ибрагимов Холбой Ибрагимович, доктор педагогических наук, профессор, Узбекский государственный университет мировых языков

РЕДАКЦИОННО-ИЗДАТЕЛЬСКИЙ СОВЕТ

- Артамонова Екатерина Иосифовна**, доктор педагогических наук, профессор, Московского государственного педагогического университета. Президент Международной академии педагогических наук
Емельянова Ирина Евгеньевна, доктор педагогических наук, профессор, Южно-уральский государственный гуманитарно-педагогический университет. Россия
Кузьменко Галина Анатольевна, доктор педагогических наук, профессор. Московский государственный педагогический университет, Институт физической культуры, спорта и здоровья
Олимов Ширинбой Шарофович, доктор педагогических наук, профессор. Бухарский государственный университет
Сафаралиев Бозор Сафаралиевич, доктор педагогических наук, профессор кафедры социально-культурной деятельности Челябинской государственной академии
Джусраев Хусниддин Олтинбоевич, доктор педагогических наук, доцент. Бухарский государственный университет
Кулишов Владимир Васильевич, доктор педагогических наук, профессор. Государственный университет экономики и технологий, Кривой Рог, Украина
Лазаренко Ирина Рудольфовна, доктор педагогических наук, профессор. Ректор Алтайского государственного педагогического университета, Россия
Филиппова Оксана Геннадьевна, доктор педагогических наук, профессор. Южно-уральский государственный гуманитарно-педагогический университет. Россия
Христо Кючуков, доктор педагогических наук. Профессор общего языкознания и психолингвистики. Свободный университет Берлина, Институт тюркологии. Редактор Международного журнала психолингвистики и социолингвистики, Германия
Кумсков Михаил Иванович, доктор физико-математических наук, профессор Московского государственного университета им. М.В. Ломоносова
Тилавова Матлаб Мухаммадовна, кандидат педагогических наук, доцент. Бухарский государственный университет
Дилова Наргиза Гайбуллоевна, PhD по педагогическим наукам, доцент. Бухарский государственный университет
Максименко Сергей Дмитриевич, академик, доктор психологических наук, профессор. Академик Национальной академии педагогических наук Украины
Умаров Бахриддин Мингаевич, доктор психологических наук, профессор. Ташкентский государственный педагогический университет
Козлов Владимир Васильевич, доктор психологических наук, профессор. Ярославского государственного университета им. П.Г. Демидовой. Президент Международной академии психологических наук, Россия
Жаббаров Азим Мейликулович, доктор психологических наук, профессор. Каршинский государственный университет
Бафав Мухиддин Мухаммадович, PhD по психологическим наукам. Ташкентский государственный педагогический университет имени Низами
Падалка Олег Семенович, доктор педагогических наук, профессор, Национального педагогического университета имени М.П. Драгоманова, Украина
Ражабов Дилиод Зарипович, доктор филологических наук, профессор. Бухарский государственный университет
Маджидова Раъно Уришевна, доктор филол. наук, профессор, Узбекский государственный университет мировых языков.
Файзуллаев Мухаммад Бакаевич, кандидат филологических наук, доцент. Бухарский государственный университет
Жамилова Башират Сатторовна, кандидат филологических наук, доцент. Бухарский государственный университет
Юсупова Хилола Уктамовна, кандидат филологических наук, доцент. Бухарский инженерно-технологический институт
Рузиева Мохичехра Якубовна, PhD по филологическим наукам, доцент. Бухарский государственный университет
Иноятов Сулаймон Иноятович, доктор исторических наук, профессор. Бухарский государственный университет
Ражабов Кахрамон Кенжаевич, доктор исторических наук, профессор, Ведущий научный сотрудник института Истории Академии наук Узбекистана
Хазретали Турсун, доктор исторических наук, профессор Международного казахско-турецкого университета имени Ходжи Ахмади Яссави
Мамедова Ирада, PhD по историческим наукам, доцент, заведующий институтом истории Национальной Академии Азербайджана
Джусраев Рустам Ганиевич, PhD по политологии, доцент. Бухарский государственный университет
Тимур Хужаугли, лингвист и литературовед. Профессор Мичиганского университета (США)
Nurettin Natipoğlu, Assoc. доктор, университет Зонгулдак Бюлент Эджевит, факультет искусств и наук, исторический факультет (Турция)
Хайитов Шодмон Ахмадович, доктор исторических наук, профессор. Бухарский государственный университет
Муллоджанов Сайфулло Кучакович, доктор исторических наук, профессор. Национальный университет Таджикистана
Долгов Вадим Викторович, доктор исторических наук, профессор. Удмуртский Государственный Университет. Россия
Артикова Хафиза Туймуродовна, доктор биологических наук, доцент. Бухарский государственный университет
Наврзובה Шакар Истамовна, доктор медицинских наук, профессор, Бухарский государственный медицинский институт
Гушко Сергей Владимирович, доктор экономических наук, профессор, проректор Государственного экономико-технологического университета, Кривой Рог, Украина
Куролов Кобулжон Кулманович, доктор экономических наук, профессор. Центр переподготовки и переподготовки преподавателей при Ташкентском государственном техническом университете имени Ислама Каримова
Маманазаров Абдурахим Бозорович, кандидат экономических наук, доцент. Ташкентский филиал МГУ им. М.В. Ломоносова
Сохибов Акрам Рустамович, кандидат педагогических наук, доцент. Каршинский государственный университет
Умаров Бахиулло Джусраевич, кандидат педагогических наук, доцент. Бухарский государственный университет
Хасанова Гулноз Касимовна, кандидат педагогических наук, доцент. Бухарский государственный университет

EDUCATION AND INNOVATIVE RESEARCH**MEMBERS OF THE PUBLIC COUNCIL**

Djuraev Risboy Haydarovich, Doctor of Pedagogical Sciences, Academician of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan

Shamsutdinov Rustambek Temirovich, Professor of Andijan State University, Honored Worker of Culture of Uzbekistan, Doctor of Historical Sciences

Majidov Inom Urushevich, Doctor of Technical Sciences, Professor. National University of Uzbekistan.

Olimov Kahramon Tanzilovich, Doctor of Pedagogical Sciences, Professor. Tashkent branch of the Russian State Pedagogical University named after AI Gertsen

Tadjikhodjaev Zokirkhoja Abdusattorovich, Doctor of Technical Sciences, Professor

Musurmonova Oyniso, doctor of pedagogical sciences, professor

Safarova Rohat Gaybulloevna, Doctor of Pedagogical Sciences, Professor, Uzbek Scientific Research Institute of Pedagogical Sciences named after TN Qori-Niyazi.

Ibragimov Kholboy Ibragimovich, Doctor of Pedagogical Sciences, Professor, Uzbekistan University of World Languages

MEMBERS OF EDITORIAL COUNCIL

Artamonova Ekaterina Iosifovna, Doctor of Pedagogical Sciences, Professor, President of the Moscow State Pedagogical University, International Academy of Pedagogical Sciences

Emelyanova Irina Evgeneevna, Doctor of Pedagogical Sciences, Professor, South Ural State Humanitarian Pedagogical University, Russia

Kuzmenko Galina Anatolevna, Doctor of Pedagogical Sciences, Professor. Moscow State Pedagogical University, Institute of Physical Culture, Sports and Health

Olimov Shirinboy Sharofovich, Doctor of Pedagogical Sciences, Professor. Bukhara State University

Safaraliev Bozor Safaralievich, doctor of pedagogical sciences, professor. Chelyabinsk State Academy

Juraev Husniddin Oltinboevich, Doctor of Pedagogical Sciences, Associate Professor. Bukhara State University

Kulishov Vladimir Vasilevich, Doctor of Pedagogical Sciences, Professor. Vice-Rector of the State University of Economics and Technology, Krivoy Rog, Ukraine

Lazarenko Irina Rudolfovna, Doctor of Pedagogical Sciences, Professor. Rector of Altai State Pedagogical University, Russia

Filippova Oksana Gennadevna, Doctor of Pedagogical Sciences, Professor. South Ural State Humanitarian Pedagogical University, Russia

Christo Kyuchukov, Doctor of Pedagogical Sciences. Professor of General Linguistics Psycholinguistics. Free University of Berlin, Institute of Turkology. Founder and editor of the International Journal of Psycholinguistics and Sociolinguistics, Germany

Kumskov Mikhail Ivanovich, Doctor of Physical and Mathematical Sciences, Professor. M.V. Lomonosov Moscow State University

Tilavova Matlab Muhammadovna, Candidate of Pedagogical Sciences, Associate Professor. Bukhara State University

Dilova Nargiza Gaybullaevna, PhD in pedagogical sciences, associate professor. Bukhara State University

Maksimenko Sergey Dmitrievich, academician, doctor of psychological sciences, professor. Academician of the National Academy of Pedagogical Sciences of Ukraine

Umarov Bakhriddin Mingbaevich, Doctor of Psychological Sciences, Professor. Fergana State University

Kozlov Vladimir Vasilevi, Doctor of Psychological Sciences, Professor. President of the International Academy of Psychological Sciences, Yaroslavl State University named after PG Demidova, Russia

Jabborov Azim Meylikulovich, Doctor of Psychological Sciences, Professor. Karshi State University

Bafaev Muhiddin Muhammadovich, Doctor of Philosophy in Psychology PhD. Tashkent State Pedagogical University named after Nizami

Padalka Oleg Semenovich, Doctor of Pedagogical Sciences, Professor, National Pedagogical University named after M.P. Dragomanova, Ukraine

Rajabov Dilshod Zaripovich, Doctor of Philology, Professor. Bukhara State University

Madjidova Rano Urishевна, Doctor of Philology Sci., Professor, Uzbek State University of World Languages, Tashkent, Uzbekistan

Fayzullayev Muxammad Bakayevich, Candidate of Philological Sciences, Associate Professor. Bukhara State University

Jamilova Bashorat Sattorovna, Candidate of Philological Sciences, Associate Professor. Bukhara State University

Yusupova Hilola Uktamovna, Candidate of Philological Sciences, Associate Professor. Bukhara Institute of Engineering and Technology

Ruzieva Mohichehra Yakubovna, PhD in Philology, Associate Professor. Bukhara State University

Inoyatov Sulaymon Inoyatovich, Doctor of Historical Sciences, Professor. Bukhara State University

Rajabov Qahramon Kenjaevich, Doctor of Historical Sciences, Professor, Leading Researcher at the Institute of History of the Academy of Sciences of Uzbekistan

Hazretili Tursun, Doctor of Historical Sciences, Professor of the International Kazakh-Turkish University named after Khoja Ahmad Yassavi

Mamedova Irada, Doctor of Philosophy PhD, ex. History, Associate Professor, Head of the Institute of History of the National Academy of Azerbaijan

Jumaev Rustam Ganievich, Doctor of Philosophy (PhD) in Political Science, Associate Professor. Bukhara State University

Timur Khuzhaugli, linguist and literary critic. Professor at the University of Michigan (USA)

Nurettin Hatunoğlu Assoc. Dr., Zonguldak Bulent Ecevit University, Faculty of Arts and Sciences, Department of History (Turkey)

Khayitov Shodmon Akhmadovich, Doctor of Historical Sciences, Professor. Bukhara State University

Mullojanov Sayfullo Kuchakovich, Doctor of Historical Sciences, Professor. National University of Tajikistan

Dolgov Vadim Viktorovich, Doctor of Historical Sciences, Professor. Udmurt State University. Russia

Artikova Hafiza Tuymurodovna, Doctor of Biological Sciences, Associate Professor. Bukhara State University

Navruzova Shakar Istamovna, Doctor of Medical Sciences, Professor. Bukhara State Medical Institute

Gushko Sergey Vladimirovich, Doctor of Economics, Professor, Vice-Rector of the State University of Economics and Technology, Krivoy Rog, Ukraine

Kurolov Kobuljon Kulmanovich, Doctor of Economics, Professor. Director of the center for retraining and retraining of teachers at the tashkent state technical university named after Islam Karimov

Mamanazarov Abdulkhakim Bozorovich, Candidate of Economic Sciences, Associate Professor. Tashkent branch of Lomonosov Moscow State University M.V. Lomonosov

Sohibov Akram Rustamovich, candidate of pedagogical sciences, associate professor. Karshi State University

Umarov Bakhshullo Djuraevich, candidate of pedagogical sciences, associate professor. Bukhara State University

Hasanova Gulnoz Kasimovna, Candidate of Pedagogical Sciences, Associate Professor. Bukhara State University



**БУХОРОДА ЧОРИҚУЛБОЙ ВА БОШҚА МУЛҚДОРЛАРНИНГ
ҚАТАҒОН ЭТИЛИШИ**

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022>.

*Ражабов Қахрамон Кенжаевич,
Ўзбекистон ФА bixdi.uz Тарих институти бош илмий ходими, тарих
фанлари доктори, профессор*

Аннотация: Мақолада XX аср 20-йиллари охири ва 30-йиллари бошларида Бухоро воҳасида бойлар ва йирик мулкдорларнинг қатагон қилиниши, ер-сув ислоҳоти ва коллективлаштириши даврида қулоқ сифатида уларнинг ўз юртидан бадарга ва сургун этилиши кўрсатилган. Муаллиф архив хужжатлари ва оғзаки тарих маълумотлари асосида ромитанлик йирик чорвадор Чориқулбой Пирнафасов (1847-1934) ва шофирконлик бободехқон Шарофбобо Раззоқов (1906-1975) ҳамда bixdi.uz bixdi.uz полвон ва қўрбоши бўлган Ҳамро Полвон Шодиев (1892-1942) фаолияти ҳамда бухоролик бошқа бойлар ва мулкдорларнинг қатагон қилинишини холис ёритган.

Калит сўзлар: Совет режими, коллективлаштириши, қулоқлар, ер-сув ислоҳоти, бободехқон, чорвадор, бой, мулкдор, Чориқулбой, Шарофбобо, Ҳамро Полвон, қатагон, сургун, бадаргалик, мустақиллик.

РЕПРЕССИИ ЧАРИКУЛБАЯ И ДРУГИХ ВЛАДЕЛЬЦЕВ В БУХАРЕ

*Раджабов Кахрамон Кенджаевич,
Главный научный сотрудник института истории АН Узбекистана,
доктор исторических наук, профессор*

Аннотация: В статье описываются репрессии против богатых и крупных землевладельцев как кулаков в Бухарском оазисе в конце 20-х и начале 30-х годов XX века, а также их депортация и ссылка в период земельно-водной реформы и коллективизации. Автор объективно описал деятельность и репрессии крупного скотовода Чарикулбай Пирнафасова (1847-1934), бободехкона Шафиркана Шарофбобо Раззокова (1906-1975), полвона и курбашаи Ҳамро Полвона Шодиева (1892-1942) и других богатых и землевладельцев Бухары на основе архивных документов и данных устной истории.

Ключевые слова: Советский режим, коллективизация, кулак, земельная и водная реформа, бободехкон, пастух, богач, землевладелец, Чарикулбай, Шарофбобо, Ҳамро Полвон, репрессии, депортация, изгнание, независимость.

**REPRESSION OF CHARIKULBAY AND OTHER OWNERS IN
BUKHARA**

*Rajabov Kahramon Kenjaevich,
Chief researcher of the institute of history of the AS in Uzbekistan, doctor of
historical sciences, professor*

Abstract: The article describes the repression of the rich and large landowners as a kulak in the Bukhara oasis In the late 20s and early 30s of the twentieth century, as well as their deportation and exile during the period of land and water reform and collectivization. The author objectively described the activities and repressions of a large herdsman Charikulbay Pirnafasov (1847-1934), bobodehkon of Shafirkan Sharofbobo Razzokov (1906-1975), polvon and kurbashi Hamro Polvon Shodiev

(1892-1942) and other wealthy and landowners of Bukhara based on archival documents and oral history data.

Keywords: Soviet regime, collectivization, kulak, land and water reform, bobodehkon, herdsman, rich, landowner, Charikulbay, Sharofbobo, Hamro Polvon, repression, deportation, exile, independence.

Бухорода совет ҳокимияти ўрнатилгач, 1926-1927 йиллардан бошлаб Шарқда илм-фаннинг бешиги ва шариф шаҳар (шарофатли, муқаддас шаҳар) ҳисобланган Бухородаги кўплаб мадрасалар, масжидлар ва хонақоҳлар бузиб ташланди. Бузилмай қолган мадрасалар ва масжидлар хўжалик омборларига айлантирилди, қизил аскар гарнизонларининг казармалари қилиб қайта жиҳозланди, четдан келганлар учун турар-жой сифатида берилди ва турли мақсадларда фойдаланилди. Ўзбек халқи томонидан 1300 йил давомида яратилган исломий руҳдаги қўлэзма асарлар ва бошқа китоблар йўқотилди.

Бухоро вилояти давлат архивининг махсус фондларида бухоролик йирик мулкдорлар ва уламоларнинг қатағон қилинишига оид “мутлақо махфий” тамғали ҳужжатлар сақланиб қолган[1].

1928 йил 1 ноябрда Бухоро округи ижроия қўмитаси ҳузуридаги махсус комиссия ўз мажлисида Бухоро округидан бадарға қилинадиган бой хўжаликлари масаласини кўриб чиққан. Ҳасанов раислигида (қотиб Ашрафий, аъзолар Ҳасанов, Акинтьев, Адинаев ва Вафо Хўжаев) бўлиб ўтган комиссия мажлисида Вафо Хўжаев Ромитан тумани ҳудудида комиссия олиб борган фаолият хусусида гапириб, туманнинг дашт ва чўл ҳудудидаги яйловларда мавжуд бўлган бой хўжаликларининг қўйларини аниқ ҳисобга олишнинг иложи йўқлигини таъкидлайди. Маълумки, Қизилкум яйловларида Бухоронинг машҳур қорақўл қўйлари боқилган. Бухоро қорақўли ўзининг такрорланмас жилоси билан дунё бозорида донг таратган. Фақатгина машҳур бухоролик Чорикулбой ихтиёридаги қорақўл қўйларининг ўзи 50 000 бош атрофида бўлган. 1928 йил ноябрь ойида Чорикулбой[2] Хоразм округида (бошқа ҳужжатда Оренбургда) сургунда бўлиб, унинг беҳисоб қўйлари бу пайтда Нурота яйловларида боқилар эди. Комиссия мажлисида Нурота яйловига бориб, чорвани махсус рўйхатга олувчи Ромитан тумани ижроия қўмитасининг алоҳида комиссия таркиби ҳам тасдиқланади[3]. Ушбу комиссияга раис қилиб Ер ишлари бўлими мудирини, аъзолар қилиб эса Чорвадор ширкати ва туман маъмурий бўлимининг вакиллари киритилган[4]. 1928 йил 19 ноябрда бўлган комиссиянинг бошқа мажлисида айтилишича, Чорикулбойнинг бутун чорваси (5455 бош қорақўл қўй, 15 туя, 9 та эшак) совет ҳокимияти томонидан мусодара қилинган[5].

Шу ўринда бухоролик йирик қорақўлчи чорвадорлардан Чорикулбой (1847-1934) ҳаёти ва фаолияти тўғрисида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Чорикулбой Пирнафасбой ўғли 1847 йили Бухоро амирлигининг Ромитан туманидаги Қоқиштувон қишлоғида туғилган. У Бухоронинг йирик қорақўлчи бойларидан бўлган. Қорақўл тери ва чой савдоси билан шуғулланиб, катта сармоя орттирган.

Чорикулбой ўз сармояси ҳисобидан Ромитанда (Зарафшон дарёси устида) 1911-1914 йилларда ҳашаматли кўприк ҳамда Хайробод қишлоғидаги ариқ бўйида 1924 йили муҳташам клуб, 1926 йили Ромитан шаҳрида дастлабки мактабни қурдирган. Ромитанлик кексаларнинг маълумот беришича, Чорикулбой кўприк қурувчи устани Германиядан, кўприк лойиҳаловчи мутахассисларни Чехиядан қақиртирган. Кўприк қуришга ишлатилган тошлар Қоровулбозор ва Ғозғондан

келтирилган. Кўприк қурилишида асосан ганч ва обиғишдан фойдаланилган. Бирорта ҳам ёғоч ёки темир арматураси ишлатилмаган. Узунлиги 100 метр, эни 8 метр бўлган кўприк қуриб бўлингач, Чориқулбой томонидан унинг 1914 йилда бўлиб ўтган очилиш маросимига Бухоро ҳукмдори Амир Саид Олимхон таклиф қилинган. Кўприкнинг ён томон гумбазига Чориқулбой қуйидаги сўзларни ёзиб қолдирган: “Мен Чориқулбой, халқнинг ризолиги, дунё ҳаваси ва шавқи, элим осойишталиги ва меҳри учун, инсонлар бахт-саодати, келажагига хизмат қилиши учун кўприкни курдим”[6].

Чориқулбой Ўзбекистон ССРда ўтказилган ер-сув ислоҳоти даврида (1925-1926 й.) Қизилқум яйловларидаги 50 минг бош қўй ва бошқа мол-мулкларини ўз ихтиёри билан совет ҳокимиятига топширган. Бу ҳақда юқоридаги архив ҳужжатларида ҳам сўз боради. Бироқ шунга қарамадан у 1928 йил октябрда 81 ёшида Бухородан Оренбургга сургун қилинган. Ўзбекистон ССР ХКС раиси Файзулла Хўжаевнинг аралашуви билан Чориқулбой сургундан қайтарилган ҳамда унга Туркменистон ССР Чоржўй вилоятидаги Дарғонотада (Амударё яқинида) яшаш учун рухсат берилган.

Чориқулбой 1934 йили Дарғонотада 87 ёшида сургунликда вафот этган. (Муаллифдан: Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, Чориқулбойнинг хоки неваралари томонидан Қоқиштувон қишлоғидаги Сазоклибобо (Ҳазрати Насимий) қабристонига 1993 йили дафн этилган. Қабри устига мақбара ўрнатилган. Чориқулбой кўпригида бугунги кунда хотира лавҳаси қўйилган. Маҳаллий ўлкашунос Тўра Ҳалимов томонидан “Саховатли Чориқулбой” (Бухоро, 1996) рисоласи чоп этилган)

Яна ўша пайтда Бухородан сургун ва бадарға қилинган бойлар ва уламолар ҳақидаги архив ҳужжатларига қайтамиз.

Бухоро округи Ер ишлари бўлими фаолияти тўғрисида СССР Халқ Комиссарлари Совети ҳузуридаги Бирлашган Давлат Сиёсий Бошқармаси Бухоро округи бўлими томонидан 1928 йили 28 февралда тайёрланган махсус маълумотномада бойлар қўлидан тортиб олинган ер ҳақида тўхтаб ўтилган. Ушбу махфий ҳужжатда кўрсатилишича, ОГПУнинг Бухоро округи бўлими маълумотларига кўра, Ғиждувон тумани Пирмаст қишлоқ советига қарашли Халажиён қишлоғида яшовчи Саксон Отамуродов, Қаландархона қишлоқ советига қарашли Сафид-Чўян қишлоғида яшовчи Ҳамро Ашуров, Мир Бобо Ҳусаинов, Мулла Саид Йўлдошев каби бойлар ерлари шу атрофдаги қишлоқларда яшовчи батрақлар ўртасида тақсимланганлигидан норозилик билдиришади[7]. Кейинчалик совет ҳукумати томонидан ғиждувонлик ушбу бойлар қатағон қилинган.

Бухоро округидан 1928 йил 28 октябрда ЎзССР ташқарисига (Оренбург шаҳрига) сургун қилинган помешчикларнинг (матнда шундай ёзилган) биринчи рўйхатига кўз ташласак, унда қуйидаги 6 кишининг исми-шарифи мавжуд:

“1. Эшон Ҳакимхон Судур Султонов – Баҳоуддин қишлоғида яшовчи, Янги Бухоро тумани.

1. Саид Кайвони Хўжа Аҳмад Хўжаев – Жўйбор хонақоси гузарида яшовчи, Эски Бухоро шаҳри. Унинг оиласи 7 кишидан иборат.

2. Жўрабой оқсоқол Убайдуллаев – Косагарон гузаридаги 71-ҳовлида яшовчи, Эски Бухоро шаҳри. Унинг оиласи 5 кишидан иборат.

3. Чориқулбой Нафасов – Зандани қишлоқ советига қарашли Қоқиштувон қишлоғида яшовчи, Вобкент тумани. Унинг оиласи 31 кишидан иборат.

4. Иброҳим Муродов – Осноб қишлоқ советига қарашли Работи Аллла

қишлоғида яшовчи, Ромитан тумани. Унинг оиласи яқин қариндошлари билан биргаликда 20 кишидан иборат.

5. Умар Хўжа Музаффаров – Қўрғон қишлоқ советига қарашли Бахтиёрча қишлоғида яшовчи, Ромитан – Хайрбот тумани. Унинг оиласи 4 кишидан иборат”[8].

Бухоро помешчикларининг ЎзССР ичида (Фарғона вилояти Марғилон туманига сургун қилинган иккинчи рўйхатида эса қуйидаги 16 киши бор:

“1. Қурзабой оқсоқол Ўринов – Шуркашан қишлоқ советга қарашли Катта Баяр қишлоғида яшовчи, Қорақўл тумани. Унинг оиласи ака-укалари билан биргаликда 20 кишидан иборат бўлган.

2. Зубайт Хўжа Хусейнов – Баҳоуддин қишлоғида яшовчи, Янги Бухоро тумани. Унинг оиласи 4 кишидан иборат бўлган.

3. Ҳамро Умидов – Хумин қишлоқ советига қарашли Ҳазармон қишлоғида яшовчи, Бухоро тумани. Унинг оиласи 5 кишидан иборат, ўғли ва икки жияни ҳам киради.

4. Бек Хусейнов – Галаосиё қишлоқ советига қарашли Чарук қишлоғида яшовчи, Эски Бухоро тумани. Унинг оиласи 5 кишидан иборат.

5. Муҳаммад Хўжа Ҳидоятлов – Хумданак қишлоқ советига қарашли Мадаминбой қишлоғида яшайди, Бухоро тумани. Унинг оиласи 5 кишидан иборат бўлган.

6. Мулла Ражаб Алимов – Бозор Хўжа қишлоқ советига қарашли Лақлақа қишлоғида яшайди, Қорақўл тумани. Унинг оиласи 7 кишидан иборат.

7. Авлиёкул Амин Раҳмонбердиев – Сўксўк қишлоқ советига қарашли Зоғорақаш қишлоғида яшовчи, Қорақўл тумани. Онаси, иккита хотини ва иккита ўғли бор.

8. Жаббор Абдухолиқов – Қозон қишлоқ советига қарашли Дарғабоғ қишлоғида яшайди, Қорақўл тумани. Хотини, кизи ва ўғли бор.

9. Сағат Полвон Мадийров – Олот қишлоқ советига қарашли Қизилбод қишлоғида яшайди, Қорақўл тумани. Хотини ва боласи бор.

10. Абдул Манноп Пўлатов – Қаландархона қишлоқ советига қарашли Жаъфари қишлоғида яшайди. Учта хотини бор, бойвачча[9] (Сибирга сургун қилинган), иккита синглиси, Маҳаматқулнинг хотини ва учта боласи бор.

11. Саид Хўжа Бақо Хўжаев – Лақлақа қишлоқ советига қарашли Қаҳрамон қишлоғида яшайди, Ромитан-Хайрбот тумани. Унинг оиласи 5 кишидан иборат.

12. Саид Мурод Хўжа Файзуллаев – Аламдор қишлоғида яшайди, Ромитан тумани. Унинг оиласида 7 киши бор, битта ўғли тижорат билан шуғулланади.

13. Нарзи Хўжа Абдул Сатторов – Чилонғу қишлоқ советига қарашли Супсан қишлоғида яшайди, Ромитан-Хайрбот тумани. Унинг оиласи 5 кишидан иборат, иккита ўғли тегирмонда ишлайди.

14. Рўзи Қурбонов - Чилонғу қишлоқ советига қарашли Чилонғу қишлоғида яшайди, Ромитан-Хайрбот тумани. Унинг оиласи 8 кишидан иборат.

15. Солих Камолов - Азбоб қишлоқ советига қарашли Работи Алла қишлоғида яшайди, Ромитан-Хайрбот тумани. Унинг оиласи 9 кишидан иборат.

16. Чўли Ўринов – Кашан қишлоқ советига қарашли Катта Баёт қишлоғида яшайди, Қорақўл тумани. Ўз укаси билан биргаликда туради, оила аъзоларининг умумий сони 20 кишидан иборат”[10].

Бухоро воҳасидан сургун қилинган ушбу 22 оила (192 нафар кишидан иборат)нинг тақдирини эса аянчли тугайди. Уларнинг аксарияти сургун давомида ўз туғилиб ўсган жойларидан олисда бадарғаликда вафот этишди. Совет

хокимияти йилларида Бухорода қатағон қилинган бундай кишиларнинг миқдори бир неча ўн минг кишидан иборатдир.

1928 йилга тегишли бошқа бир ҳужжатда ҳам бухоролик 22 нафар машҳур бойларнинг рўйхати келтирилади. Бу рўйхатда Чориқулбой Нафасов, Эшон Ҳакимхон Судур Султонов, Зубайт Хўжа Ҳусейнов, Курзобой оқсоқол Ўрунов, Саид Кайвони Хўжа Аҳмад Хўжаев, Жўрабой оқсоқол Убайдуллаев, Ҳамро Умидов, Беги Ҳусейнов, Муҳаммадхўжа Ҳидоятлов, Мулла Ражаб Алимов, Авлиёкул амин Раҳмонбердиев, Жаббор Абдухолиқов, Сагат Полвон Мадийеров, Чўли Ўринов, Абдул Манноп Пўлатов, Саидхўжа Бақоқўжаев, Саид Муродхўжа Файзуллаев, Иброҳим Муродов, Нарзиқўжа Абдул Сатторов, Рўзи Қурбонов, Умархўжа Музаффаров, Солиқ Камолов[11] каби бойларнинг исми мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси совет ҳукумати томонидан қатағон қилинган. Яна бошқа бир ҳужжатда келтирилишича, Чориқулбой Нафасовнинг 31 кишилик катта хонадони (бир ҳужжатда хонадон аъзоларининг миқдори 45 киши деб кўрсатилган) Бухородан 1928 йил 1 октябрда Оренбургга сургун қилинган. Сургун қилинишидан аввал Чориқулбой Нафасов ва унинг ўғли Рўзимурод Чориқулов ўз оилалари билан битта хонадонда Ромитан туманидаги Шўрча қишлоқ советига қарашли Қоқиштувон қишлоғида истиқомат қилишган. Чориқулбойнинг учта данғиллама уй-жойи бўлган[12].

Чориқулбой ва унинг зурриёдлари аввал Оренбург шаҳрида, сўнгра кўшни Туркменистон ССРнинг Чоржўй вилоятидаги Дарғонота шаҳрида сургунда яшашга мажбур қилинган.

Кулоқларга қарши кураш Ўзбекистон ССРда кун сайин кенгайиб борган. 1931 йил августда 3828 та кулоқ хўжаликлари тугатилган. Бундан ташқари, 3871 хўжалик “кулоқ оиласи” сифатида Украина, Сибир ва Шимолий Кавказга сургун қилинган. Расмий маълумотларда кўрсатилишича, 1933 йили Ўзбекистонда сургун қилинган кулоқ хўжаликлари сони 5500 тага етган[13].

Ўзбекистонда кулоқлар сифатида рўйхатга олинган ўзига тўқ хўжаликларнинг мол-мулки тўлки мусодара қилиниб, уларнинг оилалари ўзга юртлар (Украина, Шимолий Кавказ, Сибир, Қозоғистон, Узоқ Шарқ ва б.)га сургун қилинган. Шунингдек, республиканинг ўзида кулоқлар учун махсус концентрацион лагерлар (концлагерлар) ва кўчириб келтирилганларнинг 10 та мажбурий меҳнат посёлкалари ташкил қилинди. Бу посёлкалар 1931 йилда Қўқон, Чуст-Поп, Оқдарё, Икромов, Гиждувон, Бауман, Денов, Сарийосиё, Қува, Янгийўл туманларида тузилган[14]. Масалан, Бауман (ҳозирги Шофиркон) туманидаги Жилвон ва Кўли Одина қишлоқ советлари ҳудудида ана шундай иккита кулоқ посёлкалари барпо қилинган. Бухоро амирлигида полвон сифатида ном чиқарган, кейинчалик қизил армияга қарши курашган Ҳамро Полвон (1892-1942) Жилвондаги ана шундай кулоқ посёлкаларига ташланган пайтда бу ерда чўл ва кўриқ ерларни ўзлаштириб, Жилвон (ҳозирги Ҳамро Полвон [Полвонобод]) қишлоғига асос солган[15]. Совет ҳокимиятига қаршилик қилган кулоқлар эса қамоққа ташланган ва отиб ўлдирилган.

Масалан, биргина Шофиркон туманида 1929-1934 йилларда 510 хонадон “кулоқ хўжалиги” сифатида СССРнинг Украина, Кавказ, Қозоғистон, Сибир ҳудудлари ва Ўзбекистон ССРнинг айрим жойларига сургун қилинади. Статистик маълумотларга қараганда, 1932 йили Шофиркон туманида 37 142 киши яшаган. Ҳар бир хонадонда ўртача 5-6 киши яшашини эътиборга олсак, атиги 37 минг аҳоли истиқомат қилган биргина Шофиркон туманидан 2500-3000 киши қатағон қилинади[16]. Юртдан сургун қилинганлар қаторида Саврак

қишлоғида туғилган ўзига тўқ хонадон соҳиби Раззоқ бобо (1850-1930)нинг ўғли, Боғиэфзал қишлоғида яшовчи ёш йигит Шароф Раззоқов (1906-1975) ҳам бўлган.

Хуллас, Шароф Раззоқов 1930 йили 24 ёшида қулоқ қилиниб, илк марта қамокқа ташланган. Бу табаррук инсон ўзининг қарийб 70 йиллик умри давомида 7 марта совет режими томонидан қамокқа олинди ёки сургун қилинди [17]. Иродали, имон-эътиқодли, исломий билимларни пухта эгаллаган Шароф бобо ҳар гал қамокдан ёки сургундан қайтгач, ўзининг одатдаги машғулоти бўлган деҳқончилик ва савдо-сотик (тижорат) билан шуғулланган. (Муаллифдан: Шароф Раззоқов менинг бобом, яъни онамнинг отаси ҳисобланади. Каминанинг болалиги Боғиэфзал қишлоғида Шароф бобом ва Хадича бувим хонадонида тоғаларим уйида ўтган. Мен Раззоқовлар хонадонининг мустаҳкам чинори бўлган Шароф бобонинг невараси эканлигимдан чексиз гурурланаман. Шароф бобонинг ўғитлари, Туронюрт тарихининг шонли кечмишлари ҳақидаги тарихий ҳикоялари ҳамда иймон ва эътиқод ҳақидаги насиҳатлари, эҳтимол, 10-12 яшар болакай бўлган менинг қалбимда тарихчи бўлиш фикрини туғдиргандир. Эҳтимол, боболарнинг шонли ва фожиали ҳаёти мени муаррих бўлишга даъват этгандир...)

Шундай қилиб айтганда, XX аср 30-йиллари бошларига келганда Бухорода уламо ва бойларни қатағон қилиш авжига чиқади. 1936-1939 йилларда бир қанча нуфузли ислом дини арбоблари “аксилсовет миллатчи мусулмон руҳонийлари ташкилотини тузганлик”да, совет ҳокимиятига қарши турли йўллар билан кураш олиб борганлик ва “панисломизм” ғоялари тарғиб қилганликда айбланиб, ўлим жазосига ёхуд узоқ муддатли қамок жазосига ҳукм қилинган. Шу тарзда мустабид совет режими Бухородаги уламо ва бойларни ҳам бутун Ўзбекистон ССРда бўлгани сингари оммавий равишда қатағон қилган.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар:

1. Бухоро вилояти давлат архиви (Бухоро ВДА), И-1-фонд, 20-иш, 23-35-варақлар.
2. Ражабов Қ. Чориқулбой Пирнафасбой ўғли // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Том 9. –Тошкент: ЎЗМЭ Давлат илмий нашриёти, 2006. –Б.649.
3. Ражабов Қ., Эргашев О. Бухоро воҳасида яшовчи бойлар ва уламоларнинг қатағон қилиниши // “Бухоро Давлат университети илмий ахбороти” (Бухоро). 2008. №3. –Б.13-18.
4. Бухоро ВДА, И-1-фонд, 20-иш, 23-24-варақлар.
5. Бухоро ВДА, И-1-фонд, 20-иш, 33-варақ.
6. Ражабов Қ., Муҳамеджанова Л. Ромитан тумани тарихи (Қисқача маълумотнома). – Тошкент: Tafakkur, 2015. –Б.51-52.
7. Бухоро ВДА, И-1-фонд, 30-иш, 111-варақ.
8. Бухоро ВДА, И-1-фонд, 1-рўйхат, 70-иш, 73-варақ.
9. Абдул Маннон Пўлатовнинг ўғли машхур гиждувонлик Абдулл’абой (уни Абдулла бойвачча ҳам дейишган)
10. Бухоро ВДА, И-1-фонд, 1-рўйхат, 70-иш, 66-67-варақлар.
11. Бухоро ВДА, И-1-фонд, 1-рўйхат, 20-иш, 38-варақ.
12. Бухоро ВДА, И-1-фонд, 1-рўйхат, 70-иш, 73-варақ; 30-иш, 101-варақ ва б.
13. Шамсутдинов Р., Ражабов Қ. Қулоқлаштириш // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Том 11. –Тошкент: ЎЗМЭ нашриёти, 2005. –Б.144-145.
14. Трагедия Среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. 1929-1955 гг. Документы и материалы. В трёх томах. Составители: Р.Шамсутдинов, Б.Расулов. Под редакцией Д.А.Алимовой.–Ташкент: «Шарк», 2006.Том 2. – С. 315; Ўзбекистон РИДА, 58-фонд, 7-рўйхат, 245-иш, 57-варақ.
15. Ражабов Қ., Ражабов Д. Ҳамро Полвон (Тарихий эссе). –Тошкент: Abumatbuotkonsalt, 2011. –Б.23-24.
16. Ражабов Қ. Раззоқ бобо ерлари (Тарихий эссе). –Тошкент: Zarqalam, 2006. –Б.8-16.
17. Ражабов Қ., Бобомуродов К. Шофиркон тумани тарихи (Қисқача маълумотнома). – Тошкент: Tafakkur, 2015. –Б.33.



**ПАХТАЧИЛИКДА БОЗОР ТАМОЙИЛЛАРИ ЖОРИЙ
ЭТИЛИШИГА ОИД ИСЛОҲОТЛАР
(БУХОРО АМИРЛИГИ МИСОЛИДА)**

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022>.

*Амонова Феруза Саъдуллаевна,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори PhD, Низомий номидаги
Тошкент давлат педагогика университети
<https://orcid.org/0000-0001-9236-9857>*

Аннотация. Ушбу мақолада XIX аср охири ва XX асрнинг биринчи ярмида Бухоро амирлигида қишлоқ хўжалик соҳасида катта ўзгаришлар, пахта хом ашёсини тайёрлаш, ташиш, сақлаш, қайта ишлашни йўлга қўйиши, пахта етиштиришида пахтакорларнинг иштироки, янги ерларни ўзлаштиришига оид саъй-ҳаракатлар, пахтага бўлган эҳтиёжнинг ортиши хусусий тадбиркорлар ва маҳаллий сармоядорларни давлат банклари орқали қўллаб-қувватлаш механизмнинг жорий этилиши, архив ҳужжатлари ва тарихий адабиётларнинг қиёсий таҳлили асосида ёзилган.

Калит сўзлар. бунак, кредит, концессия, фирма, ширкат, акциядорлик жамиятлари, десятин, станция, завод.

**РЕФОРМЫ ПО ВНЕДРЕНИЮ РЫНОЧНЫХ ТЕНДЕНЦИЙ В
ХЛОПКОВОДСТВЕ (НА ПРИМЕРЕ БУХАРСКОГО ЭМИРАТА)**

*Амонова Феруза Саъдуллаевна,
доктор философии по истории PhD, Ташкентский государственный
педагогический университет имени Низами*

Аннотация. В данной статье рассматриваются основные изменения в сельском хозяйстве, Бухарского эмирата, такие как подготовка, транспортировка, воспроизводство, переработке хлопка-сырца, участие хлопкоробов в хлопководстве, усилия по освоению новых земель, увеличение спроса на хлопок на основе внедрения механизма поддержки частных предпринимателей и местных инвесторов через государственные банки на основе сравнительного анализа архивных документов и исторической литературы конца XIX и первой половины XX вв.

Ключевые слова. бунак, кредит, концессия, фирма, компания, акционерное общество, десятин, станция, завод.

**REFORMS ON THE INTRODUCTION OF MARKET TRENDS
IN COTTON GROWING (ON THE EXAMPLE OF THE BUKHARA
EMIRATE)**

*Amonova Feruza Sa'dullayevna,
doctor of philosophy in
history PhD, Tashkent state pedagogical university named after Nizami*

Abstract. This article discusses major changes in the agricultural sector in the Bukhara emirate such as, preparation, transportation, reproducing, storage processing of raw cotton, participation of cotton growers in cotton growing, efforts to develop new lands, the increase in demand for cotton to the introduction of a mechanism to support private entrepreneurs and local investors through state banks,

based on a comparative analysis of archival documents and historical literature in the end of XIX and first half of the XX centuries.

Keywords. bunak, credit, concession, firm, company, joint stock company, desyatin, station, factory.

Кириш. Бухоро амирлиги аграр хўжаликка асосланган ҳудуд. Енгил саноатининг асосини пахта, ипак, жун матоларини ишлаб чиқаришга қаратилган. Пахтачилик ва уни қайта ишлаш тизими катта тарихий йўлни босиб ўтган. XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро амирлигида қишлоқ хўжалик соҳасида катта ўзгаришлар даври бошланган. Қишлоқ хўжалик соҳасидаги асосий эътибор пахта етиштиришга қаратилган. Айниқса, Бухоро амирлиги Россия империяси томонидан босиб олинган, рус саноат-корхоналарининг хом ашё ишлаб чиқаришида амирлик қишлоқ хўжалигини ихтисослаштириш, пахта етиштирадиган ва суғориладиган ер майдонларини кенгайтиришга қаратилган бир қатор ислохотларни амалга оширган.

Методлар ва ўрганилиш даражаси. Ушбу мақола XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро амирлиги қишлоқ хўжалигидаги ўзгаришлар, пахта саноатининг ривожланиши ва унинг иқтисодий ҳаётга таъсирини “Туркестанский сборник”, “Туркестанская ведомости”, “Закаспийское обозрение”, “Таржимон”, “Турон”, “Туркестан”, “Русский Туркестан” газеталари ва Ўзбекистон миллий архиви И-1, И-2, И-3 фондларида сақланаётган ҳужжатларни қиёсий таҳлил қилиш орқали ёритилган.

Тадқиқот натижалари. XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро амирлигида деҳқончилик билан шуғулланадиган умумий ер майдони 2 700 000 десятина [1] бўлиб, иқтисодининг асосини қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан олинадиган даромад ташкил қилган. Суғориладиган ер майдонлари кам бўлганлиги сабабли аҳоли чорвачилик, қорақўлчилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдоси билан шуғулланган. Амирликнинг қишлоқ хўжалигида пахта етиштириш ғалла ва дон маҳсулотларини етиштиришдан кейинги даражали касб бўлган. Аммо пахтага бўлган эҳтиёжнинг ортиши чет-эл тадбиркорларини амирлик ҳудудида пахтачиликни ривожлантириш чораларини излашга мажбур қилган. Бунга асосий омил сифатида Каспийорти ҳарбий темир йўлининг амирлик ҳудудларидан ўтиши ва пахтани қайта тозалаш корхоналарининг кўпайиши, катта фойда эвазига тозаланган пахтани Россия империясидаги тўқимачилик марказларига етказиб бериш талабининг ортиши сабаб бўлди.

Бухоро амирлигида етиштирилган пахта толасининг сифати Тошкент ва Фарғона водийси пахтасидан биров устунлик қилган. Иқлим шароитидан келиб чиқиб деҳқонлар кўп ҳолларда пахтанинг “малла ғўза” навини етиштирган [2]. Вақт ўтиши билан пахтанинг бу нави харидорларнинг талабини қондира олмаган. Чунки бу навнинг ҳосили кам ҳамда толаси калталиги учун завод эгалари талабига жавоб бермаган. Натижада заводчи бойлар ва пахта савдоси билан шуғулланувчи савдо уйлари ҳамда якка тадбиркор ва ишбилармонлар XIX аср ўрталаридан пахтанинг америка навини маҳаллийлаштиришга уринишган.

Бухоро ва америка пахтаси ўртасидаги нарх катта фарқ қилмаган. Бухоро пахтаси америка пахта нархига қараганда пудига бир ярим рубль фарқланган. Россия сармоядорларининг асосий даромади америка пахта савдосидан олган. Пахта мавсуми даврида бир пуд америка пахтасини 3 рубль 10 копек, 70 пудини 217 рублга баҳолаган.

Америка ва маҳаллий пахта навлари ўртасидаги фарқ шундаки, маҳаллий

пахтага кўп минерал ўғит керак эмас, бир жойда кетма-кет икки-уч йил пахта етиштириш мумкин. Бухоронинг шўр тупроғига мослашган, ҳосилни аста-секин куз фаслининг охиригача йиғиб олиш мумкин. Америка пахта уруғи ерга чуқурроқ экиш лозим, пахта очилиши билан йиғиб олиш шарт, кўпроқ минерал ўғитни талаб қилади. Бу омиллар сабабли 1880 йилларда Америка пахтасининг “Упланд” нави маҳаллий шароитга мос тушиб кўп ҳосил олинди. Бу умумий пахта майдонларининг кенгайишига олиб келди[3].

Пахта ялпи ҳосилининг ошишига қарамай, саноат учун хом ашё мутлақо етишмас эди. 1912 йилга қадар етиштирилган пахта ҳосили саноат эҳтиёжини 40 фоизга таъминлагани ҳолда, колган 60 фоиз пахта қўшни ҳудудлардан сотиб олинар эди. Асосий сабаби пахта етиштириладиган ҳудудларда ерни ишлайдиган янги техника етишмаслиги, алмашлаб экиш йўлга қўйилмагани каби омиллар пахта ҳосилдорлигини тез суръатлар билан оширишга йўл қўймас эди[4].

Тадқиқотчи М.К.Рожкованинг фикрича, бу жараён анча аввал бошланган. Унинг асарларида 1859 йилда билвосита В.А.Биковский савдо уйи томонидан бухоролик Саид Маъруф орқали 2 пуд америка пахта уруғи олиб келинганлиги ҳақида маълумотлар келтирилган: “Маҳаллий пахта билан бирга америка пахта уруғини етиштириш 1860 йилдан йўлга қўйилди ва Россияга етиштирилган ҳосилдан 10 пуд америка пахта хом ашёси олиб кетилди. 1861 йилда Бухорода тахминан 20 пуд америка пахтаси экилган” [5].

Пахтанинги янги навини экишни кенгайтириш мақсадида рус ишбилармонлари суғориладиган ер майдонларини ижара олаган. 1888 йилда савдогар С.И.Мазов Бухоро ҳукуматидан Амударёнинг ўнг қирғоғида жойлашган Ўрта Осиё темир йўлининг Фароб станцияси яқинидаги ерларни ижарага олган ва 30 десятин майдонда америка пахта навини экган [6].

Худди шу йили, Бухоро амири Абдулахадхон рус амалдори Н.П.Кудриннинг “Н. Кудрин ва К” Ўрта Осиё савдо-саноат ширкатини амирлик ҳудудида америка навли пахта етиштиришни кенгайтиришга оид таклифига рози бўлиб, унга қанча ер зарур бўлса ажратилишига рухсат берган. Ширкат учун Янги Чоржўйдан 40 верст узоқликда жойлашган қиймати 1 000 000 рублга баҳоланган 1000 десятина ерни ажратган[7].

“Н. Кудрин ва К” Ўрта Осиё савдо-саноат ширкати ўз фаолиятининг дастлабки кунларидаёқ Ўрта Осиёда Америка навли пахтасини етиштириш учун Америка қитъасидан чигит олиб келиш билан шуғулланган. Александр Лукич Лосев Америкадан пахта уруғи (чигит) олиб келишда кўп қийинчиликларга учраган. Шундан сўнг пахта уруғини Марселдан олиб келишни йўлга қўйган. Ўрта Осиёда етиштирилган пахта чигити “зайтун” номи остида Марселдаги ёғ ишлаб чиқарувчи заводларга жўнатилган[8].

Ерни ижарага олиб пахта майдонларини кенгайтирмоқчи бўлган фирмаларнинг сони ортиб борди. Натижада 1900 йилга келиб Бухоро амирлигида тозаланган пахта йилига 800 000 пуддан 1 000 000 пудга етган[9].

1890 йилнинг бошларида пахтани текишириш институти ташкил этилди ва XX аср бошларида бухороликлардан иборат пахта бўйича бош инспектор лавозими жорий қилинди. Мир Ҳайдар Мирбадалов узоқ вақт мобайнида инспектор лавозимида ишлади [10]. Текшириш институтининг вазифаси пахта экишни кенгайтиришда қўмаклашиш ва сифатини яхшилаш, Россияга экспорт қилинадиган пахта сифатини назорат қилиш, рус акциядорлик жамиятлари ва ширкатлари томонидан фермерларни молиялаштиришни назорат қилишдир[11].

Бухоро амирлигида 1898-1899 йилларда пахтадан кўп ҳосил олинди. Пахта

тозалаш заводларида апрел ойининг охирига қадар хом ашёни тозалаш ишлари давом этмоқда. Сўнги ҳосилдан маҳаллий савдогарлар ўз омборларига катта миқдорда пахта йиғди. Савдогарлар кам ҳосил олинган вақтда омбордаги пахтани юқори нархда сотди. Москва пахта бозорида Бухоро пахтасига бўлган талаб юқори бўлди. Ҳозирга қадар қўлда тозаланган пахтани сотиб олган фирмалар келгуси мавсумдан маҳаллий аҳолига бўнак (рус савдогарлари томонидан пахта сотиб олиш учун олдиндан тўланадиган тўлов) асосида хом ашёни сотиб олишни бошламоқдалар. Бунинг учун фирманинг пахта тозалаш заводи бўлиши керак. Оқибатда фирма ер мулкга эга бўлди [12].

Пахта учун бўнак берган фирма вакили бўнак олган маҳаллий аҳолига нима сабабдан катта миқдордаги пахтага бўнак олдинг сенинг учун пахтани бозорга чиқариб сотиш қулай эмасми деб сўраганда у қуйидагича жавоб берди: “Пахтани ташиш учун пул сарфлашнинг иложи йўқ. Мен юкларни жуда қийинчилик билан олиб келдим, бозорда пахта жуда кўп эди. Ҳеч ким мени пахтаман нархи билан қизикмади. Эртаси куни яна пахта олиб келдим. Мендан фақат ғўза сўрашди. Фирма вакили нега иккаласини ҳам олиб келмадинг деганда ўзининг шахсий транспорт воситаси йўқлиги, лой йўллардан юкни ташиш нархи жуда юқори бўлишини, агар фирмалардан бўнак олиб белгиланган пахтани топширсам йўл харажатларидан ва бозордаги ҳинд даллолларида халос бўлишини айтди” [13]. Бундай маълум бўладики, деҳқон шу қадар камбағал эканки, ҳатто юк ташишда эшаги ҳам йўқлигини инобатга олсак, бўнак эвазига пахта етказиб бериши маъқулроқ бўлади. Дастлаб бўнак олган деҳқон терилган ҳосилни фирманинг ўзи пахтани ташиб кетмаса деҳқон ўзи учун қулай бўлган вақтда керакли миқдорда етказиб бериш имконияти бор эди. Кейинчалик бўнак бериш талаблари ўзгариб савдогар фойдасига хизмат қилди. Бўнак тартибининг ёмон томони шундаки, кейинги йил пахта ҳосили учун олдиндан бўнак олган пахтакорлар эски йилдаги пахта нархи билан ишлаб чиқарувчиларга пахта топширган.

Фирмалар кўп ҳолларда бўнакни пахтани бозордан сотиб олиб уни уйда қўлда қайта ишлаш билан шуғулланадиган маҳаллий аҳолига берган. Аҳолининг энг қуйи қисми ишлаб чиқариш саноатининг энг майда тури (хунармандчилик) билан шуғулланган.

Пахта бозоридаги воситачилар фирмалардан олдин пахтакорлардан жуда паст нархларда пахта сотиб олиб қўйган. Рус фирмалари пахтани тўғридан-тўғри пахтакорлардан эмас, маҳаллий воситачилар орқали сотиб олган. Воситачилар бозордаги нархни манфаати йўлида сунъий равишда кўтариб юборган. Бундай бўнак берган фирмалар фойда кўрмаган. Қолаверса, бозорга киритилган пахта тўғри воситчилар қўлига келган. Кейин нарх қўйиб фирмаларга сотган [14]. Рус тадбиркор ва фирмалар Бухородаги сиёсий агентга бозорларда пахта нархини изга солишни мурожаат қилганлар. 1899 йил 10 октябрда Бухоро ҳукумати билан келишган ҳолда бўнак тартибини ҳар қандай ҳолда тўхтатиш кераклиги тўғрисида битим тузилган [15]. Ушбу қоидага амал қилмаган фуқаро миллатидан қатъий назар давлатга хиёнат қилганликда айбланган [16].

Эндиликда рус фирма ва ширкатлар аҳолига кредит беришни бошлади. 3 ой муддатига 15 рубль пул олса унинг фоизи 3 рублни ташкил қилган. Олинган кредитни вақтида тўлай олмаса ер мулкидан маҳрум бўлиб, ёлланма ишчига айланган. Деҳқонлар кредит олгандан кейин етиштирган маҳсулотини бозорга эркин сота олмаган. Кредитнинг бу тури озгина фарқни ҳисобга олмаганда бўнакнинг ўзгарган шаклига ўхшайди [17].

1875 йилда Туркистон генерал губернатори К.П.Кауфманнинг буйруғига

кўра Ҳисор тизмаси тоғларидан то Амударёгача ва Кўлоб беклигигача бўлган худудларни чуқур ўрганиш мақсадида Бухоро амирлигига ташриф буюрган “Туркестанские ведомости” газетаси муҳаррири Н.А.Маев XIX аср иккинчи ярмида Бухоро амирлигининг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, географик ўрни ҳақида муҳим маълумотларни беради. Чўчкагузардан Ҳисоргача бўлган экспедициямиз давомида шунга амин бўлдимки деб ёзади Маев монографиясида Сурхон воҳаси ерларига шунчалик моҳирона ишлов берилганки, Шодибой қишлоғидан Деновга қадар бирон-бир жойда бир қарич ҳам бўш ётган ерни кўрмадик. Мен бу ерни ўлкани ғалла маскани, асосий омборхонаси деб атаган бўлар эдим. Амирлик пойтахтига ғалла ва шойи, қўйлар подасини олиб кетишади. Айни пайтда Сурхон воҳасида пахта етиштирилмайди. Чунки уни қайта ишлаш ва ташишда муоммолар мавжуд. Фақат Шерободдан пахта Бухоро шаҳрига жўнатилади [18]. Дарҳақиқат, Ҳисор, Шеробод XIX асрнинг 70 йилларида Бухоро амирлигининг энг муҳим бекликларидан бўлган.

Бухоро амирлигининг чегара худудларида жойлашган қадимги Термиз шаҳри ўзининг қулай-географик жиҳатдан жойлашуви билан мустамлакачиларнинг барча ҳарбий стратегик манфаатларига мос келар эди. Қолаверса, метрополияда ривожланаётган саноатни хом ашё билан таъминлаш мақсадида, сунъий суғориш тизимини йўлга қўйиб, ўта арзон нархлардаги пахта хом ашёсини етиштириб бериш ва шу орқали Россия империясининг жаҳон бозоридаги пахтага бўлган талабларини қондириш мумкин бўлган.

Бухорода амирлик ҳукумати ҳам саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдан манфаатдор бўлган. Янги Термизда ҳарбий-стратегик таянч марказини вужудга келтиргач, бу ўлканинг ер майдонларига эгалик қилиш, пахта етиштиришни кўпайтириш, янги пахта экиладиган майдонларни кўлга киритиш масаласига жиддий киришди. Шунинг учун 1899-1915 йилларда империя ҳукумати билан Бухоро амирлиги ўртасида суғориладиган ерларни кенгайтиришга қаратилган бир нечта битимлар имзоланди. Биргина рус ҳарбий муҳандиси Александр Ананьевнинг Шеробод чўлини ўзлаштириш лойиҳасини мисол қилиш мумкин. 1912 йил 23 февралда муҳандис А.Ананьев Шеробод водийсида 72000 десятин ерни суғориш учун амир ҳукумати билан имтиёз шартномасини имзолади. Лойиҳани бажарилишидан халқ умидвор эди [19].

Шеробод жамияти томонидан ишлаб чиқилган Шеробод водийсини суғориш лойиҳасида концессия худудларида пахтани дастлабки қайта ишлашни амалга оширадиган янги маъмурий ва саноат марказини яратиш режалаштирилган эди.

Бухоро шаҳрида чоп этилган “Турон” газетасининг 1912 йил 4 декабрдаги сонидан рус ҳарбий инженери ва гидротехниги А.Г. Ананьевнинг Шеробод даштларини ўзлаштириш лойиҳаси ва афзалликлари ҳақидаги фикрлари чоп этилди. Газетанинг ёзишича, “Инженер Ананьев Шеробод ерларини обод қиламан деб ҳаракат қилмоқда. Сурхон водийсида сув чиқармоқ учун 3-4 йил ариқ қазишмоқчи бўлишди. Шунинг учун у маблағ ахтариб Москвага кетди. У кетгач инженерсиз Шеробод беклиги аҳли 1500 мардикор билан 50 кунда Сурхон дарёсидан 30-40 чақирим ерга катта ариқ қазиб, сув чиқардилар. Худо мувофиқ қилса, келадурган йил Шеробод вилоятида ғалла кўп бўлиб, ҳукумат хазинаси учун ҳам, Русия манфаати учун ҳам хизмат қилишига умид қиламиз” [20].

“Турон” газетасидаги “Имрон ватан” мақоласида яна ёзилишича, “Муҳандислар Амударёдан Бухорога канал қазишни мақсад қилган эдилар. Агар Фороб станциясининг шимолидан Бухорога канал қазилса муродил ҳосил бўлур. Бу канални қазиш осон бўлади. Чунки Амударё билан Бухоро орасида

тоғлар йўқ. Тупроғи юмшоқ, масофа яқин. Бу канални ҳашар йўли билан 3000 одам билан 87 кунга 100 чақирим масофада ариқ қазиш мумкин. Бунинг давлат хазинасидан ва Бухоро аҳлидан моддий ёрдам қилинса иш осон бўлур. Мамлакатимиз янада обод бўлур эди”[21]. Ерларни ўзлаштириш натижасида XX аср бошларида Шеробод, Денов, Бойсун ва Сарижўй худудларида пахта экин майдонлари анча кенгайди[22].

1917 йилда февраль ва октябрь воқеалари оқибатида концессия ишлари кенг қамров ололмади Режалаштирилган ишлар, иш ташлашлар ва стачкалар оқибатида амалга ошмай қолди. Бунинг устига 1917 йилда мисли кўрилмаган қурғоқчилик бўлди. 1918 йил мартда Ф.Колесовнинг Бухорога юриши оқибатида амирнинг русларга бўлган муносабати кескинлашди. Концессияга салбий муносабатда бўлган маҳаллий аҳоли Навшаҳардаги ва Оқжардаги биноларни вайрон қилди. Оқибатда Шеробод концессияси амалда тугатилди[23].

“Закаспийское обозрение” газетасининг 1901 йил 28 сонидида эълон қилинган маҳаллий хабарга кўра: “... Бухорода пахта компаниялари кўтаринки руҳда ишламоқда. Москва ва Лодз фабрикаларига Бухорода янги қурилаётган заводлардан пахта жуда кўп етказилмоқда. 38 пуддан иборат прессланган пахта 100-105 танга (17 тийин)га баҳоланган. Пахтанинг сифати жуда юқори. Пахтачилик ширкатлари пахта чигитини Батум (ҳозирги Ботуми) орқали чет элга экспорт қилиш бўйича музокаралар олиб бормоқда”[24]. Шунингдек, ширкатлар молия бўлимига Ўрта Осиё ва Каспийорти ҳарбий темир йўлиларида пахта чигитини ташиш тарифларини пасайтириш тўғрисида илтимос билан мурожаат қилишган.

Бухорода пахта экин майдонларининг сони табиий равишда 2 бараварига купаяди. 6-7 миллион рубль маблағига эга бўлган ер эгаларининг умумий ялпи даромади 20-25 миллионга етади. 1908-1910 йиллар пахта етиштириш икки баробар ўсганлигини ҳисобга олиб, келажакда йилига бир миллион пуд пахта олиш кўзда тутилди. Ўзлаштирилган ерларга тўрт йил давомида ўн минг рус оиласини, ҳар бирига 6 десятина ер ажратиш шарти билан жойлаштириш режалаштирилди. Пахта майдонларининг кенгайиши ҳисобига 1913 йилга келиб Бухоро амирлигининг шарқий бекликларида пахта етиштириш 2 375 000 пудга етган. Шу йили амирликда 62000 десятина ерга пахта экилган[25].

Концессия асосида олган ерларни тадбиркорларнинг бирортаси ҳам ерларни 10/1 қисмини ҳам суғоришга эришмади. Ҳолбуки, уларнинг баъзилари бу соҳа учун катта капитал киритди. Рус тадбиркорлари маҳаллий деҳқонлар ва ер эгаларига нисбатан адолатсизлик қилди. Уларга нисбатан зулм ўтказди, уларни ерларини мажбуран тортиб олди. Оқибатда ер эгалари ва тадбиркорлар ўртасида ҳатто тўқнашувлар содир бўлди. Россиядаги октябрь инқилоби концессияларнинг Бухоро амирлигидаги барча ҳуқуқларини бекор қилди[26].

1916 йили 23 та йирик фирмаларни бирлаштирган Россия пахта саноати ширкати асосида тўқимачилик фирмалари синдикати тузилди. Бу синдикат 1916-1917 йилларда Фарғона вилояти ва Бухоро амирлигининг худудида хусусий пахта тозалаш ва ёғ заводлари қуриш учун ер сотиб олди[27]. Бироқ октябрь тўнтариши синдикат фаолияти ривожига салбий таъсир қилди.

Пахта саноатини йил сайин ривожланишининг иқтисодий таъсирлари биринчидан, кўмир ва нефть: пахта экишни кучайтириш ва пахта майдонларни кенгайтириш натижасида рус тадбиркорларнинг сармояси иштирокида 1890 йилда вужудга келган пахтани қайта ишлаш заводларнинг кириб келиши ва ёқилғи маҳсулотини сифатида нефть ва кўмирга бўлган талабнинг ортиши икки

томонлама фойда олиш имконини берди. Иккинчидан, ғишт ва метал: янги корхона биноларини ва амирлик ҳудудида вужудга келган рус манзилгоҳлари қурилишида ғишт ва метал маҳсулотларига эҳтиёж ортди. Натижада, Каспийорти темир йўли орқали ушбу маҳсулотлар оқими кучайди. Ҳатто, амирлик ҳудудида 30 дан ортиқ ғишт заводлари вужудга келди. Учинчидан, пахта ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши четга сотиш ва сотиб олиш бозорининг ўсишига туртки бўлди. Тўртинчидан, капитал манбалари: енгил саноат тармоқларининг ривожланиши ва тармоқ корхоналарини молиялаштириш учун кўпроқ сармоя талаб қилар эди. Бу ўз ўрнида капитал манбаи бўлган банкларни кириб келишининг асосий омили бўлган.

Хулосалар. Хулоса қилиб айтганда, XIX аср охири XX аср бошларида Бухоро амирлиги ҳудудида пахта етиштириш, қишлоқ хўжалиги экинларига нисбатан сердаромад соҳага айланди. Россия тадбиркорлари ўзларининг асосий сармоясини амирликнинг қўриқ ва бўз ерларини ўзлаштиришга қаратиши оқибатида пахта майдонлари кескин равишда кенгайди. Темир йўл тармоғининг амирлик ҳудудига кириб келиши катта миқдордаги пахтанинг четга ташиб кетилишига сабаб бўлди. Пахта майдонларининг кенгайиши, пахта савдоси билан шуғулланиш оқибатида бир томондан маҳаллий сармоядорларнинг кўпайишига сабаб бўлган бўлса, иккинчи томондан маълум муддатда ижара олинган ва ўзлаштирилган ерлар амир ихтиёрида бўлмаган, маҳаллий аҳоли пахта майдонида ёлланма ишчи бўлиб ишлашига, фойда ўрнига зарар кўриб, қарз эвазига мол-мулкидан ажралиб ерсиз деҳқонга айланишига олиб келди. Қолаверса, асосий экинлар ғалла, шоли, полиз экинлари экиладиган майдонларнинг қисқариши аҳолини турмуш тарзини оғирлаштирди. 1917 йилда содир бўлган сиёсий воқеалар сабабли пахтани экспорт қилиш кескин пасайди. Бухоро амирлигининг Россия империяси билан алоқаларининг узилиб қолиши иқтисодиётига жиддий таъсир қилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Губерович-Радобильский А. Экономический очерк Бухары и Туниса. – Санкт-Петербург. 1905. – С.18.
2. Зиёев Х. Чоризм ва пахта ҳокимлиги // Шарқ юлдузи. №5. 1991. – Б.171.
3. Переработка хлопкового сырья в Бухаре // “Закаспийское обозрение” (Асхабад). № 183.18 августа 1901 г.
4. Новая Бухара // Туркестан (Ташкент). №25. 30 октября 1912 г.
5. Рожкова, М.К. Экономические связи России со Средней Азией 40-60-е годы XIX века. – Москва: Академия наук СССР, 1963. – С.147.
6. Тухтаметов Т.Г. Россия и Бухарский эмират в начале XX века. – Душанбе: “Ирфон”, 1977. - С.115.
7. Ахбори дохилия // “Таржимон”. № 35. 1887 йил 23 ноябрь.
8. Варенцов А.В. Слышанное. Виденное. Передуманное. Пережитое (Россия в мемуарах). Издание второе. – Москва: Новое литературное обозрение, 2011. – С. 25-45.
9. Хлопководство в Бухарском ханстве // Туркестанский сборник. № 468. 1908 г.
10. Ўзбекистон миллий архиви, И-3-фонд, 1-рўйхат, 194-иш, 68-70-варақлар.
11. Ўзбекистон миллий архиви, И-3-фонд, 1-рўйхат, 165-иш, 99-102-варақлар.
12. Новая Бухара // “Русский Туркестан” (Ташкент). №43. 18 апреля 1899 г.
13. Новая Бухара // “Русский Туркестан” (Ташкент). № 40. 25 декабря 1898 г.
14. Новая бухара // “Русский Туркестан”. №10. 24 января 1899 г.

15. Слуцкий И. Бунак // “Закаспийский обозрение” (Асхабад). №235. 22 августа 1900 г.
16. Бухорода бир низом // “Таржимон” № 40. 1899 йил 25 октябрь.
17. Бухорои шариф // Таржимон. № 37, 1900. 12 октябрь.
18. Маев Н.А. Бухоро хонлиги очерклари. – Тошкент. 2012. – Б.99.
19. Ананьев А.Г. Ширабадская долина. – Санкт-Петербург, 1914. - С. 3-9.
20. Мулло Абдурашид. Ободи ватан // “Турон” (Янги Бухоро). №38. 1912 йил 4 декабрь.
21. Гиёсиддин. Имрон ватан // “Турон” (Янги Бухоро). №38. 1912 йил 4 декабрь.
22. Ўзбекистон миллий архиви, И-3-фонд, 1-рўйхат, 919-иш, 1-варақ.
23. Турсунов С.Н., Турсунов А.С., Тоғаева М.Р. Шеробод тарихи ва этнографияси. “Yangi nashr”, 2014, 141 300
24. Местный хроника // “Закаспийское обозрение” (Асхабад). № 28. 4 февраля 1901 г.
25. Ўзбекистон миллий архиви, И-3-фонд, 1-рўйхат, 369-иш, 18-варақ.
26. Дятельность акционерное общество “Ширабад” по орошению Ширабадской долины // Туркестан(Ташкент). № 4. 23 января 1917 г.
27. Мусаев Н.У. XIX асрнинг II ярми – XX аср бошларида Туркистонда саноат ишлаб чиқаришининг шаклланиши. – Тошкент: “Iqtisod-Moliya”, 2008. - Б.154.

**“БУХОРО” АТАМАСИ ХУСУСИДА ТАРИХЧИ СУҒДШУНОС
ОЛИМНИНГ ЯНГИ МУЛОҲАЗАЛАРИ**DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022>.

*Отаҳўжаев Азимхўжа,
тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон ФА Тарих институти
бош илмий ходими*

Аннотация. Мазкур мақолада қадимги тиллар, хусусан суғдий, хитой, форс тиллари таҳлили орқали Суғд тарихий-маданий ўлкаси ва суғдий давлатчиликнинг ажралмас қисми бўлган Фарбий Суғд – Бухоро воҳасининг географик ўрни нуқтаи назаридан “Бухоро” шаҳри ва воҳаси атамасининг келиб чиқishi таҳлил этилган. Атаманинг суғдий тилдаги янгича талқини илмий мулоҳаза учун ўртага ташиланган ва “Бухоро” атамага тарихий тилшунослик нуқтаи назаридан изоҳ берилган. Бунда атаманинг бошқа тилларда номланиши ва бухороликларнинг қадимги ва илк ўрта асрлардаги тили суғдийда бир неча номларда аталишининг ўзига хос жиҳатлари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Бухоро, Пуҳар, Фарбий Суғд, Бухоро воҳаси, Зарафшон, Нумичкат, Фаробдиз, археология, манба, суғдий тил, хитой тили, форсий тил

**НОВЫЕ ВЗГЛЯДЫ СОГДИЙСКОГО ИСТОРИКА НА ТЕРМИН
«БУХАРА»**

*Отаходжаев Азимходжа,
доктор исторических наук, профессор, главный научный сотрудник
института Истории Академии наук Узбекистана*

Аннотация. В данной статье анализируется происхождение термина «Бухара» с точки зрения географического положения Согдийской историко-культурной области и Западно-Согдийско-Бухарского оазиса, являющегося неотъемлемой частью согдийской государственности через древние языки, в частности согдийский, китайский и персидский. На научное рассмотрение была выдвинута новая интерпретация термина в согдийском языке, а термин «Бухара» объяснен с точки зрения исторической лингвистики. Анализируются особенности именования термина в других языках и тот факт, что древний и раннесредневековый язык бухарцев назывался несколькими именами на согдийском языке.

Ключевые слова: Бухара, Пуҳар, Западный Согд, Бухарский оазис, Заравшан, Нумичкат, Фаробдиз, археология, источник, согдийский язык, китайский, персидский

**NEW VIEWS OF THE HISTORIAN SUGHD SCHOLAR ON THE
TERM «BUKHARA»**

*Otaxujayev Azimxujay,
doctor of historical sciences, professor, AS Uzbekistan chief research fellow of
the institute of History*

Abstract. This article analyzes analyzes the origin of the term «Bukhara» in terms of the geographical location of the Sughd historical and cultural region and the West Sughd - Bukhara oasis, which is an integral part of the Sogdian statehood through ancient languages, in particular Sogdian, Chinese and Persian. A new interpretation

of the term in the Sogdian language was put forward for scientific consideration, and the term «Bukhara» was explained from the point of view of historical linguistics. It analyzes the peculiarities of the naming of the term in other languages and the fact that the ancient and early medieval language of the Bukhara people was called by several names in Sogdian.

Keywords: Bukhara, Pukhar, West Sughd, Bukhara oasis, Zarafshan, Numichkat, Farobdiz, archeology, source, Sogdian language, Chinese, Persian.

Зарафшон водийси қуйи оқимида жойлашган шаҳарлар орасида Пойкент шаҳри каби Бухоро шаҳри ҳам асрлар давомида мазкур ҳудудда ўзига хос ўрин тутиб келган. Тарихий географик ўрнига кўра, Бухоро воҳаси – Ғарбий Суғднинг марказига айланган Бухоро шаҳри юртимиздаги энг қадимий шаҳарлар сирасига киради. Археолог олимларнинг изланишлари натижасида шаҳар ўрнида илк аҳоли манзилгоҳлари пайдо бўлганлигига деярли 3 минг йил бўлган. Шаҳар асосини эса учта алоҳида-алоҳида манзилгоҳлар ташкил этган. Булар манбаларда «Навмичкат – янги жойдаги шаҳар», «Фаробдиз - Фароб бўйидаги қалъа» ва «Бухоро» номлари билан келтирилган.

Бухоро шаҳри на фақат Турон замин халқлари тарихида, балки бутун Шарқ халқлари тарихида ўзига хос ўрин тутган. Бу ҳақда хитой, араб, форс, суғдий ва туркий тиллардаги манбалар қизиқарли маълумотлар қолдирган. Жумладан, хитой манбаларида Бухоро воҳаси, яъни Ғарбий Суғд - «Ан, Анго - Ан давлати», «Ги» шаклида, Бухоро шаҳрининг номиэса - «Бу-хо, Бу-гэ, Бухало» шаклларида милодий 7 – асрга оид «Тан-шу» солномасида қайд этилган. Араб манбаларида шаҳар нисбалар орқали келтирилади. Масалан, Араб халифалиги истилоси давридаги манбаларда шаҳар ҳимояси мустаҳкам бўлганлиги учун «Мадинат ус-суфия» - «Мисшаҳар», шаҳар аҳлининг машғулотига нисбатан «Мадинат ут-тужжор» - «Савдогарлар шаҳри», ислом дини маркази сифатидаги ўрнига қараб эса, «Фоҳира» - «Фаҳрли шаҳар» каби номлар билан ифодаланган. Форс манбаларига суянган ҳолда баъзи тадқиқотчилар «Боҳайра-кўл», «боҳар» - «буғ, буғланиб турувчи» маъноларидан Бухоро этимологияси келиб чиққан деган қарашларни берадилар. Айнан Бухоро аҳлининг қадимий тили суғдий тилида эса Бухоро - «Пухар» шаклида учрайди. Мазкур атаманинг суғдий изоҳи доирасида мулоҳаза юритиш, ҳақиқатни англашга ёрдам беради. Шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, «Бухоро» атамасишаҳар ва воҳага нисбатан қачондан қўлланилган ва қандай маънони ифодалаши ҳануз тадқиқотчилар орасида турли талқинларда берилмоқда. Бу ҳақда ҳанузгача ягона фикр мавжуд эмас.

В.В. Бартольд ва А. Муҳаммаджонов каби олимлар Бухоро ва Нумичкат (хитой манбаларидаги Нюми) дастлаб алоҳида-алоҳида шаҳар бўлиб, кейинчалик уларнинг ҳудуди ўзаро қўшилиб кетганлигига ишора қилишади. Маълумотларга қараганда, биргина Нумичкатнинг ўзи бешта мустаҳкам қалъадан иборат бўлган. Шу боис ҳам хитой манбаларидаги Нюми - Нумичкат, Бу-хо – Бухорога нисбатан қадимийроқ эканлиги айтилади. Нюми 5-аср манбаларида, Бу-хо эса милодий 630-йилларда юртимизга сайёҳат қилган хитойлик сайёҳ ва миссинер Сюан Цзаннинг «Хотиралар»ида тилга олинади[1]. Суғдий ёзма ёдгорликлар ва Бухорхудодлар зарб эттирган тангаларда Пухар - Бухоро атамасиасосан 7 - 9 – асрларга оид ёдгорликлар саналади. 8 – асрга тааллуқли Турк хоқонлигига мансуб Култегин битигида «Буқарак» - «бухоролик» истилоҳиэслатилади [2].

Турли даврларга мансуб тадқиқотчилар орасида юқорида айтганимиздек,

Бухоро атамаси ҳақида турлича фикрлар шаклланган. Жумладан, В.В. Бартольд илгарисурган санскритча «вихара» - «ибодатхона» талқини бизнингча ўзини кўп ҳамоқламайди. Чунки суғдий тилда кўплаб санскритча сўзлар суғдий тилли буддавий матнларидасоқланган. Санскритча «в» билан бошланувчи атамалар ва сўзлар фақат шу товушни билдирувчи сўзлардагина қўлланган ва «п»га айланиш ҳолати кузатилмайди. Шу боис ҳам «вихара»ни Бухоро деб талаффуз қилиниши мумкин эмасдек кўринади. Қолаверса, Бухоро шаҳрида бу давийлар ибодатхонаси бўлган лиги ҳамхали ўз тасдиғини топгани ўқ. Аслида хитой манбаларида Бу-хоёки Бу-гэ дейилиши маълум асосга эга. Хитой тили қонуниятига кўра, жарангсиз «п» ўрнига жарангли «б» ишлатилиши кузатилади. Масалан, Пекиннинг хитойча «Бэйцзин» деб талаффуз қилинишини ҳам мисол қилиш мумкин. «Бу-хо» каби номланишлар хитой тили қонуниятларига мослаштирилган бўлиши керак.

Ўзбек тарихчиси А. Муҳаммаджонов фикрича, Бухоро суғдча «Буғоро», яъни «тангри жамоли» деган маънони англатади [3]. Аммо суғдий тил нуктаи назаридан бу атама ҳам изоҳ талаб қилади. Чунончи суғдий тилда «худо» «бағ\вағ» шаклида учрайди. Қолаверса, суғдий тилда «оро»-«ораз» - жамол маъносига даги сўз йўқ. Шуларни эътиборга олиб, «Бухоро» атамасини соф суғдий тил доирасид а таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Азалдан маҳаллий аҳоли ўз турар-жойларини номлашда табиий рельеф, географик муҳит каби тасаввурлар орқали сифатлаш, белгилаш билан ишюритган. Агар «Суғд» ва «Бухоро» атамалариникиёслайдиган бўлсак, ҳар икала атама деярли бир хил табиий-географик муҳитни ифодаловчи мазмун беришининг гувоҳи бўламиз. Дастлаб «Суғд» атамаси ҳақида, европаликолим В. Томашек ва тожик олими Б. Ғофуровлар илгари сурган «суғд - сухтан - ялтирамоқ, товланмоқ, нурсочмоқ» маъноларида қандайдир номутаносиблик бордек кўринади. Аслида «суғд» атамаси О.И. Смирнова илгарисурганидек ҳамда «Бурхони Қатий» ва «Ғиёсул-луғат» асарларида келтирилганидек, яъни «суғд – сув йиғиладиган паст текислик, ўтлоқ, серсув жой» маъносини бериши ҳақиқатга яқин [4]. Биз буни суғдий тил қонуниятлари асосида исботлашга уринамиз.

Бу атама дастлаб Зарафшоннинг куйи оқими га нисбатан ишлатилган, сў нгра атаманинг моҳияти кенгайиб бутун Зарафшон vodiysigani нисбатан қўлланил ган. Шу ҳудудда яшовчи турлитилларда сўзлашувчи (асосан маҳаллий ўтrockва кўчманчи, ярим кўчманчи туркий ва шарқий эроний тилли) туб аҳоли умумий ном билан «суғдлиқлар» дебаталган [5]. Хатто бу атама форс-тожик тилидаги «суғуд – текис ботқоқ ер, ишлов берилган сувли ер» маънолари га ҳам мустушади. Суғдий тили “Муғархиви ҳужжатлари” да «суғудианежай - суғудли – сувли жой» маъносию номанбалари даги «Согдиана – Суғдери» атамаси мазмуни га яқин келади. Бу эса мазкур атамани лоддан аввалги 1 минг йиллик иккинчи ярми да шаклланиб улгурганлиги эҳтимоли бор.

Бухоро атамасини изоҳлашдан аввал, ўрта асрлар муаррихи Абубакр Муҳаммад Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асари да келтирилган ушбу сатрларни берамиз: «Ҳозирда Бухоро (ўрнашган) бумавазе, (илгари) ботқоқлик бўлиб, унинг баъзи ерлари тўқайзор, дарахтзор ва кўкалам зор ташкил этган. Айрим жойлари эса шундай бўлганки, бирон ҳайвон ҳам оёқ қўйишга жой топа олмаган. Бунинг сабаби шуки, Самарканд томони даги вилоятлар да тоғлар да қор эриб, суви (оқиб келиб) ўша жойга йиғилиб ётар эди» [6]. Мазкур таъриф бизнинг юқори даги изоҳимизга бир қадар ойдинлик

киритса ажаб эмас.

Юқорида айтганимиздек, суғдий тилли манбаларда Бухоро “Пухар” шаклида учрайди. Суғдий тилда «пу-» инкоролдқўшимчаси бўлиб, ўзбектилидаги «бе-, но-, -сиз» каби инкор қўшимчаларига москелади. «Хар \ ғар» - «тоғ, тепалик, уюм» (ўзбектилидаги «ғарам - уюм» каби) маъноларни англатади. Шундан келиб чиқиб, суғдча “пухар - тоғсиз, текислик жой» маъносида деган мулоҳазада миз. Қолаверса, суғдий тил талаффузида «п» ёзув шаклининг «б» талаффуз қилиниши ҳолати ҳам учрайди. Масалан, Путта - Будда, Пилка - Билга, праман – браҳман каби.

Энди бу атама кимлар томонидан жорий этилганлиги хусусида баъзи тадқиқотчиларнинг фикрига эътибор берсак. В.А. Лившиц ва бошқа шарқшунослар тахминича, «пухар» атамаси асли суғдийлар томонидан киритилмаган. Буатамани 5 – асрда суғдий тилини қабул қилган эфталийлар киритганлар [7]. Улар эса суғдча Пухарни ўз талаффузларига мослаб Бухар(а) деб атаганлар. Аммо ёзув шакли «пухар» бўлиб қолаверган. Бу ўзига хос «идеограмма» ҳосил қолган. Сўнгра илк ўрта асрлардан бошлаб араб ва бошқа ўрта аср манбалари асос сифатида талаффуз шаклини қабул қилишган кўринади. Шу боис ҳам хитой манбаларидаги илк шакли Нюмива сўнгра 5 – асрдан кейин Бу-хэ - Бухоро деб юритилишида ҳам асос борга ўхшайди.

Хулоса қилиб айтганда, кўхна ва табаррук Бухорои шариф тарихининг энг серкирра лавҳаларини ёритишда ҳали кўп тадқиқотлар олиб борилиши керак бўлади. Қолаверса, Наршахий ибораси билан айтганда: «Бухоро деган ном номларнинг ҳаммасидан ҳам машҳуррокдир». Бу ном Ғарбий Суғднинг ва Бухоро воҳаси бош шахрининг асрий номидир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бартольд В.В. Бухара. Соч. III. - М: 1965. С. 378
2. Абдурахмонов Ғ., Рустамов А. Қадимги туркий тил. – Тошкент: Ўқитувчи, 1982. 112-бет
3. Муҳаммаджонов А. Қадимги Бухоро. - Т: 1991. Б. 50
4. Смирнова О.И. Каталог монет с городища Пенджикента - М.: 1954. С. 371
5. Наршахий. Бухоро тарихи. - Т: Камалак. 1991. 90-бет
6. Отахўжаев А. Ғарбий Суғднинг суғориш тармоқлари билан боғлиқ атамалар хусусида // O‘zbekiston tarixi, 2005. № 3. – 3–12-бетлар
7. Лившиц В.А. и др. О древней согдийской письменности Бухари \ ВДИ. 1954. №1. С. 155-157

ЕВПОРАДА РЕНЕССАНСНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА УНГА ШАРҚНИНГ ТАЪСИРИ

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022>.

*Элимов Лочин Шавкатович,
Самарқанд давлат университетининг “Жаҳон тарихи” кафедраси
ўқитувчиси*

Аннотация. Европада ренессанс Италияда ҳудудда пайдо бўлган. Унинг вужудга келишига бу ҳудуддаги сиёсий ва иқтисодий вазият сабаб қилиб кўрсатилади. Италия шаҳарларининг Ўрта Ер денгизи бўйлаб эркин ҳаракат қилиши, Осиёнинг Ғарбий ҳудудларига тез-тез таширф буюриши ҳам ренессанснинг вужудга келишига имкон яратган. Амир Темурнинг Яқин Шарқ ҳудуддаги ҳарбий ҳаракатлари ҳам маълум манода Италия ренессансининг гуллаб яшнашига турти бўла олган. Мақолада Европа ренессансига Шарқни янада аниқ айтадиган бўлсак Амир Темур ва темурийларнинг тасъири тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: Ренессанс, Италия, Шарқ, Зиж, “Кичик изоҳ”, Истанбул

ВОЗНИКНОВЕНИЕ РЕНЕССАНСА В ЕВРОПЕ И ВЛИЯНИЕ НА НЕГО ВОСТОКА

*Элимов Лочин Шавкатович,
Преподаватель кафедры «Всемирная история» Самаркандского
государственного университета.*

Аннотация. Ренессанс в Европе зародился на территории Италии. Причиной его появления является политическая и экономическая ситуация в регионе. Свободное перемещение итальянских городов по Средиземноморью, а также частые посещения западных областей Азии также способствовали возникновению эпохи Возрождения. Военные действия Амира Темура на Ближнем Востоке также способствовали процветанию итальянского Возрождения. В статье рассматривается влияние Амира Темура и Темуридов на возрождение Европы, в частности Востока.

Ключевые слова: Ренессанс, Италия, Восток, Зидж, «Маленький комментарий», Стамбул

THE EMERGENCE OF THE RENAISSANCE IN EUROPE AND THE INFLUENCE OF THE EAST ON IT

*Elimov Lochin Shavkatovich.
Teacher of the department «World of history» of Samarkand State University*

Abstract. The renaissance in Europe originated in the territory of Italy. The reason for its emergence is the political and economic situation in the region. The free movement of Italian cities across the Mediterranean, as well as frequent visits to the western regions of Asia, also contributed to the emergence of the Renaissance. Amir Temur's military actions in the Middle East also contributed to the prosperity of the Italian Renaissance. The article examines the influence of Amir Temur and the Temurids on the European renaissance, more specifically the East.

Keywords: Renaissance, Italy, East, Zij, “Small comment”, Istanbul

Кириш. Ренессанс атамаси 1550-йилда биринчи марта Жорж Вазарининг “Машхур санъаткорлар ҳаётидан лавҳалар” китобида келтирилган. Жорж Вазарининг ўзи италиялик рассом бўлиб, у ренессанс атамасини италиялик

Жотто ижодига нисбатан кўллаган [1]. Ренесанс атамаси лотинча “renassi” сўздан олинган бўлиб маъноси “қайта туғилиш” ёки “уйғониш” маъноси англатади. Унинг фикрича, ўрта асрлар давридан сўнг маданият ва санъатнинг диққат марказига инсон ва унинг ижтимоий ҳаётдаги тутган ўрнининг ошиши уйғониш белгисининг асоси бўлиб хизмат қилган.

Уйғониш даври Италияда вужудга келганлиги ҳам бежиз эмас эди. Италиянинг Шарқ давлатлари билан савдо-сотик алоқаларининг кучайиши, унинг бу ердаги халқлар маданияти билан яқиндан танишиш имконини ҳам оширган. Шу билан биргаликда Италия шаҳар-республикаларининг савдо-сотик натижасида йилдан-йилга бойиши, бу ерда феодал муносабатларнинг заифлиги буржуазия вакилларининг мавқеини ошишига сабаб бўлган. Ташқи савдо-сотик натижасида катта бойликка эга бўлган буржуазия вакиллари эндиликда ўзларининг кундалик ҳаёт тарзини диний эмас, балки дунёвий тарзига мослаштиришга ҳаракат қила бошлаган. Буржуазия вакиллари эндиликда ҳаётни чиройли қиладиган санъатга ўз эътиборларини қарата бошлаган. Бундай жараён Италиянинг Флоренция, Пиза, Сиена, Генуя, Милан ва Венецияда эрта намоён бўлди. Бу шаҳарларда яшаётган бойлар санъатни ривожлантириш учун ўз маблағларини ҳам аямаган. Шу сабабли Европада биринчи бўлиб Италия шаҳар-давлатлари ўрта асрларнинг узок вақт ҳукм сурган биқикликни парчалаб ташлай олган.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Мақолада маълумотларни келтиришда асосий эътибор хорижий тиллардаги адабиётлардан фойдаланилди. У адабиётларда келтирилган маълумотлар танқидий таҳлил қилинган.

Тадқиқот методологияси. Мақолада *malumotlarni tanqidiy va qiyosiy tahlil* методларидан фойдаланилган. Уйғониш даврида ижод қилган санъат вакилларини кейинги давр тадқиқотчилари “гуманистлар”, улар олға сурган ғоялар “гуманизм” деб атаганлар. Уйғониш даври вакиллари дунё ва инсоннинг яратилишидаги диний таълимотни бутунлай инкор қилмади, балки дунё белгиланган қонунларга мувофиқ бунёд бўлганлигини тасдиқлади.

Таҳлил ва натижалар. Уйғониш даврини Европа тарихчилар тўртга бўлади:

1. XIII-XIV асрлар-Уйғониш даври арафаси
2. XV асрлар-Илк уйғониш даври
3. XV аср 2-ярими-XVI аср биринчи ярими-Ривожланган уйғониш даври
4. XVI аср 2-ярими-Сўнгги уйғониш даври.[2]

Бу давр Европанинг барча давлатларида бир хил кечмаган. Мисол сифатида Германияда сўнгги уйғониш, Нидерландияда бўлса ривожланган уйғониш давр бўлмаган[1].

Ренессанс даври Европада янги маданиятни яратди. Бу яратилган маданият нафақат динга шу билан биргаликда илм ва фаннинг илғор ютуқларига таянган. Натижада бу даврида Европанинг ривожланган маданиятда туб бурилиш даври бошланди. Маданиятдаги бу бурилиш ўз навбатида илм-фан ва техника соҳасида эришилган ютуқлар таъсири остида содир бўлган.

Проторенессанс асосан Италиянинг Флоренция шаҳрида барқ уриб ривожланди. Бу шаҳар минтақадаги йирик хунармандчилик ва савдо-сотик маркази бўлган. Шунинг учун Флоренцияда ренессанс вужудга келиши учун барча имкониятлар мавжуд бўлган.

Ренессанс маданиятининг асосий тарғиб қиливчилар шаҳар аҳолисининг юқори қатламлари, йирик ишбилармонлар, зиёлилар, черков монастрларнинг демократик вакиллари бўлганлар. Улар инсонпарварлик ғояларини тарғиб

қилиш билан биргаликда ўзлари учун асос қилиб қадимги юнон маданиятини олганлар.

Ренессанснинг Европадаги илк номоёндалари: Данте Алигери (1265-1321), падуялик Марсили (1278-1348), Франческо Петрарка (1304-1374), Жованни Бокаччо (1313-1375), Георгиос Геристос (1360-1425), Марсилло Фичибе (1422-1495), Пико Делла Мирандола (1463-1495) кабиларни келтириб ўтишимиз мумкин.[6]

Юқорида номлари санаб ўтилган шахслардан Данте Алигери илк ренессанс даврининг кўзга кўринган машхур шоири, файласуфи ва сиёсий арбобидир. У ёшлигида диний мактабда таълим олган. Айрим маълумотларга қараганда Данте Балония университетида таҳсил олган. Бутун ҳаёти давомида у фалсафа, ахлоқ, илоҳий тарих ва мантиқ фанларини мукаммал ўрганган. Унинг илмий дунёқарашини шаклланишида фақат Европа эмас, шарқнинг таъсири ҳам катта бўлган. У асосан шарқ мутафаккирларидан Ал-Фаробий, Ибн Сино ва Ибн Рушдлар асарларига жуда кўп мурожаат қилган. Дантеда бу мутафаккирлар асарларини мукаммал ўрганиш натижасида ўзига хос илмий дунёқараш шаклланган.

Данте Флоренциянинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиши натижасида, 1302-йилда юқори табақанинг тазйиқи билан ўз она шахрини ташлаб кетиб, ҳаётининг 19 йилини сарсон-саргардонликда ўтказишига мажбур бўлган. Узоқ саргардон ҳаётдан кейин 1321-йил 14-сентябрда Равеннада вафот этган [1].

Унинг жаҳон маданиятига катта ҳисса қўшган асарлари “Янги ҳаёт”, “Фалсафа ёрдамида овуниш ҳақида рисола”, “Базм”, “Монархия, “Илоҳий комедия” ларни келтиришимиз мумкин. Дантенинг бу асарларини Шарқ фалсафий тафаккурини Ғарбга ёйилишида ҳиссаси каттадир. [1]

Дантега шон-шухрат келтирган буюк асар- “Илоҳий комедия” дир. Бу асар ўрта аср адабиётида кенг тарқалган нарғи дунёни ҳаёлан кўриш, башорат қилиш жанрида ёзилган. Дантенинг асарлари Европа ренессансига дебоча вазифасини ўтаган десак хато қилмаган бўламиз.

Дантедан кейин ўзининг асарлари билан ренессансни тараққий қилишига ўз ҳиссасини қўшган ижодкорлардан яна бири бу Франческо Петраркадир. У 1304-йилнинг 20-июлида Италияда туғилган. Петрарка ҳуқуқ соҳаси бўйича таълим олган. 1374-йил 19-июлида Падуя яқинидаги Аркуа шаҳрида вафот этган.

Франческо Петрарка ўзидан ажойиб илмий мерос қолдирган. Унинг 1342-1343-йилларда лотин тилида ёзилган “Оламдан ҳазар қилиш ҳақида” фалсафий тарақати, 1374-йилда нашр қилинган “Авлодларга мактуб” биографик асари, 1339-1342-йилларда лотин тилида ёзилган “Африка” поэмаси, 1374-йилда ёзилган “Республика ҳақида” ва қолган бошқа асарлари ренессанснинг барқ уриб ривожланишига ижобий таъсир ўтказа олган[1].

Петрарка ўз асарларида инсон ва унинг қадр-қиммати, тақдири ҳақида кўп бош қотирган. Франческо Петраркани замондошлари “биринчи гуманист” ёки “гуманизмнинг отаси” деб атаганлар. Унинг бундай ном олишига инсон ва унинг руҳий ҳолати ҳақида кўп қизиққанлиги сабаб бўлган.

Петрарка антик замон маданиятига мурожаат қилар экан, унга тарихийлик нуқтаи назари билан қараган. У антик дунёдан қолган бойликларни эмас асарларни қадрлаш керак деган фикрга келган.

Петрарка ўз даври учун анча художўй инсон сифатида қаралган. Лекин у

бошқа диндорлардан фақри ўз соҳасини яхши билган. У ҳар доим инсон ўз истеъдодини эркин намоён қилиши керак деб ҳисоблаган. Бундан ташқари Петрарка Европа адабиётида лирика жанрининг асосчиси ҳисобланган.[7]

Илк ренессанс намоёндалари ичида Жованни Бакаччо ҳам анчагина сезиларли ўрин қолдирган. У ҳам ўз замондошлари каби инсоннинг улуғлаш ва унинг фазилатларига алоҳида эътибор қаратиш керак деган тўхтама келган.

Европа ренессанси даврида адабиёт билан бир вақтда санъат соҳасида ҳам жуда кўплаб ижодкорлар шуғулланган. Шулар қаторида Николо Пизанно, Арналфо ди Камбио, Микеланжело Буонаротти, Бенвенуту Челлини, Леонардо да Винчи, Рафаел Санти ва яна бошқаларни мисол қилиб келтириб ўтишимиз мумкин[4].

Умуман юқорида номлари санаб ўтилган ижодкорлар ўз асарлари билан Европа ренессансининг ривожланишига катта туртки берган. Уларнинг сай-ҳаракатлари натижасида ўрта асрлар маданиятида ҳақиқий инқилоб даври бошланган. Маданиятда бошланган бу ўзгаришлар кейинчалик, ижтимоий ва сиёсий ҳаётга ҳам ўз таъсирини ўтказа олган.[8]

Айнан Уйғониш даврида Европада театрлар тараққий қилиб, саҳналарида ижодкорларнинг асарлари намоён қилина бошланган. Натижада, жамиятда бўлаётган ўзгаришлар саҳна орқали кенг оммага намоён қилинган. Театр инсонларнинг онгининг тез ривожланишига ижобий таъсир қила олган.

Европа ренессансининг асосий манбалари юнон ва шарқ маданияти бўлган бўлса ҳам, унинг ижодкорлари европаликлар эди. Улар мавжуд тузумни кескин танқид қилмаган ҳолда бир қанча ўзгаришлар шамолини кирита олган.

Эндиликда Европа зиёлилари илоҳий билимлар билан биргаликда дунёвий фанларни ҳам ўргана бошлаган.

Ҳозирги кундаги европалик олимларнинг Шарқ илм-фан юкутлари Европага қандай кириб келганлиги тўғрисида бир қанча қарашлари мавжуд. Хусусан, айрим тадқиқотчилар Шарқ илм-фани Европага салиб юришлари орқали кириб борган десалар, яна бошқа бир гуруҳ олимлар эса қитъага илм фан Испания орқали тарқалган деган тўхтама келган. Учунчи гуруҳ тадқиқотчилари эса, Европага Шарқ илм-фанининг кенг тарқалишида италиялик савдогарларнинг ўрни беқиёслигини таъкидлайдилар. Нима бўлган тақдирда ҳам Шарқда вужудга келиб, узоқ йиллар шаклланган илм-фан Европага тайёр ҳолатда кириб борган. Лекин Шарқ илм-фанини тезликда Европада тарқалишига ўша вақтдаги диний мутассиблик йўл қўймаган.[1]

Илк уйғониш даври вакиллари ҳам ўз қарашларини кўп ҳолларда илм-фан орқали эмас, балки санъат асарлари билан намоён қилишга ҳаракат қилишган. Яна шуниси ҳам эътиборлики уларнинг кўплари динни жуда қаттиқ ҳурмат ҳам қилган. Шундай бўлса ҳам-ки, улар ўз меҳнати орқали инсонни улуғлаш кераклигини, нарғи дунёда эмас шу дунёда бахтли яшаш кераклигини одамларга кўрсатишга уринган.

XIV асрда Европада бошланган ренессанс ҳали тўла маънодаги инқилоб эмас эди. Ренессанс ўз навбатида XV-XVI асрларда ўзининг юқори нуқтасига чиққан. Айнан ренессансининг XV асрларга келганда тараққий қилишига Осиёнинг Шарқий қисмидаги бўлган ўзгаришлар ҳам ўз таъсирини кўрсатган.[9]

Европада илм-фандаги ўзгаришлар асосан XV аср охири XVI аср бошларидан бошланган десак хато қилмаган бўламиз. Чунки бу даврга келганда христиан дини Европанинг бир қанча давлатларида ўзининг ҳукмронлик мавқеини

деярли йўқота бошлаган эди. Шундай вазиятда диний ақидапарастликка қарши илм-фан зарбаларини бера бошлаган. Гапимизнинг исботи сифатида Николай Коперникнинг ерни кўёш атрофида айланишини тарғиб қилишини келтиришимиз мумкин. Николай Коперникдан кейин, XVI ва XVII асрларда Жардоно Буруно ва Галелио Галелейнинг илм-фан соҳасидаги ютуқлари ҳақиқий маънодаги инқилоб эди десак хато қилмаймиз.

Европага ренессанс даврида эришган ютуқлари унга кейинчалик барча соҳаларда дунёнинг қолган қисмига қараганда тез ривожланиш имконини берган. Лекин бир савол туғилади, Европада ренессанси тараққиётига XIV аср охири XV аср бошларида Яқин Шарқда бўлган сиёсий жараёнларнинг таъсири борми ёки йўқми? Бу саволга ҳамма тарихчилар ҳар хил тарзда жавоб беради. Шу ўринда гап катаётган даврда Яқин Шарқдаги сиёсий вазиятни қисқача мулоҳаза қилиб ўтсак, XIV аср 80-йиллар охири 90-йиллар бошларида бу минтақага Шарқдан Амир Темурнинг катта тезлик билан кириб келиши бу ердаги сиёсий жараёнларни анчагина чигаллаштириб юборди. Амир Темурнинг минтақадаги сиёсий вазиятни ўз қўлига олиши Усмонли султони Боязид I билан муносабатларини чигаллаштириб юборган. Амир Темурнинг Боязид устидан қозонилган ғалабаси нафақат минтақа халқларига қолаверса, европаликларга ҳам катта ижобий аҳамият касб этган.

Амир Темурнинг Боязид устидан эришилган ғалабаси эндигина уйғониш даврини бошдан кечираётган Европа дардига ҳақиқий малҳам бўлган. Чунки, Боязид бошлиқ турклар катта тезликда ғарбга қараб ҳаракатланаётган, денгизда эса Италия шаҳар-давлатлари манфаатларига қарши оммавий ҳаракатларни бошлаб юборган эди. Амир Темурнинг эришган ғалабаси натижасида туркларнинг ғарбга ҳаракатларини ярим асрдан ортиқ вақтга тўхтатишга сабаб бўлди. Бу вақт давомида Европа ренессанси ҳар тамонлама шаклланиб ўзининг тараққиёт чўққисига кўтарила олган.

Амир Темурнинг сайи-ҳаракатлари натижасида Шарқ ва Ғарб ўртасида яхши алоқалар йўлга қўйилди. Сиёсий алоқалар билан ўз навбатида маданий соҳадаги муносабатлар ҳам тараққий қила борди. Амир Темур бошлаб берган анъананинг унинг ворислари ҳам давом эттирган. Мирзо Улуғбек томонидан бошланган илм-фан соҳасидаги ютуқлар, бевосита унинг шогирди бўлмиш Али Қушчи орқали Европага тарқалган. 1472-йилда Али Қушчи Истанбулга боради. Унинг фаолияти ҳақида жуда кўплаб турк тарихчилари ўз фикрларини билдириб ўтган. Турк олим Мустафо Качар маълумотича, Али Қушчи Истанбулда устози саналган Мирзо Улуғбек тадқиқотларини давом эттириш билан биргаликда унинг астрономияга оид асарларини бутун Европага ёйилишига ҳам катта ҳиссасини қўшган. Айнан XV асрда Али Қушчинини Истанбулда астрономик кузатишлар олиб бориши эндигина илм-фан соҳасида оёққа тураётган Европага катта мадад бўлган. Хусусан, XVI аср Европада логаритм ихтирочисини сифатида танилган Напиер ҳам Али Қушчи асарларини кунт билан ўрганган. Ҳатто Европанинг машҳур астрономларидан бири Коперник ҳам унинг асарларини мукаммал билган[5].

Николай Коперник полшалик машҳур астроном бўлиб, у тахминан 1516-йилда ўзининг “Кичик изоҳ” номли рисоласида ўзинг таълимотини гипотеза кўринишида ҳавола этган. Коперникнинг астрономия соҳасида катта ютуқларга эришишида Али Қушчи орқали Европага тарқалган Мирзо Улуғбекнинг “Зиж”и ҳам таъсири сезиларли бўлган[5].

Али Қушчининг Истанбулдаги фаолияти орқали темурийлар ренессанси

Европа ренессансининг янада ривожланишига ўз таъсирини ўтказганлигини кўришимиз мумкин. Таниқли тарихчи олим Ашраф Аҳмедов маълумотида кўра: 1453-йили турклар тамонидан Истанбулнинг эгалланиши бу ерда ғарб ва шарқ маданиятининг яна бир бора тўқнашишига ҳам сабаб бўлган. Айнан шу даврда европаликларнинг шарқ илмига бўлган қизиқиши ошиб бораётган эди. Истанбул шаҳрида Италия, Германия, Австрия ва Голландиядан астрономик ва математика мутахассислари ҳам тўпланган эди. Али Қушчи сабоқларидан Европа давлатлари ичида биринчилардан бўлиб Германиядан келган ёшлар баҳраманд бўлган. Натижада XV аср охиридаёқ Улуғбек ва унинг “Зиж” и ҳақидаги маълумотлар бутун Европа бўйлаб тарқала бошлаган.[5]

XV асрда бошланган буюк географик кашфиётларнинг самарали чиқишида ҳам Мирзо Улуғбек ва Али Қушчининг инкор қилиб бўлмас хизматлари бор. Чунки денгизчилар ўзлари учун нотаниш жойларда юлдузларга қараб йўл топишида айниқса Мирзо Улуғбекнинг “Зиж” и катта аҳамият касб этган.

Хулоса. Юқорида келтирилган маълумотларни таҳлил қилган ҳолда Амир Темур ва Темурийларнинг Европа ренессансига таъсири сезиларли даражада бўлган. Шунинг учун ҳам Европа ренессансига ўзининг ижобий таъсирини ўтказа олган Амир Темур тарихи XV асрдан бошланиб ҳозирги кунгача Европа тарихчилари томонидан синчиковлик билан ўрганиб келинмоқда. Шунинг учун ҳам Европа ренессанси ривожланишига таъсир ўтказа олган Амир Темур тарихи ҳақида европалик тарихчиларнинг келтириб ўтган маълумотларини қиёсий таҳлил орқали ўрганиш мақсадга мувофиқ иш бўлади.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Абрамсон М. Л. От Данте к Альберти / Отв. ред. З. В. Удальцова; АН СССР. — М.: Наука, 1979. —С.8.
2. Элимов Лочин. Улуғбек илмий меросини Ғарбга ёйган аллома // Kutubxona.uz №4 (48) 2020. —Б. 43.
3. История искусства: Ренессанс. — М.: АСТ, 2003. - с.12.
4. История зарубежной литературы. Средние века и Возрождение. — М.: «Высшая школа», 1987.
5. Маккай Л. Мир Ренессанса. Будапешт, 1984.
6. Панофский Э. Ренессанс и «Ренессансы» в искусстве Запада. М., 1998.
7. Затюпа С. В. Ренессанс: точка отсчета. История западноевропейского искусства XIV – XVI веков. По материалам частной коллекции. - М., Центр Искусств. Москва, 2020. —С.8.
8. Яйленко Е. В. Итальянское Возрождение. — М.: ОЛМА-ПРЕСС, 2005. — с.18.
9. Хрестоматия по истории западноевропейского театра. Т. 1. М., 1953. Эстетика Ренессанса. Т. 1—2. М., 1981.

**ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИГА ОИД МЕЪМОРИЙ ОБИДАЛАРНИНГ
“ТУРКИСТОН ТЎПЛАМИДА” АКС ЭТИШИ**DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022>.*Райимов Фарход Улугбекович,
Самарқанд давлат университети докторанти*

Аннотация. Ушбу мақолада Амир Темура ва Темурийлар даврида қурилган обидаларнинг “Туркистон тўплами” да келтирилган маълумотлари тадқиқ қилинган. Амир Темура ва Темурийлар даврида юртимизда жуда кўплаб обидаларнинг қурилганлигини инобатга олган ҳолда тадқиқотда Самарқанд шаҳрида жойлашган Гўри Амир ва Шоҳизинда мақбаралари тарихи қисқача баён қилиб ўтилди. Бунда асосий эътибор бу мақбараларнинг қурилишидаги ривоятлар, маълумотлар, ва далиллар Туркистон тўпламида қай тарзида баён қилинганлигига қаратилди. Бу ҳолатларнинг ҳаммаси қамраб олган ҳолда тадқиқотда очиб беришга ҳаракат қилинган.

Калит сўзлар. “Туркистон тўплами”, Гўри Амир, Шоҳизинда, Самарқанд, мақбара, қабртош, ансамбл.

**ОТРАЖЕНИЕ АРХИТЕКТУРНЫХ ПАМЯТНИКОВ
ТИМУРИДСКОГО ПЕРИОДА В «КОЛЛЕКЦИИ ТУРКЕСТАНА»***Райимов Фарход Улугбекович,
докторант Самаркандского государственного университета.*

Сохранилось более 10 рукописей произведения. Копии, переписанные в XVII-XVIII веках, хранятся в таких городах, как Ленинград, Калькутта, Агра, Хайдарабад, Манчестер, Лондон, Эдинбург. В рукописях произведение именуется как «Бабурия», «Вокеанома» («События»), «Тузуки Бобурий», «Вокеоти Бобурий», «Вокеаномаи шох Бобур» («Книга на языке тюрки, написанная самим Его Величеством»), «Бабурнаме» («Записки Бабура»). Сам Бабур называл свое произведение «Вокеанома». «Бобурнома» переведена на языки мира. В 1590 году она была переведена на персидский язык Абдурахимханом по приказу Акбара. В 1705 году Витсен перевел ее на голландский язык, а в 1876 году Джон Лейден и У. Эрскилл перевели ее на английский язык. В 1876 году Кайзер перевел ее на немецкий язык, а в 1871 году Пево де Куртейль перевел на французский язык. Переводили произведение русские переводчики Поляков (1904), Петров (1939), но лучший перевод принадлежит М. Солье (1958).

Труд Захириддина Мухаммада Бобура «Бабурнаме» – историко-литературный источник. Примечательно, что книга содержит сведения о многих деятелях науки, искусства и литературы, исторических личностях, царях и хокимах, военачальниках, солдатах, религиозных деятелях, земледельцах, ремесленниках, рабах, а также люди других социальных групп. В сопоставлении с произведениями «Равзот-ус сафо» Мирханда, «Хабиб-ус сияр» Хандамира, «Исторический Рашидий» Мухаммада Хайдара «Бабурнаме» отличается

обилием исторических фактов, объективностью, последовательностью изложения событий из года в год, простотой языка, отсутствием предисловия.

Большое место в «Бабурнаме» отводится умам науки, искусства и литературы. Автор приводит сведения о Навои, Джами, Бинаи, Мухаммаде Салих, Дилали, Сайфи Бухари, Мир Хусейне Муаммаи, Шейх Сухайли, Юсуфе Бадей, Ахмаде Ходжибеке, Бехзоде, Султан Али, Ходже Абдулло Марвари, Музаффаре, Гуляме Шади, Хусейне Уди и ряде других поэтов и художников, хвалит их, приводит примеры из их произведений, а иногда и рассказывает интересные факты об их жизни, деятельности или личных качествах. «Бабурнаме» имеет большое значение при изучении жизни и деятельности этих людей, в определении их места в культурной жизни.

Очень образно дан творческий портрет великого поэта Алишера Навои. Благодаря этим описаниям, до нас дошли подробности его многогранной научной и литературной деятельности. К творчеству поэта Бабур относился чрезвычайно уважительно, преклонялся перед его гением. О великом узбекском поэте и мыслителе Алишере Навои Бабур сказал: «Алишер бек был человек бесподобный. С тех пор как на тюркском языке слагают стихи, никто другой не слагал их так много и так хорошо.» [5, 137]. По описанию Бабура, Алишер Навои не только талантливый поэт и учёный, но и тонкий дипломат, покровитель науки и культуры своей эпохи. Подчеркивая его покровительство людям науки, искусства и литературы Бабур говорит о нём: «Неизвестно, существовал ли когда-нибудь другой такой пособник и покровитель людей науки и искусства, как Алишер бек. Устад Кул Мухаммед, Шейх Найи и Хусейн Уди, великие мастера в игре на инструментах, снискали столь большую славу и успех благодаря помощи и поддержке Бека. Устад Бехзад и Шах Музаффар тоже стали столь славны и известны вследствие забот и стараний Бека». [5, 137] Подчеркивая деятельность Навои в области строительства, он говорит: «Мало кому удавалось построить столь полезных зданий, сколько построил он» [5, 137], и описывает работу, проделанную Навои с мудростью и упорством в преодолении разногласий между Хусейном Бойкаро и его сыновьями.

В зависимости от их роли в описываемых событиях Бабур об одних из них рассказывает подробно, о других даёт краткие сведения, о третьих так или иначе упоминает или вспоминает. Описывая жизнь и деятельность таких исторических деятелей, как Умаршайх Мирза, Хусейн Байкаро, Султан Ахмад Мирза, Хисравшах, сыгравших важную роль в развитии событий, он также предоставляет информацию об их родословной, семье, занимаемой должности, духовном облике, характере, поведении, отношении к людям, культурном уровне.

Вабуру удалось запечатлеть перед читателем самых разных людей. Говоря о Бехзоде, Бабур сказал: «К числу [знаменитых] художников [при дворе Мирзы] принадлежал Бехзад. Он обладал тонкостями художественного мастерства, но лица безбородых изображает плохо, – слишком вытягивает подбородок. Лица бородатых мужчин он рисует очень хорошо». [5, 145]

В нескольких местах своего произведения Захириддин Бабур упоминает о Хусейне Байкара. Автор говорит, что Султан Хусейн с обеих сторон – как со стороны отца, так и со стороны матери был из тимуридов. Описывая его внешность, Бабур говорит следующее: «Он был человек с раскосыми глазами, коренастый, сложенный, как лев, ниже пояса он был тонкий. Хотя он прожил долгие годы и стал седобородым, но все же одевался в одежды красного и

зеленого шелка и носил черную мерлушковую шапку или колпак» [5, 131]. Рассказывая о его характере и поведении, Бабур пишет: «Это был говорун и весельчак, нрав у него был немного несдержанный и речи его – такие же, как нрав. В некоторых своих поступках он очень тщательно соблюдал закон. В первые шесть – семь лет после занятия престола он воздерживался от вина, потом стал пить. ... Он был смелый и мужественный человек и не раз сам рубил саблей ... Дар к стихотворству у него тоже был, он даже составил диван. Хотя и по летам и по могуществу это был великий государь, но он, словно мальчик, водил боевых баранов, гонял голубей и даже стравливал петухов ...» [5, 132].

В «Бабурнаме» также говорится о битвах и сражениях Султан Хусейна, владениях, детях, жёнах и наложницах, эмирах и вазирах. Оценка данная Бабуrom деятельности Хусейн Байкаро объективна. Образ Султан Хусейна представлена как многогранная и незаурядная личность своего времени со всеми присущими ему достоинствами и недостатками.

В «Бабурнаме» автором проводится мысль о том, что в этом скоротечном и бренном мире долг каждого оставить после себя доброе имя:

Чем жить с дурной славой, лучше умереть с доброй славой.

Если умру с добрым именем – хорошо.

Мне нужно (доброе) имя - тело принадлежит смерти. [5, 245]

Заключение

Сегодня, когда мы строим свое будущее, осуществляется огромная работа по возрождению и приумножению национальных ценностей, увековечиванию памяти великих предков. Одна из самых актуальных задач сегодняшнего дня – глубокое и всестороннее изучение величайших личностей узбекского народа. Так как «жизненный путь трудолюбивых, интеллигентных, просвещённых людей всегда является для молодёжи предметом для подражания. Их дела, совершённые на протяжении их жизни, тяжёлый, неутомимый труд должен стать школой жизни для подрастающего поколения». [6, 64].

В своём выступлении на церемонии открытия парка «Новый Узбекистан» Шавкат Мирзиёев отметил, что «... любая государственность, существовавшая на территории нашей Родины, любой социальный процесс: победа или поражение, подъём или упадок – являются непосредственной и неотъемлемой частью сложного исторического пути, который прошёл наш народ. Поэтому мы должны принимать все этапы нашей истории как единое целое и всесторонне изучать их». В этом отношении «Бабурнаме» является бесценным источником информации при изучении истории восточных народов конца XV-начала XVI веков.

Созданные Бабуrom цельные образы исторических личностей реалистичны и объективны. Через описания реальных личностей в «Бабурнаме» мы можем увидеть пороки людей и их прекрасные качества, сделать вывод о плохом и хорошем.

В «Бабурнаме» удивительным образом переплетаются исторические события и судьбы, эпоха и целые жизни. Таким образом читатель получает возможность изучить не только информацию об отдельных, выдающихся представителях эпохи, но и понять суть эпохи.

Особое внимание автор произведения уделяет сравнениям качеств выдающихся личностей, действовавших в одной сфере (искусство, политика и пр.), оценке личностей по ярким моментам, интересным эпизодам.

Бабур представляет нам Алишера Навои не только как поэта, но и как

многогранную и незаурядную личность своего времени со всеми присущими ему достоинствами и недостатками.

Автор «Бабурнаме» реалистично и всесторонне оценил положительные и отрицательные стороны Хусейна Байкаро. Он рассказал о героизме, отваге, творческих и поэтических способностях султана, а также об его отрицательных качествах. Бабур объективно относится к каждой детали.

Лучшие произведения мировой литературы отличаются высоким уровнем духовной образности. Уровень духовности созданных произведений отражает его художественность, его влияние на общество, его роль в обогащении духовного мира человека.

Таким образом «Бабурнаме» является не только крупным литературным произведением, являющимся образцом в развитии последующих периодов литературы, но и богатым ценным материалом, помогающим при изучении истории, литературы и искусства восточных народов конца XV-начала XVI веков, а также жизни и деятельности многих исторических личностей узбекского народа этого периода. «Бабурнаме» имеет огромное значение по возрождению и приумножению национальных ценностей, увековечиванию памяти великих предков.

Литература:

1. Мирзиёев Ш. М. (2017) Мы решительно продолжим наш путь национального развития и поднимем его на новый уровень. Том 1. Ташкент, Узбекистан. <https://staff.tiiame.uz/storage/users/422/books/NRUbNadeCLxIFSdtMIiWIViIriLZbs3e6WkOW6m.pdf>

2. Мирзиёев Ш. М. (2017) Мы все вместе построим свободное, демократическое и процветающее государство Узбекистан. Ташкент, Узбекистан. <http://ru.ferlibrary.uz/trudy-prezidenta-respubliki-uzbekistan-sh-mirziyeva>

3. Каримов И.А. (1996) На пути духовного возрождения. Ташкент, Узбекистан. <http://idum.uz/ru/archives/9894>

4. Джавахарлал Неру. (1955). Открытие Индии. Москва, Иностранная литература.

5. Бабур З.М. Бабур-наме. (1992) Ташкент, Главная редакция энциклопедий. [PDF] БАБУР-НАМЕ - Ziyouz.com

6. Одил И. (2003) Оталар ибрати – хаёт мактаби (Назидание отцов – школа жизни). Ташкент. Маърифат.

7. В.Зоҳидов. Бобирнинг фаолияти ва илмий-адабий мероси хақида. Китобда: Бобир. Бобирнома. –Т.:1960;

8. Гайбулла ас-Салом, Н. Отажон. Жаҳонгашта «Бобурнома». – Т.: 1996.

9. Х.Якубов. Бобир. – Т.:1941;

10. Каюмова А. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. –Т. : Шарқ юлдузи, 1982.

O'ZBEK POETIK MATNLARIDA MEVA NOMLARIDAN RAMZ SIFATIDA FOYDALANISH

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022>.

*Hojiyeva Nigina Hayot qizi,
Buxoro davlat univetsiteti O'zbek tilshunosligi kafedrasida o'qituvchisi*

Annotatsiya : Mazkur maqolada o'zbek tili mevachilik leksikasiga tegishli ba'zi so'zlar xalq tili lug'at boyligining ajralmas qismi sifatida tahlil qilingan. Mevachilik leksikasining vujudga kelishi insoniyat o'tmishi bilan, insonning mehnat jarayoni o'zlashtirish tarixi bilan uzviy aloqadorligi, meva va uning turlari izohli lug'atlarda, qomuslarda shu mevaga berilgan ta'riflar, mazkur ta'riflarning lug'atlar izohi bilan taqqoslash asosida tayyorlangan.

Kalit so'zlar: Mevachilik leksikasi, "Farangi Jahongiriy" lug'ati, "Nisob us-siyobon", mive, mivedjat, miyvo, miyve.

ЭТИМОЛОГИЯ ФРУКТОВ В УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ

*Ходжиева Нигина Хаёт кызы,
Преподаватель кафедры узбекского языкознания Бухарского
государственного университета*

Аннотация : В данной статье некоторые слова, относящиеся к лексике узбекского языка, анализируются как составная часть лексики народного языка. Возникновение фруктовой лексики неразрывно связано с прошлым человечества, историей человеческого труда, определением фрукта и его видов в словарях, энциклопедиях, настоящими определениями. подготовлено путем сравнения со словарными аннотациями.

Ключевые слова: Фруктовый словарь, словарь фаранги джахонгирий, нисаб ус-сийобон, миве, миведжат, мийво, мийве.

FRUIT ETYMOLOGY IN UZBEK LANGUAGE

*Hojiyeva Nigina Hayot qizi,
Teacher of the Department of Uzbek Linguistics, Bukhara State University*

Abstract : In this article, some words related to the Uzbek language lexicon are analyzed as an integral part of the vocabulary of the vernacular. The emergence of fruit lexicon is inextricably linked with the past of mankind, the history of human labor, the definition of fruit and its types in dictionaries, encyclopedias, these definitions prepared by comparison with dictionary Abstracts.

Keywords: Fruit vocabulary, Farangi Jahongiriy dictionary, Nisab us-siyobon, mive, mivedjat, miyvo, miyve.

Kirish. Jahon tilshunosligida ham va uning bir qismi bo'lgan o'zbek tilshunosligida ham so'z, leksika, leksema birliklariga turlicha ta'rif beriladi. Jumladan, rus tilshunosi Vladimir Gregorevich Gak: "So'z tilning asosiy struktur-semantik birligi bo'lib, borliq hodisalari, narsa va predmetlarning xususiyatlarini nomlashga xizmat qiladi va u fonetik, leksik, semantik va grammatik belgilarning majmuyi sifatida amalda qo'llanadi", deb yozadi. Mevachilik leksikasi doirasidagi nomlarning katta qismi uzoq tarixga ega. Ularning paydo bo'lishi, muhimi, umumiste'molda qo'llana boshlashi, yozma manbalarning guvohlik berishicha, qadimgi davrlarga borib

taqaladi. Dehqonchilik, jumladan, bog‘dorchilikning paydo bo‘lishi qanchalik uzoq tarixga ega bo‘lsa, mevachilik leksikasining tarixi ham shunchalik qadimiydir.

Masalan, Mahmud Koshg‘ariyning “Devoni lug‘otit turk” asari(XI asr)da shunday o‘rinlar bor:

Yigitlarig ishlatu,
Yig‘ach yemish irg‘atu,
Qulan, keyik avlatu,
Bazram qilib avnalim.
Mazmuni:
Yigitlarni ishlatib,
Daraxt mevalarini qoqtiraylik.
Qulon, kiyiklarni ovlatab,
Bayram qilib ovunaylik.

Agar Mahmud Koshg‘ariyning “Devoni lug‘otit turk” asaridagi mehnat qo‘shiqlari asar yaratilishidan qariyb 5-6 asrlar ilgari yaratilib o‘sha davr kishilarining nutqida avloddan avlodga o‘tib yashab kelganligi to‘g‘risidagi ma‘lumotlarni inobatga olsak, “daraxt mevalarini qoqtirish” bilan bog‘liq o‘rinlar mevachilik leksikasi juda qadimdan mavjudligini isbotlaydi.

Mahmud Koshg‘ariy izohlaridan yana shu narsa ma‘lum bo‘ladiki, meva so‘zi qadimda “yig‘ach yemish”, ya’ni “daraxtdagi yemish” tarzida birikma holatida qo‘llanilgan ekan.

Insoniyat paydo bo‘lgan dastlabki paytlarda yovvoyi holda o‘sgan buta, daraxtlar hosilini iste‘mol qilgan bo‘lsa, ular o‘troq hayotda yashashni boshlashgach, mevali daraxtlarni xonakilashtirishga, madaniylashtirishga harakat qilishgan. Insonlar orasida ayriboshlashning boshlanishi, keyinchalik turli mamlakatlar o‘rtasidagi savdo aloqalarining kuchayishi mevachilikning, tabiiyki, mevachilikka oid leksikaning ham taraqqiy etishiga sabab bo‘lgan.

Shuningdek, xalq og‘aki ijodida ham o‘zbek poetik matnlarida meva nomlaridan ramz sifatida foydalanish qadimdan mavjud. Masalan, olma – muhabbat ramzi, anor – turmushga sadoqat ramzi va h.

Uvaysiyda “Anor” chistoni:
Ul na gumbazdur eshigi tuynugidin yo‘q nishon,
Necha gulgunpo‘sh qizlar manzil aylabdur makon.
Sindirub gumbazni alar holidin olsam xabar,
Yuzlarida parda tortig‘liq tururlar bag‘ri qon.

Uvaysiy ushbu chistoni orqali anorni gumbaz ichidagi yuzlariga parda tortilgan yurak-bag‘ri qon qizlarga qiyoslagan. Bugungi kun o‘zbek bolalar adabiyotida Anvar Obidjon tomonidan yaratilgan “Anor” adabiy topishmog‘i ulardagi biror jihatni takrorlamaganligi bilan ajralib turadi:

Har donacham bir askar,
Bir qal‘ada ming lashkar.
Yotar ular panada,
Oq pardali xonada.
Xonalar tinch, atrof jim.
Qal‘achani buzsa kim,
Boshlanadi to‘polon...
U yog‘i sizga ayon.

Shoir Anvar Obidjon anor donachalarini askarlarga qiyoslaydi. Kim agar ularning tinchini buzsa, qal‘alariga ziyon yetkazsa, qarab turmasliklarini ifoda qiladilar. Ba’zi

manbalarda anor lotincha “granatum”, “granatus” soʻzidan olinib donli, meva ichidagi koʻplab urugʻlarga koʻra, suvli qopqoq bilan oʻralgan.

Olma –sevgi ramzi. Olma –najot ramzi. Olma – abadiy uygʻunlik ramzi. Olma–kosmik ramz va h.

Demak, birgina meva turli xalqlarda mushtarak ramz maʼnosini ham, baʼzan lohida ramz maʼntigʻini ham ifodalab kela oladi. Jumladan,

Olma – sevgi ramzi, shuningdek, vasvasaning, insonning qulashi va najotning ramzi; Keltlar abadiy yoshlikning oltin olma borligiga ishonishgan, xitoyliklar orasida olma sovgʻasi abadiy uygʻunlik gʻoyasini oʻz ichiga oladi. Slavlar uchun bu sevgi belgisi boʻlib xizmat qildi; yigit va qiz bir-birlari bilan olma almashishib, oʻz sevgilarini ochiqchasiga eʼlon qilishdi. Deyarli mukammal dumaloq shakli tufayli olma kosmik ramz sifatida qabul qilinadi, shuning uchun shohlar va shohlar hassa bilan birga butun dunyoni ifodalovchi suveren olmani (kuchni) qoʻllarida ushlab turishadi. (<https://uz.info-4all.ru/>)

Baland shoxda qizil olma pishgan ekan,

Uzib olib qarasam, qurt tushgan ekan.

Men olmani irgʻitvorsam, u dod soldi,

Tashlab ketar ekan meni nega oldi? (M.Yusuf)

Qurt tushgan qizil olma – sevgida aldangan qiz ramzi.

San yodima galanda,

Olma-anorlaring yodima tushdi. (Xorazm qoʻshigʻidan)

Qoʻshiqdagi olma, anor – maʼshuqaning chiroyli yuzi ramzi. Berilgan ramzlarda metafora usulida maʼno koʻchishini kuzatamiz.

Taʼkidlash joizki, oʻsimliklarning shu jumladan mevalarning insonlar hayotida tutgan oʻrni katta. Oʻzbek xalq maqollarida meva nomlari oʻzining koʻchma nomlarini ham hosil qilishga erishgan.

Meva nomlari asosida shakllangan xalq maqollar:

1.Olmadan bodom boʻlmas,

Tegi past odam boʻlmas.

2.Qovunnig sarasini it yer,

Olmaning sarasini – qurt.

3.Olma olmadan rang olar.

4. Otasi achchiq meva yesa ,

Oʻgʻlining tishi qamashar.

5. Olma ogʻochidan olis tushmas.

6.Olma sabogʻidan ortiq boʻlmas.

7.Olmadan – olma , dovchadan - dovcha.

8. Olmaning tagiga olma yotar,

Dovchanning tagiga dovcha yotar.

9. Olma tagidan yiroqqa tushmas.

Maʼlumki, maqollarda fikr aniq, ifoda loʻnda, xulosa tugal boʻladi. SHu xususiyati bilan ular nutqimizning ixcham, ravon, teran va mazmunli boʻlishiga yordam beradi, “nutqqa chehradagi qora xoldek, uzukka qoʻyilgan koʻzdek yarashadi” [Qoʻshoqov, 1963:4]. SHuning uchun ham xalqimiz “Soʻz koʻrki – maqol” deb bejiz aytmagan.

Leksikologiyaga doir adabiyotlarda toʻgʻri taʼkidlanganidek, yangi maʼnoning hosil boʻlishi nom koʻchishi asosida yuz berishi eʼtirof etilgani (yaʼni bunda nom koʻchishi nazarda tutilgani) holda, koʻpchilik ishlarda bu hodisa «maʼno koʻchishi», «maʼno koʻchishi natijasida yangi maʼno hosil boʻlishi» deb taʼriflanadi. Aslida maʼno koʻchishi hodisasi yoʻq.Albatta, bu fikrlar nom koʻchishining metafora usuliga ham taalluqli.

B. Mirsanov Asati, Ho'kizkalla, Bo'rikalla, Jiydagul, Atirqovun, Jo'raqand, Qoraqand, Amiri, Aligavhar kabi ayrim metafora va metonimiya, sinekdoxa usuli asosida shakllangan qovun navlarini tahlil qilgan.

Metafora – narsa, belgi yoki harakatga xos atamaning (so'zning) o'xshashligi bo'lgan boshqa narsa, belgi, harakat haqidagi tushuncha uchun ham qo'llanishi, shu tushunchaning ham nomiga o'tishi (aylanishi)dir.

Metafora asosida nom ko'chishi o'zaro o'xshashligi bo'lgan konkret narsalar doirasida bo'lganida, bu hodisa aniq sezilib turadi. Mavhum narsa-hodisalar doirasida bo'lganida esa uni sezish biroz qiyinroq bo'ladi.

Metafora asosida nom ko'chishi ko'proq ot so'z turkumi doirasidadir. Lekin hodisalar o'rtasidagi o'xshashlik faqat predmetlar doirasidagina bo'lmay, o'zaro o'xshashlik belgilar, shuningdek, harakatlar o'rtasida ham bo'ladi. Buni meva nomlarida ham kuzatish mumkin.

Metafora kognitiv nuqtayi nazardan qaralsa, oddiygina ko'chim emas, balki insongagina xos olamni anglash vositalaridan biridir. Inson tabiat, xususan, o'simliklar va hayvonot dunyosini hamda jamiyatni o'zaro qiyoslash, o'xshatish, ya'ni metaforalar vositasida ko'radi, anglaydi.

Onomastik birliklarning ko'chma ma'noda qo'llanishi antonomasiya, onomastik metafora, deonimlashish terminlari ostida o'rganilgan. Ko'chma ma'noda qo'llangan onomastik birliklar esa konnotonim, ramziy nomlar terminlari bilan atalgan.

Tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, onomastik birliklar ham, o'z navbatida, metaforik usulda hosil qilinadi. Fitonimlar, asosan, xalq seleksiyasida yaratilgan navlar metafora usulida nomlangan. Metoforik fitonimlar o'simlik navlarini aniq, siqiq, obrazli ifodalaydi.

A.B. Semenova fikricha, o'simliklarni nomlashdagi metaforizatsiya yoki bilvosita nomlashda olamni idrok etish, ya'ni etnosning mentaliteti ham aks etadi. Albatta, bu fikrda asos bor. Har bir xalq o'zining yashash tarzi, dunyoqarashi asosida o'simliklar dunyosini ko'radi.

O'simliklarning metonimik va metaforistik nomlanishida ko'proq turdosh nomlarning atoqli otga o'tishi (Anora, Olmagul, Bodom, Bodomgul, Anjir...) kuzatiladi. Buni o'zbek tili fitonimiyasiga doir dalillar ham tasdiqlaydi.

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, milliy qadriyat va tarixni ko'rsatuvchi frazeologik birliklar har doim aksariyat xalqlar tomonidan qadrlangan. Bunday frazeologik birliklarda xalqning mehnat faoliyati, yashash sharoiti va xalq madaniyati o'z aksini topgan. Inson tashqi ko'rinishi va xususiyatini ko'rsatish maqsadida har xil meva va sabzavotlarning nomlari xalq tomonidan frazeologik birliklar tarkibida ham qo'llanilib kelinadi.

O'zbek tibbiy evfemizmlarida ham, ulug'larning tibbiy o'gitlarida ham meva nomlarining qo'llanilishi meva nomlari o'zbek tili leksikasining ajralmas, uni boyituvchi qismi ekanligini ko'rsatadi.

Xalq og'zaki ijodida, o'zbek poetik matnlarida meva nomlaridan ramz sifatida foydalanish qadimdan bor. Badiiy matnlarda meva nomlarining ramz sifatida qo'llanilishi o'zbek tili imkoiyatlarining kengligi, jozibadorligidan dalolatdir.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Hayitmetov A. Navoiy lirikasi.– Toshkent, 2015.–B. 8-65.
2. Bafoyev B. Ko'hna so'zlar tahlili.–Toshkent, 1987.(9-10-11-12-13-14-15-16-17-18-19-20-21-22-23-25-29 -31- betlar)
3. Qodirov A.A. O'zbekiston tibbiyoti. Darslik. –T.: Abu Ali ibn Sino nomidagi tibbiyot nashriyoti, 2004.–B.3.

4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 томли. 2-том. – Т.: ЎЗМЭ, 2006. –582-б.
 6. Mahmud Hasaniy . Qadimiy bog’dorchilikning izohli lug’ati. – Toshkent “O’zbekiston” 2016.
 7. Dilorom Nematovna Yuldasheva. Problems of national language education at school. Volume 4 Issue 3 BSU 2020 (3) Published by 2030 Uzbekistan Research Online, 2020 <https://uzjournals.edu.uz/buxdu/vol4/iss3/15/>
 8. Дилором Юлдашева. Нутқий мулоқотда сукутнинг ўрни. Образование и инновационные исследования. Том 1 № 1 (2020). <http://interscience.uz/index.php/home>
 9. Дилором Юлдашева (Dilorom YULDASHEVA). Профессиональные фразеология (Professional Phraseology). International conference on academic studies in philology (BICOASP) 26-28 September 2019 Bandırma <https://d1wqtxts1xzle7.cloudfront.net/60539392/>
- Гак В.Г. К типологии лингвистических номинаций // Языковая номинация: Общие вопросы. М.: Наука, 1977. – С. 230-293.
- Кошғарий Махмуд . Девону луғатит турк/ таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталлибов/. Уч томли. 1-том. –Тошкент: Фан, 1960. – 498 б.
- Юлдашева Д., Хожиева Н. Некоторые соображения о фруктовой лексике// Преподавание языка и литературы (NSSN 2010-5584).–Ташкент, 2020, № 3.–С. 61-63.
- Семенова А.Б. Фитонимия карачаева-балкарского языка: Автореф. дис. канд филолог. наук. – Черкесск, 2011. – С. 6. // <http://www.dissercat.com/content>

13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

FIZIKA DARSLARIDA MOBIL DASTURIY VOSITALARDAN FOYDALANISH IMKONIYATLARI

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022>.

Jo'rayev Husniddin Oltinboyevich,

BuxDU Fizika-matematika fakul'teti dekani, pedagogika fanlari doktori, dosent

Jamolova Shahlo Qobilovna,

BuxDU Fizika-matematika fakul'teti 2-bosqich magistranti

Xudoyberdiyev Shodiyor Bobir o'g'li,

BuxDU Fizika-matematika fakul'teti talabasi

Mazkur maqolada umumiy o'rta ta'lim maktablarida fizika fanini o'qitishning metodik tizimini takomillashtirish, o'qitish mazmuni, maqsadi, vazifasi va barcha komponentlari o'rtasidagi o'zaro aloqadorlikni ta'minlashda innovasion texnologiyalardan foydalanish. O'quvchilari uchun mo'ljallangan ta'lim saytlari, ularda berilgan o'quv materiallari mazmuni yoritilgan. Fizika fanini o'qitish jarayonida mobil dasturiy ilovalardan foydalanish orqali ta'lim sifatini yaxshilash, o'quvchilar bilimini baholashda foydalanish imkoniyatlari bayon qilinadi.

Kalit so'zlar: Fizika fani, metodik tizim, ta'lim saytlari, mobil dasturiy ilova, ta'lim sifati, bilim, baholash

POSSIBILITIES OF USING MOBILE SOFTWARE IN PHYSICS CLASSES

Jorayev Husniddin Oltinboyevich,

Dean of the Faculty of Physics and Mathematics of Bukhara State University, Doctor of Pedagogical Sciences, Associate Professor

Jamolova Shahlo Kobilovna,

is a 2nd year master's student at the Faculty of Physics and Mathematics of Bukhara State University

Khudoiberdiyev Shodiyor Bobir oglu,

a student of the Faculty of Physics and Mathematics of Bukhara State University

This article discusses the improvement of the methodological system of teaching physics in general secondary schools, the use of innovative technologies in ensuring the interaction between the content, goals, objectives and all components of teaching. Educational sites for students, the content of educational materials provided in them. The possibilities of improving the quality of education through the use of mobile software applications in the teaching of physics, the use of which in the assessment of students' knowledge are described.

Keywords: Physics, methodical system, educational sites, mobile software application, quality of education, knowledge, assessment

ВОЗМОЖНОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ МОБИЛЬНОГО ПРОГРАММНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ НА ЗАНЯТИЯХ ПО ФИЗИКЕ

Жураев Хусниддин Олтинбоевич,

декан физико-математического факультета Бухарского государственного университета, доктор педагогических наук, доцент

Джамолова Шахло Кобиловна,

студентка 2 курса магистратуры физико-математического факультета Бухарского государственного университета

Худойбердиев Шодиёр Бобир углы,

студент физико-математического факультета Бухарского государственного университета

В данной статье рассматривается совершенствование методической системы обучения физике в общеобразовательной школе, использование инновационных технологий в обеспечении взаимодействия содержания, целей, задач и всех компонентов обучения. Образовательные сайты для студентов, содержание учебных материалов, представленных в них. Описаны возможности повышения качества

образования за счет использования мобильных программных приложений в обучении физике, применение которых при оценке знаний учащихся.

Ключевые слова: Физика, методическая система, образовательные сайты, мобильное программное приложение, качество образования, знания, оценка.

Jahonda barqaror uzluksiz ta'lim sifatini ta'minlashdagi muammolarni bartaraf etishda ilmiy jihatdan turli yondashuvlar amalga oshirilmoqda. Bunday yondashuvlarga uzluksiz ta'lim mazmunini yangilashga urinishlar, (mobil ilovalar, dastur, darsliklar, o'quv qo'llanmalar), yangi o'quv va ilmiy manbalarni (chet el darsliklari va metodlari) joriy etish, o'quvchilarni xalqaro mobilligini ta'minlash kabi jarayon va qoidalarni keltirish mumkin. Mamlakatimizda ta'lim-tarbiya mazmunini ta'lim oluvchilarning ilmiy savodxonligini shakllantirish borasida tizimli islohotlar amalga oshirildi. Uzluksiz ta'lim tizimini yanada takomillashtirish, sifatli ta'lim xizmatlari imkoniyatlarini oshirish, mehnat bozorining zamonaviy ehtiyojlariga muvofiq yuqori malakali kadrlar tayyorlash siyosatini davom ettirishdan iborat. Ushbu vazifalarni amalga oshirishda fizika fanini o'qitishning shunday bir metodik tizimini yaratish lozimki, unda ta'limning mazmuni, maqsadi, vazifasi va barcha komponentlari o'rtasidagi o'zaro aloqadorlikni ta'minlash zarur masaladan biridir.

Fizikadan bilimlarni tizimli shakllantirishni o'ziga maqsad qilgan ta'lim oluvchilar tomonidan fanlararo integrasion aloqalar, ularning xususiyatlari tushunilishini inobatga olish lozim. Turli xil nazariyalar, termodinamik, statistik, relyativistik bilimlar elementlari o'rtasidagi integrasion aloqalarni rad etish, natijada fizika ta'limida o'qitish metodikasi sifati va samaradorligining pasayishiga va amaliyot ko'rsatayotganidek, ta'lim oluvchilar bilimining past bo'lishiga hamda kompetensiyalarining rivojlanmasligiga olib keladi. Fizikaviy nazariyalar umumiy tizimli ta'lim sifatida tuzilmaviy elementlarning alohida har birida mavjud bo'lmagan gnoseologik funksiyalarga va gnoseologik xususiyatlarga ega bo'ladi. Tushuntiruvchi illyustrativ, bashorat qiluvchi va metodologik kabi fizik nazariyalarning umumiy konseptual tuzilmasi sifatidagi muhim gnoseologik funksiyalari bo'lib xizmat qiladi [6, 6. 39].

Umumiy o'rta ta'lim maktablarda fanlarni, xususan fizika o'quv predmetini o'qitish jarayonida mobil ilovalardan foydalanishni takomillashtirish ta'lim sifatini yaxshilashiga va hozirgi rivojlangan zamonda foydalanuvchi(o'quvchi)ning mobil vositalardan foydalanish savodxonligini oshirishga xizmat qiladi.

So'ngi yillarda zamonaviy texnologiyalar dunyosi juda jadal rivojlanmoqda. Bugungi kunda har kim odatdagidan tashqari shaxsiy kompyuter, smartfon, planshet, mp3 pleer va boshqa turli gadjetlari to'plamiga ega. Uydagi kompyuter yoki noutbuk juda qulay vositalar emas, chunki ularni ko'chirish juda ko'p vaqt talab qiladigan jarayondir [1, 6. 165]. Kishilarning hayotini osonlashtirish uchun "aqlli" deb nomlangan telefonlar, smartfonlar va boshqa ko'plab mobil qurilmalar yaratildi.

Mobil ilovalar (mobil ilovalar sifatida ham tanilgan)-smartfon va planshetlar kabi mobil qurilmalar uchun ishlab chiqilgan dasturiy ta'minot hisoblanadi. Ular yordamida mobil qurilmalarni funksiyali va qiziqarli miniatura vositalariga aylanadi. Ba'zi qurilmalar ishlab chiqaruvchilarning ayrim uyali ilovalari yoki ular bilan bog'langan uyali aloqa provayderlari (masalan Verizon, AT & T, T-Mobile va boshqalar) bilan oldindan o'rnatilgan bo'ladi, lekin ko'plab ilovalar qurilmaga xos ilova orqali foydalaniladi.

Mobil dasturlarning asosan uchta turi mavjud:

1. mobil sayt
2. gibrit dastur
3. mahalliy dastur

Saytning mobil versiyasi-bu asosiy sahifalarning nusxalari bo'lgan, lekin mobil qurilmalarning kichik, nisbatan ish stoli ekranlarida namoyish qilish uchun moslashtirilgan alohida sahifalar yoki qayta ishlangan asosiy sayt, ularning joylashuvi tezkor tartib bilan avtomatik ravishda ekran o'lchamiga qarab namoyish uslubini o'zgartiradi. Biroq, web-saytni mobil telefonlarga yaxshi moslashtirish, uning tarkibidagi barcha materiallarni kichik ekranga joylashtirishni nazarda tutmaslik lozim [2, 6. 7].

Gibrit dastur - bu mobil sayt va mahalliy dastur orasidagi dastur hisoblandi. Bunday

dasturlar mobil qurilmalarining texnik vositalariga kirish imkoniyati cheklangan.

Mahalliy dastur-eng ko'p vaqt talab qiladi, ammo har bir narsa har bir mobil operatsion tizim uchun uchun ko'proq mos keladi. Ishlab chiqish har bir platforma (Windows Phone, IOS, Android) uchun alohida amalga oshiriladi. Bu juda qiyin va boshqa dastur turlariga qaraganda mablag' sarfi katta. Afzalliklari ham mavjud internet aloqa sifatida qat'iy nazar har qanday joyda ishlaydi, tezkor va to'g'ri, mobil qurilmaning quvvatini va xotirasini tejash hisoblanadi [3, 6. 154].

Respublika ta'lim markazining <http://restm.zn.uz/> sayti umumiy o'rta ta'lim maktablari uchun foydalanish ga mo'ljallangan. Saytda bayramlar, darsliklar, e'lonlar, maqolalar, metodika, ta'lim, tadbirlar, tavsiyalar, texnologiya, yangiliklar kabi ruknlar mavjud (1-rasm). Mazkur saytda berib borilayotgan materiallardan, umumiy o'rta ta'lim maktablari o'qituvchilari, maktabdan tashqari ta'lim muassasalarida faoliyat yuritayotgan murabbiylar, o'quvchilar va ularning ota-onalari uchun mo'ljallangan (1-rasm).



1-rasm: Respublika ta'lim markazi sayti

Bunday saytlar qatoriga www.ZiyoNet.uz, www.pedagog.uz va bir qator o'quv markazlari professor-o'qituvchilari tomonidan yaratilgan saytlarni ham kiritish mumkin. Respublikamizda bunday saytlarni har bir fan bo'yicha tajribali professor-o'qituvchilar bilan birgalikda yaratishni yo'lga qo'yish zarur. Bu orqali har bir fan bo'yicha ishlab chiqilayotgan turli metodikalar, o'qituvchilarning innovasion texnologiyalarni tadbiq etishga doir dars ishlanmalari, olimpiada masalalari va ularni yechish yo'llari, turli fizikaviy tajribalarni namoyish va boshqa materiallarni yoritish mumkin. Bu orqali o'quvchilarni har bir fan bo'yicha zarur kompetensiyaga ega bo'lishlariga, fanga bo'lgan qiziqishlarini oshishiga xizmat qiladi.

Ta'lim saytlarini yaratish va undan amaliyotda qo'llash muammolarini, ularning mobil ilovalari yordamida bartaraf etish mumkin bo'ladi [4, 6. 126].

Mobil ilovani rivojlantirishning ijobiy tomonlari:

1. Mobil ilovadan foydalanishni boshlash uchun uni o'rnatishingiz kerak. Saytdan foydalanish uchun uchun faqat havolaga o'ting. Agar siz saytga va dasturga havolalar bilan QR-kodlarni joylashtirgan bo'lsangiz, u holda har doim saytga mobil ilovaning

o'rnatilishidan ko'ra ko'proq tashrif buyurishlar bo'ladi.

2. Foydalanuvchi tomonida yo'l qoyilgan kamchiliklar darhol aniqlanadi.

3. Tezkor yangilanishlar.

4. Mobil ilovani saqlash xarajatlari odatda yuqori bo'lmaydi.

5. Mobil ilova foydalanuvchining barcha ma'lumotlarini eslab qolish va uning ehtiyojlariga qarab interfeysni o'zgartirish qobiliyatiga ega.

Agar foydalanuvchi ba'zi ma'lumotlarni kiritgan bo'lsa masalan ism, familiya, manzil, unda u ushbu manzilni qayta kiritishga hojat qolmaydi. Hatto turli xil qurilmalar bulutli sinxronizasiya yoqilganda, u har doim shaxsiy ma'lumotlar bilan to'ldirilgan dasturlarni ko'radi.

Mobil ilovada interfeysning sifati navigasiyaga ham ta'sir qiladi. Har qanday mobil telefon operasion tizim dasturlarda ish ekranlari o'rtasida almashish uchun o'z mantig'iga ega. Androidda bu "orqaga" tugmasi IOSda bu ekranning chap chetidan siljish orqali amalga oshiriladi [5, 6. 197].

Mobil ilovani yaratishdan avval mobil bo'shliqni etiborsiz qoldirib bo'lmaydi. Biz avval foydalanuvchi (o'quvchi) bilan ishlashimiz kerak. O'zaro munosabat jarayonida quyidagilarni amalga oshirishga e'tibor qaratish lozim.

1. Foydalanuvchi(o'quvchi)ga mobil ilova haqida ma'lumot berish;

2. Foydalanuvchi(o'quvchi)ga mobil ilovaning imkoniyatlarini tushuntirish;

3. Foydalanuvchi(o'quvchi)ga uni yuklab olish va ichiga kirish jarayonini tushuntirish;

4. Foydalanuvchi(o'quvchi)ga mobil ilovadan foydalanishning ijobiy jihatlarini tushuntirish.

Ushbu ma'lumotlarga asoslanib mobil ilova qanday bo'lishi kerakligi haqida to'liq ma'lumotga ega bo'lish mumkin.

Foydalanuvchi murojaatiga ko'ra ixtiyoriy qismdan ixtiyoriy vaqtda foydalanishi mumkin. Yuqoridagi 6-9-sinf o'quvchilari bilim salohiyatini, darajasini va qolaversa o'zlashtirilgan bilimlar bazasini mustahkamlashga xizmat qiladi. O'qituvchini doimiy ravishda izlanishga, hozirgi zamon talabiga javob bera oladigan shaxs sifatida rivojlanishida muhim o'rin tutadi.

Ta'lim jarayonida mobil ilovalarni takomillashtirish orqali o'quvchilarga qo'yilgan kompetensiyalar ham to'laqonli bajariladi. Mobil ilova ixtiyoriy foydalanuvchi(o'qituvchi yoki o'quvchi)ni ham izlanishga, o'z ustida ishlashga da'vat etadi.

Bugungi kunda sir emaski fizika fanidan laboratoriya mashg'ulotlarini bajarish uchun jihozlar yetishmovchiligi bor. Ananaviy dars jarayonida bu biroz noqulayliklariga sabab bo'lishi mumkin. Mobil ilovada esa laboratoriya mashg'ulotlari bajarilgan video darslar joylashtiriladi. Bunda o'quvchi darsni takror-takror ko'rish orqali ham o'z bilimlar bazasini yarata oladi.

Quyida mavzuni o'zlashtirishad foydalanish mumkin bo'lgan testlardan namunalarga to'xtalib o'tsak:

"Ha" yoki "Yo'q" degan ikkita javobli yopiq test topshiriqlari quyidagi ko'rinishda bo'ladi:

1. Mexanika uch bo'limga bo'lib o'rganiladimi?

Ha (uch bo'limga bo'lib o'rganiladi).

Yo'q (uch bo'limga bo'lib o'rganilmaydi).

Yopiq testlar quyidagi ko'rinishda bo'ladi:

2. Moddiy nuqtaning o'z harakati davomida fazoda qoldirgan izi nima deb ataladi?

a) yo'l



b) trayektoriya

c) ko'chish

3. Ochiq testlar quyidagi ko'rinishda bo'ladi:

Trayektoriya uzunligi . . . deyiladi. Nuqtalar o'rnini to'ldiring.

Test qanday shaklda qanday ko'rinishda bo'lmasin o'quvchilar bilimini nazorat qilish uchun eng qulay, eng ma'qul va maqbul variant hisoblanadi.

Mavzularni o'tish davomida bu kabi testlardan foydalanish o'quvchilarda mavzuni o'zlashtirish darajasini yuqori bo'lishiga, o'quvchilarni baholash imkoniyatlarini kengayishiga, fanga bo'lgan qiziqishlarini oshishiga xizmat qiladi.

Mobil ilovadan ta'lim jarayonining ixtiyoriy shakli (onlayn, oflayn) da foydalanish mumkin. Ananaviy ta'limda o'qituvchi ta'lim jarayoni bilan birgalikda mobil ilovalarni yuritishi orqali ham katta samaradorlikka erishiladi. O'quvchi ananaviy ta'limda dars jarayonida qatnashishi bilan birgalikda mustaqil ravishda takroran darsni o'rganish imkoniyatiga ega bo'ladi, hamda o'zlashtirilgan bilimlarni mobil ilovada turli sinovlar orqali mustahkamlash imkoniyatiga ega bo'ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Алибоев С.Х. Электрон таълим тренажёрини яратишнинг методик асослари// ЎзМу хабарлари илмий журнал №: 4. – Тошкент, 2019. – Б. 164-167.

2. Векслер В. А., Рейдель Л.Б. Интерактивные тренажеры и их значение в учебном процессе // NovaInfo, №. 41-1, 2016., -с. 10.

3. Гарцов А. Д. Информационно-образовательная среда в системе электронных дисциплин Вестник РУДН. Серия «Вопросы образования: языки и специальность». – 2014. – № 4. – С. 153–158.

4. Роберт И. В. Теория и методика информатизации образования (психолого - педагогический и технологический аспект). – М.: БИНОМ. Лаборатория знаний, 2014. – 398 с.

5. Современные образовательные технологии : учеб. пособие. – 3-е изд., стер. – М.: КНОРУС, 2013. – 432 с.

6. Djorayev M., Sattarova B. Fizika va astronomiya o'qitish nazariyasi va metodikasi. – Toshkent: Fan va texnologiya, 2015. – 352 b.

КУРАШ СПОРТ ТУРИ ОММАВИЙЛИГИНИ ОШИРИШ МУАММОЛАРИ

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022>.

Еримбетов Байрамбай Карлыбаевич,

п.ф.б.ф.д. (PhD), доцент

Қорақалпоқ давлат университетининг Жисмоний маданият назарияси ва методикаси кафедраси мудири

Аннотация. Мазкур мақолада кураш спорт турини оммавийлигини ошириш муаммолари муҳокама қилинган бўлиб, кураш спорт турини оммавийлигини ошириш бўйича олиб борилаётган ишларни янада ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Шунингдек, кураш спорт турини оммавийлигига тъсир қилувчи омилларни ўрганиш ҳамда курашчилар тайёргарлигига инновацион ёндашувларни жорий қилиш ишларини ташкил қилиш зарурлиги асослаб берилган.

Калит сўзлар: миллий, кураш, оммалаштириш, спорт, захира, босқич, спорт-соғломлаштириш, ўқув-маишқ, спорт маҳорати, тизим, таълим, илм-фан, илмий-тадқиқотлар, инновация.

ПРОБЛЕМЫ ПОВЫШЕНИЯ ПОПУЛЯРНОСТИ СПОРТИВНОГО ВИДА «КУРАШ»

Аннотация. В данной статье были обсуждены проблемы повышения популярности спортивного вида «кураш», разработаны предложения и рекомендации по дальнейшему развитию проводимой работы по повышению популярности «кураш». Это также основано на необходимости организации исследований популярности «кураш» и внедрения инновационных подходов к подготовке борцов.

Ключевые слова: национальный, «кураш», популяризация, спорт, резерв, этап, спортивно-оздоровительный, тренировка, спортивное мастерство, система, образование, наука, исследования, инновация.

THE PROBLEMS OF INCREASING THE POPULARITY OF THE SPORTS SPORT «KURASH»

Abstract. In this article, the problems of increasing the popularity of the sports sport «kurash» were discussed, proposals and recommendations were developed for the further development of the ongoing work to increase the popularity of «Kurash». It is also based on the need to organize research on the popularity of «kurash» and the introduction of innovative approaches to the training of wrestlers.

Key words: national, «kurash», popularization, sport, reserve, stage, sports and wellness, training, sportsmanship, system, education, science, research, innovation.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Мамлакатимиз курашчилари жаҳон спорт майдонларида муҳим ғалабаларни кўлга киритиб келмоқда. Аммо эришилган юксак ўринларни сақлаб қолиш ҳамда келгусида янада ривожлантириш учун машғулот жараёнини такомиллаштиришга қаратилган ишларимизни давом эттириш зарур ҳамда кураш спорт турининг оммавийлигини ошириш бўйича тизимли ишларнинг самарадорлигини ошириш талаб қилинади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 октябрдаги ПҚ-3306-сон “Кураш” миллий спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 ноябрдаги “Кураш миллий спорт турини

ривожлантириш ва унинг халқаро нуфузини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4881-сонли Фармони, бу соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муаян даражада хизмат қилмоқда.

Бизга маълумки жаҳонда ҳар бир миллатнинг ўз миллий спорт тури бўлганидек, қадимдан ўзбек халқининг ифтихори бўлган ўзига хос кураш турлари мавжуд бўлиб, Бухороча кураш, Фарғонача яни белбоғли кураш турлари мавжуд бўлган бўлиб, бугунги кунга келиб «Бухороча усул; Кураш» номини олди. Асрлардан асрга ўтиб, бугунги кунимизгача етиб келган, узоқ тарихга эга бўлган кураш, йиллар давомида ривожланиб мухлислар қалбида завқ уйғотган ҳолда ўзини юксак равишда намойиш этиб келмоқда, азалдан полвонларга турли халқ сайилларидаги ўтказилган беллашувларда жуда қизиқарли ва жозибали бўлиб, шу боис полвонлар эл ичида эъзозланар уларга миллий қахрамонлар сифатида қараланади.

Кураш Ўзбекистонда миллий жанг санъатининг энг машҳур тури ҳисобланади. Ўзбек тилидан таржима қилинган “кураш” “ҳалол йўл билан мақсадга эришиш” деган маънони англатади. Курашнинг бу тури ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида тахминан 3,5 минг йил аввал пайдо бўлган ва жаҳонда энг ривожланган спорт турларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти ташаббуси билан 1998-йил 6-сентябрда Кураш халқаро ассоциацияси ташкил этилди ва миллий спорт тури – кураш халқаро мақомга эга бўлди.

Курашни кенг тарғиб қилишни давом эттириш, шунингдек, ушбу спорт турини Олимпия ўйинлари дастурига киритиш устувор вазифа ҳисобланади. Миллий спортимиз билан имкон қадар кўпроқ одамлар шуғулланишини, кўпроқ мамлакатларга қизиқишини истаймиз. Бугунги кунда Кураш Миллий федерацияси дунёнинг беш қитъасидаги 121 та давлатда фаолият юритмоқда. Уларнинг энг кўп сони Европа ва Осиёда - 30 дан ортиқ федерациялар рўйхатга олинган.

Тадқиқот мақсади. Кураш спорт турини оммавийлигини ошириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсилар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот вазифаси. Спорт таълим муассасалари фаолиятида кураш спорт турини оммавийлигини ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳолатини аниқлаш ҳамда спорт таълим муассасалари, спорт федерацияларида тренерларнинг оммавийлаштириш бўйича ишларни ривожлантиришдан иборат.

Тадқиқотнинг услуби. Педагогик кузатишлар, анкета сўровлардан фойдаланилди. Ўтказилган тадқиқотда спорт таълим муассасаларидан Нукус шаҳар 2-сонли болалар-ўсмирлар спорт мактабидан 10 нафар теренер ҳамда Нукус олимпия ва паралимпия захиралари коллежининг 10 нафар тренери қатнашди. Тадқиқот давомида уларнинг илм-фан ютуқларидан фойдаланиш бўйича берилган жавоблари таҳлил қилинди.

Тадқиқот натижалари. Бугунги кунда кураш спорт турининг оммавийлигини таъминлашда қуйидаги масалаларга эътибор қаратиш зарур ҳисобланади.

Аҳоли ўртасида кураш миллий спортини оммалаштиришнинг назарий-амалий муаммоларини ўрағниш;

Кураш миллий спорт тури бўйича малакали мутахассислар, тренерлар ҳамда ҳакамлар тайёрлашнинг илмий-ташқилий асослари ишлаб чиқиш;

Юқори малакали курашчиларни тайёрлаш тизимида инновацион ёндашувлар жорий қилиб бориш;

Юқори малакали курашчилар техник ва тактик тайёргарлигини такомиллаштиришда замонавий илм-фан ютуқларидан фойдаланиш ҳамда мураббийларда замоанвий ютуқлардан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини ривожлантириш;

Терма жамоаларда захираларини ривожлантиришда ёш курашчиларнинг саралаш ишларини тизимли ташкил қилиш, уларни ёшини белгилишда ўзгартириш ҳаракатларига биргаликда қарши курашиш.


Кураш спорти жуда қадимий тарихга эга, ўзининг ижтимоий, фалсафий, педагогик асосларига эга бўлсада ушбу спорт тури бўйича олиб борилган илмий тадқиқот ишлари курашни ривожлантиришнинг замонавий талабларига тўлақонли жавоб бермайди.

Ҳозирда дунёнинг 130 дан ортиқ мамлакатларида кураш бўйича федерациялар фаолият олиб бормоқда. Бир қатор мамлакатларда кураш таълим муассаларида ўқув предмети сифатида ўқитилмоқда. Кураш халқаро спорт аренасида кенг омма томонидан тан олинди, 2018 йилги Осиё Ўйинлари (Индонезия, Жакарта) дастурига киритилганлиги дунё миқёсида кураш билан шуғулланувчилар сонининг кескин ортишига олиб келмоқда.

Биз кураш спорт турини оммавийлаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳолатини таҳлил қилиш мақсадида кичик бир тадқиқот ишларини ташкил қилдик. Тадқиқот ишимизда спорт таълим муассасаларидан болалар-ўсмирлар спорт мактаби (Нукус шаҳар 2-сонли болалар-ўсмирлар спорт мактаби) тренерлари ҳамда олимпия ва паралимпия захиралари коллежи тренерлари (Нукус олимпия ва паралимпия захиралари коллежи) иштирок этишди.

Нукус шаҳар 2-сонли болалар-ўсмирлар спорт мактабидан 10 нафар тренер иштирок этган бўлса Нукус олимпия ва паралимпия захиралари коллежидан 10 нафар тренер қатнашиб, уларга айнан спорт турини оммавийлаштириш бўйича саволлар билан муносабат қилинди.

Нукус шаҳар 2-сонли болалар-ўсмирлар спорт мактаби тренерларига “Сиз спортчи-ўқувчилар орасида оммавийлаштириш бўйича ишларни ташкил қиласизми?” деган саволга 83% тренерлар “Йўқ, ташкил қилмайман”, 17 % “Баъзида ташкил қиламан” деб жавоб беришган (1-расм).




1-расм. “Сиз спортчи-ўқувчилар орасида оммавийлаштириш бўйича ишларни ташкил қиласизми?” саволига берилган жавоблар диаграммаси.

1-расм. “Сиз спортчи-ўқувчилар орасида оммавийлаштириш бўйича ишларни ташкил қиласизми?” саволига берилган жавоблар диаграммаси

Шунингдек, “Фаолиятингизда айнан қайси инновацион услубдан фойдаланасиз?” деган саволга жавоб беришмаган.

Мазкур саволлар Нукус олимпия ва паралимпия захиралари тренерларига берилганда, яъни “Сиз спортни оммавийлаштириш бўйича инновацион методлардан фойдаланасизми?” деган саволга 27% тренерлар “Ҳа, фойдаланаман”, 65 % “Баъзида фойдаланаман”, 8 % “Ҳар доим фойдаланаман”, деб жавоб беришган (2-расм).



2-расм. “Сиз спортни оммавийлаштириш бўйича инновацион методлардан фойдаланишимиз?” саволига берилган жавоблар диаграммаси.

2-расм. “Сиз спортни оммавийлаштириш бўйича инновацион методлардан фойдаланишимиз?” саволига берилган жавоблар диаграммаси

Саволларга берилган натижаларни таҳлил қиладиган бўлсак Нукус шаҳар 2-сонли болалар-ўсмирлар спорт мактаби тренерлари ҳамда Нукус олимпия ва паралимпия захиралари спортни оммавийлаштириш бўйича инновацион методлардан фойдаланиш даражасини турли эканлигини кўришимиз мумкин. Ушбу тадқиқот натижалари спорт таълим муассасаларида оммавийлаштириш бўйича ишларини қўйи бугундаги ташкил қилиб бориш кераклигини исботлаб берди.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, мазкур йўналишда қуйидаги муаммоларнинг илмий ечимини топиш зарур:

халқаро ва маҳаллий кураш мураббийлари, ҳакамлар ва экспертлари учун мўлжалланган ягона ва барча томонидан бирдек тушуниладиган кураш атамалари мавжуд эмас. Бу ҳолат ўз навбатида курашга хос бўлган махсус терминларнинг ноўрин ёки турлича қўлланилиши ҳамда тушунилишига олиб келмоқда;

кураш усуллари систематикаси, уларнинг бир биридан фарқли жиҳатлари ҳамда уларни ўргатиш жараёни ягона тизимга солинмаган. Мазкур ҳолат бевосита кураш усулларини турли ёш ва жинс қатламларига, дунёнинг турли мамлакатларидаги кураш мутахассисларига курашни ўргатиш жараёнида муаммо салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу сабабдан ҳам курашни ривожлантиришнинг энг муҳим шартларидан бири ягона кураш усуллари систематикасини ишлаб чиқиш ҳисобланади;

ҳозирги кунда Республикамиз ва хорижий мамлакатлар кураш мутахассисларининг билим, кўникма ва малакаси ўзаро фарқли бўлган турли меъзонлар бўйича баҳолаб келинмоқда. Ушбу ҳолат халқаро ва Республикамиз миқёсида тажрибали ва маҳоратли кураш мутахассисларини саралаб олишга тўсқинлик қилмоқда. Шу сабабдан кураш усуллари классификациясидаги мавжуд улоқтириш усулларини билишга асосланган кураш мураббийлари, ҳакамлар ва экспертларнинг назарий ва амалий билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш платформасини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга;

кураш машғулотларида машқ ва тикланиш вақтини турли факторларга асосан белгилаш ва ташкил этиш бугунги мураббийлар амалиётида кузатишмоқда. Натижада аксарият ҳолларда машқ ва тикланиш оралиқлари ўзаро номутаносиб ташкил этилиб, машғулот олдига қўйилган мақсадга эришиш мураккаблашиб

бормоқда. Шу сабабдан курашчилар беллашув фаолиятини таҳлил қилиш асосида машқ ва тикланиш вақтининг оптимал параметрларини аниқлаш долзарб аҳамиятга эга;

кураш тезкор ва шиддатли спорт тури ҳисобланади. Беллашув жараёнида хилма-хил техник ҳаракатлар амалга оширилади. Айрим ҳолларда мутахассислар тўғри қарор қабул қилсалар, бошқа ҳолларда эса улар ўртасида баҳсли вазиятлар юзага келмоқда. Кураш бўйича мусобақа жараёнидаги экстримал ҳолатларни тезкорликда, аниқ ва самарали баҳолаш ўта муҳим масала саналади. Шу сабабдан кураш беллашувларидаги ўзгарувчан вазиятлар акс эттирилган, моделлаштирилган вазиятлар платформасини яратиш зарур ҳисобланади;

хорижлик ма маҳаллий кураш мутахассислари томонидан курашга доир маълумотлар, назарий ва услубий билимлар бериш имкониятига эга механизм мавжуд эмас. Ҳозирги кунда дунё мамлакатларидаги кураш мутахассислари турли манбаалар асосида кураш бўйича маълумотлар олмоқда. Бу ҳолат оз навбатида кураш мутахассисларига назарий ва услубий билим бериш имкониятига эга механизм электрон платформасини ишлаб чиқиш заруратини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 4 сентябрдаги “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги (янги таҳрири) қонуни”.-Б.29.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил

2 октябрдаги “Кураш” миллий спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3306-сон қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 ноябрдаги “Кураш миллий спорт турини ривожлантириш ва унинг халқаро нуфузини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4881-сонли Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 ноябрдаги “Спорт таълими тизимини тубдан такомиллаштириш орқали олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича спортчилар захирасини шакллантириш сифатини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5279-сонли қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 ноябрдаги “Спорт-таълим муассасалари фаолиятини 2025 йилгача ривожлантириш дастури тўғрисида”ги ПҚ-5280-сонли қарори.

6. Платонов В.Н. Система подготовки спортсменов в олимпийском спорте. -М.: Советский спорт, 2005. - 820 с.

7. Юров И.А. Психологические свойства спортсменов: учебное пособие. -М.: РУСАЙНС, 2021. -108 с.

8. Горская И.Ю. Координационная подготовка спортсменов: монография. -Омск: СибГУФК, 2015. -220 с.

9. Кыласов А.В. Мировая система спорта: учебное пособие. –М.: КНОРУС, 2019. -132 с.

10. Губа В.П. Теория и методика современных спортивных исследований: монография.-М.: Спорт, 2016. – 232 с.



**ФУҚАРОЛИК МАДАНИЯТИНИНГ ИНСОН ҲАЁТИ ВА ЖАМИЯТ
ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ**

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022>.

*Ходжаев Болта Курбонович,
педагогика фанлари номзоди, доцент, Бухоро давлат университети
<https://orcid.org/000-0002-1650-361X>*

*Хожиева Матлуба Шукуровна,
Бухоро давлат университети педагогика кафедраси ўқувчиси*

Аннотация. Мақолада Янги Ўзбекистонни қуриш шароитида фуқаролик маданияти тўғрисида сўз юритилиб, унинг инсон ҳаёти ва жамият тараққиётидаги ўрни ёритилган. Айниқса, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг ўзига хос хусусиятлари, ушбу хусусиятларни ўқувчи- ёшлар онгига етказишда фуқаролик маданиятининг мазмун- моҳияти таҳлил қилинган ҳамда фуқаролик маданиятининг шахс камолитидаги ижтимоий – педагогик аҳамияти кўрсатилган

Калит сўзлар: фуқаролик, маданияти, инсон, жамият, ҳаёт, тараққиёт, конституция, ҳуқуқ, қонун, тараққиёт стратегияси, позиция, фаолият мезони, Фармон, устувор, мутафаккирлар.

**МЕСТО ГРАЖДАНСКОЙ КУЛЬТУРЫ В ЖИЗНИ ЧЕЛОВЕКА И
РАЗВИТИИ ОБЩЕСТВА**

*Ходжаев Болта Курбонович,
кандидат педагогических наук, доцент Бухарского государственного
университета*

*Ходжиева Матлуба Шукуровна,
преподаватель кафедры педагогики Бухарского государственного
университета*

Аннотация. В статье рассматривается гражданская культура в контексте строительства Нового Узбекистана и показывается ее роль в жизни человека и общества. В частности, анализируются особенности правового государства и гражданского общества в нашей стране, а также раскрывается содержание и сущность гражданской культуры в процессе построения нового общества и социально-педагогическое значение гражданской культуры в данном процессе.

Ключевые слова: гражданство, культура, человек, общество, жизнь, развитие, конституция, право, стратегия развития, позиция, масштаб действий, Указ, устойчивость, мыслители.

**THE PLACE OF CIVIC CULTURE IN HUMAN LIFE AND THE
DEVELOPMENT OF SOCIETY**

*Khojaev Bolta Kurbonovich,
Candidate of Pedagogical Sciences, Associate Professor, Bukhara State
University*

*Khodzhiyeva Matlyuba Shukurovna,
Lecturer, Department of Pedagogy, Bukhara State University*

Abstract. The article discusses civic culture in the context of the construction of New Uzbekistan and shows its role in the life of a person and society. In particular, the features of the rule of law and civil society in our country are analyzed, and the content and essence of civic culture in the process of building a new society and the

socio-pedagogical significance of civic culture in this process are revealed.

Key words: citizenship, culture, person, society, life, development, constitution, law, development strategy, position, scale of action, Decree, sustainability, thinkers.

Кириш. Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидан дадил одимлаётган мамлакатимизга чуқур билим, юксак маънавий - ахлоқий салоҳият ва умуминсоний маданият эгаси бўлган ёшларни тарбиялаш бугунги куннинг долзарб масалларидан бирига айланган. Зеро, онги юксак хулқ – одоби мукамал, билимли, маърифатли инсонгина ақл билан иш юритиб, бажараётган вазифасини мантиқ тарозисига кўра оладиган, мамлакатда олиб борилаётган маънавий - маърифий ҳамда ижтимоий-иқтисодий ислохотларга фаол иштирок этадиган, ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган соғлом иймон эътиқод асосида иш юритадиган бўлиб, бошланган ишларини якунига етказиш ва уларни жаҳонга танитадиган ҳамда уни янги бошқичга кўтарадиган инсонлар бўлади. Бундай ёшларни вояга етказишда илм, маърифат, маънавий салоҳият ниҳоятда зарур. Буни чуқур ҳис этган Республика Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “...ёш авлодимизнинг гражданлик позицияси ва фаоллигини кучайтириш, уни мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-хунарларини пухта эгаллаб, халқаро майдонда рақобатга кириша оладиган баркамол шахслар этиб тарбиялаш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Энг муҳими, ёшлар билан доимий мулоқот олиб бориш, уларнинг бандлигини таъминлаш, ҳаётда ўз ўрнини топиш, жамиятнинг муносиб аъзоларига айланиши, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш вазифаси барчамизнинг кундалик фаолиятимиз мезонига айланиб бормоқда” [2, 490].

Мазкур тезис миллий педагогика фанимиз назарияси ва амалиёти олдига мустақил фикрлайдиган ва фаолият юритадиган ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини чуқур англайдиган, ҳаётда ўз ўрнини топишини ва мамлакатимизнинг мутахассиси бўлиб етишини ҳамда ижтимоий – иқтисодий тараққиётга фаол иштирок этиш учун ўзининг бор имкониятларидан фойдалана оладиган шахсни тарбиялаш вазифаси кўндаланг қилиб қўйилган. Маълумки, ҳозирги тараққиёт ҳар бир ёшнинг интеллектуал даражаси қай ҳолатда билимларини эгалаганлиги уларни ўз хотираси ва ақлий заковатига қай даражада сақлай олганлиги билан эмас, балки улардан амалий фаолиятга фойдаланиб ҳаётга қай даражада татбиқ эта олиши билан ўлчанади. Шу боис ёшларни бу фаолиятга тайёрлаш кечиктириб бўлмайдиган ва долзарб педагогик муаммо ҳисобланади.

Дарҳақиқат, ҳозирги ижтимоий – иқтисодий тараққиёт босқичида узлуксиз таълим муассасаларида таълим-тарбия ишларининг самарадорлик даражасини ошириш, айниқса, бўлажак олий маълумотли мутахассисларнинг касбий - шахсий компетентлигини ошириш, жумладан, педагог кадрларни инновацион фаолиятга йўналтириш, ўқув жараёнини модернизациялаш, таълим ҳамда илғор хорижий тажрибаларни олий таълим тизимига олиб кириш муҳим ва ўта долзарб вазифалардан биридир. Зеро, Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон ёшларига байрам табригида” таъкидлаганларидек: “Бугунги кунга мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, уни инновацион асосда ривожлантириш, ўз олдимизга қўйган кўп қиррали ва мураккаб вазифаларни амалга ошириш мақсадида биз замонавий ва креатив фикрлайдиган, ҳар қандай вазиятда ҳам маъсулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, ғайрат-шижоатли интеллектуал салоҳиятли, юксак ватанпарвар

ёш кадрларга давлат ва жамият бошқарувида муҳим вазифаларни ишониб топширмоқдамиз” [2, 491].

Демак, мамлакатда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини ривожлантириш учун, аввало, унинг қурувчилари ҳисобланган ёш авлодни ҳар томонлама камол топтириш, айниқса, фуқаролик тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Шунингдек, талаба - ёшларни манавий - ахлоқий салоҳиятли қилиб тарбиялаш учун фуқаролик тарбиясини амалга ошириш жаҳонда рўй бериб, кучайиб бораётган халқаро терроризм, диний фундаментализм ва экстремизмнинг ёшлар онги ва қалбини эгаллашга уринаётганлигининг олдини олишга қаратилган муҳим ижтимоий масала ҳисобланади. Бундай шароитда ёшларимизда фуқаролик масулияти, мажбурияти, фуқаролик бурчи ва онгини ривожлантириш долзарб педагогик муаммо ҳисобланади. Дарҳақиқат, талаба- ёшларнинг фуқаролик тарбияси муаммоси, баркамол авлод тарбиясининг муҳим таркибий қисми сифатида мустақил мамлакат педагогикасида алоҳида эътиборга лойиқ. Зеро, мустақил Республика олий ўқув юртлири талабаларида фуқаролик онги, тафаккури, ҳис-туйғусини шакллантириш - бу ўзбек халқининг менталитети, инсоний ахлоқ ва ҳуқуқ қоидалари асосида фуқаро кадр - қийматини улуғлаш, ёшлар ўртасида тинчлик, дўстлик, биродарлик, қардошлиқ ришталарини мустаҳкамлаш, миллий истиқлол мафқурасига асосланувчи, мустақиллик дунёқарашига эга бўлган янги инсонларни вояга етказишнинг ҳам таъсирчан воситаси бўлиб хизмат қилиши табиий ҳол.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Илмий - назарий адабиётлар таҳлили шундан далолат бермоқдаки, тарбия, айниқса, баркамол авлод тарбияси масаласи турли давр ва тарихий босқичларда инсон учун ҳам, ижтимоий- иқтисодий тараққиёт учун ҳам, маънавий- маданий ҳаёт учун ҳам муҳим ижтимоий- педагогик аҳамият касб этиб, унинг унсур (компонет)лари инсоннинг шахс бўлиб шаклланишида, жамиятнинг инсонпарварлик ва демократик характер касб этишида етакчи омил сифатида хизмат қилган. Шу боис Шарқ Уйғониш давр мутафаккирлари (IX-XIV асрлар) Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Фаробий, Абу Али Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Юғнакий, Алишер Навоийлар фуқаролик маданиятининг талқинини “Фозил инсон” “Комил шахс”, “Одил фуқаро” тўғрисидаги ғоялар орқали ифодалаганлар. Чунки, унинг мазмунида ақл - заковат, инсоф - адолат, ор - номус ва виждон, ахлоқий-ҳуқуқий бурч, масулият каби инсоний фазиллатлар мужассамлашган деб эътироф этилган.

Буюк мутафаккирлар, айнан адолатли инсонпарвар жамият учун шундай фазилатлари шаклланган фуқароларни кўришни орзу қилганлар ва бундай инсонлар жамиятга ҳам, меҳнаткаш фуқароларга ҳам, тараққиётга ҳам катта фойда келтиради деб билганлар. Кейинги даврларда мустақил ҳамдўстлик мамлакатларининг педагог-олимлари, психологлар, файласуфлар, социологлардан, А.С.Макаренко, А.И.Буров, М.Н.Верб, М.А.Волович, В.А.Разумний, Е.В.Квятковский, Б.Т.Лихачёв, В.А.Караковский, Б.А.Крутецкий, А.В.Петровский ва бошқалар фозил, орифлик, комилликни ўзида таркиб топтириб фуқаролик маданиятини ривожлантиришни назарда тутган таълим- тарбия тизимини яратиш тўғрисида фикр юритадилар. Айниқса, В.А.Караковскийнинг “Ҳақиқий инсонни тарбиялайлик” китоби диққатга сазовордир.

Республикамизда педагог олимлар, тарбияшунослар томонидан XX-XXI асрнинг дастлабки йилларида ёш авлод тарбияси тўғрисида шундай асарлар яратилдики, уларда инсон ижтимоий- иқтисодий тараққиёт ва

маънавий- маданий ҳаётнинг иштирокчиси эмас, балки яратувчиси, ижодкори ҳамда ижтимоий ҳаётни ўзгартирувчи кишиси сифатида талқин қилинади. Шундай асарлар сирасига “Раҳбари нажот” (Абдурауф Фитрат), “Падаркуш” (Махмудхўжа Беҳбудий), “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” (Абдулла Авлоний), “Миллий роман ёхуд янги саодат” (Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий), “Ўқитувчининг ахлоқий шакилланиши” (Малла Очилов), “Ўқувчиларни ахлоқий маданиятини шакллантириш” (У.Маҳкамов), “Маънавий кадрятлар ва ёшлар тарбияси” (О.Мусурмонова), “Миллий тарбия” (М.Қурононов), “Инсон камолотининг маънавий асослари” (Э.Юсупов), “Маънавий-ахлоқий тарбия асослари” (Ш.Олимов) кабиларни қайд қилишимиз мумкин.

1991 йил 31 августда мамлакат ўз мустақиллигини эълон қилгандан сўнг “Педагогика назарияси ва амалиёти”да туб ўзгаришлар содир бўлди. Жумладан, “Тарбия назарияси” бўлимидаги, “коммунистик тарбия” деган тушунча “Баркамол авлод” тарбияси ибораси билан алмаштирилиб, “Баркамол инсон”ни вояга етказиш асосий мақсад сифатида белгиланди. Чунончи, “Баркамол инсон, - деб ёзади профессор С. Нишонова, - бу ақлан ва руҳан етук, юксак истеъдод ва салоҳиятга эга бўлган маънавий бой, ахлоқан пок, жисмонан соғлом, нафосатли, жамиятда ўзлигини таниган, мустақил фикрлайдиган эркин, ижодкор, ташаббускор, ишбилармон, фидойий шахс.” [7,206-213] Мана шундай фазиллатларга эга бўлган шахсни табиаллаш мустақиллик педагогикасининг асосий муаммосига айланди. Натижада, мустақиллик йилларида мана шундай инсонни тарбиялаш тўғрисида педагогик қўлланмалар нашр этилди, дарсликлар ёзилди. Жумладан, “Мактаб маънавияти ва миллий тарбия” (М.Қурононов), “Ўзбекистон мактаб ўқувчиларининг бадиий - эстетик тарбияси” (С.Аннамуротова), “Комил инсон тарбияси” (С.Нишонова), “Тарбия ва исломий кадрятлар” (М.Иномова), “Таълим ва ислом: ёшларни тарбиялашдаги муаммолар ва ечимлар” (Н.Ортиқов), “Олий ўқув юрти талабаларини маънавий-ахлоқий тарбиялашни комплекс ташкил қилишнинг назарий ва амалий асослари” (К.Зарипов), “Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари” (Сафо Очил), “Манавий-ахлоқий тарбия асослари” (Ж.Ҳасанбоев), “Ўқувчиларнинг эстетик тарбияси” (С.Файзулина) каби педагогик - психологик асарлар яратилди. Бу педагогик асарларда юксак инсоний фазилат соҳиби ҳамда манавий - ахлоқий салоҳият ва жисмоний етук, муайян дунёқарашга эга бўлган баркамол инсонларни шакллантиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари ўз ечимини топган.

Бизнинг тадқиқотимизда баркамол авлод тарбияси масаласи миллий тарбиямизнинг асосини ташкил этиб, истиқлол йилларида янги педагогик феномен сифатида кириб келган “Фуқаролик маданияти” кўринишида талқин қилинади. Чунончи, фуқаролик маданияти инсоннинг манавий етуклиги ва тарбияли эканлигини намойиш эта оладиган педагогик тушунча ҳисобланади. Чунки, “...фуқаролик маданияти фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдевори, ҳуқуқий демократик тузумнинг асоси сифатида кишиларнинг моддий ва маънавий бойликларни ўрганиш, ўзлаштириш ҳамда уларни асраб авайлаб, келажак авлодга ва ўзи яшаётган мамлакат ҳамда жамият равақига, истиқболи учун меҳнат қиладиган шахснинг юксак намунасини англатади.”(8,7-8).

Тадқиқот метадологияси. Фуқаролик маданияти инсоний фазилатлар ва киши кадрини оширувчи қимматли сифатдир. У таълим- тарбиянинг асл меваси, ақл суянчиғи, инсоний фазиллатларнинг шаъни ва ҳикматидир. Қайд қилиб ўтганимиздек, Ўзбекистон мустақилликка эришгач демократик ҳуқуқий

давлат ва фуқаролик жамияти куришни конституциявий меёрлар асосида бош мақсад қилиб белгилади. “Биз учун фуқаролик жамияти ижтимоий макон-деб тақидлайди Республикамизнинг биринчи Президенти И.А.Каримов, - бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз- ўзини камол топтиришга монелик қилмайди, аксинча ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқий ва эркинликларини тўла даражада рўёбга чиқишга кўмаклашади. Айни вақтда бошқа одамларнинг ҳуқуқий ва эркинликларини камситилишига йўл қўймайди. Яъни эркинлик ва қонунга бўйсуниб бир вақтнинг ўзида амал қилади, бир-бирини тўлдирди ва бир-бирини тақоза қилади” [4,554], бунинг учун биринчи навбатда мамлакат аҳолисининг, жумладан, ёшларнинг фуқаролик маданиятини юксак даражада кўтариш, уларнинг гамғур меҳрибон, инсонпарвар, ўз бурчи ва маъсулиятини чуқур англайдиган қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Зеро, ёшларнинг фуқаролик маданиятининг шаклланиши уларнинг ижтимоий - иқтисодий, маданий - сиёсий тараққиётга фаол иштирок этишига амалий ёрдам беради.

Фуқаролик маданияти – Ватанга, жамиятга, миллатга, тилга, урф- одатга, тарихга бўлган муносабати ва хатти-ҳаракатларида, хулқнинг меъёр ва қоидаларига риоя қилишида намоён бўлади.

Жамият манфаатини кўзлаш маъсулиятли бўлиш, бурч ва мажбуриятини англаш фуқаролик маданиятига эга бўлган кишига хос хусусият. Чунки, маъсулият, онгли фаолият, жамият, оила ва ҳаётнинг ўзига хос меъёрини белгилайди. Шу боис у жамият ва инсон ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди. Чунки, киши ўз ҳаётига, қанчалик фуқаролик маданиятини эгаллашга интилса, у шунчалик ўз нуқсонларини тез англаб, тушуниб боради ва ўз шахсини ўзгартиради ва жамият ҳамда ва инсон ҳаётида қуйидаги кўринишлари намоён бўлади. Зеро, фуқаролик маданияти фаолиятнинг маҳсули сифатида моддий ва маънавий бойликларини яратишга, ўз ҳаётига, ўзи яшаётган мамлакат, жамиятнинг равнақи ва юксалишига ижобий ва мақсадли таъсир этишга қаратилган кишиларнинг онгли фаолияти сифатида иштирок этади. Демак, фуқаролик маданияти шаклланган шахс ақл-заковатли бўлади. Бу фуқаролик маданиятининг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрнининг биринчи шартидир.

Маълумки, инсон ўз фаолияти давомида воқеликни ҳар доим ҳам ижобий томонга ўзгартириб моддий ва маънавий бойликлар яратавермайди. Баъзан шаҳарларни тўпга тутиб қулини қўкка соғуриш, одамларни хонавайрон қилиб табиатга ўт қўйиш, фаровон ҳаётини харобага айлантириш ҳам одамзот боласининг иши ҳисобланади. Бу фуқаронинг маданиятсизлигининг белгиси ҳисобланади. Демак, фуқаронинг маданиятли бўлиши учун инсон, аввало, ахлоқий- ҳуқуқий бурч эгаси бўлмоғи даркор. Ахлоқий- ҳуқуқий бурч ва инсоний фазилатларга эга бўлиш, ҳайвоний ҳис-туйғулардан узоқлашиш, ўз шаъни, оиласи шаъни, миллати шаъни, Ватани шаъни учун фуқаролик бурчига садоқат нуқтаи – назардан, қонун - қоидалар моҳиятини англаш ва уларга риоя қилишида намоён бўлади. Бу фуқаролик маданиятининг жамият ва инсон ҳаётида намоён бўлишининг иккинчи шартидир.

Фуқаролик маданиятининг шаклланиши тафаккур, ҳаётий тажриба ва руҳий малакаларга асосланади. Кўп даврларда фуқаро, инсон ижтимоий-иқтисодий муносабатлар йиғиндиси сифатида эътироф этилиб, фуқарога ишлаб чиқаришнинг бир қуроли деб қаралгану, унинг руҳий-маънавий олами тафаккури, яратувчанлик фазилатларига деярли эътибор қаратилмаган. Педагог-олим Б.Қ.Ходжаев таъкидлаганидек, уни биринчилардан бўлиб

пайкаган ва биринчи марта фанга киритган Австроялик рухшунос Зигмунд Фрейд инсонни “одам, шахс, руҳият - фуқаро” тизимида ўрганиб, руҳиятининг фуқаро ижодкорлигига, яратувчилигига ва ҳақиқий шахс бўлиб шакилланишига таъсирини илмий асослаб берди. Фрейднинг фикрича инсоннинг руҳияти онг, онг ости ва онгсизлик каби қатламлардан иборат бўлиб инсоннинг ижодини, яратувчанлигини, руҳий энергиясини рўёбга чиқариб ижобий тус олиши, унинг тараққиётга хизмат қилишини таъминлайди ва шунинг учун ҳам у фуқаролик маданияти, шахс маданияти, миллат маданияти, жамият маданияти билан ҳамоҳангдир. Бу фуқаролик маданиятининг инсон ва тараққиётдаги намоён бўлишининг учинчи шартидир.

Фуқаролик маданияти маънавий маданият билан узвий боғлиқдир. Маънавияти бутун фуқаро, халқ, Ватан олдидаги бурчини аниқ англайди. Нотўғри тасаввурларга йўл қўймайди, ўзгаларга ғамхўр, қайғудош бўлади, ҳеч қачон жамоат жойларида тартиббузарликка йўл қўймайди, жамият қонунларини бузмайди. Зеро, мустақилликни мустаҳкамлаш, уни юксалтириш ва жамият тараққиётида моддий ва маънавий бойликларни яратиш масъулияти устунлик қилади. Сўз билан иш бирлиги таъминланмаган шароитда фуқароларнинг маънавий ва фуқаролик маданияти бирлиги таъминланмайди.

Демак, бунда фуқаролик маданияти инсоний бурч, ахлоқий- ҳуқуқий масъулиятни аниқ англашидан четда қолган. Бу фуқаролик маданиятининг жамият ва инсон ҳаётида тутган ўрнининг тўртинчи шартидир.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси мустақиллика эришгач маънавий кадрлар, миллий маданият ва урф - одатларни тиклашга алоҳида эътиборни қаратди ва бунинг учун қатор қонун ҳамда қарорлар қабул қилиб амалга ошириш йўлга қўйди. Бунинг албатта, ижтимоий- маданий сабаблари бор, чунончи:

1. Бирор бир мамлакат жамият манавий- маданий имкониятларни ривожлантирмай туриб, халқига, ватанига садоқатли бўлган баркамол авлодни вояга етказа олмайди.

2. Маданияти, манавияти юксак бўлмаган фуқаро халқ, юрт, ҳеч қачон иқтисодий – ижтимоий жиҳатдан ривожлана олмаган ва тез орада таназзулга учраган. Шундай бўлган ва шундай бўлиб қолади.

3. Фуқаролик маданияти шаклланмаган инсон бурч, масъулият, Ватан туйғуси, Ватан қувончи, Ватан севинчи, ифтихор туйғуларидан йироқ бўлиб, ҳар қандай қабиҳликларни содир қилишга мойил бўлади.

4. Шунинг учун ҳам бугунги ёшларимизда фуқаролик маданиятини шакллантириш, уларда инсоний бурч масъулият, ахлоқ, ҳуқуқий билимдонликни ривожлантириш баркамол авлод тарбиясининг устувор вазифаларидан бири бўлган ва шундай бўлиб қолади. Зеро, фуқаролик маданияти юксак бўлган инсон:

- ўз юрти, халқи, она тупроғини севади ва унга садоқат билан хизмат қилади;

- жамиятдаги моддий ва маънавий бойликларни кўз қорачиғидай асраб-авайлайди ва уларни кўпайтиришга ҳаракат қилади;

- ўтмиш аждодларимиз таълимотини, урф-одатларини ўрганади кадрлайди ва уларга роия қилади;

- муқаддас китоблар, қонунлар ва қарорларга бурч, масъулият билан амал қилади;

- ўзини, оиласини, қариндош уруғларини, сафдошларини, халқини кадрлайди ва уларга ҳурмат-иззатда бўлади. Бу хусусиятлар 8 декабр, 1992 йилда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси”нинг иккинчи бўлим, 5-11 боблари 18-52 моддаларида ўз ифодасини топиб, фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари, бурчлари масъулият ва мажбуриятлари

тарзида баён этиган [1,12-18].

Дарҳақиқат, Янги Ўзбекистонни барпо этиш шароитида ёшлар фуқаролик маданиятининг мазмунида халқимизнинг ахлоқий-ҳуқуқий бурч тўғрисидаги тасаввурлари, миллий руҳияти, юксак инсоний фазилатлари, маънавияти, озод ва обод Ватан, эркин ва фаравон ҳаёт учун курашиши холис мақсад-муддаолари, орзу-истаклари ўз ифодасини топган.

Ушбу фикрлардан келиб чиқиб таъкидлаш жоизки, фуқаролик маданияти жамият ва инсон ҳаётида, айниқса, талаба-ёшлар ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди. Шахс фуқаролик маданиятининг пастлиги ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча томонларига салбий таъсир кўрсатишини ҳаёт кўрсатиб турибди. Масалан, баъзи ёшларнинг иқтисодий танглик туфайли эмас, балки маънавий қашшоқлиги, маданиятсизлиги сабабли турли вайронкор оқимларга қўшилиш ҳолатларини содир этилаётганлиги сир эмас. Зеро, бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларига нисбатан ҳам кўпроқ кучга эга эканлиги алоҳида таъкидланган.

Маъсулият ва бурчни ҳис қилиш, муомала, ҳатти-ҳаракатлар ҳам фуқаролик маданиятининг бир шarti бўлиб, у инсоннинг иқтисодий ва маънавий маданиятга у ёки бу даражада албатта, ижобий ёки салбий таъсир кўрсатади. Бинобарин, инсон ҳалол, номусли, пок қалбли, ўзига талабчан бўлмасдан туриб, маданиятли ва етук бўлиши мумкин эмас. Чунки, ҳар бир инсон муайян вазиятларда ўзини бошқара олиши, қабул қилинган тартиб интизом ва ахлоқий-ҳуқуқий меъёрларга қоидаларига мувофиқ иш тутиши, ёки шунингдек, меҳнаткашлар, шу жумладан ёшлар дунёқарашни, фуқаролик маданиятининг янги-янги мезонлари ва меъёрларини вужудга келтириши мумкин бўлади. Бу янги тартиб ва меъёрларнинг инсонлар томонидан ўзлаштирилиши учун вақт зарур бўлади. Бугунги давр ҳам мураккаб, ҳам тўзонли бўлиб, ўз хусусиятларига эга. Шунинг учун инсонларда, айниқса, ёшларда фуқаролик маданиятининг шаклланиши силлиқ ва осон кечади деб бўлмайди. Бунинг учун билим, тарбиявий тасвирлар ва тадбирларни муайян тизимини яратиш керак бўлади, аммо, таъкидлаш жоизки, фуқаролик маданияти ва онгли ижодий мафқурани шакллантириш бу куннинг кечиктириб бўлмайдиган масаласидир.

Фуқаролик маданиятининг инсон ҳаёти ва жамият тараққиёти учун муҳимлигининг яна бир томони, унинг барча маданият соҳалари учун етакчи эканлигидир. Илғор илмий педагогик таълимотнинг таъкидланишича фуқаролик маданияти ахлоқий-ҳуқуқий бурчга муносабатини англаувчи омил сифатида ақлий тафаккур, ҳаётий тажриба ва руҳий малакаларни шакллантиришнинг муҳим омили сифатида эътироф этилади. Буни биринчилардан бўлиб, ислом фалсафасида комил инсон нуктаи-назаридан Азиз Насафий асослаб, комил инсон учун яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маданият муфассал бўлиб булар инсоннинг бунёдкорлиги, яратувчанлиги, ижодий фаолиятига ва ҳақиқий шахс бўлиб шаклланишига таъсир кўрсатади деб таъкидлайди. Шунинг учун буюк мутафаккирлар Ибн Сино, Фаробий, Алишер Навоий ҳам комил инсон тўғрисида фикр юритиб, инсоннинг руҳияти унинг маданияти билан боғлиқ ҳолда фуқаронинг инсонийлигини англади, деб тушунтирадилар ва фуқаролик маданиятини инсоннинг ижодкорлиги, яратувчанлигини, маданий - маърифий энергиясини рўёбга чиқаришнинг муҳим омили сифатида эътироф этадилар.

Хулоса. Шундай қилиб, фуқаролик маданияти шахс шаклланиши учун ҳам, ижтимоий - иқтисодий тараққиёт учун ҳам зарур. Зеро, у шахс яшаётган мамлакат, жамият ва миллат равнақи ҳамда истиқболини белгиловчи ижтимоий-педагогик ҳодиса ҳисобланади. Шунинг учун ҳам инсон камолоти ва жамият тараққиётида муҳим аҳамият касб этади.

Шуни таъкидлаш жоизки, фуқаролик маданиятининг шаклланиши давр характери, ижтимоий- иқтисодий тараққиёт шарт- шароитлари ва шахс фаоллиги

билан боғлиқ. Биринчидан, ҳар бир мамлакат ўз ижтимоий иқтисодий, сиёсий, манавий ва марифий эҳтиёжларига мос ҳолда меҳнаткашлар дунёқарашини, шу жумладан, фуқаролик маданиятининг янги-янги тартиблари, меёрларини ишлаб чиқади. Бу тараққиётнинг муҳим қонуниятидир. Бу янги тартиб, қоида ва меёрлар инсон томонидан ўзлаштирилиши учун вақт, имконият зарур бўлади. Бизнинг давримиз ҳам мураккаб, ҳам тўзонли бўлиб, ўз хусусиятларига эга. Шунинг учун инсонларда, айниқса, ёшларда фуқаролик маданиятини шаклланиши силлиқ ва осон кечмайди. Бунинг учун вақт, муҳим дастурлар ва тарбия тизими масъулиятини ошириш керак бўлади. Аммо, таъкидлаш жоизки бу шу куннинг кечиктириб бўлмайдиган масаласидир.

Адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-Т., "Ўзбекистон" 1998.-48 б
2. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир.-Тошкент, "Ўзбекистон", 2018 й. -508 б
3. Мирзиёев Ш.М. Милий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давм этириб, янги босқичга кўтарамиз.-Тошкент; Ўзбекистон 2017. -592б
4. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: "Ўзбекистон", 1998. 686 б.
5. Буюк сиймолар ва алломалар:(Ўрта Осиёлик машхур мутафаккир ва донишмандлар) Нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир М.М.Хайруллаев. К.1.-1:А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти.1995, -104 б
6. Буюк сиймолар ва алломалар:(Ўрта Осиёлик машхур мутафаккир ва донишмандлар) Нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир М.М.Хайруллаев. К.2.-1:А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти.1995, -104 б
7. Нишонова Санобар. Комил инсон тарбияси:Ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари учун.-Т: "Истиқлол" 203-224 б
8. Хўжаев Б. Жамиятни демократиялаштириш шароитида ўқувчи-ёшларда фуқаролик маданиятини ривожлантириш // Педагогик маҳорат.-Бухоро, 2017, №3, 7-13 б.
9. Хўжаев Б. Фуқаролик жамияти ва шахс фуқаролик маданияти// Педагогик маҳорат.-Бухоро, 2008, №8-7-10 б
10. Ходжаев Б.К., Эргашева Ш. Формирование чувства гражданственности и патриотизма как педагогическая проблема //Россия-Ўзбекистан. Международные образовательные и социально-культурные технологии: векторы развития. – 2019. – С. 126-127.
11. Ходжаев Б. К., Шарипова С. Х. Гражданская культура как важный компонент воспитания гармонично развитого поколения //ББК. – 2019. – Т. 74. – С. 248.
12. Amonov M.N. The problems of designing professional skills and independent training of future teachers in Uzbekistan //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 3.
13. Ходжиева М. Ш. Совершенствование аксиологического подхода к педагогической деятельности у будущих учителей //Научный журнал. – 2020. – №. 9 (54). – С. 43-45.



**ТАЛАБАЛАРНИ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ
ЭТИШГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК КОНЦЕПТУАЛ МОҲИЯТИ**

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022>.

*Кинжаева Гулбахор Саттаркуловна,
Ўзбекистон давлат Жаҳон Тиллари Университети доценти, педагогика
фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)*

Аннотация: ушбу мақолада талабаларни касбий - педагогик таълим жараёнида маънавий-маърифий ишларни ташиқил этишига тайёрлашнинг педагогик концептуал моҳияти ва тарихий ривожланишида, маънавий-маърифий жиҳатдан қомилликка эга бўлиши, талабалар билан ҳамкорликда маънавий - маърифий ишларни ташиқил этишининг самарали мазмуни ва яхлит механизми педагогик таъсир этиши йўллари оққали ёритиб ўтилган.

Таянч тушунчалар: педагогика, маънавият, маърифат, тарққийёт, ижтимоий фаоллик, шахс, жамият, характер, темперамент, қобилият, ижодий қобилият, ижтимоий муносабат

**ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ КОНЦЕПТУАЛЬНАЯ СУЩНОСТЬ И
ПОДГОТОВКИ СТУДЕНТОВ К ОРГАНИЗАЦИИ ДУХОВНО-
ВОСПИТАТЕЛЬНОЙ РАБОТЫ**

*Кинжаева Гулбахор Саттаркуловна,
доцент Узбекский государственный Университет Мировых языков,*

Аннотация: в данной статье освящена педагогическая концептуальная сущность подготовки студентов к организации духовно-воспитательной работы в процессе профессионально-педагогического образования и способы педагогического воздействия на историческое развитие, духовно-просветительское совершенствование, совместно со студентами организация действенного содержания и целостного механизма духовно-просветительского воспитания.

Основные понятия: педагогика, духовность, просвещение, развитие, социальная активность, личность, общество, характер, темперамент, способности, творческие способности, социальное отношение.

**PEDAGOGICAL CONCEPTUAL ESSENCE AND HISTORICAL
DEVELOPMENT OF PREPARING STUDENTS FOR THE
ORGANIZATION OF SPIRITUAL AND EDUCATIONAL WORK**

Abstract: in this article the conceptual essence of pedagogical preparation of students for the organization of spiritual and enlightenment work in the process of professional and pedagogical education and the historical development, spiritual and enlightenment perfection, the effective content of the organization of spiritual and educational work in collaboration with students illuminated.

Basic concepts: pedagogy, spirituality, enlightenment, development, social activity, personality, society, character, temperament, ability, creativity, social attitude

Инсоннинг маънавий-маърифий жиҳатдан етуқлиги шахсининг жамиятдаги ижтимоийлашуви натижасидир. Зеро, юксак маънавиятли, қатъий ҳаётий позицияга эга бўлган фидойи ёшларни тарбиялаш педагогларни юқори даражада

маънавий-маърифий жиҳатдан комилликка эга бўлишини такозо этади. Шунга кўра, агар жамиятда мавжуд барча институтлар томонидан маънавий ва маърифий ишларни ташкил этишга қаратилган шарт - шароит яратилса, ўша жамиятда яшаётган ҳар бир инсоннинг маънавий етуклиги юқори даражага кўтарилади, дейиш мумкин. Маънавий ва маърифий ишларни ташкил этиш жараёнини биз педагогик: концептуал йўналишда кўриб чиқишга ҳаракат қилдик.

Фикримизча, талабаларни касбий - педагогик таълим жараёнида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлаш масалалари ҳукуратимизнинг ёшларни маданий соғломлаштириш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш борасида олиб бораётган қуйидаги устувор йўналишларида ўз аксини топганлиги айни ҳақиқатдир:

Республикамизда олий таълим тизимини ислоҳ қилишга бўлган эътибор кундан кунга такомиллашиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас албатта. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонида ҳам олий таълим тизимига алоҳида эътибор қаратилиб, “юртимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича аҳамиятли вазифаларга мувофиқ кадрлар тайёрлашнинг мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасида олий маълумотли мутахассисларни тайёрлашга зарур шароитлар яратиш” кўрсатиб ўтилган.

Маънавиятнинг концептуал асослари ҳақида фикр юритганда уйғониш даври ва ўрта асрлар миллий давлатчилигини тиклай бошлаган Европа халқларининг ҳар бири ўзига хос мафқурасини яратганини мисол келтириш мумкин. Шу билан бирга, бу миллий мактаблар заминиде вужудга келган ғоявий таълимотлар, маърифий қарашлар инсоният маданияти хазинасига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Мазкур муаммо, аввало, педагогика фанининг тадқиқот предмети бўлиб, қуйидаги тушунчалар концептуал илмий талқинни талаб этади:

- касбий педагогик таълим, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда уларнинг ёшлар тарбиясига таъсири;

- касбий - педагогик таълим жараёнида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлаш механизмларини такомиллаштиришнинг объекти, предмети, воситалари, самарали шакл ва методлари;

- касбий - педагогик таълим жараёнида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлаш механизмларини такомиллаштиришнинг илмий – назарий асослари;

- касбий - педагогик таълим жараёнида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлаш механизмларини такомиллаштиришда оила, маҳалла, таълим муассасалари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳамкорлиги;

- талабалар билан ҳамкорликда маънавий - маърифий ишларни ташкил этишнинг самарали мазмуни ва яхлит механизми;

- маънавий-маърифий ишларни ташкил этишнинг дидактик асослари;

- касбий - педагогик таълим жараёнида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлаш механизмларини такомиллаштиришда фанлараро алоқа, ўзаро таъсир ва бошқалар.

Педагогика тарихидан биламизки, жамият ва цивилизациялар ривожига улкан таъсир кўрсатган назариялар, таълимотлар ва мафқуралар Зардушт, Сократ, Платон, Конфуций, Алишер Навоий, Махатма Ганди ва бошқаларнинг бунёдкор ғояларида ўз аксини топган бўлиб тарихда ўчмас из қолдирган.

Соҳибқирон Амир Темурнинг бунёдкорлик ғоялари ва фаолияти Шарқ маънавий мафқурасини ривожланишига буюк ҳисса қўшди.

Маънавиятнинг ижтимоий илдизлари эса маърифий дунёга хос сиёсий, иқтисодий, маданий муносабатлар мажмуидан иборат бўлиб, асрлар мобайнида инсоният босқичма-босқич дунёвийлик сари интилиб келган. Умумэтироф этилган тамойиллар ва қонун устуворлиги, сиёсий плюрализм, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби хусусиятлар дунёвий жамиятнинг асосини ташкил этади. Шундан келиб чиқиб, “Жаҳолатга қарши маърифат” деган ғоя асосида талаба ёшларга маърифатпарварлик ва ҳурфикрликка интилиш кўникмаларини шакллантириш, улар қалбида эзгулик, ҳамжиҳатлик, тотувликка интилиш каби туйғуларни қарор топтириш муҳим педагогик аҳамият касб этади.

Маънавиятнинг тарихий илдизлари деганда у инсон онги ва руҳияти билан узвий боғлиқ экани ва шу боис унинг ғоявий илдизлари диний таълимотларга бориб тақалиши тушунилади. Яъни кўпгина мафқураларда “Забури”, “Таврот”, “Инжил”, “Қуръон” каби илоҳий китоблар зикр этилган эзгу ғоялар муайян даражада ўз ифодасини топганини кўрамиз.

Ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, уларда ёт ғояларга қарши курашчанлик кўникмаларини шакллантиришнинг самарали воситаларидан – уларга ўзи мансуб бўлган халқнинг бой тажрибасини ўрганиш ва уни амалиётда фойдалана олиш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Уларда ёшлардаги Ватан, ота-она, она-замин, жонажон ўлка, моддий-маънавий бойликлар, меҳнатга муҳаббат ҳиссини уйғотиш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган. Чунончи, асрлар оша авлоддан авлодга ўтиб келаётган мақолу маталлар, қўшиқлар, топишмоқ ва ашулалар ёшлар маънавияти ва маданиятини юксалтиришда ўзига хос ўрин тутаяди. Халқ томонидан яратилган ижод намуналарида ёшлар тарбиясига ижобий таъсир этувчи фикрлар ўз ифодасини топган.

Тадқиқотлар жараёнида турли тарихий, фалсафий, илмий-педагогик, оммабоп материалларни ўрганиш инсоният маънавий камолоти ва маърифий қарашларини ривожлантиришга қаратилган манбаларни куйидагича гуруҳлаштириш имконини берди:

– Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг ёшларнинг маънавий-маърифий, ахлоқий тарбияси ҳақидаги педагогик қарашлари;

– маънавий-маърифий тадбирларнинг тарбиявий функциясини, моҳиятини ўрганишга қаратилган илмий, педагогик, диний манбалар. Мазкур манбалар таҳлили шуни кўрсатдики, “маънавият” ва “маърифат”, ахлоқий тарбияни ривожлантириш муаммоси антик даврдан бошланиб, бугунги кунгача давом этиб келмоқда.

О.Р. Жамолдинова тадқиқотларида маънавий-маърифий тарбия соҳасининг тарихий илдизлари баён этилган муҳим манба ислом таълимотидир деб эътироф этилган. Ислом дини ёшлар маънавий ривожига алоҳида ўринда туради. Ислом дини барча ижтимоий даврларда инсонларни тўғрилиқка, ҳалолликка, ростгўйликка ва эзгу ишлар қилишга ундаб, ёмонлик, ёвузлик, ёлғончилик ва бошқа гуноҳ ишлардан қайтарган. Тўғрилиқ инсонни яхшиликка, яхшилик эса, охир оқибат жаннатга олиб бориши таъкидланган. Қуръони Карим оятларида эзгу амаллардан бўлган тўғрилиқ, ҳақгўйлик ва яхши амалларни қилишга буюрилган.

Биз эса олиманинг юқоридаги фикрларига таяниб айтиш мумкинки, Ислом таълимоти орқали касбий - педагогик таълим жараёнида маънавий-маърифий

ишларни ташкил этиш мазмунини такомиллаштиришда ёшларни муайян фазилатларга таяниш, яхши-ёмон сифатлар, уларнинг намоён бўлиши ҳақида билим, кўникма ва малакалари шакллантириб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 сентябрдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-4436-сон қарориди “аҳолининг, айниқса ёш авлоднинг диний ва дунёвий қарашларини ривожлантириш; оммавий ахборот воситалари, Интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқларда тарқатилаётган радикал ғояларга қарши миллий анъана ва қадриятларимизнинг кенг тарғиб этилишини таъминлаш” масалалари белгилаб берилган.

Шундан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, диний тасаввурлар, қадриятлар, урф-одат, анъаналар, расм-русумлар халқимиз ҳаётига сингиб кетган бўлиб, комил инсонларни тарбиялашда, улар онгида инсоф, диёнат, меҳр-оқибат, эзгулик, одамийлик, инсонпарварлик каби тушунчаларини шакллантиришда, талабаларни маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш мазмунини такомиллаштиришда алоҳида аҳамиятга эга. Чунки дин ва диний қадриятлар қадим-қадимдан инсонларни ҳалол ва пок яшашга, соғлом ҳаёт кечиришга ундайди. “Биз ислом динини, у биз учун ҳам иймон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканлигини доимо юксак қадрлаймиз. Динга ҳурмат ва эътиқод биз учун ўлмас қадриятдир”.

Ҳақиқат ҳам, диний қадриятлар ёшларнинг нафақат диний маданиятини балки маънавий - ахлоқий фазилатларни шакллантирувчи муҳим омилдир. Диний қадрият, урф-одат ва анъаналарнинг ўзига хос хусусиятлари, шахснинг маънавий камолотида тутган ўрни, тарбиявий аҳамияти хусусида кўплаб олимлар ўз муносабатларини билдирганлар. Жумладан, диний-ахлоқий қадриятлар ихлосмандлик – шахс маънавий камолотининг муҳим омили бўлиб: “Динга, ахлоқий қадриятларга ихлосмандлик бу – зарурият ёки мажбурият эмас, балки ҳар бир кишининг олами, ундаги воқеа ҳамда ходисаларни онгли идрок этишга, унинг диний – ахлоқий асосларини руҳиятига сингдиришга ундовчи таббий эҳтиёждир”, - деб таъкидлайди.

Касбий - педагогик таълим жараёнида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш мазмунини такомиллаштиришда профессор О.Мусурмоновнинг “.... Авесто, Қуръон, Ҳадисларнинг инсон маънавий маданиятини ривожлантиришда ўрни ва ролини, диний қадриятлар [25] ёшлар маънавий саломатлигини таъминлашнинг муҳим омили эканлиги тўғрисидаги илмий хулосаларига таянган ҳолда биз талабалар маънавий маърифий, ахлоқий шаклланишига хизмат қилувчи диний қадриятларни қуйидагича гуруҳлаштирдик:

1. Диний ёзма манбалар: Авесто, Ўрхун-Энасой битиклари, Ирқ битиги, Қуръон, Ҳадисларда баён қилинган қадриятлар.

2. Анъана ва урф-одатлар: кинна, чилла, суннат, эҳсон-садақа, нарз, Биби Сешанба, Биби Чоршанба, Мушкул-қушод, Пайғамбар ёши, мучал ёши ва бошқалар.

3. Диний маросимлар: дафн маросими, хотирлаш маросими, никоҳ маросими ва бошқалар.

4. Диний байрамлар: ИЙД рамазон (рўза ҳайити), Қурбон ҳайити.

Диний қадриятлар асосида касбий - педагогик таълим жараёнида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш мазмунини такомиллаштиришда қуйидагиларга асосий эътибор қаратиш талаб этилади: маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда диний манбалардан фойдаланиш; диний урф-

одат ва анъаналар воситасида ёшларда меҳр-мурувват, яхшилик, ҳақгўйлик, эзгулик каби инсоний фазилатларни тарбиялаш; диний маросим, урф-одат ва анъаналарнинг ўзига хос хусусиятларини ёшлар онгига тўғри етказиш; диний кадрлардан ўринли фойдаланишга эришиш;

- таълим муассасаси миқёсида (университетлараро) талабаларни ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий, педагогик, психологик билимларини оширишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш;

- тарбиявий тадбирларнинг таъсирчанлигини ошириш, талабаларга сифатли, услубий ва консултатив ёрдам кўрсатиш;

- маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга аниқ мазмун бахш этиш.

Ўзбек халқининг ёш авлодни ҳаётга тайёрлашда кўп асрлар давомида қўлланган усул ва воситалари, тадбир шакллари, усул ва анъаналари, тарбия соҳасидаги ҳаётий тажрибалари халқ педагогикасида мужассамлашган.

Инсонийлик идеал ахлоқ қонуниятининг асоси ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, Широқ, Тўмарис, Алпомиш, Муродхон, Равшан каби афсонавий қаҳрамонлар тасвирланган дostonлардан фойдаланиб талаба ёшларни ватанпарвар, элга ҳурмат унинг тинчлиги ва осойишталиги учун камарбаста бўла олиш, маърифатли бўлиш, маънавий камолот учун қайғуриш ҳақидаги тушунчаларнинг мазмун ва моҳияти узлуксиз таълим тизими мазмунига ёшларнинг ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда сингдирилса, ғоялар ривож эволюцияси тарихий-тадрижий тамойил асосида узвий илмий-назарий ўрганилса ўзининг ижобий натижасини беради.

Тадқиқот муаммоси юзасидан олиб борган изланишларимиз маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш масалалари “КЕЧА-БУГУН-ЭРТАГА” тизимининг узлуксизлиги ва узвийлиги ҳар бир тарихий даврда босқичма-босқич такомиллашиб борганини кўрсатди. Шундай қилиб, энг қадимги даврлардаги ёзма манбаларда, халқ педагогикаси намуналарида, Шарқ мутафаккирлари илмий меросида, мактаб ва мадрасаларнинг ўрни, диний маърифий манбаларда ёшлар тарбияси муаммолари ва уларни ечиш йўллари, шакл ва методларига алоҳида эътибор берилган бўлиб, бугунги кун тарбия тизимида ҳам ўз қимматини йўқотмаганлиги билан муҳим аҳамиятга эгадир. Хулоса қилиб айтганда, мазкур манбаларда ёшларни маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга қаралган масалалари борасида илгари сурилган ва ҳаётий тажрибаларда синалган тарбия мазмуни, шакл ва методлари ҳозирги даврда ҳам ёш авлодни маънавий баркамол қилиб тарбиялашда яқиндан ёрдам беради.

Талабаларни касбий-педагогик таълим жараёнида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлашнинг педагогик моҳияти ва унинг ижтимоий тараққиёт билан ҳамнафас ўсишига эътибор қаратадиган бўлсак, айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4307-сон Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31 декабр 2019 йилдаги “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорларида “Маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлигини ошириш, маънавият соҳасидаги ички ва ташқи таҳдид ҳамда хавф-хатарларга қарши самарали курашиш, жамиятда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш, давлат ва жамоат ташкилотларининг бу борадаги фаолиятига яқиндан қўмаклашиш” муҳим вазифа сифатида белгилаб берилган.

Биз юқорида айтиб ўтилганларга таянган ҳолда талабаларни касбий -

педагогик таълим жараёнида маънавий - маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлаш механизмларини такомиллаштириш қуйидаги асосларга эга деган илмий хулосага келдик:

биринчи асос – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Қарорлари, Фармонлари ва соҳага доир меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларни билиши ёш авлодни тарбиялаш борасидаги ишларни янада такомиллаштириш, таълим-тарбия сифатини мазмун жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ўқитувчилик касбининг нуфузини оширишга хизмат қилади;

иккинчи асос - талабалар халқимиз томонидан яратилган ёзма ва оғзаки ижод намуналарини (Мунаввар қори Абдурашидхонов, Маҳмудхўжа Бехбудий, Фитрат, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Замаҳшарий, Хоразмий, Мирзо Улуғбек, Исмоил Бухорий, ат Термизий, Мотуридий, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Баҳовуддий Нақшбандий, Аҳмад Яссавийлар, Амир Темур ва Мирзо Бобур) чуқур ўрганади;

учинчи асос – халқ маънавиятининг сарчашмалари бўлган миллий анъаналар, урф одатлар, ҳикматлар, аския ва бошқа ижод турларидан тадбирлар жараёнида ёш авлод тарбисидида унумли фойдаланади;

тўртинчи асос – умуминсоний кадриятларга айланган жаҳон интеллектуал мулки мутафаккирларининг ижодини пухта ўрганади;

Юқорида илмий назарий жиҳатдан ўрганиб чиқилган дарслик, педагогик психологик адабиётлар ва илмий тадқиқот ишларига асосланиб айтишимиз мумкинки, талабаларни касбий - педагогик таълим жараёнида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлаш уларда келажакка нисбатан ишонч уйғотиш, маънавиятини миллий ғоя асосида шакллантириш, Ватанга, халққа муҳаббат, юрт фаравонлиги учун курашиш, инсонпараварлик, ўзликни англаш, миллий ғурур, ўзга миллат кишиларини ва уларни кадриятларини ҳурмат қилиш каби фазилатларни тарбиялаш, виждон эркинлиги, билимдонлик, ахлоқийлик, жисмоний етуклик, мустақил фикрлаш кўникмаларини шакллантиришда муҳим педагогик аҳамият касб этади.

Мазкур қонунларда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, жамият олдида ҳар бир педагогга тарбия жараёнини ташкил этишнинг ғоявий мазмунини ҳамда уни рўёбга чиқаришга қулай шароитларни яратиш муаммосини ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий, педагогик, психологик билимларини оширишга қаратилган маънавий-маърифий тадбирлар орқали амалга ошириш;

- Олий таълим муассасалари маънавий-маърифий тадбирларни амалга ошириш юзасидан таъсирчан, сифатли, услубий ва консултатив ёрдам кўрсатиш;

- талабаларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, ғоявий-сиёсий интеллектни, дунёқараши, савияси, маданий даражаси, маҳорати ва креатив қобилиятларига нисбатан талабаларнинг ортиб бораётганлигига алоҳида эътибор қаратиш муҳим педагогик аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни //ЎРҚ-637-сон 23.09.2020.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28-январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ–60-сон Фармони <https://lex.uz/pdfs/5841063> .

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълимитизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон Фармони//lex.uz/docs/4312785



**ТАЛАБА-ЁШЛАРНИ СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИГА
ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ТАДБИРЛАР
ТАШКИЛЛАШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ**

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022>.

Сапарниязов Сансызбай Кадирниязович,

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Нукус
филиали ассистенти

Аннотация. Мақолада бугунги кунда бўлажак жисмони йтарбия ўқитувчиларини тайёрлашда тарбиявий аҳамиятга эга бўлган тадбирларнинг ташкиллаштиришнинг аҳамиятига доир масала хусусида сўз юритилган. Шунингдек, жисмоний тарбияда нафақат физиологик ҳолатлар, балки гоявий-маънавий жараёнларнинг ҳам ўрни беқиёс эканлиги таъкидланган. Мақолада ташкил этилиши мумкин бўлган тадбирлар сценарийларидан намуналар келтирилган.

Калит сўзлар: тадбир, гоявий, жисмоний тарбия, сценарий, педагогик шарт-шароит.

**THE SIGNIFICANCE OF ORGANIZATIONAL MEASURES TO
IMPROVE THE SYSTEM OF PREPARING STUDENTS FOR SPORTS
COMPETITIONS**

Sansyzbay Kadirniyazovich Saparniyazov,

Assistant of the Nukus branch of the Uzbek State University of Physical Culture
and Sports

Abstract. The article discusses the importance of organizing educational events in the preparation of future physical education teachers. It was also noted that the role of not only physiological conditions, but also ideological and spiritual processes in physical education is unique. The article provides examples of possible event scenarios.

Keywords: event, ideological, physical education, scenario, pedagogical conditions.

**ЗНАЧЕНИЕ ОРГАНИЗАЦИОННЫХ МЕРОПРИЯТИЙ ПО
СОВЕРШЕНСТВОВАНИЮ СИСТЕМЫ ПОДГОТОВКИ СТУДЕНТОВ К
СПОРТИВНЫМ СОРЕВНОВАНИЯМ**

Сапарниязов Сансызбай Кадирниязович,

Ассистент Нукусского филиала Узбекского государственного
университета физической культуры и спорта

Аннотация. В статье рассматривается важность организации мероприятий воспитательного значения в подготовке будущих учителей физической культуры. Также было отмечено, что роль не только физиологических условий, но и мировоззренческих и духовных процессов в физическом воспитании уникальна. В статье приведены примеры возможных сценариев событий.

Ключевые слова: мероприятие, идеологическое, физическое воспитание, сценарий, педагогические условия.

Кириш. Талабаларнинг асосий фаолият тури ақлий меҳнат ҳисобланади.

Ахборот ҳажмининг мунтазам ошиб бориши, ўқув дастурларининг мураккаблиги дарс тайёрлаш, тўгарак машғулоти учун кўп вақт талаб қилади ва ҳаракат фаоллигини анча чегаралаб қўяди. Бундай шароитда жисмоний машқлар билан мунтазам шуғулланиш муҳим аҳамиятга эга, бу талабалар организмнинг функционал имкониятларини тўлиқ сафарбар қилишга ёрдам беради [1, 2]. Бунда нафақат алоҳида аъзо ва тизимлар функциясида, балки уларнинг ўзаро алоқасида ҳам қайта қуриш рўй беради. Онтогенез жараёнидаги жисмоний иш қобилиятининг шаклланишига боланинг ёши, жинси ва соматотипи сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Аммо бу жараёнда нафақат жисмоний, балки маънавий-маърифий-ғоявий тадбирларнинг аҳамияти бекиёс ҳисобланади. Шунингдек, тадбир ташкилотчиси учун биринчи навбатда сценарий тузиш малакасини эгаллаш муҳим аҳамиятга эга.

Материаллар ва методлар. Мазкур мақола бўйича маълумотларни ўрганиш ва тақдим этишда илмий-услубий адабиётлар таҳлили, анкета сўровномаси, педагогик кузатув, педагогик тестлаш, педагогик тажриба каби илмий тадқиқот методларидан фойдаланилди.

1. Таҳлил ва муҳокама. Оммавий байрам ва томошалар драматургиясининг асосини сценарий ташкил этади. Сценарий (итальянча «Scenario» — адабий-драматик асар деган маънони англатади) тадбир мазмунини адабий тасвирлаш бўлиб, бунда жиддий кетма-кетлик асосида ҳаракат элементлари бўлмиш мавзу ва ғоя, бир бўлақдан иккинчисига ўтиш, блоклар, безаклар, матнлар тўлиқ кўрсатилади.

Сценарий табиати бўйича бир қанча турларга бўлинади:

1. Кино сценарий:

- a) бадиий фильмлар сценарийси;
- b) ҳужжатли фильмлар сценарийси;
- d) илмий-оммабоп фильмлар сценарийси;
- e) кўғирчоқ ва мультфильмлар сценарийси.

2. Телевизион сценарийлар:

- a) адабий-бадиий кўрсатувлар сценарийси;
- b) публицистик-ахборот кўрсатувлар сценарийси;
- d) маънавий-маърифий кўрсатувлар сценарийси;
- e) ижтимоий-сиёсий кўрсатувлар сценарийси;
- f) ўйин-кўнгил очар кўрсатувлар сценарийси;
- g) телевизион фильмлар сценарийси;
- h) мусиқий кўрсатувлар сценарийси ва ҳ.к.

3. Радиоэшиттиришлар сценарийси:

- a) ижтимоий-сиёсий эшиттиришлар сценарийси;
- b) адабий-бадиий эшиттиришлар сценарийси;
- d) публицистик-ахборот эшиттиришлари сценарийси;
- e) мусиқий эшиттиришлар сценарийси;
- f) маънавий-маърифий эшиттиришлар сценарийси;
- g) ўйин-кўнгил очар эшиттиришлар сценарийси.

4. Цирк томошалари сценарийси.

5. Оммавий байрам ва томошалар сценарийси.

Оммавий байрам ва томошалар сценарийси — синтетик асардир. Унда драматургиянинг элементлари бўлиб, кўпроқ эпик характердаги (баъзида лирик-эпик) асарларга яқинлашиб, кўпроқ у ёки бу масшаблилики, ижтимоий ҳодисаларни акс эттиради. Унинг «қаҳрамонлар»и бир-бири билан курашмай

балки, ижтимоий давр зиддиятининг у ёки бу томонида, ёки умумхалқ ишининг катта ёки кичик участкасида фаолият кўрсатадилар.

Оммавий байрам ва томошалар қаҳрамонларнинг масштаби жуда ҳам кенгдир. «Ҳар бир сценарийнинг бадиий даражаси, умумий драматургияда бўлганидек, эпизодларнинг драматургик тугалланганлиги, картинанинг образли яқунланганлиги, томошабинга таъсир этувчи эмоционал кучларнинг бошидан охиригача ривож, драматургия талабларига жавоб бера олиши билан белгиланади.

Шундай бўлишига қарамай, оммавий байрам ва томошалар сценарийси, театр учун ёзилган пьесадан, бадиий фильмга ёзилган сценарийдан фарқ қилади. Ундаги публицистик вазибалар аҳамиятли, ижтимоий ҳодисалар аниқ қаҳрамонларнинг шахсий қарама-қаршиликлари орқали эмас, балки ижтимоий зиддиятларни эпик принципи бўйича, яхлит намоёиш этилади» [3].

Оммавий байрам ва томошалар сценарийси томошабинга эмоционал таъсир қилиш борасида кенг имкониятларга эга.

Бундай сценарий муаллифи, томошабинларга берилган тарихий фактларга бўлган муносабатига суяниши мумкин.

Сценарий муаллифи унга драматургик асарлардан парчалар киритиши ёки аниқ қаҳрамонларнинг аниқ тўқнашувларини кўрсатувчи у ёки бу драматургик характерида эга бўлган эпизодларни ўзи ёзиши мумкин. Лекин бу сценарийга санъатнинг бошқа турларидан — мусикали картинка, пластик-спорт чиқишлари, кино- ва видеокадрлар, бадиий ўқиш кабиларни қўшиш мумкинлигини эътиборга олиш лозим. Албатта, сценарийда қанчалик кўп бадиий воситалар қўлланилса, у шунчалик мураккаблашади, лекин сценарийнинг ғоявий-бадиий яхлитлигини вужудга келтириш осон бўлади. Шунинг учун сценарий драматургияси, яъни унинг композицион қурилиши катта аҳамиятга эгадир.

Оммавий байрам ва томошалар сценарийси томошабинга кўп томонлама эмоционал таъсир қилиши билан бирга томошабинларни байрамнинг фаол иштирокчисига айлантириб, томошабинни, қаҳрамонлар ўртасидаги у ёки бу қарама-қаршиликларга бўлган муносабатлари, кечинмаларида бирга бўлишни талаб қилмайди. Шунинг учун оммавий байрам ва томошалар сценарийсида доимо қарама-қаршиликнинг бўлиши талаб қилинмайди.

Масалан, «Наврўз», «Меҳржон», «Биринчи қадам» байрамлари, халқ сайллари. Бундай байрам ва сайлларда, умуман, қарама-қаршилик ўмаслиги мумкин.

Сценарий муаллифи сценарий яратиш жараёнида, асосан маҳаллий далил, ҳужжат ва тарихий материалларга асосланиб, улардан тўғри фойдалана олиши лозим. Муаллиф қўлланилаётган расмий ҳужжатларни қуруқ чиқмаслиги учун шундай бадиий услубларни топиши керакки, бу бадиий услублар, ёрқин, ҳаяжонга солувчи, эмоционал ҳаракатдаги асарга айланиши керак. Муаллиф ўзи ишлатаётган тарихий- ҳужжатли материални яхши билиши, ўзи тасвирлаётган даврнинг тарихчисига айланиши керак. Битта ҳужжат контекстда турлича таъсир қилиши мумкин.

Бизга маълумки, тарихий далил ҳеч қачон қайтарилмайди ва уни бошқатдан вужудга келтириб бўлмайди. Шунинг учун у ҳеч бир асарда гавдалана олмайди.

Ҳужжат эса- бу далил ҳақидаги гувоҳликдир. У реал мавжуд бўлиб, уни бемалол ишлатиш мумкин. Бундан ташқари, бўлиб ўтган ҳодисалар ҳақидаги ёзма гувоҳликлар, баённома, стенограмма, никоҳ ҳақидаги гувоҳнома ва ҳ.к.лар далил сифатида ишлатилиши мумкин. Ё бўлмаса фотосуратлар, кинокадрлар

«тасвирий» далил сифатида қўлланилади.

Оммавий байрам ва томошалар сценарийсини яратиш жараёнида, албатта мавзу ва ғояни аниқлаб олиш лозим. Кўпинча буларнинг иккисини аралаштириб юборадилар. Турли ғоявий позициядан, ушбу мавзуда ўз ғояларини очиб берадилар. Бадиий спорт томошаларини ўтказишда мукаммал ёзилган сценарий керак бўлади. Майдонни, яъни тадбир ўтадиган жойга мазмун бериш мазкур тадбирнинг амалга оширишнинг энг қийин шартларидандир. Сценарий, монтаж варақаси, дастурлар асосида иш олиб борилади. Спорт ва санъат - бу мамлакатни бошқа юртларга таништирувчи восита, элчи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам давлатимиз сиёсатида спорт ва санъатни ривожлантиришга қаратилган бир қанча қарор ва фармонлар, фармойишларига гувоҳ бўламиз. «Соғ танда соғлом ақл» деганларидек, жамият учун ҳам соғлом инсонлар зарурдир. Бадиий спорт томошаларини яратишда сценарист режиссор ва спортчи-мураббий билан маслаҳатлашган ҳолда уларнинг хатти- ҳаракатларини қоғозга туширишга ҳаракат қилади. Бундай тадбирлар асосан, мусобақа шаклида ўтказилади. Унга театрлаштириш усулларини қўллаш эса тадбирнинг бадиий жиҳатларини янада кучайтиришга, фаоллаштиришга сабаб бўлади ва натижада томошабин ўзи кутмаган роҳатбахш манзараларга дуч келади, томошага нисбатан фаоллиги ошиб боради.

Бадиий спорт тадбирларини икки ёки уч босқичда, яъни икки ёки уч кун уюштириш мумкин. Биринчи ва иккинчи кунлари ғолиблар аниқланиб, учинчи кун эса финал ўйинлари ўтказилиши мумкин. Мисол тариқасида бокс ўйинларига бағишланган шоу дастурини оладиган бўлсак, унинг қуйидаги тартибда ўтказиш, яъни сценарийнинг композицион тузилишини қуйидагича белгилаш мумкин:

- a) Пролог - финал иштирокчилари бўлмиш спортчилари саҳнага турли таърифлар билан таклиф қилиниши.
- b) Эпизодлар қатори 1,2,3,4 раундлар ва улар орасидаги бадиий қисм.
- c) Кульминация - охирида қолган энг кучли жангчиларнинг чиқиши.
- d) Финал - ғолибларни аниқлаш ва тақдирлаш.

Шундай қилиб сценарий ёзиш кетма-кетлигини педагог ҳамда режиссёр Ф.Ахмедов қуйидагича тузади [4]:

Асарнинг ғояси — бу муаллифнинг жамият ҳаётини (яхшилаш) ўзгартириш, асарнинг нима сабабдан ёзилгани борасидаги фаол фикридир. Бу бизнинг нима учун курашга чорлашимиздир.

Мавзу — бу сценаристнинг нима ҳақида ҳикоя қилмоқчилиги, тадбирда ёритиладиган ҳаётгий кўринишлардир.

Байрам ёки томошанинг ғояси бадиий ва ҳужжатли материалларни танлашда асос бўлади. Ғоя фақатгина байрам ёки томошанинг охирида (финалда) ечилиб, томошабинга мулоҳаза учун озуқа бериши лозим.

Сюжет - бу ҳаракат давомида воқеаларнинг ривожланиш зан-жиридир. Сюжет ҳар қандай театрлаштирилган томошада қарама-қаршиликсиз ривожланмайди.

Фабула — асар мазмунида ҳаракатнинг асосий моментларини тасвирлашдир. Бошқача қилиб айтганда, фабула бу умумлаштирилган сюжет, сюжет эса, конкретлаштирилган (аниқлаштирилган) фабуладир.

Композиция — бу драматургия қонуниятларига асосланган ҳолда, байрам ёки томошанинг барча компонентларини бир бутунча жамлаб, ҳаракатни ташкил этишдир. Театрлаштирилган байрам ва томошаларнинг композицион тузилиши



— пролог, асосий ҳаракатдаги тугун, кульминация ва флнал (ечим)дан ташкил топади.

Пролог — бу тадбирнинг асосий ғоясини умумлашма тарзида тасвирлашдир.

Тугун — бу ҳаракатнинг бошланиши бўлиб, томошабин фикри ва ҳис-туйғуларининг асосий, биринчи даражали воқеасидир.

Асосий ҳаракат — бу сюжетнинг, қарама-қаршиликнинг ривожланиши бўлиб, кураш жараёни, тўкнашувлар ва тўсиқларни енгиб ўтишни тасвирлашдир. Айнан мана шу ерда зиддиятлар ривожига жуда ҳам муҳимдир.

Кульминация — бу ҳаракат ривожининг энг юқори нуқтаси ва энг юқори кескинлигидир. У албатта ечимга олиб боради.

Финал — (кўпинча уни ечим деб, баъзида эпилог деб ҳам атайдилар) бу байрам ёки томошанинг тугалланишидир.

Сценарийда композициянинг ушбу компонентлари тўлиқ иштирок этгандагина тўлиқ бадиий асар тусини олади.

Хулоса. Оммавий театрлаштирилган томошалар сценарийсида ҳаракатнинг узвийлигига бўлаётган воқеаларни қайд этиш билангина эмас, балки энг муҳим масалалар ғоя ва мавзудан келиб чиқиб, эришилади. Ўйламасдан уланган элементлар орқали томошабинга ҳеч нарса бера олмайдиган тартибсизлик келиб чиқади.

Оммавий байрам ва томошалар элементларининг комплекслиги ва кўп томонлилиги унинг сценарийсининг ўзига хос хусусиятидир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Вайнбаум С.Я. Дозирование физических нагрузок.-М.: Просвещение, 1991.-64 с.
2. Гончарова О.В. Болаларнинг жисмоний сифатларини тарбиялаш. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2015.-204 б.
3. Рустамов В. Сценарийнавислик маҳорати. Т.: - «Баркамол файз медиа», 2017.
4. Аҳмедов Ф. Оммавийтадбирвабайрамлар режиссураси ва актёрликмаҳорати. Чўлпон Тошкент-2007.

AJDODLARIMIZ MEROSINI O`RGANISH JARAYONIDA TALABALARNING O`QUV-BILISH FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISH

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022>.

*Pazilova Meruert Ermekbaevna,
Nukus davlat pedagogika instituti, "Pedagogika" kafedrasida dotsenti,
pedagogika fanlari nomzodi*

Annotatsiya. Mazkur maqolada talabalarning o`quv-bilish faoliyatini rivojlantirishda mutafakkir ajdodlarimiz tomonidan qo`llanilgan didaktik vositalar, usul va metodlaridan foydalanish tizimini vujudga keltirish masalalari yoritib beriladi.

Kalit so`zlar. Hissiy bilish – sezgilar, idrok, tasavvur, ratsional bilish – tushunchalar, mulohazalar, aqliy xulosa, empirik bilish, nazariy bilish, ideal model, layoqatlar, talant.

РАЗВИТИЯ УЧЕБНО-ПОЗНАВАТЕЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СТУДЕНТОВ В ПРОЦЕССЕ ИЗУЧЕНИЯ НАСЛЕДИЯ ПРЕДКОВ

*Пазылова Мерuert Ермекбаевна,
доцент кафедры "Педагогика", кандидат педагогических наук Нукусского
государственного педагогического института*

Аннотация. В данной статье рассматриваются вопросы использования дидактических средств, методов и приемов, использовавшихся нашими предками при развитии учебно-познавательной деятельности учащихся.

Ключевые слова. Эмоциональное познание - интуиция, восприятие, воображение, рациональное познание-концепции, рассуждения, рациональные выводы, эмпирическое познание, теоретическое познание, идеальная модель, способности, талант.

DEVELOPING STUDENTS ' LEARNING ACTIVITIES IN THE PROCESS OF STUDYING THE HERITAGE OF OUR ANCESTORS

*Pazilova Meruert Ermekbaevna,
Nukus State Pedagogical Institute
Associate Professor of Pedagogy, Candidate of Pedagogical Sciences*

Abstract. In this article, the issues of using didactic tools, methods and techniques used by our ancestors in the development of students ' educational and cognitive activities are covered.

Key words. Emotional cognition-intuition, perception, imagination, rational cognition-concepts, reasoning, rational conclusion, empirical cognition, theoretical cognition, ideal model, abilities and talent.

Respublikamizning oliy ta`lim tizimida ajdodlarimiz tomonidan yaratilgan pedagogik merosdan samarali foydalanish, uning shaxs imkoniyatlarini kengaytirish, uni intellektual, ma`naviy-axloqiy jihatdan rivojlantirishdagi nazariy-amaliy yo`nalishlarini tadqiq etish talabalarda o`quv-bilish faoliyatini rivojlantirishda mutafakkir ajdodlarimiz tomonidan qo`llanilgan didaktik vositalar, usul va metodlaridan foydalanish tizimini vujudga keltirish taqozo qilinmoqda. 2022-2026 yillarga mo`jallangan yangi O`zbekistonning taraqqiyot strategiyasining

“Ma’naviy taraqqiyotni ta’minlash va sohani yangi bosqichga olib chiqish” deb nomlangan beshinchi ustuvor yo’nalishida “Buyuk ajdodlarimizning boy ilmiy merosini chuqur o’rganish va targ’ib etish” maqsadi (73-maqсад) belgilandi. Natijada ajdodlarimiz merosini o’rganish jarayonida talabalarning o’quv-bilish faoliyatini rivojlantirish mexanizmlarini yanada takomillashtirish imkoniyati kengaymoqda [1].

Xalqning merosi uning o’zligini ifodalaydi. Unda hayotiy xususiyatlar tizimi aks etadi. Ajdodlarning o’ziga xos xatti-harakatlari namoyon bo’ladi. Ajdodlar merosi avlodlarning aql-zakovatini charxlab, ularni faollikka undaydi. Bu faollik bilish faolligi sifatida namoyon bo’ladi.

“Pedagogika” entsiklopediyasida: “Bilish – 1) ta’lim jarayonida o’quvchi va talabalarga taqdim etilgan o’quv materialining o’zlashtirilganlik darajasi; 2) borliq va uning ob’ektiv qonuniyatlarini o’rganish, o’zlashtirish, egallash shakli” [2] tarzida izohlangan.

Bilish ob’ektiv borliqni inson ongida aks etishining oliy shakli, haqiqiy bilimlar hosil qilish jarayonidir. Insonning bilish faoliyati o’zining muayyan darajalariga ega: hissiy bilish – sezgilar, idrok, tasavvur orqali hosil qilinadi; ratsional bilish – tushunchalar, mulohazalar, aqliy xulosalardan o’tib nazariyalar tarzida namoyon bo’ladi. SHuningdek, inson bilish faoliyatining kundalik, badiiy, ilmiy darajalari ham mavjud. Ilmiy bilish faoliyati tabiat va jamiyatning o’ziga xos xususiyatlarini bilishga qaratilgan. Bilish faoliyati o’zining muayyan yo’nalishlari, aniq maqsad va vazifalariga ega.

Bilish faoliyati yordamida inson olamni, undagi voqea-xodisalarni anglaydi. Bilish faoliyati yordamida shaxs ko’plab axborotlarni o’zlashtiradi va aniq xatti-harakatlar orqali unga munosib javob qaytaradi. Insondagi amaliy va kasbiy bilish jarayoni aniq vositalar yordamida rivojlanadi. Har bir shaxs aqliy bilish, xissiy bilish kabi bilish shakllarini o’zlashtiradi.

YOsh avlod bilish faoliyati orqali ma’naviy-madaniy, intellektual boyliklar, ajdodlar merosi va xalqning ko’p asrlik ijtimoiy tajribasi hamda qadriyatlarini egallaydi. Inson o’zi o’zlashtirilgan bilimlar va ijtimoiy tajribani tushunchalar, qonunlar, printsiplar, nazariyalar sifatida talqin qiladi va keyingi avlodlarga uzatadi.

Bilish jarayoni o’zining muayyan bosqichlariga ega. Uning bosqichlari shaxsning dunyoni anglash darajasi, bilish faoliyatining shakl va metodlaridan kelib chiqqan holda turli-tuman bo’ladi. SHaxsning bilish faoliyati o’z xarakteriga ko’ra hissiy hamda aqliy bilish shakllariga ajratiladi.

Hissiy bilish jonli mushohadadan iborat bo’lib, bilimning dastlabki manbaidir. Hissiy bilish orqali shaxs ongida narsa va hodisalar to’g’ridan-to’g’ri aks ettiriladi. Hissiy bilish o’zining muayyan shakllariga ega. Ular: sezgi, idrok, tasavvur. Hissiy bilishda narsa va hodisalar shaxs ongida alohida-alohida aks etadi. SHuning uchun ham ular orasidagi aloqadorlik ba’zi hollarda shaxs e’tiboridan chetda qoladi. Insonning sezgilari aqliy bilish manbai sifatida xizmat qiladi. U muayyan dalillarga asoslanadi. Mazkur jarayonda narsa va hodisalar yordamida ular orasidagi o’xshash jihatlarni aniqlanadi.

Ma’lumki, inson tafakkuri nisbiy mustaqillikka ega. SHuning uchun ham tafakkur mantiqiy xulosa chiqarishga ko’maklashadi. Inson xissiy bilishdan aqliy bilishga o’tganda, uning bilish faoliyati sifat o’zgarishiga uchraydi. Aqliy bilish – tushuncha, hukm va xulosa shaklida namoyon bo’ladi. Ilmiy bilish jarayonida empirik bilish bilan nazariy bilish uyg’unlashadi. Empirik bilish jarayonida inson narsalarga bevosita ta’sir ko’rsatadi. Empirik bilishning metodlari sifatida kuzatish, tasvirlash, tajriba, o’lchovlarni ko’rsatish mumkin.

Nazariy bilish jarayonida inson hodisalarning mazmun mohiyatini chuqurroq anglashga muvaffaq bo'ladi. Nazariy bilishning shakllari aniqlik, modellashtirish, abstraktsiyalash, formallik, nazariyalar yaratish kabilarda namoyon bo'ladi. Inson bilish jarayonida mantiqiy fikrlashning muayyan metodlaridan foydalanadi. Ular o'rganilayotgan ob'ektga yaxlit yondashuv, hamda narsa va hodisalarning rivojlanish jarayonini ifodalaydi. Insonning bilish jarayonida nutq vositalari va turli belgilar alohida ahamiyat kasb etadi. Chunki ularda bilish faoliyatining ko'rsatkichlari aks etadi.

SHaxsning bilish faoliyati muayyan vazifalarni bajaradi. O'quv topshiriqlari yordamida ta'lim oluvchilarda yangi bilim va axborotlarni izlash ko'nikmalarini shakllantiradi. Ta'lim jarayonida turli tushunchalar, bilimlardan faol foydalanish imkoniyatini yaratadi.

Ajdodlarimiz bilish vazifalarini xal qilish maqsadida ta'lim oluvchilar oldiga ko'proq muammoli topshiriqlar, savollar qo'ygan. Ularni izlanishga undagan. SHu orqali talabalarning bilish faoliyatlarini rivojlantirishga erishganlar. Buning uchun ta'lim oluvchilar oldiga ularni izlanishga undaydigan vazifalarni qo'yishga erishganlar. Bilish vazifalarini bajarish ta'lim oluvchilardan mustaqillik va bilimdonlikni talab qiladi. SHu maqsadda maktab va madrasalarda ta'lim oluvchilarning mustaqil bilim olishlariga alohida e'tibor qaratilgan. Ular ko'proq mustaqil mutolaa bilan shug'ullanganlar. Mustaqil mutolaa qilish, mantiqiy mushohada mashqlarini bajarish natijasida ta'lim oluvchilarning bilish faoliyatlari rivojlangan. Buning natijasida ularda qoniqish, ijobiy xis-tuyg'ular va ijod qilishga rag'bat vujudga kelgan. SHuning uchun ham o'rta asrlarda aksariyat madrasa olimlari badiiy ijod bilan shug'ullanganlar.

Bilish jarayonida ta'lim oluvchilar ko'proq yangi bilimlarni o'zlashtirish va ularni o'z faoliyatlarida faol qo'llash bilan shug'ullanadilar.

Didaktik nuqtai nazardan yondoshganda, inson bilish faoliyatini amalga oshirish jarayonida ijtimoiy hayot uchun zarur bo'lgan bilimlarni o'zlashtiradi va amaliy faoliyatida qo'llash ko'nikmasini egallaydi. Bunday yondashuv sharq allomalari faoliyatida ustivor o'rin egallagan. Ayniqsa madrasa mudarrislari toliblar har bir mavzuni chuqur o'zlashtirib, zarur amaliy ko'nikmalarni egallaganlaridan keyin yangi mavzuni o'tishga rag'bat ko'rsatganlar. Bilish faoliyati turli xayollar, g'oyalarning tug'ilishiga asos bo'ladi.

Bilish insonni faollikka undaydi. Bunday faoliyat jarayonida muhitning ideal modeli yaratiladi. SHaxs esa jarayonning faol sub'ekti sifatida faoliyat ko'rsatadi. Insonning asosiy faoliyati o'zini o'rab turgan muhitdagi voqea-xodisalarning mohiyatini anglashga yo'naltiriladi. Bilish natijasida shaxsning bilim olish, atrof muhitni o'zlashtirish, voqelikni anglash, ma'naviy-axloqiy hamda intellektual rivojlanish ehtiyojlari qondiriladi.

Turkiy xalqlar tomonidan VI-VIII asrlarda toshbitiklarda yozib qoldirilgan "Urxun-Enisey yodgorliklari"ida ham bugungi kun ta'lim tizimi uchun qimmatli fikrlar ilgari surilgan. Hukmdorlar yoshlarning bilimli, shijoatli, yuksak aql-idrok egasi bo'lishlari uchun harakat qilganlar. Ma'rifatli yoshlargina millatni yot asoratlardan qutqarishi mumkinligi ta'kidlangan. Mazkur fikrlar bugungi kunda yoshlarni aqliy jihatdan rivojlantirish va o'quv-bilish faoliyatini tizimli tarzda takomillashtirish uchun muhim pedagogik ahamiyat kasb etmoqda[3].

Yusuf Xoc Hojibning "Qutadg'u bilig", Kaykovusning "Qobusnoma", Ahmad YUgnakiyning "Hibatul-hakoyiq", Sa'diyning "Guliston", Jomiyning "Bahoriston", Alisher Navoiyning "Mahbub ul-qulub" asarlarida ta'lim-tarbiya masalalariga keng o'rin ajratilgan. Al-Forobiyning asarlaridagi ta'lim-tarbiyaga oid fikrlar pedagogika

fani uchun alohida qimmatga ega.[3]

Yusuf Xoc Hojibning “Qutadg`u bilig” asarida markaziy masala axloq, odob, ilm, insoniylik va adolat hisoblanadi. Podshoh va amaldorlardan tortibxunarmand va dehqonlargacha jamiyatdagi barcha toifalarning xuquq va burchlariga o`z munosabatini bildiradi. Alloma borliq xaqida bilimlarga fikr yuritganda odam bilishi mumkin bo`lmagan narsa, bilim bilan echilmaydigan jumboq yo`qligini, bilim orqasida osmon sari yo`l ochilishi, bilim uchun tinmasdan o`rganish kerakligini o`qtiradi[4].

Markaziy Osiyoda yashagan Abu Rayhon Beruniy, ibn Sino, Abu Nasr Forobiy kabi buyuk mutafakkirlar shaxsni har tomonlama kamol toptirish uchun bilish metodlariga alohida e`tibor qaratganlar. Bilish metodlari yaratuvchanlik xarakteriga ega. Allomalar bilish metodlarini empirik va aqliy bilish metodlariga ajratganlar. Empirik bilish metodlari sirasiga mutaxassislar kuzatish, tajriba, tavsiflash, o`lchash kabilarni kiritganlar.

Nazariy bilish metodlari esa abstraktsiyalash, formallashtirish, modellashtirish kabilarni o`z ichiga oladi.

Allomalar har bir metodning operatsional, qadriyatli jihatlari mavjudligini e`tirof etganlar.

Metodning operatsional jihati shaxsning bilimdonligi, qobiliyatini ifodalaydi. Qadriyatli jihati esa metodning samaradorligi, aniqligi, tushunarligi, ishonchligi kabi xususiyatlarni o`z ichiga oladi[3].

Ajdodlardan avlodlarga shaxsiy iqtidor, nutq, maqsadga yo`naltirilgan holda mehnat qilish, fikrlash faoliyati, faoliyat jarayonida o`z xatti-harakatlarining mohiyatini anglash meros bo`lib o`tadi.

Katta avlod vakillaridan bir qator biologik sifatlar avlodlarga o`tadi: qiyofa, soch rangi, jismoniy ko`rsatkichlar, qon guruhlari, iqtidor va layoqatlar, asab tizimining o`ziga xosligi, ko`rish organlarining o`ziga xos jihatlari, ko`z rangi, o`ziga xos sezgirlik, bilish faolligi kabilar.

Biologik xususiyatlar shaxsning o`ziga xosligi va farqli jihatlari namoyon etadi. Meros tushunchasi ajdodlardan avlodlarga o`tadigan o`ziga xos jihatlarni anglashiladi. Ajdodlardan avlodlarga o`tadigan xususiyatlar sirasiga ularning bilish faolligi ham kiradi. Bizning ota-bobolarimiz yuksak aql-zakovat egasi bo`lganliklari uchun ham ularning xususiyatlari va aql-zakovatlari mahsuli bo`lgan ma`naviy-intellektual boyliklari yosh avlodning bilish faolligini ta`minlashga xizmat qilib kelgan.

Ajdodlarimiz merosi yosh avlodning muayyan iqtidorlari yordamida ularning muayyan sohasidagi faoliyatlari rivojlanishiga asos bo`ladi. Bu esa yosh avlodning rivojlanishi uchun potentsial imkoniyatlarni vujudga keltiradi. YOsh avlodda bilish faolligining rivojlanishi ko`p jihatdan mavjud shart-sharoitlar va ta`lim-tarbiya mazmuni bilan bevosita bog`liq. Ta`lim-tarbiya mazmunida xalq ijtimoiy tajribasining ifodalanishi jarayon sub`ektlarida bilish faolligining vujudga kelishiga asos bo`ladi. Ularda layoqatlar, iqtidor va talantning yorqin tarzda namoyon bo`lishini ta`minlaydi. Yoshlarning bilish layoqatining shakllanishida ajdodlar merosi va pedagogik shart-sharoitlar muhim o`rin egallaydi. Mazkur didaktik vositalar talabalarning anatomik, morfologik layoqatlarini ham rivojlantirishga ko`maklashadi.

Yoshlardagi rivojlanish ko`rsatkichlari ularning integrativ xarakterdagi layoqatlari orqali o`z ifodasini topadi. Bunda umumiy va individual layoqatlar farqlanadi. Umumiy layoqatlar shaxsning faoliyatning turli ko`rinishlaridagi muvaffaqiyatini belgilaydi. Bu: aqliy layoqatlar, qo`l xarakatlarining aniqligi va nozikligi, xotiraning rivojlanishi, nutqning takomillashuvida o`z aksini topadi.

Maxsus layoqatlar esa shaxsning o'ziga xos layoqatlari sifatida namoyon bo'lib, faoliyatning muayyan sohasidagi muvaffaqiyatlarini belgilaydi. Bunday layoqatning namoyon bo'lishi uchun shaxs o'ziga xos iqtidor egasi bo'lishi lozim. Ular sirasiga: matematik, musiqiy, lingvistik, adabiy, badiiy-ijodiy, texnik, sportga oid, tashkilotchilik layoqatlarini kiritish mumkin.

SHaxsning umumiy va maxsus layoqatlari bir-birini boyitishi, to'ldirishi, takomillashtirishi mumkin. Alohida ahamiyatga ega bo'lgan holatlardan biri shaxs iqtidorlarining meros tarzida bir-biriga o'tishidir. Masalan, loyihalash, san'at asarlarini yaratish kabi iqtidorlar ajdodlardan avlodlarga o'tadi va takomillashib shaxsning bilish faolligini ta'minlaydi.

Ajdodlar merosi vositasida shaxsning bilish faoliyatini rivojlantirishda uning qiziqishlari va mayllari muhim ahamiyatga ega. Bu alohida sohalarda shaxsning muvaffaqiyatli faoliyat ko'rsatishini ta'minlovchi xodisadir. Bu ko'p jihatdan shaxsning hayot tarzi va ta'lim-tarbiyasi bilan bevosita bog'liq.

SHaxsning tafakkur tarzini ma'naviy-axloqiy, intellektual rivojlanish imkonini beradigan bilish faoliyatini rivojlantiradigan, ma'naviy-madaniy meros namunalari yordamida faollashtirish insonning aqliy taraqqiyotini ta'minlash imkonini beradi. SHuning uchun ham O'zbekiston Respublikasi davlat siyosatida ajdodlar merosini o'rganish va yosh avlodni ma'naviy-intellektual jihatdan yuksaltirishda ushbu merosdan foydalanish ustivor ahamiyat kasb etmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022yil 28 yanvardagi "2022-2026 yillarga mo'jallangan yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi" PF-60 sonli Farmoni. <https://lex.uz>

2. Pedagogika entsiklopediya. I jild / tuzuvchilar: jamoa. // Toshkent. "O'zbekiston milliy entsiklopediyasi" Davlat ilmiy nashriyoti, 2015. – 320 b.

3. Xayrullaev M. O'tmish mutafakkirlari ta'lim-tarbiya haqida / Xalq pedagogikasi - inson kamolotining asosi. 1 -kitob. T.: O'zPFITI, 1992. -110 b.

4. Tuxliev B. YUsuf Xos Xojibning "Kutadg' bilig" asari, T.,1991

**MAHALLALARDA MILLATLARARO DO‘STLIK ALOQASINI
RIVOJLANTIRISH MEKANIZMLARI TAKOMILLASHTIRISH**

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022>.

Narzullaeva Bahora ,

“Mahalla va oila” Ilmiy tadqiqot institute, mayanch doktoranti

Annotatsiya. Maqolada mahallada millatlararo do‘stlik aloqasini rivojlantirish mexanizmlari hamda dunyoda millatlararo do‘stlik aloqalarini o‘rnatish, totuvlikka erishish, turli xalqlar, etnoslar o‘rtasida do‘stona munosabatlarni yanada rivojlantirish masalasi barcha davlatlarda doim dolzarb bo‘lib kelganligi haqida ma‘lumotlar berilgan.

Kalit so‘zlar. Millatlararo do‘stlik, turli xalqlar, do‘stona munosabatlar, do‘stlik aloqalari, insonparvarlik madaniyatini rivojlantirish, millatlararo totuvlik.

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕХАНИЗМОВ РАЗВИТИЯ
МЕЖНАЦИОНАЛЬНОЙ ДРУЖБЫ В МАХАЛЛЯХ**

Нарзуллаева Бахора,

*базовый докторант научно-исследовательского института
“Махалля и семья”*

Аннотация. В статье представлена информация о механизмах развития межнациональных дружественных отношений в соседстве, а также установления межнациональных дружественных отношений в мире, мира, дальнейшего развития дружеских отношений между разными народами и этносами.

Ключевые слова. Межнациональная дружба, разные народы, дружеские отношения, дружеские отношения, развитие человеческой культуры, межнациональное согласие.

**IMPROVEMENT OF MECHANISMS FOR THE DEVELOPMENT OF
INTERETHNIC FRIENDSHIP IN MAKHALLAS**

Narzullayeva Bahora,

basic doctoral student of the Mahalla and Family Research Institute

Abstract. The article provides information on the mechanisms of development of interethnic friendly relations in the neighborhood, as well as the establishment of inter-ethnic friendly relations in the world, peace, further development of friendly relations between different peoples and ethnic groups.

Key words. Interethnic friendship, different peoples, friendly relations, friendly relations, development of human culture, interethnic harmony.

Mustaqillikning dastlabki yillaridan boshlab bag‘rikenglik va insonparvarlik madaniyatini rivojlantirish, millatlararo va konfessiyalararo hamjihatlikni, jamiyatda fuqarolar totuvligini mustahkamlash, barcha fuqarolarga millati va diniy e‘tiqodidan qat‘i nazar, teng huquq va imkoniyatlar yaratish, yosh avlodni vatanparvarlik, milliy va umuminsoniy qadriyatlarga hurmat, Vatanga muhabbat va sadoqat ruhida tarbiyalash O‘zbekistonda davlat siyosatining muhim ustuvor yo‘nalishlaridan biri etib belgilangan.

Bugungi kunda respublikamizda faol “xalq diplomatiyasi” asosida chet eldagi

vatandoshlarimiz bilan muntazam va o‘zaro foydali munosabatlarni yo‘lga qo‘yish, xorijiy mamlakatlar bilan do‘stona munosabatlarni va madaniy-ma’rifiy aloqalarni mustahkamlash orqali o‘z faoliyatini O‘zbekistonda yashab kelayotgan barcha millat va etnik diasporalarning tarixi, madaniyati, ma’naviy qadriyatlarini, milliy an’analari va urf-odatlarini saqlash hamda har tomonlama rivojlantirish tamoyillariga asosan olib borayotgan Respublika baynalmilal madaniyat markazi, 138 ta milliy madaniy markazlar, O‘zbekiston xorijiy mamlakatlar bilan do‘stlik va madaniy-ma’rifiy aloqalar jamiyatlari kengashi, shuningdek, 34 ta do‘stlik jamiyatlari muvafaqqiyatli faoliyat yuritib kelmoqda.

Dunyoda millatlararo do‘stlik aloqalarini o‘rnatish, totuvlikka erishish, turli xalqlar, etnoslar o‘rtasida do‘stona munosabatlarni yanada rivojlantirish masalasi barcha davlatlarda doim dolzarb bo‘lib kelgan. Bugungi kunda ustuvor yo‘nalishlaridan biri – jamiyatda millatlararo totuvlik va bag‘rikenglikni ta’minlash, do‘stlik muhitini va ko‘p millatli katta yagona oila tuyg‘usini mustahkamlash, yoshlarni Vatanga muhabbat va sadoqat ruhida, milliy va umuminsoniy qadriyatlarga hurmat bilan qarash ruhida tarbiyalash, xorijiy mamlakatlar bilan madaniy-ma’rifiy aloqalarni yanada rivojlantirishni taqozo etadi.

Dunyoda millatlararo do‘stlik aloqalarini o‘rnatish jarayonini tadqiq etish borasida qator ilmiy tadqiqotlar amalga oshirilib kelinmoqda. Jumladan, millatlararo do‘stlik aloqalarini rivojlantirish masalalari, ijtimoiy nizolar, fenomenologik yoki kundalik hayot, sotsial almashinuv nazariyasi, sotsial makon g‘oyasiga asoslangan nazariy-metodologik ta’limotlar, millatlararo do‘stlik munosabatlarni bevosita yoki bilvosita o‘rganish uchun yoshlar sub madaniyati, migratsiya va multikultur jamiyatlar, akmeologiya yo‘nalishlarining zamonaviy sotsiologiyada qo‘llanilishi millatlararo totuvlik jarayonlarini yanada barqarorlashtirish tizimini sotsiologik tahlil qilish zaruratini ilgari surmoqda.

Konstitutsiyamizda fuqarolari millatidan qat’i nazar O‘zbekiston xalqini tashkil etishini, shuningdek, O‘zbekiston Respublikasi o‘zining hududida yashovchi millat va elatlarning tili, urf-odati va an’analariga hurmat bilan munosabatda bo‘lishni, ularni rivojlantirish uchun shart-sharoitlar yaratilishini kafolatlaydi.

Bugungi kunda jahon va mamlakatimizda etnomadaniy jarayonlar, millatlararo munosabatlar va etnik muammolarni o‘rgangan olimlarning ishlarini quyidagicha tasniflash mumkin. Xorij olimlarining millatlararo totuvlik, millatlararo munosabatlar va u bilan bog‘liq masalalar G.Garfinkel, V.Vundt, E.Bogardus, O.Kont, J.Mill, M.Mid, R.Mills, G.Antonos, K.Girs, E.Gellner, M.Xitcher, E.Xobsbaum, A.King va B.Shnayder tadqiqotlarida o‘rganilgan. Muammoning ilmiy tadqiqot mavzusi sifatida kelib chiqishida vertikal yondashuv, ya’ni davlatning milliy totuvlik siyosati, asosan, qonunlar hamda ma’muriy qoidalar, tartibotlar samarali omil sanaladi, degan yondashuv A.Begmatov, B.Iminov, A.Po‘latov, Sh.Samatov, F.Mardonova, N.Mamanazarov, A.Muminov, O‘.Abilov, B.Tuychiev, T.Juraev, Z.Qodirova, B.Sidiqov, I.Ergashev kabi olimlarning asarlarida batafsil yoritilgan.

Mamlakatimizda olib borilgan tadqiqotlarda mavzuga oid nazariy g‘oya va xulosalarga munosabat bildirilib, mazkur yondashuvlardan millatlararo do‘stona aloqalarni rivojlantirish ko‘pgina tadqiqotlar olib borilgan bo‘lsada, ammo mahallalarda do‘stlik aloqalarini rivojlantirish, do‘stlik aloqalarini tiklashda titil ko‘p millatli o‘zbek xalqining tolerant tabiati, insonparvarligi, mehr-shafqatliliigi, turli konfessiyalar va madaniy o‘ziga xoslikka mansub aholi vakillarining milliy muloqot tizimidagi bag‘rikenglikni yanada mustahkamlashning yangi mexanizmlarini tadqiq etish dolzarb, ilmiy-amaliy ahamiyatga egadir.

Mahallalarda millatlararo do'stlik aloqalarini rivojlantirish mexanizmlarini takomillashtirish;

– mahallalarda millatlararo do'stlik aloqalarini sotsiologik tadqiq qilishning nazariy-metodologik asoslarini ishlab chiqish;

– mahallalarda do'stlik aloqalarini rivojlantirish muammosini sotsiologik o'rganilganlik holatini aniqlash;

– mahallalarda millatlararo do'stlik aloqalarini rivojlantirish mamlakat taraqqiyotida tutgan ijtimoiy-ma'naviy va siyosiy ahamiyatini ochib berish;

– jamoatchilik fikrini o'rganish asosida mahallalarda millatlararo do'stlik aloqalarini rivojlantirishning ijtimoiy, iqtisodiy va ma'naviy asoslarini o'rganish;

– Yangi O'zbekistonda millatlararo do'stlik aloqalarini rivojlantirish – milliy yuksalishning ustuvor yo'nalishi sifatida tutgan o'rni va ahamiyatini tadqiq etish;

– milliy-madaniy markazlarning millatlararo do'stlik aloqalarini rivojlantirishdagi rolini sotsiologik o'rganish asosida millatlararo do'stlik aloqalarini rivojlantirish jarayonlarini takomillashtirishga oid taklif va tavsiyalar ishlab chiqishdan iborat.

Mahallalarda millatlararo do'stlik aloqalarini yanada rivojlantirish mahalliy ijro etuvchi hokimiyat organlarining fuqarolik jamiyati institutlari bilan o'zaro hamkorligi mexanizmlarini takomillashtirish;

– mahallalarda millatlararo do'stlik aloqalarini yanada rivojlantirish, respublikamizda yashab turgan turli millat va elat vakillarining tili, madaniyati, an'analari va urf-odatlarini saqlash va rivojlantirishni samarali mexanizmlarini takomillashtirish;

– mahallalarda ko'p millatli katta oila his-tuyg'usini, turli millat va elat vakillari o'rtasida do'stlik va totuvlikni yanada mustahkamlash va rivojlantirish, yosh avlodni Vatanga muhabbat va sadoqat ruhida tarbiyalash, fuqarolarning teng huquqliligini ta'minlash;

– mahallalarda millatlararo do'stlik munosabatlarni rivojlantirish, mahallalarda ko'p millatli oilalarning do'stona aloqalarni mustahkamlash, vatandoshlarni qo'llab-quvvatlash va xorijdagi o'zbek va boshqa millat vakillari bilan turmush qurgan oilalar bilan yaqin hamkorlik qilish;

– mahallalarda millatlararo do'stlik aloqalarini rivojlantirishdagi ustuvor maqsadlarni, ilg'or xorijiy tajribani e'tiborga olgan holda millatlararo munosabatlarning tashkiliy-huquqiy asoslarini takomillashtirish.

Mamlakatimiz mahallalarida millatlararo do'stlik aloqalarini rivojlantirishning hududiy amal qilish mexanizmlari ishlab chiqiladi; mahallalarda millatlararo do'stlik aloqalarini holati yuzasidan ijtimoiy fikrni o'rganish asosida aniqlangan natijalar asosida milliy-madaniy markazlar faoliyatini rivojlantirish bo'yicha tavsiyalar ishlab chiqiladi; mahallalarda millatlararo do'stlik aloqalarini rivojlantirishning uzluksiz amal qilish mexanizmi hududlararo targ'ibot tizimi mazmunida joriy etiladi; dissertatsiya ishi doirasida tanlov asosida respublikamizning 5 ta hududi: Samarkand, Navoiy va Namangan viloyatlari, Farg'ona viloyati hamda Toshkent shahrida 10 ta millat: o'zbek, qoraqalpoq, qozoq, tojik, rus, qirg'iz, turkman, tatar, ukrain, koreys millatlari va tanlangan turli ijtimoiy guruh vakillari (talabalar, maktab o'qituvchilari, uy bekalari, nafaqaxo'rlar, tadbirkorlar, madaniyat va san'at sohasi xodimlari va jurnalistlar) o'rtasida ekspert so'rovlari o'tkazilgan hamda uning natijalaridan ma'naviy targ'ibot tizimida qo'llaniladi; mahallalarda millatlararo do'stlik aloqalarini hamda turli xalqlar va elatlar kesimida barqaror rivojlantirishga yo'naltirilgan "Do'stlik" mexanizmlari ishlab chiqiladi; jamoat tashkilotlarining bu boradagi faoliyatini muvofiqlashtirish hamda yanada yuksaltirish borasida zaruriy taklif va tavsiyalar ishlab chiqilgan.

O'zbekistonda demokratik jamiyat qurish nazariyasi va amaliyoti, etnomadaniyat, etnosotsiologiya fanlari bo'yicha darsliklar, o'quv qo'llanmalar, uslubiy tavsiyalar tayyorlashda; mahallalarda millatlararo do'stlik aloqalarini yanada mustahkamlash va rivojlantirishga mutasaddi bo'lgan tashkilotlardagi xodimlarni qayta tayyorlash va malakasini oshirish markazlaridagi o'quv kurslarida hamda sotsiologik fikrlar, tavsiyalar etnosiyosat, sotsiologiya fanini yanada takomillashtirishda zaruriy manba sifatida qo'llash mumkinligi bilan izohlanadi.

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi millatlararo munosabatlar va xorijiy mamlakatlar bilan do'stona munosabatlar bo'yicha qo'mita, Respublika Ma'naviyat va ma'rifat markazi, millatlararo totuvlik g'oyasini keng targ'ib qiluvchi ma'naviy-ma'rifiy muassasalar, siyosiy partiyalar, milliy-madaniy markazlar, ta'lim-tarbiya beruvchi muassasalar, ijodiy birlashmalar, madaniyat uylari, assotsiatsiyalar faoliyatlarida foydalanishlari mumkin.

Mamlakatimizda olib borilayotgan keng ko'lamli islohotlar markazida, avvalo, inson manfaati, uning huquq va erkinliklarini ta'minlash maqsadi turadi. Fuqarolar manfaatlarini faqatgina tinchlik va osoyishtalik, o'zaro hurmat, mehr-oqibat va hamjihatlik muhitini yaratish orqali ta'minlash mumkin.

Bugun dunyo koronavirus pandemiyasi bilan bog'liq inqirozga duch kelgan bir sharoitda ko'plab mintaqalarda millatlararo va konfessiyalararo ziddiyatlar kuchayayotganiga guvoh bo'lmoqdamiz. Shu bois, boshlangan islohotlarni izchil davom ettirish uchun birdamlikni saqlash muhim ahamiyatga ega.

O'zbekistonda aholining ko'p millatli bo'lishiga ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishning qulay omili sifatida qaralmoqda. Ijtimoiy va iqtisodiy barqarorlikni saqlash, dinlararo va millatlararo munosabatlarni uyg'unlashtirish hisobiga xalqaro maydonda O'zbekistonning obro'si oshib bormoqda.

Xususan, mamlakatimizdagi davlat ta'lim muassasalarida o'qitish yetti tilda olib boriladi. O'zbekiston Milliy teleradiokompaniyasi o'z ko'rsatuvlarini o'n ikki tilda namoyish etmoqda, o'ndan ortiq tilda gazeta va jurnallar nashr etilmoqda. Millatlararo munosabatlar va xorijiy mamlakatlar bilan do'stlik aloqalari qo'mitasi qoshida 138 ta milliy madaniy markaz, bundan tashqari, 16 ta konfessiyaga tegishli 2300 ga yaqin diniy tashkilot faoliyat yuritadi. Bu borada yaxlit, chuqur o'ylangan siyosat va uni amalga oshirishga qaratilgan amaliy chora-tadbirlar hayotga tatbiq etilib, millatlararo va dinlararo totuvlikni qo'llab-quvvatlashga e'tibor qaratilmoqda. Bu islohot va o'zgarishlarning negizida konstitutsion huquq va kafolatlar yotganini alohida qayd etish lozim. Shundan kelib chiqib, bu borada quyidagi dalillarni keltirib o'tish zarur.

Birinchidan, turli millat va din vakillarining o'z salohiyatini to'laqonli amalga oshirish, ularning huquq va manfaatlarini himoya qilish uchun konstitutsiyaviy kafolatlar belgilangan. Bunda, eng avvalo, fuqarolarning jinsi, irqi, millati, tili, dini, ijtimoiy kelib chiqishi, e'tiqodi, shaxsiy va ijtimoiy mavqeidan qat'i nazar, teng huquq va erkinliklarini, ularning qonun oldida tengligini ta'minlash alohida e'tiborga olingan.

Mazkur sohada O'zbekiston Respublikasi davlat siyosatining asosiy tamoyillari sirasiga fuqarolarning teng huquqliligi, ijtimoiy adolat, qonun ustuvorligi, millat va elatlarning madaniy, til va diniy qadriyatlarini, an'ana va urf-odatlarini o'zaro hurmat qilish kiradi.

Konstitutsiyaviy kafolatlar jinsi, irqi, millati, tili, dini, ijtimoiy kelib chiqishidan qat'i nazar, fuqarolarga jamoat va davlat qurilishida ishtirok etishni ta'minlaydi.

Ta'kidlash joizki, O'zbekiston Respublikasining millatlararo va konfessiyalararo totuvlikni o'rnatish siyosati Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasi va boshqa xalqaro huquqiy-me'yoriy hujjatlarga to'la mos keladi.



Ikkinchidan, millatlararo totuvlik va diniy bag'rikenglikni ta'minlash O'zbekistonning zamonaviy davlat sifatida rivojlanish strategiyasining ajralmas qismi hisoblanadi. Mamlakatimizda 2017-2021 yillarda "O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasiga muvofiq, mazkur sohaga alohida e'tibor qaratilmoqda.

So'nggi to'rt yilda millatlararo munosabatlar va din sohasida 50 dan ortiq qonun hujjatlari va 40 ga yaqin qarorlar qabul qilindi. Bu huquqiy hujjatlarning aksariyati fuqarolarning dini va millatidan qat'i nazar, huquq va erkinliklarini kengaytirish, shu jumladan, jamiyat va davlat ishlarini boshqarishda ishtirok etish imkoniyatini oshirishga qaratilgan.

Masalan, diniy tashkilot faoliyatini tugatish to'g'risida qaror qabul qilish vakolatlari ijro hokimiyati – adliya organlaridan sudlarga o'tkazilib, ularning faoliyati erkinligining huquqiy kafolatlari mustahkamlandi. Diniy tashkilotni ro'yxatdan o'tkazish uchun davlat boji miqdori besh baravarga kamaytirildi, hisobotlarni taqdim etish davriyligi qisqartirildi. Bundan buyon diniy tashkilotlar faqat yilda bir marta hisobot taqdim etadi.

Shuningdek, 2019-yilda millatlararo munosabatlar sohasida O'zbekiston Respublikasi davlat siyosati konsepsiyasi tasdiqlandi. Shu bilan birga, diniy-ma'rifiy soha faoliyatini takomillashtirish bo'yicha bir qancha qarorlar qabul qilinib, unga ko'ra, mazkur sohada yagona davlat siyosatini amalga oshirish, fuqarolarning vijdon erkinligi kafolatlarini himoya qilish, turli millat va elatlar vakillari o'rtasida konstruktiv va o'zaro hurmatga asoslangan munosabatlarni shakllantirish bo'yicha yangi tizim joriy etildi. Xususan, Vazirlar Mahkamasi huzurida millatlararo munosabatlar va xorijiy mamlakatlar bilan do'stlik aloqalari qo'mitasi tashkil etildi, Din ishlari bo'yicha qo'mita faoliyati takomillashtirildi.

Uchinchidan, Harakatlar strategiyasi doirasida mamlakatimizda millatlararo va konfessiyalararo muloqotni rivojlantirish borasida institutsional yondashuv yo'lga qo'yildi. Jumladan, Prezidentimizning 2018-yil 16-apreldagi "O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Din ishlari bo'yicha qo'mita faoliyatini takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qaroriga muvofiq, Din ishlari bo'yicha qo'mita huzuridagi Konfessiya ishlari bo'yicha kengashning yangi tarkibi tasdiqlandi.

Kengash tarkibi 9 nafardan 17 nafar a'zoga – O'zbekistonda faoliyat yuritayotgan diniy konfessiyalar vakillari hisobiga kengaydi. E'tiborli jihati, kengash a'zolariga a'zolari oz sonli diniy tashkilotlarning rahbarlari ham kiritildi. Jamoatchilik maslahatlashuv organi hisoblangan mazkur kengashning asosiy maqsadi O'zbekistondagi mavjud diniy-ijtimoiy jarayonlarni muhokama qilish hamda tavsiyalar ishlab chiqishdan iborat.

Millatlararo munosabatlar va xorijiy mamlakatlar bilan do'stlik aloqalari qo'mitasining asosiy vazifalari qatoriga davlat organlarining respublika hududida joylashgan milliy madaniy markazlar va do'stlik jamiyatlari bilan o'zaro aloqasi va hamkorligini ta'minlash va yanada rivojlantirish kiritildi. Qo'mita qoshida fuqarolarning etnomadaniy talablarini o'rganish, aniqlash va qanoatlantrishga, millatlararo munosabatlarni mustahkamlashga, milliy sabablarga ko'ra, ehtimoliy mojarolarning oldini olishga ko'maklashuvchi Jamoatchilik kengashi tuzildi. Bundan kutilayotgan asosiy natija – mazkur sohada davlat siyosatini amalga oshirish uchun mas'ul bo'lgan davlat organlari faoliyati ustidan jamoatchilik nazoratini kuchaytirishdir.

Mamlakatimiz hududida yashayotgan millatlar urf-odati hamda islom dinining madaniy va sivilizatsion merosi, ma'naviy-falsafiy ahamiyatini chuqur o'rganish

bo'yicha ishlar sifat jihatidan yangi bosqichga ko'tarildi. Bundan ko'zlangan asosiy maqsad – fundamental ilmiy tadqiqotlar natijalari asosida diniy bag'rikenglik, millatlararo munosabatlarning tarixiy ildizlarini chuqur o'rganish va uni bugungi kun sharoitida rivojlantirishdan iborat. Bu borada Islom sivilizatsiyasi markazi, Imom Buxoriy, Imom Termiziy va Imom Moturidiy nomidagi xalqaro tadqiqot markazlari tashkil etildi.

Shu bilan birga, tegishli oliy ta'lim muassasalarida sifatli diniy ta'lim olish imkoniyati kengaymoqda. O'rta, oliy diniy ta'lim, magistratura, boshlang'ich doktorantura va doktoranturani o'z ichiga olgan diniy ta'limning besh bosqichli tizimi shakllantirildi. Islomiy ta'lim muassasalariga talabalarni qabul qilish kvotasi ikki baravar oshirildi. Shuningdek, Toshkent pravoslav seminariyasi va Toshkent xristian seminariyasi o'quv dargohlari ham o'z faoliyatini davom ettirmoqda.

To'rtinchidan, millatlararo totuvlik va diniy bag'rikenglikni ta'minlash O'zbekiston Respublikasi tashqi siyosatida muhim o'rin egallay boshladi. Hukumat xalqaro tashkilotlar hamda ushbu sohada mutaxassislar bilan konstruktiv muloqot va hamkorlik o'rnatishga alohida e'tibor qaratmoqda.

Birlashgan Millatlar Tashkilotining Inson huquqlari bo'yicha Oliy komissari Zeyd Raad Al-Huseyn hamda Evropada xavfsizlik va hamkorlik tashkilotining Milliy ozchiliklar bo'yicha Oliy komissari Lamberto Zanierning mamlakatimizga tashrifi chog'ida mazkur sohada olib borilayotgan islohotlar muhokama qilindi va xalqaro mutaxassislar tomonidan bu boradagi o'zgarishlarga yuqori baho berildi.

E'tiborli jihati, 2017-yilda mustaqil –O'zbekiston tarixida ilk bora mamlakatimizga BMT Inson huquqlari bo'yicha kengashining din va e'tiqod erkinligi bo'yicha maxsus ma'ruzachisi Ahmad Shahid tashrif buyurdi. Uning tavsiyalari asosida 2018-yil 4-may kuni –O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi din va e'tiqod erkinligini ta'minlash bo'yicha “Yo'l xaritasi” tasdiqlandi.

Umuman olganda, xalqaro hamjamiyat mamlakatimizning millatlararo totuvlik va diniy bag'rikenglikni ta'minlash borasidagi faoliyatini yuqori baholamoqda va –O'zbekiston tajribasiga katta qiziqish bilan qaramoqda. Xususan, O'zbekiston –Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev tomonidan 2017-yil 19- sentabr kuni Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh Assambleyasining 72-sessiyasida bag'rikenglik va o'zaro hurmatni qaror toptirish, diniy erkinlikni ta'minlash, e'tiqod qiluvchilarning huquqini himoya qilish, ularning kamsitilishiga yo'l qo'ymaslikka ko'maklashishga qaratilgan “Ma'rifat va diniy bag'rikenglik” deb nomlangan maxsus rezolyutsiyasini qabul qilish taklif etilishi va ushbu hujjatning 2018-yil 12- dekabrda qabul qilinishi bunga yaqqol misol bo'la oladi.

Mazkur sohada olib borilgan islohotlar doirasida erishilgan muhim natijalardan biri sifatida 2018-yilda AQSH Davlat departamenti O'zbekistonni diniy erkinlik borasida “alohida tashvish uyg'otuvchi mamlakatlar” ro'yxatidan chiqarganini ko'rsatish mumkin.

E'tiborli jihati, 2020-yil 13-oktyabr kuni Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh Assambleyasi sessiyasida bo'lib o'tgan saylovlarda O'zbekiston milliy davlatchiligimiz tarixida ilk bor Birlashgan Millatlar Tashkilotining Inson huquqlari bo'yicha kengashi a'ziligiga uch yil muddatga – 2021-2023 yillarga saylandi. Mamlakatimiz uchun Birlashgan Millatlar Tashkilotiga a'zo 193 davlatdan 169 tasi ovoz berdi. Bu saylovda eng ko'p ovoz berilgan davlat O'zbekiston bo'ldi. Bu ham yurtimizda millati va dinidan qat'i nazar, inson huquqlarini ta'minlashga qaratilgan, shu jumladan, millatlararo totuvlik va diniy bag'rikenglik sohasida olib borilayotgan siyosatning e'tirofi desak, mubolag'a bo'lmaydi. Bularning barchasi

O‘zbekistonning xalqaro munosabatlarda ishonchli va mas’uliyatli subyekt sifatidagi roli mustahkamlanayotganidan dalolat beradi.

Xulosa o‘rnida ta’kidlash joizki, mamlakatimizda millatlararo totuvlik va diniy bag‘rikenglik sohasida ijobiy va o‘zaro hurmatga asoslangan muhitni mustahkamlash borasida olib borilayotgan islohotlar natijasida millatlararo va dinlararo munosabatlarning yangi modeli yaratildi. Ushbu model turli millat va din vakillari o‘rtasidagi millatlararo va dinlararo muloqot, konstruktiv yondashuv va barcha fuqarolarning qonun oldida tengligiga asoslanadi.

Shu ma’noda, so‘nggi yillarda O‘zbekistonda millatlararo munosabatlar va din sohasida amalga oshirilgan keng ko‘lamli islohotlar mamlakatda ushbu sohalarda yangicha yondashuv va strategik maqsadni birlashtirgan tizim shakllanishiga xizmat qildi. Mazkur tizimning muvaffaqiyati esa yurtimizda tinchlikni saqlash, fuqarolar xavfsizligini ta’minlash, barqaror rivojlanish uchun zamin yaratmoqda. Zero, zamonaviy davlatning bosh maqsadi jamiyatda hamjihatlik va barqarorlik, inson huquq va erkinliklarining samarali himoya qilinishini ta’minlashdan iborat.

Bu borada Asosiy qonunimiz – Konstitutsiya nafaqat jamiyat va davlat taraqqiyotini belgilovchi oliy darajadagi siyosiy-huquqiy hujjat, balki mamlakatimizda yashovchi har bir fuqaroning munosib turmush tarzini kafolatlovchi muhim asosdir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

Millatlararo munosabatlar va xorijiy mamlakatlar bilan do‘stlik aloqalarini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining farmoni. Iyul 25, 2018.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Millatlararo munosabatlar va xorijiy mamlakatlar bilan do‘stlik aloqalarini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” 2017-yil 19-maydagi PF-5046-son farmoni.

Umaralieva, M. Pedagogical conditions of forming professional competence of teachers. Eastern European Scientific (ISSN 2199-7977). Journal.–Dusseldorf-Germany. (2017).

**BOLALARNI TABIAT BILAN TANISHTIRISH USULLARI VA
TEKNOLOGIYALAR**DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022>.

Namazbayeva Lola,

*T. N. Qori Niyoziy nomidagi O'zbekiston pedagogika fanlari ilmiy-tadqiqot
instituti tayanch doktoranti*

Annotatsiya. Maqolada bo'lajak tarbiyachilarga bolalarni tabiat bilan tanishtirish texnologiyasi va usullari haqida ma'lumot berilgan. Bolalarni atrof-olam bilan tanishtirish uchun bo'lajak tarbiyachi-pedagoglar oldida turgan vazifalar bayon etilgan.

Kalit so'zlar: jonli va jonsiz tabiat, atrof-olam, bo'lajak tarbiyachi, ko'nikma va malakalar, tirik organizm, ko'rgazmali, amaliy, og'zaki, kuzatish, bilish darajasi, portfolio, texnologiya.

**МЕТОДЫ И ТЕХНОЛОГИИ ОЗНАКОМЛЕНИЯ ДЕТЕЙ С
ПРИРОДОЙ**

Намазбаева Лола,

*базовый докторант Узбекского научно-исследовательского института
педагогических наук имени Т.Н.Кары-Ниязи*

Аннотация. В статье представлена информация о технологии и способах приобщения детей к природе для будущих воспитателей. Описаны задачи, которые стоят перед будущими педагогами по знакомству детей с миром.

Ключевые слова: живая и неживая природа, окружающая среда, педагог-воспитатель, навыки и умения, живой организм, визуальное, практическое, устное, наблюдение, уровень знаний, портфолио, технологии.

**METHODS AND TECHNOLOGIES OF FAMILIARIZING CHILDREN
WITH NATURE**

Namazbaeva Lola,

*basic doctoral student of the Uzbek Research Institute of Pedagogical Sciences
named after T.N.Kara-Niyazi*

Abstract. The article provides information about the technology and methods of introducing children to nature for future educators. The tasks facing future educators to acquaint children with the world are described.

Keywords: animate and inanimate nature, environment, educators, skills and abilities, living organism, visual, practical, oral, observation, level of knowledge, portfolio, technology.

O'zbekiston Respublikasi mustaqillikka erishgandan so'ng ta'limda ijobiy o'zgarishlar bo'lmoqda, desak yanglishmagan bo'lamiz. Jamiyat hayotining har bir jabhasida sobitqadamlik bilan ish olib borilmoqda. Bolalarni har tomonlama tarbiyalashning asosi ularda ilmiy dunyoqarashni shakllantirishdan iborat. Bu vazifani amalga oshirishda bolalarni tabiat bilan tanishtirish katta ahamiyatga ega.

Inson tabiatning ajralmas qismidir. Tabiat insonning hayotiy faoliyati uchun zarur bo'lgan barcha ne'matlarni taqdim etadi. Ayni paytda tabiatga nisbatan ehtiyotkorona munosabat talab qilinadi. Aks holda insoniyat mudhish talofatlar



girdobida qolishi mumkin. Maktabgacha yoshdagi bolalarga ta'lim-tarbiya berishning asosiy maqsadi: yosh avlodni tabiatni asrab-avaylashga, ona tabiatga muhabbatni shakllantirishda sog'lom, aqlan yetuk, ma'nan boy, har tomonlama barkamol shaxs sifatida tarbiyalash va maktab ta'limiga tayyorlashdan iborat. Bo'lajak tarbiyachi maktabgacha yoshdagi bolalarga tabiat haqidagi bilimlarini shakllantirishda nazariy va metodik bilimlarni egallashi g'oyat muhimdir. Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida tabiat bilan tanishtirishning nazariy asoslari, mazmuni, tabiatshunoslik ishlarini, tabiat burchagini, yer maydonchalarini tashkil qilish va ularning turlari; maktabgacha yoshdagi bolalarni tabiat bilan tanishtirishning ih shakllari, metod va vositalari bilan yaqindan tanishtiriladi. Bu ish shakllarini to'g'ri tashkil etish va o'tkazish metodikasi bilan bo'lajak tarbiyachilar "Bolalarni tabiat bilan tanishtirish" fanini o'rganish orqali egallab boradilar.

Bola sezgi organlari yordamida tabiatni bevosita idrok etadi. Shuning uchun uning oldida har xil turdagi shakl, o'lcham, rang, tovush, hid, harakatlarda namoyon bo'ladi. Bu uning hissiy rivojlanishini shakllantiradi va unga tabiat haqidagi dastlabki aniq tasavvurlarni, aloqalarni shakllantirishga, ko'rish, tabiat hodisalarining munosabatlarini va bog'liqligini (vizualdan mantiqiy fikrlashga o'tish) tushunishga imkon beradi.

Bolalarni atrof-olam bilan tanishtirish uchun bo'lajak tarbiyachi-pedagoglar oldida turgan vazifalar quyidagilardir:

1. Bolalarda boshlang'ich bilim tizimini shakllantirish.

Tabiat haqidagi bilimlar tizimiga uning predmetlari va hodisalari (ularning belgilari, xossalari) haqidagi bilimlar, shuningdek ular orasidagi aloqalar va munosabatlar kiradi.

2. Bolalarda mehnat ko'nikma va malakalarini shakllantirish.

Bolalikdan olingan mehnat ko'nikma va malakalar yo'q bo'lib ketmaydi kelajakda ular yanada murakkab mehnat turlariga aylanib boraveradi.

3. Bolalarda tabiatga muhabbatni shakllantirish.

Tabiatga g'amxo'rlik bilan munosabatda bo'lish, kerak bo'lganda, yaxshi ishlar va xatti - harakatlarning namoyon bo'lishini nazarda tutadi va buning uchun bolalar o'simliklarga qanday g'amxo'rlik qilishni, ularning qulay o'sishi va rivojlanishi uchun qanday sharoit yaratishni bilishlari kerak. Tabiatga nisbatan bunday munosabatni shakllantirish uchun avvalo tirik organizm haqidagi bilimlarni egallashi, uni jonsiz tabiat ob'ektlaridan ajrata bilish alohida ahamiyatga ega.

Bolalarni atrof-dagi olam, tabiat bilan tanishtirishda bilim, ko'nikma va malakalarning mazmuni:

Kichik guruhda bolalar tabiatning alohida ob'ektlari: tabiiy material (qum, suv, qor, muz) va uning xususiyatlari, o'simliklarning tuzilishi (poyasi, barglari) haqida bilimlarni, ya'ni o'ziga xos xususiyatlarini (poya, barg, gul) va ularning namlikka bo'lgan ehtiyojini; hayvonlarning ko'rinishi (baliqlar, qushlar, sutemizuvchilar) va ularning harakatlanish usullari va oziqlanishi bilan tanishtirish lozim. Bolalar ba'zi hayvonlarning poloponlari bilan tanishadilar. Fasllarning o'ziga xos xususiyatlari haqida birlamchi bilimlar beriladi.

O'rta guruhda bolalarning jonsiz tabiat ob'ektlarining xossalari va sifatleri haqidagi tasavvurlari kengayadi va oydinlashadi (masalan, suv - bu shaffof suyuqlik, ba'zi narsalar suvda suzadi, boshqalari cho'kib ketadi; qor va suv xususiyatlari havo haroratiga qarab o'zgaradi).

Katta guruhda asosiy vazifa bolalarda tabiatda mavjud bo'lgan aloqalar va munosabatlar haqida bilimlarni shakllantirishdir: yashash sharoitlari va holatiga qarab

o'simliklar va hayvonlarning ehtiyojlari, ayrim organlar va ularning funksiyalari o'rtasidagi bog'liqliklar haqida.

Maktabga tayyorlov guruhida asosiy vazifa - jonsiz tabiat hodisalarining muntazam o'zgarishini aniqlashtirish va kengaytirish, ularni keyinchalik tizimlashtirish va umumlashtirish asosiy masaladir. Fasllarning o'zgarishi, kunduz va kechening davomiyligining uzayishi (yoki qisqrishi), havo haroratining muntazam o'zgarishi, yog'ingarchilikning tabiati haqida fikrlarni shakllantirish kerak.

Shunday qilib, maktabgacha yoshning oxiriga kelib, bolalar tabiat haqidagi bilimlarning boshlang'ich tizimini egallaydilar, bu aqliy faoliyatni rivojlantirishga va tabiatga nisbatan barqaror ijobiy munosabatni shakllantirishga yordam beradi.

Vazifalarning murakkabligi va xilma -xilligi tarbiyachi-pedagogdan bolalar bilan ishlashning turli usullari va shakllaridan foydalana olishini talab qiladi, bu bir qator talablar, turli yosh guruhlaridagi xususiyatlari bilan bog'liqdir.

Maktabgacha yoshdagi bolalarni tabiat bilan tanishtirish shakllari: mashg'ulotlar, ekskursiyalar, sayrlar, tabiat burchagida ish faoliyati, yer maydonchasidagi ish faoliyati.

Maktabgacha yoshdagi bolalarni tabiat bilan tanishtirish usullari: ko'rgazmali, amaliy, og'zaki.

1. Ko'rgazmali usul va uning turlari.

Ko'rgazmali usulga quyidagilar kiradi: kuzatish, tasviriy materiallar, texnik vositalar yoki o'quv ekrani. Kuzatish - bu atrofdagi dunyo ob'ektlari va hodisalarini maqsadli, tizimli idrok etish demakdir. Kuzatish atrof - olam predmetlari va hodisalarini maqsadga muvofiq, rejali idrok etish. Kuzatish - murakkab bilish faoliyati bo'lib, unda idrok, tafakkur va nutq ishtirok etadi. Kuzatilayotgan hodisani tushuntirishda bolaning tajribasi, bilimi va malakalari muhim ahamiyatga ega. Bolalarni tabiat bilan tanishtirishda doimiy kuzatishlar olib borish ularning mantiqiy fikr yuritishi va nutqini o'stirishda g'oyat katta ahamiyatga egadir. Bu haqida K.D. Ushinskiy shunday deydi: "Haqiqiy insoniy, aqliy nutq, to'g'ri mantiqiy fikr yuritishdan iboratdir, to'g'ri mantiqiy fikr yuritish esa, biz ko'rsatgandek, boshqa biror narsadan emas, haqiqiy va aniq kuzatishlardan kelib chiqadi".

Tabiatni bolalar bilan birgalikda kuzatishni tashkil etar ekan, bo'lajak tarbiyachi-pedagog bir qator vazifalarni hal etadi: bolalarda tabiat haqidagi bilimni shakllantiradi, kuzatishni o'rgatadi, kuzatuvchanlikni o'stiradi, estetik jihatdan tarbiyalaydi.

Predmet va hodisalarning xususiyati va sifatleri haqidagi bilimni shakllantirish maqsadida tashkil etiladigan qisqa muddatli kuzatuvlar jarayonida bolalar qismlarning shakli, rangi katta-kichikligi, tuzilishi, fazoviy joylashuvini, sathining xarakterini farqlashni, hayvonlar bilan tanishganda esa harakat xarakteri, ular chiqadigan tovushlarni ham o'rganadigan va x.k.

O'simlik va hayvonlarning o'sishi va rivojlanishi, tabiatdagi mavsumiy o'zgarishlar haqidagi bilimlarning yoritilishi uchun kuzatishning ancha murakkabroq turi - uzoq muddatli kuzatishlardan foydalaniladi, bunda bolalarga ob'ektning kuzatilayotgan holatini ilgariyasi bilan qiyoslashga to'g'ri keladi.

Bolalarning bilish darajasiga qarab, tarbiyachi-pedagog har xil turdagi kuzatuvlardan foydalanadi. Kuzatishlar o'simliklarni va hayvonlarni, ob - havo bilan, kattalarning tabiatdagi ishlari bilan tanishganda, mashg'ulot davomida, ekskursiyalarda, sayrlarda va tabiat burchagida tashkil etiladi. Kuzatish boshida, ayniqsa, agar u birinchi marta o'tkazilsa, bolalarga vazifa yoki topshiriq berishga shoshilmaslik kerak. Nazoratni qilish jarayonida tarbiyachi-pedagog turli xil usullardan - savollar, topishmoqlar, ob'ektlarni tekshirish, taqqoslash, o'yin va

mehnat harakatlaridan foydalanadi. Faqat bajarilgan ishdan so'ng xulosa chiqarish, qandaydir qarorga kelish kerak. Savol va topshiriqlarni mustahkamlash uchun berilsa maqsadga muvofiqdir.

Tarbiyachi bolalarni xulosa chiqarishlariga ko'maklashadi. Kuzatishlarda tarqatma materiallardan foydalanish bolalarning yuqori faoliyatini ta'minlaydi. Ko'rgazmali metodlar guruhiga bolalar bilan birga rasmlarni ko'rish, diapozitiv va kinofilmlarni namoyish qilish ham kiradi. Bu usullar foydalanish xilma-xil vazifalarni xal qilishga, tasavvurlarni aniqlash va bilimlarini tizimlashtirish, umumlashtirish, estetik idrokni tarkib toptirishga yordam beradi.

Rasmlar tabiat hodisalarini batafsilroq ko'rish, diqqatni uzoq muddat shu jismga qaratish imkonini beradi, buni esa ko'pincha tabiatni bevosita kuzatishda tabiatning dinamikligi va o'zgaruvchanligi tufayli amalga oshirilishning imkoni bo'lmaydi. Bundan tashqari ko'p hodisalarni bevosita kuzatish mumkin emas. Bolalarni tabiat bilan tanishtirishda ta'limiy, voqeaband, predmetli, shuningdek badiiy rasmlardan foydalaniladi.

Bolalar bog'chasida bolalarni tabiat bilan tanishtirishda diapozitiv diafilm, kinofilm, telefilmlardan foydalaniladi. O'quv ekrani bolalarda tabiat hodisalarining dinamikasi: o'simlik, hayvonlarning o'sishi va rivojlanishi - kattalarning mehnati haqidagi tasavvurini shakllantiradi, qisqa muddat ichida uzoq vaqt bo'lib o'tgan hodisalarni ko'rsatish imkonini yaratadi. Filmni ko'rishga bolalarni oldindan tayyorlash lozim. Buning uchun film mazmuniga bog'liq suhbatlar, ekskursiyalar o'tkaziladi, kitoblarni o'qib berish tashkil etiladi. Bevosita filmlarni ko'rsatishdan oldin bolalarga yo'llanma beruvchi suhbat o'tkazilib, unda bolalarga filmni ko'rayotganlarida e'tibor berishlari lozim bo'lgan topshiriqlar beriladi. Film ko'rib bo'lganidan keyin muhim joylarini ajratib ko'rsatishga va albatta yo'analtilgan suhbat o'tkaziladi. Maktabgacha kichik yoshdagilar uchun ovozsiz filmdan foydalanish ma'qul. Ularning mazmunini tarbiyachi aytib turadi. Film so'ngida kichikintoylar bilan maxsus suhbat o'tkazish tavsiya etiladi.

2. Amaliy usul va uning turlari.

Tabiatning oddiy hodisa va tasavvurlarini kengaytirish maqsadida o'tkaziladigan kuzatishlar bilan bir qatorda xilma - xil o'yinlardan keng foydalaniladi. Bu o'yinlarda bolalar sezuvchanlik tajribasini orttiradilar, egallagan bilimlarini ijodiy o'zlashtiradilar. Bolalarni tabiat bilan tanishtirishda didaktik, harakatli va ijodiy o'yinlardan ham foydalaniladi.

Didaktik o'yinlarda bolalar o'zlarida tabiatdagi narsa va hodisalar, hayvonlar va o'simliklar haqida mavjud bo'lgan bilimlarni aniqlaydilar, mustahkamlaydilar, kengaytiradilar. Ko'pgina o'yinlar bolalarni umumlashtirish hamda turkumlashga o'rgatadi. Didaktik o'yinlar xotira, diqqat, kuzatuvchanlikning o'sishiga yordam beradi, yangi sharoitlarda bolalarni mavjud bilimlaridan foydalanishga o'rgatadi, turli aqliy jarayonlarni faollashtiradi, lug'atni boyitadi, bolalarda birgalikda o'ynash ko'nikmasini tarbiyalashga yordam beradi. Bolalarni tabiat bilan tanishtirishda predmetli, stolbosma va og'zaki didaktik o'yinlardan foydalaniladi.

Predmetli o'yinlar — barglar, urug'lar, gullar, mevalar, sabzavotlar bilan o'ynaladigan “Ajoyib qopcha”, “Mevalar va ildizlar”, “Bu butoqda kimning bolakaylari” va shu kabi o'yinlardir. Bu o'yinlar yordamida bolalar faol muloqotda bo'ladigan jismlarning xususiyat hamda belgilari haqidagi tasavvurlari boyitiladi. Predmetli o'yinlar, ayniqsa kichik va o'rta yosh guruhlarida keng qo'llaniladi. Bu o'yinlar bolalarga tabiat jismlarining o'zidan foydalanish, ularni qiyoslash, hamda ularda sodir bo'ladigan ayrim tashqi belgilaridagi o'zgarishlarni qayd qilish imkonini

beradi. Predmetli o'yinlar barcha yoshdagi guruhlarning biroz murakkablashtirilgan bilimlarini kengaytirish, tafakkurlarini kuchaytirish hamda harakatlarini rivojlantirishni o'z ichiga oladi.

Stolbosma o'yinlari — “Yilning to'rt fasli, “Kichkintoylar”, “Mevalar”, “O'simliklar”, “Barglarni terib ol”, “Juft rasmlar” va shu kabilardir. Bu o'yinlar bolalarning o'simliklar, hayvonlar jonsiz tabiat hodisalari haqidagi bilimlarini o'zlashtirish, aytilayotgan so'zga qarab predmetni tasvirlash ko'nikmasini shakllantirishga yordam beradi. O'yin so'z bilan birgalikda olib boriladi, so'z rasm idrok etilishidan oldin keladi yoki o'yin bilan uyg'unlashib ketadi. Bunday o'yinlar 5-6 ta bolalar bilan o'tkaziladi (guruhlalashtirilsa bo'ladi).

Og'zaki o'yinlar (“U nima uchun uchadi, yuguradi, sakraydi”, “Suvda, havoda, yerda”, “Kerak emas” va shu kabilar) hech qanday jihoz talab qilinmasligi tufayli juda maqbuldir. Ular u yoki bu jismlarning vazifalari hamda harakatlari haqidagi bilimlarni mustahkamlash, umumlashtirish va bir tizimga solish maqsadida o'ynaladi. Bu o'yinlar diqqatni, zehnni, qabul qilish tezligini, ravon nutqni rivojlantiradi.

Harakatli o'yinlar - hayvonlarning hatti-harakati, ularning hayot tarziga taqlid qilish bilan bog'liq bo'lib, ba'zilarida jonsiz tabiat hodisalarini aks ettiradi. Bu “Ona tovuq va jo'jalar”, “Mushuk va sichqonlar”, “Quyosh va yomg'ir” va shu kabi o'yinlardir.

Ijodiy o'yinlarda bolalar mashg'ulot, ekskursiya, kundalik hayot jarayonida olingan taassurotlarni aks ettiradilar (parrandachilik fabrikasi, issiqxona va shu kabilardagi ishlar), ular haqidagi bilimlarni egallaydilar, bunda ularda mehnatga ijodiy munosabat shakllanib, kattalarning tabiatdagi mehnatlarining ahamiyatini anglab oladilar.

Bolalar mehnati. Bolalarning tabiatdagi mehnati katta tarbiyaviy ahamiyatga ega. Mehnat qilish jarayonida bolalarda tabiatga bo'lgan munosabatlar shakllanadi. Tabiatdagi mehnat bolalarda berilgan topshiriqqa mas'uliyat bilan yondoshishni tarbiyalaydi. Biroq buning uchun bolalar zarur mehnat malakalarini egallab olgan bo'lishlari, o'z mehnatlarining ahamiyatini tushunishlari lozim. Tabiatdagi mehnat maktabgacha yoshdagi bolalarning sensor tarbiyasi uchun qulay sharoitlar yaratadi. Tarbiyachi-pedagog bolalarni mehnat orqali maqsad va natijalarga erishish, predmetlarni sensor belgilarini nazarda tutishga o'rgatadi.

Bolalar tajribasi va eksperimenti. Bolalar tajriba qilishni yaxshi ko'radilar. Buning sababi shundaki, boshlang'ich fikrlash doirasi ularda ko'rgazmali-harakatli va ko'rgazmali-obrazli bo'lishi bilan ajralib turadi.

Tajriba va eksperiment uslubini qo'llashning asosiy afzalligi shundaki: bolalar o'rganilayotgan ob'ektning turli jihatlarini, uning boshqa ob'ektlar bilan, atrof-muhit bilan aloqalari to'g'risida haqiqiy g'oyalar oladilar; bolaning xotirasi boyitiladi, uning fikrlash jarayonlari faollashadi; nutq rivojlanadi; aqliy ko'nikmalar jamg'armasi rivojlanib, uni amalda qo'llay oladi; bolaning hissiy sohasi, ijodiy qobiliyatlari rivojlanadi, mehnat qobiliyatlari shakllanadi, jismoniy faollikning umumiy darajasining oshishi tufayli sog'lig'i mustahkamlanadi; maktabgacha yoshdagi bola yo'naltirilgan tadqiqot (izlash) faoliyati orqali atrof-dagi olamni o'rganadi. Bolaning faoliyati qanchalik xilma-xil bo'lsa, shunchalik ko'p yangi ma'lumotlar oladi va tabiiy-ki fikrlash doirasi kengayadi.

3. Og'zaki usul. Suhbat.

Og'zaki usullardan foydalanish bir qancha vazifalarni hal etadi. Tabiatga oid hikoyaning qimmati shu bilan aniqlanadiki, u ma'lum ta'limiy vazifalarni hal etar ekan, bolalarning tajriba va qiziqishlarini nazarda tutgan holda tuziladi va ma'lum

yoshdagi guruh bolalariga mo'ljallanadi. Uning badiiy adabiyotni o'qishga nisbatan afzalligi mana shundandir. Hikoyani idrok etish bolalar uchun anchagina murakkab aqliy faoliyatdir. Bola kattalarning nutqini eshitishi va tinglay olishi, hikoya davomida uni anglab olishi og'zaki tasnif asosida etarlicha jonli obrazlarni faol tasavvur qilishi tarbiyachi himoyasidagi voqea-hodisalarning bir-biriga bog'liqligi, hamda munosabatlarni aniqlash va tushunishi, hikoya mazmunidagi yangiliklarni o'zining avvalgi bilim bilan qiyoslab ko'rishi lozim. Bularning barchasini tarbiyachi-pedagog tabiat haqidagi hikoyasiga bo'lgan talablarni belgilaydi. Tilni jonliligi, obrazlilik, aniqligi bo'lajak tarbiyachi hikoyasiga qoyiladigan mutloq talabdir.

Hikoya uchun bo'lajak tarbiyachi xilma xil material: tabiatga oid shaxsiy kuzatishlari, ajoyib kishilarning hikoyalari, tabiat hodisalari haqidagi ocherklar va hikoyalar ilmiy materiallardan foydalaniladi.

Bolalarni tabiat bilan tanishtirishda tarbiyachi-pedagogning hikoyasidan, tabiat haqidagi badiiy kitoblarni o'qishdan, suhbatdan foydalaniladi. Og'zaki uslub yordamida kuzatish va tabiatdagi mehnat jarayonida olgan bilimlari aniqlashtiriladi, to'ldiriladi, umumlashtiriladi, hamda bir tizimga solinadi. Shunday qilib, og'zaki uslub bolalarning tajribasi doirasidan chetga chiquvchi bilimlarni shakllantirish imkonini beradi.

Tabiat bilan tanishish uchun qo'llaniladigan texnologiyalar.

Maktabgacha ta'limdagi zamonaviy pedagogik texnologiyalar maktabgacha ta'limning davlat standartlarini joriy etishga qaratilgan bo'lib, ular pedagogika amaliyotida qo'llaniladigan yangi vositalar, shakllar, usullarni aniqlaydi.

“Axborot” asridagi AKT texnologiyalari yaxshi o'rganilgan va bo'lajak pedagoglarning kasbiy faoliyatida qo'llaniladi:

- mashg'ulotlarda, guruhlarni bezash uchun illyustrativ materiallarni, stendlarni tanlash.

- mashg'ulotlar uchun qo'shimcha manballarni tanlash (prezentatsiyalar, multfilmlar va boshqalar).

- tajriba almashish (bolalar bog'chasi, internetda yaratilgan saytlar), davriy nashrlar, xorijdagi boshqa pedagoglarning ishlanmalari bilan tanishish.

- interaktiv o'yinlar.

Loyiha faoliyat texnologiyasi.

Bu texnologiya bir qator afzalliklarga ega: jonli va jonsiz tabiatning har qanday mavzusini chuqur o'rganish va amaliy natijalarga erishishdir. Loyihaviy faoliyat usuli, ayniqsa, katta yoshdagi bolalar bilan ishlashda muvaffaqiyatli amalga oshiriladi va yaxshi natija beradi. Bu bosqich yanada e'tiborni, kuzatishni, tahlil qilishni boshlash qobiliyati, sintezni, o'zini o'zi qadrlash, shuningdek hamkorlikdagi faoliyatga intilish bilan tavsiflanadi.

Atrof-olam bilan tanishish uchun loyihalarning tasnifi:

“O'yinli” - bolalar mashg'uloti, guruh faoliyatida qatnashish (o'yinlar, xalq raqslari, dramatisatsiya, har xil o'yin -kulgilar);

“Ekskursiyaviy” - atrofdagi tabiat va ijtimoiy hayot bilan bog'liq muammolarni o'rganishga yo'naltirilgan.

“Tavsiviy”, bu shunday tasnifki, bunda bolalar o'z taassurotlari va his-tuyg'ularini og'zaki, badiiy, imo-ishorali holatda etkazishni o'rganadilar;

“Qurish-yasash”, muayyan foydali mahsulotni yaratishga qaratilgan bo'lib, masalan qushlar uyini yig'ish, yopiq figura shaklida gullar ekilgan kichik hajmdagi bog' yaratish.

O'yin texnologiyasi. O'yin pedagogik texnologiyalari tushunchasi turli xil

pedagogik o'yinlar shaklida turli xil pedagogik o'yinlar tashkil etishning keng qamrovli usullari va usullarini o'z ichiga oladi, ular umuman ochkolar va mos keladigan o'yindan farq qiladi Bu o'z navbatida oqlangan pedagogik natijada u aniq ajratilgan va ma'lum bir o'quv yo'nalishi bilan tavsiflanadi.

Pedagogik o'yinlarning tasnifi bir nechta printsiplarga asoslanadi:

Fizik (motor), intellektual (aqliy), mehnat, ijtimoiy va psixologik masalalar bo'yicha o'yinlar.

Boshqa o'yinlardan farqli o'laroq, pedagogik o'yin muhim xususiyatga ega bo'lib, unda ta'limning aniq belgilangan maqsadi va unga mos keladigan pedagogik natija mosligi, aniq shaklda ajratib ko'rsatilishi va kognitiv yo'nalish bilan ajralib turadi. Mashg'ulotlarning o'yin shakli, o'yin texnikasi va turli vaziyatlar yordamida yaratiladi, bolalarni bilim faoliyatini uyg'otishda etakchilik qiladi va yo'naltiriladi.

O'yin texnikasi va vaziyatlarini to'g'ridan –to'g'ri ta'lim faoliyatining turli shakllarida amalga oshirish quyidagi asosiy yo'nalishlarda sodir bo'ladi:

- didaktik maqsad bolalar uchun o'yin vazifasi shaklida qo'yiladi;
- bilish faoliyati o'yin qoidalariga bo'ysunadi;
- uning vositasi sifatida o'quv va ko'rgazmali materiallar ishlatiladi, didaktik vazifani o'yinga aylantiradigan bilim faoliyatiga raqobat elementi kiritiladi;
- didaktik vazifaning muvaffaqiyatli bajarilishi o'yin natijasi bilan bog'liq.

U quyidagi o'yinlar va mashqlarni o'z ichiga oladi:

- ob'ektlarning asosiy, xarakterli xususiyatlarini ajratib ko'rsatish, ularni solishtirish, taqqoslash qobiliyatini shakllantiradigan o'yinlar va mashqlar;
- ob'ektlarni ma'lum mezonlarga ko'ra umumlashtirish uchun o'yin guruhlari;
- o'yin guruhlari bolalarning haqiqiy va haqiqiy bo'lmaganlarni ajratish qobiliyatini rivojlantiradi;
- o'zini tuta bilish, so'zga reaksiya tezligi, fonemik eshitish, zukkolik va boshqalarni o'rgatadigan o'yinlardir.

O'yin texnologiyalari bolalarning ta'lim-tarbiyasining barcha jabhalarini bilan chambarchas bog'langan va uning asosiy echimini hal qilish uchun foydalaniladi.

Tadqiqot faoliyati texnologiyasi. Eksperimental tadqiqot faoliyatini tashkil etish usullari:

- evristik suhbatlar;
- muammoli savollarni shakllantirish va hal etish;
- kuzatuvlar;
- modellashtirish (jonsiz tabiatdagi o'zgarishlar haqida modellar yaratish);
- tajribalar;
- kuzatishlar, tajribalar, eksperimentlar, mehnat faoliyati natijalarini aniqlash;
- ranglar, tovushlar, hidlar va tabiat tasvirlariga "sho'ng'ish";
- tabiat ovozlari va tovushlariga taqlid qilish;
- badiiy so'zlardan foydalanish;
- didaktik o'yinlar, o'yin ta'limi va ijodiy vaziyatlar;
- mehnat topshiriqlari, harakatlar.

Tadqiqot-bilish faoliyatining mazmuni

1. Tajribalar (eksperimentlar) Moddaning holati va o'zgarishi. Havo, suv harakati. Tuproq va minerallarning xususiyatlari. O'simliklarning yashash sharoitlari.

2. Yig'ish (tasniflash ishi) O'simlik turlari. Hayvonlarning turlari. Kasbning turlari.

3. Xarita bo'ylab sayohat qilish. Er relyeflari. Tabiiy landshaftlar va u yerda iste'qomat qiluvchilar.

4. “Vaqt daryosi” bo’ylab sayohat qilish. Insoniyatning o’tmishi va buguni (tarixiy vaqt) moddiy sivilizatsiyaning “belgilarida” (masalan, Misr - piramidalar). Uy - joy va obodonlashtirish tarixi va boshqalar.

Shaxsga yo’naltirilgan texnologiya. Shaxsga yo’naltirilgan texnologiya yangi ta’lim dasturlari mazmuni talablariga javob beradigan rivojlanayotgan muhitda amalga oshiriladi. Rivojlanayotgan makonda shaxsga yo’naltirilgan bolalar bilan muloqot uchun shart-sharoitlar yaratishga urinishlar qayd etiladi, bu bolada o’z faolligini ko’rsatish, o’zini to’liq anglash imkonini beradi.

Shaxsga yo’naltirilgan texnologiyalar doirasida hamkorlik tamoyili mustaqil yo’nalishlar sifatida ajralib turadi. Tarbiyachi-pedagogning bola bilan munosabatlaridagi tenglik, “Kattalar bilan – bola” munosabatlar tizimidagi sheriklik. Tarbiyachi-pedagog va bolalar rivojlanayotgan muhit uchun sharoit yaratadi, qo’llanmalar, o’yinchoqlar, bayramlarga sovg’alar tayyorlaydi. Ular birgalikda har xil tadbirlarni (o’yinlar, mehnat, qo’shma loyihalar, bayramlar, o’yin - kulgilar, kitoblar yaratish) belgilaydilar.

Bolalar portfolio texnologiyasi. Portfolio - bu bolaning turli faoliyatdagi shaxsiy yutuqlari, muvaffaqiyatlari, ijobiy his – tuyg’ulari, hayotining yoqimli lahzalarini yana bir bor eslash imkoniyatini beruvchi yana bir texnologiya turidir.

Portfolio yaratish jarayoni - bu o’ziga xos pedagogik texnologiyadir. Portfolio variantlari juda ko’p. Bo’limlarning mazmuni maktabgacha yoshdagi bolaning imkoniyatlari va yutuqlariga mos ravishda asta -sekin to’ldirilib boriladi.

Portfolio bolalarni tabiat bilan tanishtirishga qaratilgan bir qancha bo’limlarni o’z ichiga olishi mumkin:

“Men va tabiat”; “Tabiat dunyosi”; “Mening yaxshi ishlarim”; “Atrofimizdagi olam”, “Qish ziynati” (bahor, yoz, kuz); “Tabiatni qanday asrash kerak?” va boshqalar.

Bo’limlar tarkibi: rasm, chizmalar, sxemalarini tuzish: “Tabiatga g’amxo’rlik qiling”, “Tabiatda o’zini tutish qoidalari”, «Urug’larni etishtirish», ilovalar, gerbariya va boshqalar.

Texnologik yondashuv, yangi pedagogik texnologiyalar bolaning yutuqlarini yuzaga chiqaradi va ularning kelgusida maktabda muvaffaqiyatli o’qishini yanada kafolatlaydi. To’siqlarni engan holda, har qanday bo’lajak tarbiyachi-pedagog yangi texnologiya yaratuvchisi bo’la oladi. Ijodkorliksiz texnologiyani yaratish mumkin emas. Texnologik darajada ishlashni o’rgangan bo’lajak tarbiyachi-pedagog uchun uning rivojlanayotgan holatidagi bilish jarayoni har doim asosiy o’rinda bo’ladi. Hamma narsa o’zimizning qo’limizda, shuning uchun imkoniyatlarni qo’ldan boy bermasligimiz lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. T. Mirzaev, Z. G’afurov. Tabiatni e’zozlash umumbashariy muammo – T: Yangi asr avlodi, 2001. – 135 b.

2. O’zing yasa (matematika, tabiiy fanlar va boshqa o’quv markazlari uchun didaktik va o’yin materiallari) – T: 2011. – 206 b.

3. O. Hasanboyeva. Tabiat bilan tanishtirish metodikasi – T.: Cho’lpon nomidagi NMIU, 2016. – 128 b.

4. Sh. A. Sodiqova. M. A. Rasulxo’jaeva. Bolalarni tabiat bilan tanishtirish metodikasi. - 2012.

5. M.I. Nuriddinova Tabiatshunoslikni o’qitish metodikas – T: Cho’lpon nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, – 2005.

6. О.А.Воронкевич Добро пожаловать в экологию (часть 2)

7. Л.А. Каменева, Н.Н. Кондратева, Л.М. Маневсева, Е.Ф. Терентева; Под.

ред., Л.М. Маренсова, П.Г. Саморукова. Мир природы и ребенок (Методика экологического воспитания дошкольников): Учеб. Пособие для педагогических училищ по специальности «Дошкольное образование» / — СПб, 1998.

8. Umaraliyeva, M. A. (2017). Pedagogical Conditions of Forming Professional Competence of Teachers Based on Innovative Approach. Eastern European Scientific Journal, (4), 65-68.

9. Abdugapparovna, U. M. (2019). The role of creative technologies in development of professional competency of general secondary pupils in collaborative pedagogy. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol, 7(5).



O'QITUVCHI-AMALIYOTCHI TALABALARNING AMALIYOT JARAYONIDA IMMANENT VA KONTEKST YONDASHUVLARIDAN KENG FOYDALANISHI

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022>.

Saidova Nodira Mustakimovna

Buxoro davlat universiteti Boshlang'ich ta'lim nazariyasi kafedrasi o'qituvchisi

Annotatsiya. Mazkur maqola faol (14 haftalik) amaliyotdagi o'qituvchi-amaliyotchi talabalar uchun qimmatli ma'lumotlarga ega bo'lib, amaliyot jarayonida dars mashg'ulotlarini o'tish mobaynida olib boriladigan amaliy ishlar, talab qilinadigan hujjatlar, shu bilan birga pedagogik texnologiyalardan misol tariqasida immanent va kontekst yondashuvlari ko'rib chiqilgan. Bunda 3-sinf o'qish kitobidan matn tanlab, immanent va kontekst yondashuv asosida tahlil qilingan. Immanent yondashuv va kontekst yondashuvlariga izoh berilgan.

Kalit so'zlar: Amaliyot, o'qituvchi-amaliyotchi, pedagogik texnologiya, immanent, kontekst

Mustaqil izlanish, mafkura, ma'naviyat, amaliyot, axloqiy tarbiya, umuminsoniy qadriyatlar, milliy istiqloq g'oyasi immanent yondashuv, kontekst yondashuv, pedagogik texnologiyalar, o'z-o'zini tarbiyalash, ustoz-murabbiy

Ta'lim tizimini tubdan isloh qilish bugungi kunning eng dolzarb vazifasi sanaladi. 2021-2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi mazmun-mohiyatida ham ta'lim sifati va uni dasturda ko'rsatilganidek, amalga oshirish har bir o'zbek fuqarosining zimmasiga kattagina mas'uliyat yuklab qo'ydi. Shunday ekan, biz pedagog xodimlar salohiyatli kadrlarni tayyorlash yo'lida bor kuchimiz va mehnatimizni ayamashimiz lozim.

Ma'lumki, o'sib kelayotgan yosh avlod ilk ta'lim-tarbiyani maktab ostonasidan boshlaydi. Bunda o'qituvchi-murabbiy yelkasiga kattagina mas'uliyat yuklatiladi. Bilamizki, har qanday inson salohiyati tarbiyaviy faoliyatsiz, keng dunyoqarashsiz amalga oshmaydi. Yosh avlodni mukammal inson sifatida kamol topishida boshlang'ich sinf o'qituvchilarining o'rni va mehnati beqiyosdir. Buning uchun o'qituvchi ma'naviyatli, ma'rifatli keng mushohadali bo'lmog'i lozim. Chunki ustoz endigina maktab ostonasiga kirib kelgan bolajonlar nazdida misoli ko'zgudir. Uning har bir harakatini, muomalasini kuzatadi va unga o'xshashlikka harakat qiladi. Ma'naviyati baland ustoz o'z harakatlarini eng avval o'zi nazorat qiladi, toki o'sib kelayotgan avlod tarbiyaviy jihatdan yetuk bo'lsin. Ma'naviyat, ma'rifat, axloq singari tushunchalar har bir pedagog xodimni bezab turgan. Ustozlik maqomi ostonasiga turgan yosh talabalar 4-kursda faol amaliyotni o'tab berishi lozim. Bunda amaliyotga qatnovchi talaba hamda bu talabalarni doimiy nazorat qiluvchi amaliyot o'qituvchisidan ham kattagina mas'uliyat talab qilinadi. Chunki amaliyot jarayoni nazariy bilimlarning amaliyotda reallashuvi demakdir. Amaliyot talabgor pedagoglarning kasb mahorati va kamolotida muhim sanaladi. Ma'naviyat bu-shaxsning tanlangan maqsadlar sari intilishi, onga xos bo'lgan qadriyat sifatida belgilanishi. Axloq bu-insonlarning bir-biriga va jamiyatga nisbatan xulq-atvorining umumiy tamoyillari majmuasi. Birgalikda ular shaxs mukammalligi yo'lida xizmat qiladi. Amaliyot va nazariya ham xuddi shu tushunchalar uzviyligi singari katta ahamiyatga ega. Xalqimizda shunday bir naql bor: "Hech kim senga do'st emas, hech kim senga dushman emas, lekin har bir kishi sen uchun yangi o'qituvchi". Shunday ekan, ustozlik pillapoyasida turgan har bir talaba amaliyot jarayonidan kerakli bilim va ko'nikmaga ega bo'ladi.

Umumta'lim maktablarida faol (14 hafta uchun) amaliyot jarayonini boshlang'ich talim yo'nalishi misolida olib qarasak;

Bunda amaliyotchi talaba eng avval amaliyot kundaligini tutishi lozim. Kundalikka shanba kuni ham yoziladi. Chunki maktab o'quvchisi uchun o'quv kuni 5 kun bo'lishi bilan o'qituvchi-amaliyotchi talaba bundan mustasno. Shu bilan birdga har kunlik dars tahlili (kamida 2 ta), o'tkazilgan radbir ssenariysi (kamida 1 ta), o'tkazilgan ochiq dars mazmunnomasi (kamida 28 ta, shundan ona tili va o'qish savodxonligidan 13 ta), matematikadan 9 ta, tarbiyadan 4 ta, texnologiyadan 1 ta, tabiatdan 2 ta dars tahlillari mavjud bo'lishi kerak. Yana shuni ta'kidlash lozimki, tarbiya soati birlashtirib qo'yilgan, ularni kutib oluvchi maktab o'qituvchi har haftada 1 soat o'tkaziladi. Bu har qaysi maktabda haftaning turli kunlarida o'tkazilishi rejalashtiriladi. Dars jarayonida namunaviy ko'rgazmali qurollardan ham keng foydalanish dars sifatiga samarali natija beradi. O'qituvchi-amaliyotchi talabaga amaliyot jarayonidagi faoliyati yuzasidan maktab ma'muriyati tomonidan tavsifnoma beriladi.

O'quvchilar bilan muomala odobi ham juda muhim hisoblanadi. Talabalarini maktab amaliyotiga olib borgan ustozdan qanday vazifalar talab qilinadi? Amaliyot nazoratchisi sanalgan ustoz doimiy ravishda amaliyotchi talabalarning davomati, kiyinish madaniyati, muomalasi, jamoada o'zini tuta bilishi va dars jarayonlaridagi faoliyatini qattiq kuzatmog'i hamda amaliyotda ishtirok etayotgan talabalar tomonidan tashkil qilingan darslar, tadbirlarni kuzatmog'i, tahlil qilmog'i lozim. Maktabdagi ma'naviy-axloqiy tarbiyani amalga oshirish ta'lim mazmuni, sinfdan tashqari ishlar, milliy qadriyatlar asosida o'quvchilar tafakkurida mujassamlanishi oliy maqsad sanaladi. Bu boshlang'ich ta'lim yo'nalishida ta'lim oladigan o'quvchilar uchun juda muhimdir. Ayniqsa, o'qish savodxonligi darslarida mashg'ulotlarni tashkillashtirishda innovatsion texnologiyalar, zamonaviy yondashuvlardan foydalanish katta ahamiyatga ega. Bugungi zamonaviy ta'limda og'zaki va yozma matnlarni o'zlashtirishning turli maktablari mavjud-ki, ilmiy maktablarning har biri o'ziga xos maxsus uslub hamda yondashuvlarga ega. Shunga alohida e'tibor berish lozimki, darsga xohlagan texnologiyani emas, aynan mavzu mohiyatini soddalashtirib, har bir o'quvchini jalb qila oladigan texnologiyalarni tanlash maqsadga muvofiqdir. Ayniqsa, boshlang'ich sinf o'quvchilarning yosh xususiyatlarini hisobga olgan holda, pedagogik texnologiyalarni tanlash va zamonaviy yondashuvlarga tayanish maqsadga muvofiqdir. Innovatsion texnologiyalar olamida bugungi kunda yangilik sanalgan immanent va kontekst yondashuvlari o'qish savodxonligi darslarida juda samarali natija beradi. Eng avval kontekst atamasiga izoh bersak:

--kontekst atamasi (lotincha contextus—yaqin bog'lanish, bog'lanish) XX asr oxiridan boshlab zamonaviy filologiyaga kirib kelgan;

-adabiyotshunoslikda esa adabiy asar va undan tashqaridagi, ham adabiy matnli, ham badiiy va matndan tashqari asoslar (tarjimayi holi, dunyoqarashi, ijodkorning o'ziga xosligi) o'rtasidagi cheksiz bog'lanish sohasidir. Ijodkor ijodining kontekslari juda xilma-xil bo'lib, ko'p jihatdan adabiy asarlarning xususiyatlarini bog'laydi.

-kontekst matn mazmuniga e'tibor berish va unga tayanish qobiliyati demakdir;

Kontekst yondashuvida asosiy e'tibor matnga qaratiladi. Shunday ekan, matn muallifining tarjimayi holi, dunyoqarashi, ijodkorning o'ziga xos tomonlariga tayangan holda tahlil qilinadi. Masalan, bu yondashuvga misol tariqasida 3-sinf "O'qish" kitobidagi Abdulla Avloniyning "Bolari va pashsha" masalini olamiz. Avval matnning to'liq shakli bilan tanishamiz:

Bolari va Pashsha

Bir Pashsha qir tarafdan uchib kelayotgan Arini ko'rib:

– Do‘stim, qayerdan kelyapsan? – dedi. Ari:

– Qirdan kelyapman. Biroz bol yig‘dim. Uy yasash uchun mum ham hozirlab keldim, – dedi. Pashsha:

– Oh, birodar! Bir boshing uchun buncha harakat qilasan! Sen ham men kabi yashasang nima bo‘ladi? Mening yashashimda hech bir mashaqqat yo‘q. Insonlar hozirlagan dasturxonlardan har xil taomlarni yeb-ichib umr o‘tkazaman. Ba‘zi vaqtlarda sen tayyorlagan boldan ham to‘ygunimcha yeyman. Mana! Yashamoq mana! Umr kechirish uchun olamda bundan ham yaxshi turmush bo‘ladimi? Menda bol tayyorlash mashaqqati ham yo‘q, uya solish kulfati ham yo‘q, – dedi.

Ari bu so‘zlariga javoban shunday dedi:

– Oh, do‘stim! Sening bunday turmushing o‘z boshingdan beri kelmasin. Mashaqqatsiz taomda lazzat bo‘ladimi? Insonlar seni dasturxondan quvib haydaydi. Oxiri bir o‘rgimchak luqmasi bo‘lishdan boshqa narsaga yaramaysan. Ammo men tayyorlagan mum hamma yerni yoritadi. Bolim dunyoning hamma yerida maqbuldir.

Shu sababli insonlar meni o‘zlari tarbiya qiladilar. Har yerda meni maqtaydilar. Qo‘y, birodar, mening ishim ko‘p. Sen bilan behuda so‘zlashib turishga vaqtim yo‘q. – Ari shunday deb uchib ketdi. Xulosa shuki, mehnatning oxiri rohat, yalqovlikning oxiri xorlikdir.

Matn bolari va pashshaning uchrashuvidan boshlanadi. Bu matnni kontekst yondashuvi asosida tahlil qilmoqchi bo‘lsak, ijodkor boy mazmunga ega bo‘lgan qisqagina matn tuzgan. Unda dialogdan keng foydalangan. Matndagi ikki obrazning ijobiy va salbiy xususiyatlarini suhbat jarayonida namoyon qilgan. Bolarining erta-yu kech tinim bilmay mehnat qilishi, pashshaning esa dangasaligi, boshqalar mehnati evaziga kun ko‘rishi va bundan g‘ururlanib aytishi nikoya qilinadi. Pashshaning juda jirkanj harakatini bolari qoralaydi, ya‘ni halol topib kun ko‘rish naqadar lazzatli ekanligi, mashaqqatsiz taomda ta‘m bo‘lmasligini aytadi.

Muallif matn jarayonida vaqtga, halol luqmaga va tarbiyaga ham ishora qiladi. Uning nazdida, qadrli bo‘lish kaliti-mehnatda. Kontekst yondashuviga asosan, mant muallifining o‘ziyam juda mehnatkash hamda jonkuyar. Buni biz Avloniyning tarjimaiy holi asnosida bilamiz. Ayni o‘rinda o‘qituvchi-amaliyotchi matn g‘oyasidan kelib chiqib, ijodkorning o‘ziyam o‘ta mehnatkashligiga alohida urg‘u berishi kerak. Jumladan, Avloniyning o‘z mahallasida maktab ochib, maktab darsliklarini yaratganligi, hatto maktab uchun kerakli jihozlarni ham o‘z qo‘llari bilan yasalanligini alohida e‘tirof etishi lozim. Demak, kontekst yondashuvida matn muallifining hayotiy tajribasi bilan matn o‘rtasida uzviylik, o‘zaro bog‘liqlik mavjud.

Amaliyotchi – o‘qituvchi o‘qish savodxonligi darslarida immanent yondashuvidan ham keng foydalansa, o‘quvchilar o‘zlashtirishida samarali natija kuzatiladi. Immanent yondashuvi matn tahlili bilan aloqador texnologiya sanaladi. Ilmiy ma‘lumotlarda immanent atamasi «Tashqi ta’sirlardan qat’iy nazar, ob’ektning o‘ziga xos tabiatiga ega», deb beradi. Ya‘ni, immanent yondashuvi faqat matnning ichki mazmuni va tuzilishiga e‘tibor qaratadi, matnda mavjud bo‘lgan tomonlarga Atayanadi. Immanent so‘zning mazmuni va tuzilishiga, ularning munosabatlariga qaratilgan matndan tashqariga chiqishni nazarga tutadi. Bunda matndagi obrazlarning ichki dunyosi tahlil qilinadi. Ayni o‘rinda matndagi obrazlar — bolari va pashshaning tabiati, o‘ziga xos xususiyatlari immanent tahlil sanaladi. Yana shuni alohida aytish joizki, bunda ijodkor insonlar qiyofasini shu ikki qahramonda aks etgan. Ya‘ni mehnatkash, halol inson qiyosasini bolari obrazida, boshqalar mehnati va mashaqqati evaziga kun ko‘radigan, qayerga borsa dakki yeydigan dangasa kishi timsolida pashsha obrazini gavdalandiradi. Bunday yondashuvlar asosidagi tahlildan xulosa

shuki, har bir insonda ijobiy va salbiy tomonlar bo'ladi, lekin inson o'zidagi illatlarni bartaraf etishga astoydil harakat qilmog'i kerak.

Ayni o'rinda shuni ham ta'kidlash darkorki, o'qituvchi-amaliyotchi o'qish savodxonligi darslarida sinfdan tashqari mashg'ulotlar jarayonida mushoiraxonlik kechasi, kitobxonlar anjumani, badiiy asar tahlili singari bir qator tadbirlarni tashkil qilishi mumkin. Bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilari sfatida o'quvchilarning ma'nan va axloqan yetuk, keng dunyoqarashli bo'lishlarida eng mas'ul shaxs ekanliklarini chuqur anglagan holda, quyidagilarga alohida e'tibor berishlari kerak;

-eng avval maktabga muhabbat uyg'otish;

-o'quvchilar o'rtasida do'stona raqobatni yaratish;

-bahs-munozara odobini tushuntirish;

-o'quvchilarni chalg'ituvchi, sog'lom fikrlashga xalaqit beruvchi holatlarni cheklash;

--o'quvchilarni vatansevarlik ruhida tarbiyalash;

-sinfdan tashqari intellektual faoliyatni tashkil etish;

-ma'naviy-axloqiy tarbiya garovi sifatida o'quvchilar o'rtasida sog'lom turmush tarzini shakllantirish uchun shart-sharoitlar yaratish;

Maktab o'quvchilarini ma'naviy-axloqiy tarbiyalash sharti sifatida tadbirlar, individual yig'ilishlar va ota-onalar yig'ilishlari tizimi orqali oila va maktabning o'zaro hamkorligini mustahkamlashdan iborat.

O'qituvchi-amaliyotchi maktab sinfrahbari bilan birga faoliyat olib boradi. Amaliyot jarayonidan boshlab sinfrahbarlik mas'uliyatini his qilgan holda, sinf ko'rgazmalariga alohida e'tibor berishi lozim. Sinfrahbar eng avval sinfda qulaylikni, o'quvchilar uchun yetarli sharoitni yaratib berishi lozim, toki maktab ostonasiga endigina qadam qo'ygan kichkintoy bilim olishiga hech bir narsa xalaqit bermasin. Oilaviy kit ma'naviy va axloqiy tarbiyaning mohiyatida vatanparvarlik, erkinlik, muomala madaniyati, bilimga intilish, ijodkorlik va mehnat, ishonch kabi tuyg'ular yotadiki, bularning barchasi yoshlar mafkurasida yetakchi rol o'ynaydi.

Hozirgi sharoit talablariga javob beruvchi yosh avlodni tarbiyalash, ta'lim-tarbiya maskanlari oldida juda dolzabr vazifalarni qo'yadi. O'sib kelayotgan yosh avlodning har tomonlama barkamol, salohiyati baland, irodasi baquvvat bo'lib yetishi uchun keng jamoatchilik o'rtasida ma'naviy-ma'rifiy faoliyatimizni yuksak darajada ko'tarishning ahamiyati beqiyos. Ma'naviy-axloqiy tarbiya va milliy mafkura xalqning maqsadlarini ifodalalar ekan, demak milliy istiqloq mafkurasini xalqimiz qalbi va ongiga singdirish yoshlikdan boshlanadi va yillar davomida to'ldirib boriladi. Shu sababli, bu maqsad ta'lim-tarbiya sohasida asosiy vazifa bo'lib sanaladi. Chunki, istiqloq mafkurasi o'zbek xalqining asliy orzu-intilishlarini, hayotiy ko'rinishlarini o'zida aks ettiradi. Insoniyat tarix sahifalarini varaqlaganida, beixtiyor ma'naviy-madaniy yodgorliklarni o'rganishga ehtiyoj sezadi. Umri davomida unga tayanadi, talpinadi, undan xulosa chiqaradi va yosh avlodga o'rgatadi. Bu borada boshlang'ich sinf o'qituvchilarining yelkasiga mas'uliyat yuklatiladi. Yosh avlodni milliy va umuminsoniy qadriyatlar, ma'naviy-axloqiy qadriyatlar ruhida tarbiyalash asosiy tamoyil qilib olinadi. Ta'lim-tarbiya jarayonida bu sohadagi vazifalarni amalga oshirishda sinfdan va maktabdan tashqari tarbiyaviy ishlarni tashkil etish, ularning yaxlit tizimini yaratish zarur. O'sib kelayotgan yosh avlod milliy qadriyatlar, milliy istiqloq mafkurasi singari g'oyalarni darsdan tashqari mashg'ulotlarda amalga oshirish asosiy maqsad bo'lmog'i lozim.

Sinfdan va maktabdan tashqari tarbiyaviy ishlarni amalga oshirishda avvalo, o'quvchilarni ma'naviy-axloqiy va o'zi-o'zini anglash, milliy istiqloq mafkurasi va



g'oyalari ruhida tarbiyalashning pedagogik asosi yetakchi tizimni yaratishda samara beradi.

Boshlang'ich sinf o'qituvchilari yosh avlodni Vatanga sadoqat ruhida tarbiyalash, undan faxrlanish hissini uyg'ota bilish, Vatan boyliklarini saqlash salohiyatini mustahkamlash maqsadida milliy g'urur va milliy o'zlikni anglash tamoyillarini yoshlar ongiga singdirishlari lozim. O'z-o'zini tarbiyalash, o'zini kerakli inson deb his qilish tuyg'ularini o'sib kelayotgan yosh avlod shuuriga aylantirish bugungi zamonaviy pedagoglarning asosiy vazifalaridandir. Shu asosda inson kamolotining o'zi ijtimoiy muhitni sog'lomalashtirish ehtiyojini keltirib chiqaradi va shaxsning barkamollikka bo'lgan ehtiyojini kuchaytiradi. Inson ruhiy olamining rivojlanishi uning faoliyatida o'z-o'zini tarbiyalash jarayoni yo'nalishini, mazmun, shakl va metodlarni ijtimoiy zaruriyatga aylantiradi. Shaxsning o'z-o'zini tarbiyalashi o'zligini namoyon qila olishida, hayotda o'z o'rnini topa olishida uning ijtimoiy faol o'rnini belgilovchi ahamiyat kasb etadi. Demakki, yosh avlodning ma'naviy-axloqiy tarbiyalanishida uni o'rab turgan sog'lom muhit ham alohida o'ringa ega.

Shaxsning barkamol bo'lib tarbiyalanishi ijtimoiy-psixologik va pedagogik hodisa bo'lib, unda belgilovchi ijtimoiy omil shaxsning o'zi hisoblanadi. Inson o'zining rivojlanishida hamma vaqt ishtirok etadi, ya'ni hamisha o'ziga o'zi ongli ravishda baho berib, o'z harakatlarini nazorat qilmog'i darkor. O'z-o'zini rivojlantirish va o'z-o'zini tarbiyalash tushunchalari o'rtasida katta tafovut yo'q. Ular o'zaro bog'liq bo'lib, yosh avlod kamoloti jarayonida o'ta muhim sanaladi.

Yosh avlodni ma'naviy-axloqiy jihatdan kamolotida o'z-o'zini anglash fazilati ham muhim sanalib, bu tuyg'u boshlang'ich sinf o'qituvchilari, dunyoqarashi va ma'naviy olamining boyligiga borib taqaladi. Bu yo'lda pedagog xodimlar darsliklarda berilgan materiallardan tashqari tarbiyaviy saboq beruvchi yoshlar ma'naviyatiga ta'sir qiluvchi badiiy asarlar tahlili, kitobxonliklar va tadbirlarga ham alohida e'tibor berishlari lozim. Amaliyotchi-o'qituvchi ham pedagoglik mas'uliyatini his qilgan holda, eng avvalo o'z kasbini sevishi va jonkuyarlik va fidoyilikni o'z faoliyatining shoriga aylantirmog'i darkor. Xalq ma'naviyati va ma'rifati yo'lida milliy o'zlikni anglash, Vatanga sadoqat ruhida tarbiyalangan har qanday yosh avlod kelajakda haqiqiy inson bo'lib yetishadi.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСОНИЯТ МАДАНИЙ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИДИР

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022>.

Умаров Абдусайит Тогаймурадович

*Карши давлат университети Жисмоний тарбия ва спорт турлари
кафедраси катта ўқитувчиси*

Аннотация. Замоनावий дунёда кўплаб тадқиқотлар ўқувчиларнинг жисмоний тарбияси, жисмоний маданияти ва замоनावий ёшларнинг соғлом турмуш тарзини шакллантириши муаммоларига қаратилган. Бундан ташқари, ушбу мақолада замоनावий Ўзбекистонда ўқувчиларнинг жисмоний тарбия жараёнини ташиқил этишининг баъзи долзарб масалалари кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: Ёшлик, Талаба, Жисмоний маданият, Жисмоний тарбия, Жисмоний фаоллик.

Замоनावий дунёда жисмоний маданиятнинг инсон ва жамият табиатини такомиллаштириш омили сифатидаги роли сезиларли даражада ошиб бормоқда. Шунинг учун жисмоний маданиятни ривожлантиришга ғамхўрлик давлат ижтимоий сиёсатининг энг муҳим таркибий қисми бўлиб, у инсон қобилиятларини аниқлаш, уларнинг манфаатлари ва эҳтиёжларини қондириш учун кенг имкониятлар очадиган инсонпарварлик ғоялари, қадриятлари ва меъёрларини амалга оширишни таъминлайди. , ва инсон омилини фаоллаштириш.

Умуман соғлом турмуш тарзи, хусусан, жисмоний маданият кучли давлат ва соғлом жамият ривожига хизмат қилувчи ижтимоий ҳодиса, бирлаштирувчи куч ва миллий ғояга айланиб бормоқда. Кўпгина хорижий мамлакатларда жисмоний тарбия, соғломлаштириш ва спорт тадбирлари давлат, унинг ҳукумати, жамоат ва хусусий ташкилотлар, муассасалар ва ижтимоий институтларнинг саъй-ҳаракатларини узвий равишда бирлаштиради ва бирлаштиради.

Кишилиқ жамияти тараққиётининг дастлабки босқичларида шаклланган жисмоний маданиятни такомиллаштириш ҳозирги кунгача давом этмоқда. Урбанизатсия, экологик вазиятнинг ёмонлашуви ва меҳнатни автоматлаштириш билан боғлиқ ҳолда жисмоний маданиятнинг роли айниқса ортди, бу эса гипокинезияга ёрдам беради. 20-асрнинг охири кўплаб мамлакатларда замоनावий спорт иншоотларини модернизатсия қилиш ва қуриш даврига айланди. Мутлақо янги иқтисодий-ҳуқуқий муносабатлар асосида жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатининг самарали моделлари яратилмоқда, “Саломатлик – ҳаёт учун”, “Соғлом юрак”, “Ҳаёт – унда бўл” каби арзон хулқ-атвор дастурлари фаол жорий этилмоқда. «ва бошқалар, улар ўз саломатлиги ва турмуш тарзи учун маънавий жавобгарликни шакллантиришга қаратилган.

Жаҳон миқёсидаги тенденция ҳам замоनावий маданиятдаги туб ўзгаришларни акс эттирувчи элита спортга қизиқишнинг кескин ортишидир. Глобаллашув жараёнларига замоनावий спорт турлари, айниқса, олимпия спорт турлари маълум даражада туртки бўлди.

Жисмоний тарбия - бу жамият томонидан жисмоний тарбия мақсадида яратилган ва фойдаланиладиган қадриятлар, нормалар ва билимлар йиғиндиси бўлган маданиятнинг бир қисми. ва шахснинг қобилиятларини интеллектуал ривожлантириш, уни такомиллаштириш восита фаолияти ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш, жисмоний тарбия, жисмоний тарбия ва жисмоний

ривожланиш орқали ижтимоий мослашиш.

Жисмоний маданият инсониятнинг умумий маданиятининг бир қисми бўлиб, нафақат инсонни ҳаётга тайёрлаш, ўзлаштириш, ривожлантириш ва табиатан инсон манфаати учун бошқаришнинг кўп асрлик қимматли тажрибасини (диний нуқтаи назардан - Худо томонидан) жисмоний ва ақлий қобилиятлар, лекин жисмоний маданият фаолияти жараёнида намоён бўладиган шахснинг ахлоқий тамойилларини тасдиқлаш ва мустаҳкамлаш тажрибаси бундан кам эмас.

Жисмоний маданият ижтимоий фаолият соҳаларидан бири бўлиб, унда одамларнинг ижтимоий фаоллиги шаклланади ва амалга оширилади. У бутун жамиятнинг ҳолатини акс эттиради, унинг ижтимоий, сиёсий ва ахлоқий тузилишининг намоён бўлиш шаклларида бири бўлиб хизмат қилади.

Жисмоний маданият - соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш, онгли жисмоний фаолият жараёнида шахснинг психофизик қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган ижтимоий фаолият соҳаси. Жамиятда жисмоний маданият ҳолатининг асосий кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат: одамларнинг соғлиғи ва жисмоний ривожланиши даражаси ва жисмоний маданиятдан тарбия ва таълим соҳасида, ишлаб чиқаришда ва кундалик ҳаётда фойдаланиш даражаси.

Жамиятда жисмоний маданият ҳолатининг кўрсаткичлари қуйидагилардир: Унинг ривожланишининг оммавий характери;

Таълим ва тарбия соҳасида жисмоний маданият воситаларидан фойдаланиш даражаси;

Саломатлик даражаси ва жисмоний қобилиятларнинг ҳар томонлама ривожланиши;

Спорт ютуқлари даражаси;

Касбий ва давлат жисмоний тарбия ходимларининг мавжудлиги ва малака даражаси;

Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш;

Жисмоний тарбия олдида турган вазифалар соҳасида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш даражаси ва характери;

Фаннинг ҳолати ва ривожланган жисмоний тарбия тизимининг мавжудлиги.

Шундай қилиб, буларнинг барчаси жисмоний маданият жамият маданиятининг табиий қисми эканлигини аниқ кўрсатади. Ҳозирги босқичда жисмоний маданият ўзининг ўзига хослиги туфайли муҳим ижтимоий ҳодиса сифатида жамиятнинг барча қатламларини қамраб олган, жамият ҳаётининг асосий соҳаларига кенг таъсир кўрсатмоқда.

Бугунги кунда инсон фаолиятининг жисмоний маданият билан боғлиқ бўлмаган ягона соҳасини топиш мумкин эмас, чунки жисмоний тарбия ва спорт умуман жамиятнинг ва ҳар бир шахснинг алоҳида эътироф этилган моддий ва маънавий кадрларидир. Сўнгги йилларда жисмоний маданият ҳақида нафақат мустақил ижтимоий ҳодиса, балки шахснинг барқарор сифати сифатида ҳам кўпроқ гапирилаётгани бежиз эмас. Шунга қарамай, шахснинг жисмоний маданияти феномени тўлиқ ўрганишдан узоқдир, гарчи руҳ ва тана маданияти муаммолари қадимги цивилизациялар даврида кўтарилган.

Жисмоний маданият умумий маданият ҳодисаси сифатида ўзига хосдир. Айнан у инсон ривожланишидаги ижтимоий ва биологик боғланишга имкон берадиган табиий кўприқдир. Бундан ташқари, бу инсонда шаклландиган маданиятнинг энг биринчи ва асосий туридир. Жисмоний маданият ўзига хос дуализм билан тананинг ҳолатига, психикага, инсоннинг ҳолатига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин.

Тарихан жисмоний маданият, энг аввало, жамиятнинг ёш авлод ва катта ёшли аҳолини меҳнатга ҳар томонлама жисмонан тайёрлашдаги амалий эҳтиёжлари таъсирида шаклланган. Шу билан бирга, таълим ва тарбия тизимларининг ривожланиши билан жисмоний маданият ҳаракат қобилиятлари ва қобилиятларини шакллантиришнинг асосий омилига айланди.

Жисмоний маданиятнинг моҳиятини англашнинг сифат жиҳатидан янги босқичи унинг интеллектуал, ахлоқий, эстетик тарбиянинг самарали воситаси сифатида шахснинг маънавий соҳасига таъсири билан боғлиқ. Ва агар жисмоний машқларнинг инсоннинг биологик моҳиятига: унинг соғлиғига, жисмоний ривожланишига, морфологик ва функционал тузилмаларига катта таъсирини исботлашнинг алоҳида эҳтиёжи бўлмаса, унинг маънавий ривожланишига таъсири алоҳида тушунтириш ва далилларни талаб қилади.

Айтиш мумкинки, ҳозирги вақтда таълимга бўлган интилиш илгари ҳеч қачон намоён бўлмаганидек, жуда кескин тарзда намоён бўлмоқда ва ҳар йили бу кескинлик кучайиб бормоқда. Ҳаётнинг ўзи муқаррар, ҳалокатли тарзда ҳар бир инсонни билим ва тушунча билан қуролланишга ундайди. Шунинг учун яшаш учун, бу шовқин ва шовқинга мослашиш учун мустақил равишда кенг кўламли билимларни ўзлаштириш учун маълум кўникмалар керак бўлади. турли соҳалар фаолият, шу жумладан, жисмоний тарбия соҳасидаги саломатликни сақлаш учун жуда муҳим бўлган фаолият - ҳар қандай фаолият турида натижаларга эришиш учун асосдир.

Таълим умуман шахсни мақсадли, ҳар томонлама ривожлантириш муаммоларини ҳал қилувчи педагогик тизим сифатида қаралади. Жисмоний тарбия унинг ажралмас қисми сифатида бу маънода истисно эмас. Жисмоний маданиятни ривожлантиришнинг бир қатор контсептсияларида таълимга алоҳида эътибор қаратилган, лекин кўпроқ одамларнинг жисмоний маданиятга бўлган муносабатини тубдан ўзгартириш, унинг улкан миллий ва шахсий инсоний кадриятини умумий тушуниш зарурлиги тасдиқланади. .

Жисмоний маданият, шахс каби тушунчаларни англаш, уни реал ҳаётга татбиқ этишнинг “техникасини” ишлаб чиқиш вақти келди ва ёш авлодни жисмоний тарбия ва тарбиялашда ҳал қилувчи омил онгли мотиватсияни мақсадли шакллантириш ва мустаҳкамлаш бўлиши керак. чуқур билим ва эътиқодларга ва соғлигингиз ҳақида доимо ўзингизга ғамхўрлик қилиш зарурлигига асосланган. Бундай ҳолда, мажбурий таълимдан бошлаб узлуксиз жисмоний тарбия ғоясини амалга ошириш, инсонни ўз соғлиғига ғамхўрлик қилишга ўргатиш, бутун ҳаёти давомида ушбу фаолият соҳасида ўз-ўзини тарбиялаш билан шуғулланиш муҳимдир. . Шунинг учун ушбу мавзунинг долзарблиги шубҳасиздир.

Маданият - бу шахснинг ижодий ижодий фаолияти. “Маданият” ривожланишининг маданий-психологик жараёнининг асоси ва мазмуни, энг аввало, инсоннинг жисмоний ва ақлий қобилиятларини, унинг ахлоқий ва эстетик фазилатларини ривожлантиришдир. Бундан келиб чиқадики, жисмоний маданият жамиятнинг умумий маданиятининг бир қисми бўлиб, соғлиқни сақлашни яхшилаш, инсоннинг жисмоний қобилиятларини ривожлантириш ва улардан ижтимоий амалиёт эҳтиёжларига мувофиқ фойдаланишга қаратилган ижтимоий фаолият соҳаларидан биридир. Жамиятда жисмоний маданият ҳолатининг асосий кўрсаткичлари: одамларнинг соғлиғи ва жисмоний ривожланиши даражаси; жисмоний маданиятдан тарбия ва таълим соҳасида, ишлаб чиқаришда, кундалик ҳаётда фойдаланиш даражаси, бўш вақт таркиби;

жисмоний тарбия тизимининг табиати, оммавий спортни ривожлантириш, спорт ютуқлари ва бошқалар.

Жисмоний маданиятнинг асосий элементлари: жисмоний машқлар, уларнинг комплекслари ва улардаги мусобақалар, танани чиниқтириш, меҳнат ва маиший гигиена, туризмнинг фаол-ҳаракат турлари, жисмоний меҳнат ақлий ходимларнинг фаол дам олиш шакли сифатида.

Жамиятда жисмоний маданият халқ мулки бўлиб, “маънавий бойлик, ахлоқий поклик ва жисмоний баркамолликни ўзида уйғунлаштирган янги шахсни тарбиялаш”нинг муҳим воситасидир. Бу одамларнинг ижтимоий ва меҳнат фаоллигини, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга ёрдам беради, жисмоний тарбия ҳаракати давлат ва жамоат ташкилотларининг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги кўп томонлама фаолиятига асосланади.

Халқнинг жисмоний маданияти унинг тарихининг бир қисмидир. Унинг шаклланиши, кейинги ривожланиши мамлакат иқтисодиётининг шаклланиши ва ривожланишига, унинг давлатчилигига, жамиятнинг сиёсий ва маънавий ҳаётига таъсир кўрсатадиган бир хил тарихий омиллар билан чамбарчас боғлиқ. Табиийки, жисмоний маданият тушунчасига халқнинг онги, истеъдоди, қўл санъати билан яратилган ҳамма нарса, унинг маънавий моҳиятини ифодаловчи барча нарсалар, дунёга, табиатга, инсон борлигига, инсоний муносабатларга қараш қиради.

Жисмоний маданиятнинг тарихдан олдинги даври инсоннинг барча жисмоний ва ақлий фаолияти бевосита яшаш шароитларини таъминлаш билан чегараланган даврда илдиз отган. Гап шундаки, бу шароитда, табиат билан давом этаётган курашда аждодларимизни комплекс ривожлантиришга қандай омиллар сабаб бўлган? машқ қилиш, инсоннинг шаклланишига хизмат қилади.

Тараққиётнинг ҳозирги босқичида, жамият ҳаётининг барча жаҳазларини сифат жиҳатидан ўзгартириш шароитида фуқароларнинг муваффақиятли меҳнат қилиши учун зарур бўлган жисмоний тайёргарлигига қўйиладиган талаблар ҳам ортиб бормоқда.

Россия жамияти илғор ривожланиш босқичига кирди, унда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар инсонпарварлик қадриятлари ва идеалларини ўрнатишга, ривожланган иқтисодиёт ва барқарор демократик тизимни яратишга қаратилган. Бу жараёнда муҳим ўринни инсоннинг ўзи ҳаёти, унинг саломатлиги ва турмуш тарзи билан боғлиқ масалалар эгаллайди. Шахс, жамоа, ижтимоий гуруҳ, миллат ҳаётининг барча соҳаларини бирлаштирган «Соғлом турмуш тарзи» тушунчаси йиғиндисидан жисмоний тарбия ва спорт энг долзарб компонент ҳисобланади.

Жисмоний тарбия соҳаси жамиятда кўплаб функсияларни бажаради ва аҳолининг барча ёш гуруҳларини қамраб олади. Соҳанинг полифункционаллиги шундан далолат берадики, жисмоний маданият инсон шахсининг жисмоний, эстетик ва ахлоқий фазилатларини ривожлантириш, ижтимоий фойдали фаолиятни, аҳолининг бўш вақтини ташкил этиш, касалликларнинг олдини олиш, ёш авлодни тарбиялашдир.

Жисмоний маданият умуминсоний маданият билан бир вақтда вужудга келди ва ривожланди ва унинг органик қисмидир. У ижтимоий фаол фойдали фаолият орқали шахснинг ўзини ўзи ифода этишининг баъзи шаклларида мулоқот, ўйин ва ўйин-кулгига бўлган ижтимоий эҳтиёжларни қондиради.

Шахс ривожланишининг уйғунлиги барча халқлар томонидан ва ҳамма даврда қадрланган. Дастлаб «маданият» сўзи лотин тилида «ўстириш», «қайта

ишлаш» деган маънони англатади. Жамият тараққиёти сари “маданият” тушунчаси янги мазмун билан тўлдирилди.

Бугунги кунда умумий инсоний тушунчада бу сўз ҳам шахснинг маълум хусусиятларини (таълим, аниқлик ва бошқалар) ва инсон хатти-ҳаракатларининг шакллари (одоблиқ, ўзини ўзи бошқариш ва бошқалар), ёки ижтимоий, касбий ва ишлаб чиқариш фаолияти (ишлаб чиқариш) шакллари англатади. Маданият, турмуш, дам олиш ва бошқалар). Илмий маънода “Маданият” сўзи ижтимоий ҳаётнинг барча шакллари, кишилар фаолият йўллари. Бу, бир томондан, одамларнинг моддий ва маънавий фаолияти жараёни бўлса, иккинчи томондан, бу ушбу фаолиятнинг натижалари (маҳсулотлари). Кенг маънода “Маданият” мазмунига, масалан, фалсафа ва фан ҳамда мафкура, ҳуқуқ, шахснинг ҳар томонлама ривожланиши, шахснинг тафаккур даражаси ва характери, унинг нутқи, қобилияти ва бошқалар киради.

Демак, «маданият» шахснинг ижодий ижодий фаолиятидир. “Маданият” ривожланишининг маданий-психологик жараёнининг асоси ва мазмуни, энг аввало, инсоннинг жисмоний ва ақлий қобилиятларини, унинг ахлоқий ва эстетик фазилатларини ривожлантиришдир. Бундан келиб чиқадики, жисмоний маданият умумий маданиятнинг таркибий қисмларидан бири бўлиб, у жамиятнинг моддий ва маънавий маданияти билан бир вақтда вужудга келади ва ривожланади. Жисмоний маданият тўртта асосий шаклга эга:

Муайян фаолият учун жисмоний тарбия ва жисмоний тарбия (профессионал-амалий жисмоний тарбия);

Жисмоний тарбия ёрдамида соғлиғини ёки йўқолган кучини тиклаш - реабилитация;

Дам олиш мақсадида жисмоний машқлар, деб аталмиш. - дам олиш;

Спорт соҳасидаги энг юқори ютуқ.

Шуни таъкидлаш керакки, инсоннинг маданият даражаси унинг бўш вақт каби ижтимоий неъматдан оқилона, тўлиқ фойдаланиш қобилиятида намоён бўлади. Нафақат иш, ўқиш ва умумий ривожланишдаги муваффақият, балки инсоннинг соғлиғи, ҳаётининг тўлиқлиги ҳам ундан қандай фойдаланишга боғлиқ. Бу эрда жисмоний маданият муҳим рол ўйнайди, чунки жисмоний маданият - бу соғлиқ.

Чет элда жисмоний тарбия ва спорт барча даражадаги одамлар саломатлигини мустаҳкамлашнинг универсал механизми, инсоннинг ўзини ўзи англаш, ўзини намоён қилиш ва ривожлантириш йўли, шунингдек, ғайриижтимоий ҳодисаларга қарши кураш воситасидир. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда замонавий маданият кадрлари тизимида жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни кескин ошди.

Шундай қилиб, бутун дунёда жисмоний маданиятнинг жамиятдаги ролини оширишнинг барқарор тенденцияси мавжуд бўлиб, у ўзини намоён қилади:

Жисмоний тарбия, бу соҳадаги ташкил этишнинг ижтимоий шакллари ва фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлашда давлатнинг ролини оширишда;

Касалликларнинг олдини олиш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда жисмоний маданиятдан кенг фойдаланишда;

Одамларнинг фаол ижодий узоқ умрини узайтиришда;

Ёшларнинг бўш вақтини ташкил этишда ва ёшларнинг ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларининг олдини олишда;

Талаба ёшларнинг ахлоқий, эстетик ва интеллектуал ривожланишининг

муҳим таркибий қисми сифатида жисмоний тарбиядан фойдаланишда;

Меҳнатга лаёқатли аҳолини жисмоний тарбияга жалб этишда;

Ногиронларнинг, этимларнинг ижтимоий ва жисмоний мослашувида жисмоний маданиятдан фойдаланишда;

Соғлом турмуш тарзини шакллантиришда жисмоний маданиятни ривожлантиришда спорт кўрсатувлари ва телевидениенинг ўрни ортиб бораётганида;

аҳолининг манфаатлари ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда жисмоний тарбия, соғломлаштириш ва спорт инфратузилмасини ривожлантиришда;

Соғлиқни сақлаш, фитнес ва спорт хизматлари бозорида таклиф этилаётган турли хил шакллар, усуллар ва воситаларда.

«Жисмоний маданият» атамасининг ўзи 19-аср охирида Англияда спортнинг жадал ривожланиши даврида пайдо бўлган, лекин Фарбда кенг қўлланилмаган ва охир-оқибат кундалик ҳаётдан йўқолган. Россияда, аксинча, 20-асрнинг бошидан бери, 1917 йил инқилобидан сўнг, «жисмоний маданият» атамаси барча олий Совет ҳокимиятларида тан олинди ва илмий ва амалий лексикага мустақкам кирди. 1918-йилда Москвада Жисмоний тарбия институти очилди, 1919-йилда Всеобуч жисмоний маданият бо'йича курултой о'тказди, 1922-йилдан «Жисмоний маданият» журнали, 1925-йилдан ҳозиргача «Жисмоний маданият назарияси ва амалиёти» журнали нашр этилди. «. Кўриб турганимиздек, «жисмоний маданият» номининг ўзи унинг маданиятга тегишли эканлигини кўрсатади.

Жисмоний маданият жамият умумий маданиятининг муҳим таркибий қисми бўлиб, кучли ва бўлиб хизмат қилади самарали восита ҳар томонлама ривожланган шахснинг жисмоний тарбияси.

Жисмоний тарбия жисмоний машқлар орқали табиатнинг табиий кучлари ва инсон саломатлиги ҳолатини ва даражасини белгиловчи омилларнинг (меҳнат тартиби, турмуш, дам олиш, гигиена ва бошқалар) бутун мажмуасидан фойдаланган ҳолда одамларни ҳаёт ва меҳнатга тайёрлайди. унинг умумий ва махсус жисмоний тайёргарлиги.

Жисмоний тарбия дарсларида кишилар нафақат жисмоний маҳорат ва малакаларини оширибгина қолмай, балки кучли иродали, ахлоқий фазилатларни ҳам тарбиялайдилар. Мусобақа ва машғулотлар пайтида юзага келадиган вазиятлар иштирокчиларнинг характерини юмшатади, уларни бошқаларга тўғри муносабатда бўлишга ўргатади.

Биобарин, жисмоний маданият инсоннинг умумий маданияти, унинг соғлом турмуш тарзининг жабҳаларидан бири бўлиб, кўп жиҳатдан инсоннинг таълим, меҳнат, кундалик ҳаёт, мулоқотдаги хатти-ҳаракатларини белгилайди, ижтимоий-иқтисодий, таълим ва соғлиқни сақлаш муаммоларини ҳал қилишга ёрдам беради. муаммолар. Булар. бу инсон етиштириш жараёнидир.

BO'LAJAK "TEKNOLOGIYA" FANI O'QITUVCHILARINING RAQAMLASHTIRISH TA'LIM MUHITIDA ISHLASH BO'YICHA MUHIM KASBIY SIFATLARINI SHAKLLANTIRISHNING PEDAGOGIK SHAROITLARI

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022>.

*Mo'minova Dilnavoz Komilovna,
Buxoro davlat universiteti mustaqil izlanuvchisi*

Annotatsiya: Bo'lajak "Texnologiya" fani o'qituvchilarining raqamlashtirish ta'lim muhitida ishlash bo'yicha muhim kasbiy sifatlarini shakllantirishning pedagogik sharoitlari, o'zaro tartiblashtirilgan komponentlar majmui, o'qituvchilarining raqamli ta'lim muhitida ishlash bo'yicha muhim kasbiy sifatlarini shakllantirishda On-line ma'ruza, malakaviy anjumanlar, On-line seminarlar, vebinarlar, On-line konsultatsiyalar, On-line kurslar, On-line treninglar olib borilishi hamda kasbiy sifatlarini shakllantirish mezonlari qilib motivatsion ehtiyojli, gnostik, jarayonli va o'z-o'zini baholash guruxlari tanlanib har bir mezon ko'rsatkichlari belgilanganligi haqida fikrlar bayon etilgan.

Kalit so'zlar: Texnologiya fani, raqamlashtirish, ta'lim muhiti, kasbiy, pedagogik sharoitlar, tartiblashtirilgan, komponent On-line ma'ruza, malakaviy anjumanlar, On-line seminarlar, vebinarlar, mezonlar, motivatsion, baholash.

ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ УСЛОВИЯ ФОРМИРОВАНИЯ ВАЖНЫХ ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ КАЧЕСТВ У ПЕДАГОГОВ БУДУЩЕГО «ТЕХНОЛОГИИ» ДЛЯ РАБОТЫ В ЦИФРОВОЙ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ СРЕДЕ

*Муминова Дильнавоз Камилевна,
независимый научный сотрудник, Бухарского государственного
университета*

Аннотация: Педагогические условия формирования важных профессиональных качеств будущих учителей специальности «Технология» для работы в цифровой среде обучения, совокупность взаимосвязанных компонентов, важные профессиональные качества учителей для работы в цифровой среде обучения Он-лайн лекции, квалификация конференции, Онлайн-семинары, Онлайн-консультации, Онлайн-курсы, Онлайн-тренинги и критерии формирования профессиональных качеств при формировании мотивационных потребностей, гностических, процессных и самостоятельных, высказываются мнения по подбору оценочных групп и определению каждого критерия.

Ключевые слова: Технология, ишифрование, среда обучения, профессиональные, педагогические условия, сортировка, компонент, Онлайн лекции, квалификационные конференции, Онлайн семинары, критерии, мотивация, оценка.

THE PEDAGOGICAL CONDITIONS FOR THE FORMATION OF IMPORTANT PROFESSIONAL QUALITIES OF FUTURE TEACHERS OF THE SCIENCE OF "TECHNOLOGY" IN TERMS OF WORK IN THE EDUCATIONAL ENVIRONMENT

*Muminova Dilnavoz Kamilovna,
independent researcher, Bukhara State University*

Abstract: Digitization of teachers of the Future Science «Technology» pedagogical conditions for the formation of important professional qualities in terms of work in the educational environment, a set of mutually sequenced components, On-line

lectures, qualification conferences, on-line seminars, webinars, on-line consultations, on-line courses, on-line trainings in the formation of important professional qualities of teachers in the digital educational, opinions were expressed about the selection of process and self-assessment groups and the determination of indicators of each criterion.

Keywords: Technology, digitalization, learning environment, professional, pedagogical conditions, sorting, On-line lecture component, qualifying conferences, On-line seminars, webinars, criteria, motivation, assessment.

Oliy ta'lim muassasalarida bo'lajak umumta'lim maktablari o'qituvchilarini tayyorlashda raqamlashtirish muhitini yaratish muhim ahamiyat kasb etadi.

Bo'lajak "Texnologiya" fani o'qituvchisining raqamlashtirish ta'lim muhitida kasbiy muhim sifatlarini va rivojlantirishdagi samarali pedagogik shart-sharoitlariga bog'liq. Biz dastlab pedagogik shart-sharoitlar tushunchasiga to'xtalamiz.

Pedagogik adabiyotlarga va ilmiy asoslarda pedagogik shart-sharoitlar quyidagicha fikrlar bildirilgan.

Pedagogik shart sharoit-bu ta'lim texnologiyalarini, metodlarni, shakllarni, vositalarni, va yondashuvlarni qo'llab pedagogik jarayonni tashkil etish sharoitlaridir[1.2].

Pedagogik shart sharoit-ichki va tashqi omillarni ta'sirini tasvirlovchi pedagogik tizimni loyihalash komponentidir [3].

Pedagogik shart sharoit-ta'lim maqsadiga rejali erishish va farazlarni ilgari surishda o'quv sifatini bosqichma bosqich tashkil etishdir [4].

Uchala holatda ham bir-biriga bog'liqlik bo'lib, ular bir-birini to'ldiradi. Bizni izlanishlarimiz doirasida raqamlashtirish ta'lim muhitida bo'lajak "Texnologiya" fani o'qituvchisining muhim kasbiy sifatlarini shakllantirishda tashqi va ichki ta'sir qiluvchi omillarni inobatga olgan holda o'qitish vositalarini shakl, vosita va texnologiyalarni hamda yondashuvlarni qo'llab pedagogik harakatlarni amalga oshirish lozim degan xulosaga keldik.

I.V. Ippolitova va I. Sterkov [3] lar pedagogik shart sharoitlarni quyidagicha klassifikatsiyalaydilar.

- Ta'sir qilish sohasi bo'yicha tashqi (tabiiy-geografik, jamoaviy, ishlab chiqarish, madaniy) va ichki (o'quv, didaktik, ta'limiy, sanitar, gigienik, ma'naviy psixologik, estetik) shart sharoitlarga ajratilgan .

- Ta'sir qilish xarakteri bo'yicha ob'ektiv (normativ-huquqiy hujjatlar, axborot vositalari va ta'lim jarayoni) sub'ektiv (ta'lim jarayoni rivojlanishiga ta'sir qiluvchi pedagogik faoliyat sub'ektlari potensialini tasvirlovchi, hamkorlikdagi harakatlar darajasi, ta'lim oluvchilar uchun asosiy maqsadlar darajasi) ga bo'linadi.

- Ta'sir qiluvchi ob'ekt spetsifikasi bo'yicha umumiy (ijtimoiy, iqtisodiy, madaniy, milliy, geografik) va spetsifik (ta'lim oluvchilarning ijtimoiy-demokratik tarkibi, ta'lim muassasasi joylashgan joyi, material-texnik baza, pedagogik tarkib, psixologik klimat).

Biz yuqoridagilarni inobatga olib pedagogik shart sharoitlarni ta'sir qilish xarakteri bo'yicha pedagogik harakatlar yig'indisi deb tushunamiz.

Pedagogik shart-sharoitlar zamonaviy raqamlashtirish ta'lim muhitida ta'lim jarayonining normativ-huquqiy tomonini birlashtiradi.

Yuqoridagi tahlillardan kelib chiqib, shunday fikrga kelish mumkinki, bo'lajak "Texnologiya" fani o'qituvchisining raqamlashtirish ta'lim muhitida ishlash bo'yicha muhim kasbiy sifatlarini shakllantirishning pedagogik shart sharoitlari ta'sir qilishning

maqsadga yo'naltirilgan kompleks chora tadbiri bo'lib, ta'lim jarayoni sub'ektidagi o'quv-kasbiy faoliyatini tashkil qilishni ta'minlaydi.

Raqamli ta'lim muhitida bo'lajak "Texnologiya" fani o'qituvchisining muhim kasbiy sifatlarni shakllantirishni birinchi shart-sharoiti bu raqamli ta'lim muhitida ishlash uchun o'quv maqsadlarini ishlab chiqishdir. Bo'lajak "Texnologiya" fani o'qituvchisining asosiy o'quv meyo'riy hujjatlarini (o'quv reja, fan dasturi, modullar) o'rganishi, amalyotlarni o'tashi, ilmiy tadqiqot ishlarini o'zlashtirish o'quv kasbiy faoliyatiga kiradi.

So'ngra o'quv kasbiy faoliyat maqsadi belgilanadi. O'quv maqsadlari orqali bo'lajak "Texnologiya" fani o'qituvchisining raqamli ta'lim muhitida ishlash bo'yicha muhim kasbiy sifatlarga qo'yiladigan talablar ishlab chiqiladi. Maqsadlarga erishish bir qator quyidagi vazifalarni hal qilish orqali amalga oshiriladi.

- pedagogik texnikani shakllantirish;
- raqamli ta'lim muhiti faoliyatini rejalashtirish va tahlil qilish;
- Ta'lim jarayonini faollashtirish;
- Oliy ta'lim muassasalarini tugatgandan keyin ham raqamli ta'lim muhitida ishlashga ehtiyoj;
- raqamli ta'lim muhitida ishlash uchun o'zining kasbiy malakasini doimiy oshirib borish;
- o'z-o'zini baholashga o'rgatish kabi muhim kasbiy sifatlarni shakllantirish

Bo'lajak "Texnologiya" fani o'qituvchisining raqamli ta'lim muhitida o'quv-kasbiy faoliyat mazmuni ishlash bo'yicha muhim kasbiy sifatlarini shakllantirish informatsion model sifatida qarash mumkin. Bunday modelni ishlab chiqishda metodologik yondashuv bo'lishi lozim.

Ilmiy pedagogik adabiyotlarda o'quv kasbiy faoliyat maqsadi va mazmuni kompetentli [5,6,7,8,9,10] va kasbiy faoliyatli yondashuvlar asosida ishlab chiqish keltirilgan. Kasbiy-faoliyatli yondashuv bo'lajak "Texnologiya" fani o'qituvchisining raqamlashtirish ta'lim muhitida ishlash bo'yicha muhim kasbiy sifatlarini shakllantirishda kasbiy faoliyatdagi resurslar, sharoitlar va harakatlar zanjirini aniqlashtiradi. Kompetentli yondashuv esa raqamlashtirish ta'lim muhitida bo'lajak "Texnologiya" fani o'qituvchisining muhim kasbiy sifatlarini shakllantirish ta'lim metodlari, izlanishlar, analiz va sintez vositalarini ishlab chiqish usullari to'plamini aniqlaydi. Bu yondashuvda bo'lajak "Texnologiya" fani o'qituvchisining raqamlashtirish ta'lim muhitida ishlash bo'yicha qobiliyatlarini belgilaydi.

Raqamlashtirish ta'lim muhitida bo'lajak "Texnologiya" fani o'qituvchisining muhim kasbiy sifatlarini shakllantirishda ta'limning tashkiliy shakllari muhim rol o'ynaydi..

"Texnologik ta'lim" yo'nalishlarida, ma'ruza, seminar, laboratoriya, mustaqil ish, ilmiy-tadqiqot, amaliy mashg'ulotlar va darslardan tashqari mashg'ulotlar-bular mashg'ulot turlari bo'lib, ushbu mashg'ulotlarni o'tkazishda guruxiy, kichik guruxlarda ishlash, juftlikda va individual ishlash shakllarining to'g'ri tanlanishi muhim ahamiyat kasb etadi.

Biz mashg'ulotlarni raqamlashtirish ta'lim muhitida qanday tashkil qilish to'g'risida to'xtalamiz.

1. On-line ma'ruzlar. Ma'ruza mashg'ulotlari "On-line" ma'ruza ko'rinishida o'tkazish orqali nazariy o'quv materialini hajmini oshirish, boshqa universitetlar olimlarini jalb qilish, ma'ruza o'tish vaqtini erkin belgilash, taqdimotlar va illyustratsiyalarini taqdim etish imkoni yaratiladi. Ma'ruzalarni video fayl shaklida platformaga joylashtirish mumkin.

2. Seminar, amaliy mashg'ulotlar va laboratoriya mashg'ulotlarini "On-line"

kurslar, “On-line” treninglar, vebinar, “On-line” laboratoriya shaklida o‘tish imkonini yaratadi. SHuningdek, laboratoriya mashg‘ulotlarini virtual stendlar orqali o‘tkazish orqali talabalarga murakkab texnologik ob‘ektlar va jarayonlar haqida real tasavvur hosil qilishi mumkin.

3. Mustaqil ishlash talabaning masofadan turib biron bir topshiriqlarini metodik yordamini maslahat ko‘rinishida bajarish jarayonidir. Topshiriqlar pedagog yordamisiz ham talaba tomonidan mustaqil bajarilishi mumkin.

Talabalarni mustaqil ishlashga faolligini oshirish uchun quyidagi ta’lim metodlarini va shakllarini qo‘llash talab etadi.

- Moodle maxsus platforma orqali “On-line” o‘qitishni kiritish.
- Google, HTMIS, On-line Dokument hujjatlari bilan ishlash.
- Ijtimoiy tarmoqlar bilan ishlash (Telegram, Instagram, Face book)
- On-line so‘rov (Tovushli, test)
- Interaktiv grafiklar va jadval bilan ishlash.
- On-line monitoring platformalari bilan ishlash.
- Ta’limiy saytlar bilan ishlash.

Talabalar ilmiy tadqiqot ishlari bu dastlabki malakalarni shakllantiradigan ta’lim shakli hisoblanadi.

Talabalarda ilmiy tadqiqotchilik qobiliyatlarini shakllantirish quyidagi mashg‘ulotlarda amalga oshiriladi.

- Ilmiy amaliy konferensiyalar, seminarlar va davra suhbatlarda.
- Kichik guruhlarda hamkorlikda loyihalarni bajarish, laboratoriya mashg‘ulotlari, guruhil ilmiy izlanishlar.
- Kurs ishi, referat, ma’ruza, va ijodiy topshiriqlarni bajarish.

O‘qitishning ta’limiy shakllari orqali raqamlashtirish ta’lim muhitida yaratish ta’lim jarayonida o‘zgartirishlarni talab etiladi. Raqamlashtirish sharoitida bo‘lajak “Texnologiya” fani o‘qituvchisini raqamli ta’lim muhitida ishlashga o‘rgatish ta’limni yangi sifat darajasiga ko‘taradi.

Raqamli ta’lim muhitida bo‘lajak “Texnologiya” fani o‘qituvchisining muhim kasbiy sifatlar shakllantirish quyidagi texnologiyalar orqali amalga oshiriladi: loyihali, muammoli, faol, elektron va masofaviy ta’lim texnologiyalari shular jumlasidandir.

Raqamli ta’lim muhitida o‘quv-kasbiy faoliyatni maqsadi va mazmunini loyihalash quyidagi tamoyillarga asoslanadi.

1. Ilmiylik-raqamli ta’lim muhitida pedagoglarni tayyorlashda o‘quv predmeti va ilmiylik orasidagi bog‘liqlik o‘rnatish.

Bunda quyidagi talablar qo‘yiladi:

- Raqamli ta’lim muhiti sharoitida pedagogika fani nazariyasi va qonunlari tushunchalari va ilmiy dalillar bilan talabalarni tanishtirish;
- Raqamli ta’lim muhiti sharoitida pedagogika ilmi texnologiyalari va metodlarini o‘rganish;
- Raqamli ta’lim muhiti sharoitida kasbiy masalalarni echishda ilmiy dalillar, qonunlar va nazariyalardan foydalanish.
- On-line dasturlar bilan ishlash, kerakli ma’lumotlarni izlab topishi va keraklisini tanlash, adabiyotlarni tahlil qilish, taqdimotlar va ilmiy maqolalar tayyorlash.

2. Yaxlitlik

Raqamli ta’lim muhitida nazariy va amaliy integratsiyasini ta’minlash.

Bunda quyidagi talablar bajarilishi kerak.

- Raqamli ta’lim muhitida kasbiy masalalarni echish masalasi shakllantiriladi.
- Raqamli ta’lim muhitida kasbiy faoliyatga amalga oshirish ritmi bo‘yicha

tayyorgarligini ta'minlash.

- Raqamli ta'lim muhitida ta'lim tizimiga yangi talablar kiritiladi.
- Bo'lajak "Texnologiya" fani o'qituvchilarining raqamli ta'lim muhitida kasbiy pedagogik faoliyatini amalga oshirish bo'yicha o'z-o'zini rivojlantirishi.

3. Raqamli ta'lim muhitini yaratish orqali o'quv tabiiyaviy jarayonida shaxsga kompleks ta'sirini tashkil qilish. Bundan quyidagi talablarni bajarish lozim:

- Raqamli ta'lim muhitida bo'lajak "Texnologiya" fani o'qituvchilarining muhim kasbiy sifatlarini shakllantirilishi bo'yicha kompleks chora-tadbirlarni ishlab chiqish.

- Dars va darsdan tashqari faoliyatda talabalar bilan olib boriladigan kompleks tadbirlar.

- Raqamli ta'lim muhitida bo'lajak "Texnologiya" fani o'qituvchilarda muhim kasbiy sifatlarini shakllantirish darajasini aniqlash bo'yicha kompleks tadbirlar.

4. Tizimlilik

Raqamli ta'lim muhitida ishlash sharoitida pedagogik nazariya bilan amaliyoti orasida aloqadorlikni o'rnatish.

Bunda-nazariy va amaliy o'quv materialining mantiqiy ketma ketlikda tuzilishining bayon etilishi, nazariy va amaliy mashg'ulotlarini orasidagi integratsiya o'rnatilishi lozim.

5. Kasbiy pedagogik faoliyatlilik.

Bu tamoyilga diagnostika, tashxislash, monitoring, loyihalash, dasturlash kiradi.

E.V. Zalipkina nazariy va amaliyotga loyihalashni ilmiy bilimlar va tajribalar orqali birlashtirish lozim deb ta'kidlaydi [11].

Ushbutamoyillar asosida o'quv kasbiy faoliyat maqsadi va mazmunini loyihalashda raqamli ta'lim muhitida pedagog va talaba harakatlarini ham tartiblashtirish kerak bo'ladi.

A.G. Moroz fikricha "Pedagog va talabaning tartiblashtirilgan harakati-bu umum pedagogik tamoyili bo'lib, ta'lim jarayonining barcha bosqich va davrlari orasidagi uzluksizlikni, bilimlarning kengaytirib va chuqurlashtirib borilishini, bilim, ko'nikma va malakalarni shakllantirib borilishini, ta'lim metodi va shakllarini sifat o'zgarishini talab qiladi.

Bo'lajak "Texnologiya" fani o'qituvchilarining raqamli ta'lim muhitida ishlash bo'yicha muhim kasbiy sifatlarini shakllantirishda uchinchi sharoit ham muhim hisoblanadi. Bu bo'lajak "Texnologiya" fani o'qituvchilarda raqamli ta'lim muhitini ishlash bo'yicha muhim kasbiy sifatlarining shakllanganligini baholashdir.

Dastlabki tadqiqotlarimiz asosida bo'lajak "Texnologiya" fani o'qituvchilarining raqamli ta'lim muhitida ishlash bo'yicha muhim kasbiy sifatlar shakllantirishga oid o'tkazilgan ta'lim jarayonida bir qator muammolar yuzaga keldi va tuzatuvchi tadbirlarini kiritdik.

Eksperimentlar jarayonida bo'lajak "Texnologiya" fani o'qituvchilarining raqamli ta'lim muhitida ishlash bo'yicha muhim kasbiy sifatlarini shakllanganlik darajasini aniqlash uchun joriy nazoratlar o'tkazildi. Zarur bo'lganda o'quv-kasbiy faoliyat mazmunida ham o'zgartirishlar kiritdik.

Bo'lajak "Texnologiya" fani o'qituvchilarining raqamli ta'lim muhitida muhim kasbiy sifatlarini shakllanganlik darajasini aniqlash uchun baholash mezonlari ishlab chiqildi. Bu mezonlarni quyidagi motivatsion-ehiyojli, gnostik, jarayonli va o'z-o'zini baholash guruhlarga ajratildi. Har bir mezon anketa so'rov, test o'tkazish, o'z-o'zini baholash kartasi, amaliy ishlarni bajartirish orqali tekshirildi.

Shunday qilib biz bo'lajak "Texnologiya" fani o'qituvchilarining raqamli ta'lim muhitida ishlash bo'yicha muhim kasbiy sifatlarini shakllantirishda uchta pedagogik

shart-sharoitni aniqladik.

1. Bo'lajak "Texnologiya" fani o'qituvchilarining raqamli ta'lim muhitida ishlash bo'yicha muhim kasbiy sifatlarini shakllantirishda o'quv-kasbiy faoliyat maqsadi va mazmunini loyihalash.

2. Bo'lajak "Texnologiya" fani o'qituvchilarining raqamli ta'lim muhitida ishlash bo'yicha muhim kasbiy sifatlarini shakllantirishda pedagog va talaba harakatlarini tartiblashtirish.

3. Bo'lajak "Texnologiya" fani o'qituvchilarining raqamli ta'lim muhitida ishlash bo'yicha muhim kasbiy sifatlarini shakllantirish natijalarini baholash.

Pedagogik shart-sharoitlar ta'lim tizimining o'zaro bog'langan va o'zaro tartiblashtirilgan komponentlar majmuidir.

Talaba-pedagog harakatlari ta'lim jarayonining tashkil etuvchilari sifatida qatnashadi. Ushbu pedagogik shart-sharoitlar ta'lim jarayoni mazmunining natijaviyligini ta'minlaydi va bo'lajak "Texnologiya" fani o'qituvchilarining raqamli ta'lim muhitida ishlash bo'yicha muhim kasbiy sifatlarini shakllantiradi. O'quv jarayoni On-line ma'ruza, malakaviy anjumanlar, On-line seminarlar, vebinarlar, On-line konsultatsiyalar, On-line kurslar, On-line treninglar bilan to'ldiradi.

Biz tomondan o'tkazilgan izlanishlarimiz doirasida bo'lajak "Texnologiya" fani o'qituvchilarining raqamli ta'lim muhitida ishlash bo'yicha muhim kasbiy sifatlarini shakllantirishi muammolari holati o'rganilib, tanlangan muvzuning pedagogik nazariyasi va amaliyotda hamda bugungi kunda texnologiya fani bo'yicha o'quvchilarni tayyorlash sohasida dolzarbligini asoslab berdi.

Bizni fikrimizcha raqamli ta'lim muhitida ishlash bo'yicha muhim kasbiy sifatlar raqamli ta'lim muhitida pedagog faoliyat yuritish uchun zarur bo'lgan kompleks sifatlar majmuidir.

Bo'lajak "Texnologiya" fani o'qituvchilarining raqamli ta'lim muhitida ishlash bo'yicha muhim kasbiy sifatlarini shakllantirish-bu ta'lim jarayoni sub'ektlarining maqsadga yo'naltirilgan kasbiy-pedagogik faoliyat bo'lib, raqamlashtirish sharoitida o'quv-kasbiy faoliyat maqsadi va mazmunini loyihalash hamda bo'lajak "Texnologiya" fani o'qituvchilarining raqamli ta'lim muhitida ishlash bo'yicha muhim kasbiy sifatlarini shakllantirishni ta'minlashga yo'naltiriladi.

Bo'lajak "Texnologiya" fani o'qituvchilarining raqamli ta'lim muhitida ishlash bo'yicha muhim kasbiy sifatlarini shakllantirish jarayonining asosiy komponentlariga ijtimoiy pedagogik, motivatsion-emotsional, gnostik, madaniy-ma'rifiy, loyihalash, raqamli texnologiyalar bo'yicha savodxonlik ekanligi asoslab berildi.

Bo'lajak "Texnologiya" fani o'qituvchilarining muhim kasbiy sifatlarini shakllantirish mezonlari qilib motivatsion ehtiyojli, gnostik, jarayonli va o'z-o'zini baholash guruxlari tanlanib har bir mezon ko'rsatkichlari belgilandi.

Biz tomondan ishlab chiqilgan mezonli baholash apparati asosida izlanishlar doirasida bo'lajak "Texnologiya" fani o'qituvchilarining muhim kasbiy sifatlarining past darajada ekanligi aniqlandi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Андреева, Л. А. Дидактические игры как средство развития профессионально значимых качеств будущего специалиста: дисс. ... канд. пед. наук: 13.00.08 / Л. А. Андреева – Орел, 1999. – 228 с.

2. Анненкова, Н. В. Педагогические условия формирования практической готовности будущего учителя как субъекта воспитательной деятельности [Текст] / Н. В. Аннекова // Учение записки. Электронный журнал Курского государственного университета. – 2008. – № 4. – С. 39–45.

3. Динин, С. А. Современные подходы к определению сущности категории

«педагогические условия» [Текст] / С. А. Дінин, Б. В. Куприянов // Вестник Костромского гос. ун-та им. Н.А. Некрасова. – 2001. – № 2. – С. 101–104.

4. Dilafruz Ahmadovna Sayfullayeva. “Methodology of using innovative technologies in technical institutions”. PSYCHOLOGY AND EDUCATION. Scopus International Journal.(2021) 58(1)

5. Жуков, Г. Н. Творческий потенциал личности как определяющий фактор успешности педагога [Текст] / Г. Н. Жуков, Г. Ф. Привалова, И. В. Львова / Среднее профессиональное образование. – 2008. – № 2. – С. 40–42.

6. Засипкина, Е. В. Влияние конструктивистского подхода на разработку структурно-композиционной модели учебных занятий [Текст] / Е. В. Засипкина // Вестник Челябинского государственного педагогического университета. – 2008. – № 1. – С. 27–34.

7. Зимняя, И. А. Компетентность человека – новое качество результата образования [Электронный ресурс] / И. А. Зимняя // Проблемы качества образования: материалы XIII Всерос. совещ. – М., 2006. – С. 4-16. – URL: http://pedlib.ru/Books/3/0269/3_0269-22.shtml. (дата обращения: 20.09.2016).

8. Ипполитова, Н. Анализ понятия «педагогические условия»: сущность, классификация [Текст] / Н. Ипполитова, Н. Стерхова // General and Professional Education. Польша: ADVSEO – 2012. – № 1. – С. 8–14.

9. Иванов, Д. А. Компетентностный подход в образовании: проблемы, понятия, инструментарий [Текст] / Д. А. Иванов, К. Г. Митрофанов, О. В. Соколова. – М., 2003. – 101 с.

10. Иванова, Н. Н. Дидактическая система формирования профессионально важных качеств у студентов – будущих менеджеров: автореф. канд. псих. наук: 13.00.08/ Н. Н. Иванова. – Казань, 2003. – 25 с.

11. Обиденкова, В. К. Интернет-проектирование как средство профессиональной подготовки студентов педагогических вузов : диссертация ... кандидата педагогических наук: дис. ... кан. пед. наук. 13.00.08/ В. К. Обиденкова. – Москва. 2017. – 254 с.

12. Смирнова, Н. В. Структурно-функциональные характеристики образовательного процесса. CREDO NEW [Электронный ресурс] / Н. В. Смирнова // Теоретический журнал, 2001. – URL: www.credonew.ru (Дата обращения 29.08.2017)

ЗАМОНАВИЙ МЕТОДЛАР АСОСИДА ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎРГАТИШНИНГ МЕТОДИК ХУСУСИЯТЛАРИ

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022>.

*Давронова Фотима Пирназаровна,
Самарканд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва
биотехнологиялар университети*

Аннотация: мазкур мақолада сўнги йилларда таълим соҳасидаги амалга оширилган ислохотлар, хорижий тилларни ўргатиш билан боғлиқ ижтимоий зарурат, расмий ва норасмий тил ўрганиш марказлари фаолияти таҳлил қилинади. Хорижий тажрибалар асосида олий таълим тизимида чет тилларни ўргатиш билан боғлиқ муаллифлик методикаларига изоҳ бериб ўтилади.

Калит сўзлар: чет тили, ахборот-коммуникатив технологиялар, расмий таълим, норасмий таълим, тил портфеллари, гипнопедия, «Silent way», «Total-physical response», «Sugesto pedia», Пимслернинг тил ўргатиш методи, Илона Давидованинг экспресс методи.

Аннотация: в данной статье анализируются реформы, осуществленные в сфере образования за последние годы, социальная потребность в обучении иностранным языкам и деятельность центров формального и неформального изучения языков. На основе зарубежного опыта рассматриваются авторские методики преподавания иностранных языков в системе высшего образования.

Ключевые слова: иностранный язык, информационно-коммуникационные технологии, формальное образование, неформальное образование, языковые портфели, гипнопедия, «Silent way», «Total-physical response», «Сугестопедия», метод обучения языку Пимслера, экспресс-метод Илоны Давыдовой. .

Abstract: this article analyzes the reforms carried out in the field of education in recent years, the social need for teaching foreign languages and the activities of formal and informal language learning centers. On the basis of foreign experience, author's methods of teaching foreign languages in the system of higher education are considered.

Key words: foreign language, information and communication technologies, formal education, non-formal education, language portfolios, hypnopedia, «Silent way», «Total-physical response», «Sugestopedia», Pimsleur language teaching method, Ilona Davydova's express method.

Таълим соҳасидаги амалга оширилган ислохотлар жараёнининг ўзига хос бўғини сифатида чет тилларни мамлакат ёшларига ўргатиш кун тартибидаги долзарб вазифалар сирасига кирди. Бу масалаларни ечишда, бир томондан, қардош халқлар вакиллари ва республикада яшаётган халқларнинг тилларини ўқитишни сақлаб қолиш, уларни кучайтириш ва кенгайтириш, иккинчидан эса, жуда катта қизиқиш уйғотган хорижий тилларни, хусусан Ғарб ва Шарқ халқлари тилларини ўқитишни кучайтириш йўлидан борилмоқда. Ўзбекистонда таълим тизими етти тилда олиб борилади. Улар: ўзбек, рус, қарақалпоқ, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман тиллари. Қарийб 90 фоиз мактабларда ўқиш ўзбек тилида олиб борилади. Мамлакатимизда 5,5 фоиз мактабларда ўқиш – рус тилида, 2,5 % – қорақалпоқ тилида, 2 фоиз – тожик тилида, 0,4 % – қирғиз тилида, 0,2 фоиз – туркман тилида олиб борилади. Таълим жараёни шундай қурилганки,

ўқувчилар ўз она тили билан биргаликда, бир неча бошқа чет тилларини ўрганиш имкониятига ҳам эгадирлар. Шунинг учун кенг аҳоли қатламлари ичида ўз она тилидан ташқари, рус тили ва бир неча хориж тилларини билганлар сони кундан кун кўпайиб бормоқда.

Инглиз тилини ўқитиш ва бу тилни кенг миқёда ўрганилиши мазкур тилни жаҳон илм-фани, иқтисодиёти, маданиятида етакчи бўлган мулоқот воситасига эгалик қилишни англатади. Шу нуқтаи назардан, ушбу тилни ўқитишда замонавий таълим методларини қўлланилиши долзарбдир. [2] Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майда «Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштиришни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора тадбирлари тўғрисида»ги қарори [1] бизнинг мамлакатимизда ҳам бу борада ишлар янги босқичга кўтарилганини ҳамда жамиятимизни дунё ҳамжамиятига интеграциялашуви сари изчил одимлаётганини англатади.

Умуман олганда, замонавий таълим ва тил ўргатиш методларини қўллаш замонавий инглиз тилини ўқитиш методикасининг сезиларли ривожланишини англатади. Дарҳақиқат, замонавий методлар асосида инглиз тилини тезкор (интенсив) ўқитиш талабаларнинг ўқитувчилар билан ижобий алоқаларини кучайтиради ва инглиз тилини ўрганишни рағбатлантириш хусусиятларини ҳам ўзида намोёни эта олади. Инглиз тилини тезкор (интенсив) ўқитишда замонавий технологиялардан фойдаланиш инглиз тилини ўқитиш билан бевосита боғлиқ бўлган ва керакли мақсадларга эришишга олиб келадиган усуллар, воситалар, материаллар, мосламалар, тизимлар ва стратегияларнинг инновацион қўлланилишини ўз ичига олади.

Шу билан бирга, мамлакатда расмий таълим тизими билан биргаликда республиканинг барча ҳудудларида норасмий ва ноформал хорижий тилларни ўқитиш, уларда ўқувчиларни чет тиллари бўйича тестлар топширишга тайёрлаш, ёки ўқувчиларнинг тил малакасини ўстириш марказлари кўплаб очилди ва улар кенг фаолият олиб бормоқда. Шунингдек, кўпчилик хорижий давлатларнинг элчихоналари қошида ҳам тил ўқитиш марказлари очилган бўлиб, улар истак билдирганларни ўз мамлакати тилига ўқита бошлади. Мана шундай тил марказлари Германиянинг DAAD, Кореянинг KOICA, Япониянинг JICA, Исроилнинг MASHAW, Ҳиндистон маданият маркази, АҚШнинг EDUCATIONAL EXCHANGE PROGRAM, Буюк Британиянинг BRITISH COUNCIL каби ташкилотлари, уларда ташкил қилинган ресурс марказлар, маданият марказлари, кутубхоналар, интернет материаллари, тьюторлик хизматлари, стажировкалар ва хорижий элларга танлов асосида ўқишга юбориш хизматлари, шунингдек Хитой, Франция ва бошқа давлатлар элчихоналарида ташкил қилинган тил марказлари фаолият олиб бормоқда. Элчихоналар таркибида тиллар бўйича турли танловлар, хорижий стажировкалар ўтказиш анъанага айланган [3].

Хориж тажрибаларини ўрганиш мобайнида олий таълим тизимида ўқитувчилар томонидан чет тилларни ўргатиш борасида бир қанча методикалар яратилган. Шулардан бири – “Тил портфеллари” деб номланади.

Тил портфеллари. 2010-2011 йилларда таҳсил олувчиларнинг чет тилларни ўзлаштиришларига қулайлик туғдириш мақсадида махсус тил портфеллари методикаси Евроиттифоқ амалиётига киритилган эди. Ҳозирда мана шундай тил портфеллари кенг ривож топмоқда. Яъни, ҳар бир ўқувчининг хорижий тил бўйича ўқиган ва ишлаб чиққан материаллари мазкур портфелга жамланади.



Бу тил портфелларининг энг муҳим жиҳати шундаки, ўқувчи мустақил равишда ўзининг тил билиш динамикасини қузатиб бориши, зарур ўринларда тил билиш малакасини кучайтириш зарурлиги англаш имконияти туғилади. Тил портфеллари кейинчалик ўқувчининг мустақил ўқув воситасига айлана боради ҳамда унинг ўқиш ва таълим олиш жараёнига бевосита алоқадорлиги, манфаатдорлигини таъминловчи бош унсурга айланади [4].

Гипнопедия (қадимги грек – *ύπνος* уйқу ва *παιδεία* ўқитмоқ сўзларидан олинган) табиий уйқу шароитида маълум бир ахборотларни мияга етказиш ва узатиш методикаси. Ахборотларни узатиш бирор бир шахс, ёки магнит лентаси орқали юборилади [5]. Гипнопедияга нисбатан икки қарама-қарши муносабат мавжуд. Бир томондан, баъзи олимлар унинг имкониятларига жуда ишонмасдан, шубҳа билан қарайдилар. Иккинчи турдаги олимлар эса, гипнопедия ахборот технологиялари ривожига билан ахборот узатишнинг энг мақбул, кам харж, сифатли ва самарали усули бўлиб қолишига комил ишонч билдирадилар. Бироқ бугунги кунда гипнопедиянинг кенг ва турли предметларни ўқитишдаги ўрни ҳақида гапиришга ҳали эрта. Аслида уйқуда маълум бир ахборотларни ухлаётган одам тафаккури ва хотирасига узатиш амалиёти қадимдан мавжуд бўлган. Масалан, қадимга йогалар ва фақирлар Ҳиндистонда, лебашлар Эфиопияда, шунингдек, будда монахлари бу усулни кўп қўллаганлар. Замонавий илмда эса усулни биринчи бор 1923 йилда АҚШда Д.А.Финней томонидан Пенсаколадаги денгиз мактабида қўллаганлиги ҳақидаги ахборотлар расмий газеталарда сақланиб қолган. Собиқ Совет Иттифоқида бу усул билан махсус шуғулланишган. Шу боис, 1936 йилда А.М.Свядош амалий тажрибалар ўтказган. Гипнопедияга нисбатан сўнгги энг йирик қизиқишлардан бири ўтган асрнинг 50-60 йилларида пайдо бўлди. Гипнопедия тарафдорларидан бири киевлик олим Леонид Близниченко инглиз тилидаги сўзларни эслаб қолишда гипнопедиянинг имкониятларини таҳлил қилиб чиққан. Бу масалада кўпроқ эътибор хорижий тил фонетикасига, яъни, тўғри талаффуз қилиш имкониятларига қаратилган. Киев Олий муҳандислик радиотехник билим юртида ташкил қилинган тажриба-синов ишлари асосида талабаларда инглиз тили фонетикаси бўйича муаммолар бўлмаган ва ўқувчилар лексикасини ўрганиш ва хотирада сақлаб қолишга жуда тез ва энгил ўрганганлар. Гипнопедияга бўлган замонавий баҳо шундан ибратки, унинг усулларини чет тилини бир бошдан ва тамомила ўрганишда мазкур методни қўллаб бўлмайди, бироқ тафаккур ости ва хотира билан боғлиқ равишда мазкур методикани қўшимча усул сифатида қўллаш мумкин. Яъни, гипнопедия хорижий тилларни шунчаки ўргатувчи метод эмас, балки хорижий тилни ўрганишда унинг товушлар ва лексик қатламини билиш, қабул қилишни энгиллаштирувчи усул саналади.

«Silent way» (жимлик методи) ўтган асрнинг 60-йилларида вужудга келган. Бу усулда хорижий тилга табиий имконият сифатида қаралади. Чунки ҳар бир инсонда барча тилларга бўлган тил ўрганиш қобилияти мавжуд бўлади. Тил ўрганиш қобилияти инсонларда табиий равишда мавжуд бўлади. Шунга кўра, агар инсон хорижий тилни ўрганмоқчи бўлса, унга ҳалақит бермаслик, балки унга шарт-шароит яратиб бериш зарур бўлади. Шу боис, мазкур метод тарафдорлари фикри бўйича чет тили ўқитувчиси ўқувчининг имкониятларини рўёбга чиқаришга шарт-шароит яратиши даркор, билакс ўқувчини бошқариши эмас. Мазкур метод бўйича ўқувчининг узоқ вақт “жим” ўтиришига имкон яратилади. У ўзи гапириб кетмагунича, ундан гапириш талаб этилмайди. Бу гўдакларнинг ўз она тилида гапириб кетиши шарт-шароитига ўхшаб кетади.

Чунки гўдаклар ҳам гарчи бировларнинг барча гапларини тушунсалар ҳам узоқ вақт ўзлари гапирмайдилар. Шу билан бирга, ўқитувчи ҳам гапирмайди. Балки сўзларнинг турли символларини кўрсатиш орқали тил бойлиги кўпайтирилади. Символлар кейинчалик сўзлар билан узвий боғлиқликда хотирада сақланиб қолади.

«Total-physical response» (жисмоний жиҳатдан ахборотга нисбатан таъсир кўрсатиш методи). Мазкур методнинг талабига биноан боланинг шууридан ўзидан ўтказилмаган ҳар қандай ахборот хотирада сақланиб қолмайди. Шу боис ҳам хорижий тилни ўрганиш учун тил ахборотини инсон ўз шууридан ўтказиши лозим. Шунга кўра, аввал талаба етарли ҳажмдаги хорижий тил бўйича ахборотлар билан қуроолантирилади. Кейин, қарийиб йигирма соат талаба фақат берилган ахборотлар мажмуасидан иборат хорижий тил материални мунтазам эшитиб боради. Шундан сўнггина, талабадан олинган ахборотларга нисбатан жисмоний жавоб бериш талаб этилади. Жавоб бериш тана ҳаракатлари орқали кечади. Масалан, “Stand up!” дейилганда талабалар туради, “Sit down!” дейилганда талабалар ўтиради. Бинобарин, узоқ вақт талаба аввал эшитиб, кейин ўз ҳаракатлари орқали ахборотни ўзлаштириб олганидан сўнггина мана шу ахборот билан фаол муносабатлар ўрнатилади. Мазкур методда талабалар кейинчалик нафақат ўқитувчи билан, балки фаол тарзида ўзаро ҳам кенг мулоқотга киришадилар.

«Sugesto pedia» – хорижий тил материалига чуқур кириб бориш методи. Мазкур метод ўтган асрнинг 70-йилларидан кенг тарқала бошлади. Мазкур метод тарафдорларининг фикрига кўра, инсон ҳар қандай бошқа хорижий тилни ўрганиши мумкин. Агар у мана шу тил ўрганиш жараёнида бошқа одамга айланса. Яъни, гуруҳдаги барча талабалар ўзларига янги, хорижий тил мамлакатига доир исмларини қабул қиладилар, ўзлари учун янги биографияларни ўйлаб чиқарадилар. Янги тил мамлакатига яшашни фантазия қила бошлайдилар. Шу боис, талабаларда иллюзия, яъни янги мамлакатда яшаётган янги инсон қиёфаси вужудга келтирилади. Бу янги мамлакатда гапириш, яшаш лозим, гапиришни эса ўрганиш даркор. Бу яратилган эркинлик шароитида талабаларнинг тил ўрганиш имкониятлари жуда кенгайди, улар эркин мулоқотга киришганидан сўнг эса, ўз кучларига ишонч бир неча баробар ортади.

Пимслернинг тил ўргатиш методи (Пол Пимслер) асосий тўрт категориядан иборат бўлган тизимга асосланади. Улар – антиципация, тизимланган интервал такрорлар, сўз ядроси ва чекланган таълим. Антиципация асосида ўқувчи хорижий тил материални бир вақтнинг ўзига ҳам кўради, ҳам эшитади, ҳам талаффуз қилишга ўрганади, ҳам ўз хотирасида уни жонлантиришга уринади. Мазкур метод асосидаги дарсликлар Pimsleur Language Programs маркази томонидан ишлаб чиқилиб Simon & Schuster нашриёти томонидан нашр қилинади. Ҳар бир дарс 30 минутлик кассетада жамланган аудио-дарсдан иборат. Бугунги кунда мазкур метод асосида турли коммуникацион ишланмалар кенг қўламда ишлатилади. Улар ичида аудио ва видео кассеталар, интернетга жойланган очиқ дарслар, CD дисклар мавжуд. Пимслернинг методи кўпчилик замонавий методлар каби кўпроқ хорижий тилда сўзлашиш ва мулоқот қилишга ўргатади, лекин ўқувчи диққатини хорижий тилда ёзиш ва ўқиш малакаларига йўналтирмайди.

Илона Давидованинг экспресс методи. Мазкур метод Россияда 1990-йиллардаги ижтимоий ҳаётда ҳозиржавоблик билан яратилган методлардан бири саналади. Унда кассеталар, яъни, аудио ёзувларни эшитиш асосида тил

малакалари шакллантирилади. Уларда турли мавзуларга оид тил материаллари эшитиш учун тақдим этилади. Ҳозирда мана шундай материалларнинг янги ахборот технологиялари асосида ҳам эшитиш, ҳам талаффуз этишга асосланган аналоглари ишлаб чиқилган. Бунда такрорлаш асосида хорижий тил материалларини мунтазам эшитиш тил малакаларининг маълум даражада шаклланишига олиб келади. Бу метод кўпроқ хорижий тил лексикаси даражасини оширишни истаган ўқувчилар учун мос келади.

Таҳлиллардан маълум бўлдики, хорижий тилларни ўқитиш жараёнини мутлақо замонавий омилсиз ташкил этиб бўлмайди. Шу сабабли хориждаги самарали методикаларни ўрганиш ва шу асосда ўқитувчининг инновацион педагогик фаолиятини миллий кадрларга таянган ҳолда ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, хорижий тилларни ўрганишни ташкил қилишнинг амалдаги тизимини таҳлил этиш шунини кўрсатмоқдаки, таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва дарсликлар замон талабларига, хусусан, илғор ахборот ва медиа-технологиялардан фойдаланиш борасидаги талабга тўлиқ жавоб бермапти. Таълим асосан анъанавий услубларда олиб борилмоқда. Таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларни узлуксиз ўрганишни ташкил қилиш, шунингдек, ўқитувчилар малакасини узлуксиз ошириш ҳамда таълим жараёнини замонавий ўқув-услубий материаллар билан таъминлашни ҳар томонлама такомиллаштириш тақозо этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19.05.2021 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5117-сон қарори, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 20.05.2021 й., 07/21/5117/0472-сон.

2. Жуманова, Г.А. 2022. Инглиз тилини ўқитишда ақлли технологияларни қўлланилишининг аҳамияти. Архив научных исследований . 2, 1 (апр. 2022).

3. Норимова Г. А. Олий таълимда замонавий таълим тренди-стриминг технологиясининг илмий методик тавсифи //Международный Журнал ИСКУССТВО СЛОВА. – 2021. – Т. 4. – №. 2.

4. Мосина М. А., Красильникова Н. А. Языковой Портфель как инновация современного иноязычного образования //Молодой ученый. – 2014. – №. 11. – С. 398-401.

5. Кононок А. С. ГИПНОПЕДИЯ КАК ВСПОМОГАТЕЛЬНЫЙ МЕТОД ИЗУЧЕНИЯ ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ //Теория и практика обучения иностранным языкам: Традиции и перспективы развития. – 2019. – С. 131-136.

ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИ ОРҚАЛИ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЖИСМОНИЙ СИФАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022>.

Юлдашев Алишер Ахрорович

“Факультетлараро жисмоний маданият ва спорт” кафедраси
ўқитувчиси. Бухоро давлат университети

Аннотация. Мақолада ўқувчиларининг жисмоний сифатларини ривожлантиришида халқ ўйинларининг тутган ўрни ҳаракатли ўйинлари методик жиҳатидан тўғри ўтказишида болалар ривожланишига таъсири айрим ҳаракатларда у ёки бошқа машқларни бажаришида элементар ҳаракат малакаларини эгаллашлари тўғрисида фикр юритилган.

Калит сўзлар: Мактаб, ўқувчи, ҳаракат, ўйин, халқ, методик, бола.

Жисмоний тарбия ўйинларида ҳаракатли ўйинлар жисмоний тарбияни бошқа воситалари ўртасида катта ўринни эгаллайди, айниқса кичик синфларда. Ўрта ва хусусан катта синфларда ҳаракатли ўйиналр асосий жойини гимнастикага бўшатиб беради. Жисмоний тарбия дарсларида ҳаракатли ўйинлар I-XI синф ўқувчилари учун жисмоний тарбия дастури талабларига мос равишда таълимий, тарбиявий ва соғломлаштириш вазифаларини ҳал этиш учун фойдаланилади.

Таълимий вазифаларга қуйидагилар киради:

Югуриш, сакраш, улоқтириш ва бошқа ҳаракатни табиий малакаларини мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришида, шунингдек гимнастика, енгил атлетика, спорт ўйинлари ва кросс тайёргарлиги машғулотларида эгаллаган малакаларидир.

Тарбиявий вазифаларга қуйидагилар тегишли:

Жисмоний сифатларни тарбиялаш (тезликни, чакқонликни, чидамликни, кучни, эгилувчанликни) жамоатчиликни ростгўйликни ва бошқа ахлоқий, шунингдек ва иродавий сифатларини тарбиялаш киради.

Соғломлаштириш вазифаларига қуйидагилар киради: болалар организмни нормал шакллантириш ва ривожлантиришга ёрдам бериш, уни саломатлигини мустаҳкамлашдан иборат. Ўйинни танлаш ўқитувчини дарс олдида қўйилган педагогик вазифасига боғлиқ бўлади. Масалан, агарда дарсни вазифаси - кичик мактаб ёшидаги болаларда, югуруб келиб узунликка сакраш малакасини такомиллаштириш қўйилган бўлса, унда «Бўри зовурда» ўйинидан фойдаланилса бўлади. Кўкракдан коптокни отиш ва уни юқоридан икки қўллаб олиш малакасини мустаҳкамлаш вазифасини ҳал этиш учун «Тўпни узатдингми - ўтир» ёки «Қарама - қарши» эстафета ўйинидан фойдаланиш мумкин [3].

Талимий вазифани ҳал этишда бир вақтни ўзида жисмоний сифатни такомиллаштириш, жамоада ўқувчиларни жисмоний ривожланишига тасир этишини ҳам назарда тўтилади.

Тарбиявий ва таълимий вазифа бир – бири билан ўзаро чамбарчас боғлиқдир. Худди шундай, масалан, ўйинда баландликка сакраш малакасини такомиллаштиришда ўқувчиларга ўзларининг кучларига ишонишни, жасурликни, ботирликни тарбиялайди. Шунинг учун вазифасини қўйишда битта ўқув – тарбиявий жараёнини ҳар хил томонларини ҳисобга олинади.

Дарс учун ҳаракатли ўйинларни танлашда, шунингдек ўқувчиларнинг таркибига (ёшига, жинсига, тайёргарлигига), манъулотни ўтиш жойига (майдонча, зал, каридор), асбоб –анжом ва жихозларга боғлиқ бўлади. Бир ва

худди шундай педагогик вазифани хал этишда, иш шароитига боғлиқ ҳамда, ҳар хил ўйинлардан фойдаланиш мумкин.

Худди шундай, масалан, 1-2 синф ўқувчилари билан ўйналадиган ўйинда ўз олдига ҳаракат реакцияси тезлигини тарбиялаш – вазифаси қўйилганда, «Ҳамма ўз байроқчасига» (агарда машғулот майдонча ёки залда бўлса), ёки «езда ўз жойига» (агарда машғулот каридода ёки залда ўтказилса) ўйиндан фойдаланиш мумкин. Дарс олдидан – тўпни отиш ва илиб олишни тақомиллаштириш вазифасини қўйиб, 3-4 синфларни дарсларига «Узатдингми – ўтир», «Овчилар ва ўрдакалар», «Ўйин бошига тўпни берма», 5-6 синф учун дарсда эса «Тўп ўртадагига», «Отишма», «Тўп учун кураш» ўйинларини киритиш мумкин. Ўйинда маълум малакани эгаллаш учун кўпроқ мураккаб вазиятни талаб қилади: қоидалар сонини ошириш уни мураккаблаштириш ўйинчиларни ўзаро биргаликдаги ҳаркатини мураккаблаштиришдир. Ҳар бир ўйин қатнашчиларидан маълум сифат, малака ва кўникмаларни талаб қилади.

Бу мумкин эмас, масалан, ўқувчиларига «Тўпни илиб олиш» ўйинини берилса, агарда улар тўпни отиш ва илиб олиш, тўпни олиб юриш, ҳаракат тезлигини, рақиб билан бир-бирига яқинлашганда тўпни ушлаб олишни ўша минимал ҳажмдаги эгилиш учун жуда зарурдир [2].

Математика дарсларида ўқувчиларда мантиқий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш учун ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятининг натижаси дидактик жараённинг мақсади, ўқув материалининг мазмуни, ўқитиш шакл, метод ва воситаларининг тўғри ва оқилона белгиланганлиги ҳамда танланганлигига боғлиқ бўлиб, мантиқий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш муваффақиятли амалга ошириш учун фаол таъсир этувчи омилларнинг мавжуд бўлиши талаб этилади.

Математика фанини ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг мантиқий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш мезонлари қуйидаги кўринишда намоён бўлади:

1. Тафаккурнинг мустақиллиги;
2. Ўқув материални ўзлаштиришнинг тезлиги ва мустаҳкамлиги;
3. Стандарт бўлмаган вазифаларни ҳал қилишда зеҳн (фикрлашнинг) тезлиги;

4. Ўрганиб чиқилаётган физик ҳодиса қонунларларининг мазмунига чуқур кириб бориш (муҳим бўлган назарияни муҳим бўлмаган назариядан ажрата билиш);

5. Фикрлашдаги танқидийлик.

Математика дарсларида ўқувчиларнинг мантиқий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш мақсади ва мазмуни ўзаро биргаликдаги ҳаракат мутаносиблигида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Таълим жараёнидаги ўзаро ҳамкорлик натижасида ўқувчиларнинг узлуксиз ривожланишлари ва ўқув-билув фаолиятининг эркин, инсоний муносабатлар ва демократия тамойилларига асосланганлиги кафолатланади.

Математика дарсларида ўқувчидан: 1) ижтимоий жиҳатдан мослашиш ёки вазиятни ташкил этиш жараёнида фаол ижодий фаолият кўрсатиш; 2) ўз фаолиятини мустақил ташкил этишга асосланган ижодкорлик, таълим олиш, ўрганиш, ўз-ўзини тарбиялаш педагогик фаолиятнинг мақсади сифатида талаб этилади.

Математика дарсларида ўқитувчининг таълим-тарбиявий фаолияти босқичма-босқич, ўзаро тенг имкониятларга эга бўлган ҳамкорлик асосида ташкил этилади.

Шундай қилиб, ўқувчилар мантиқий фикрлаш кўникмаларига эга бўлишлари учун математикани ўқитишда методларнинг интуитив, мантиқий, гносеологик ва практик томонлари бир бутун деб қаралади.

Ўқувчиларда мантиқий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш учун йўналтирилган топшириқлардан фойдаланиш кўп ҳолларда лойиҳалар методини, тадқиқот методини, дастурлаштириш ва муаммоли ўқитиш методларидан фойдаланишни тақозо этади.

Ўқувчиларда математикага оид билимларини кенгайтиришда дидактик методларнинг методологик асосларини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эгадир. Ўқитиш мақсадларига эришиш йўлидаги фаолият усуллариининг реал бойлигини кўрсатиш, ўқитувчилар ихтиёридаги ўқитиш методларининг бой хазинасини оммалаштириш илғор технологиялардан фойдаланиш бу борадаги саъй-ҳаракатларни юқори поғоналарга кўтарилишига замин ҳозирлайди.

Маълум босқичларда методларнинг янги гуруҳлари ажралиб чиқади.

Математикани ўқитишни модернизациялаш жараёнида ўқитиш методларининг аҳамияти методологик умумий тан олинган жараён ҳисобланиб, математика дарсларида ўқувчиларда мантиқий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга асос бўлади.

Интерактив методларнинг афзаллиги, самарадорлиги шундаки, дарсларда ўқувчилар ғоялар, қарашлар ва берилган баҳсларга ўз фикрларини билдирибгина қолмай, балки ўқувчиларнинг улкан маълумот салоҳиятларини фаоллаштириш ва ўқув жараёнидаги ижобий вазифага тааллуқли мусобақада ўз кучидан тўла фойдаланишни тақозо этади: гуруҳнинг интеллектуал кучи бир ўқувчининг интеллектуал кучи микдоридан доимо юқори бўлади.

Интерактив ўқитиш методи аудиторияда шериклик атмосферасини яратиш учун аниқ имкониятларга эга. У яхши дарс ўтишнинг тайёр рецепти бўлмасдан, мазкур ўқитиш методига асосланган таълим технологияси ўқитувчини ижодий муаллифдоши тартибида ишлашга ўргатади. Натижада ўқувчи ҳаётнинг, ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай ўзгаришларига кўра ўзининг стандарт бўлмаган хулоса ва қарорларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш малакасини эгаллайди.

Амалиётда интерактив методни қўллаш мулоқотни амалга оширишнинг

ортишидир. Бундай ҳолатнинг муҳим шартларидан бири физика соҳасига оид шахсий тажриба тўплашдир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, интерфаол методларнинг афзаллиги, самарадорлиги шундаки, дарсларда ўқувчилар ғоялар, қарашлар ва берилган баҳсларга ўз фикрларини билдирибгина қолмай, балки ўқувчиларнинг улкан маълумот салоҳиятларини фаоллаштириш ва ўқув жараёнидаги ижобий вазифага тааллуқли мусобақада ўз кучидан тўла фойдаланишни тақозо этади: гуруҳнинг интеллектуал кучи бир ўқувчининг интеллектуал кучи микдоридан доимо юқори бўлади.

Интерактив ўқитиш методи аудиторияда шериклик атмосферасини яратиш учун аниқ имкониятларга эга. У яхши дарс ўтишининг тайёр рецепти бўлмасдан, мазкур ўқитиш методига асосланган таълим технологияси ўқитувчини ижодий муаллифдоши тартибида ишлашга ўргатади. Натижада ўқувчи ҳаётнинг, ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай ўзгаришларига кўра ўзининг стандарт бўлмаган хулоса ва қарорларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш малакасини эгаллайди.

Амалиётда интерактив методни қўллаш мулоқотни амалга оширишнинг ортишидир. Бундай ҳолатнинг муҳим шартларидан бири физика соҳасига оид шахсий тажриба тўплашдир.

Мантикий фикрлаш мотивацияси – ўқувчи фикрлаш дунёсининг субъектив томони бўлиб, у ўзининг ташаббуслари ва имтиёзлари, у амалга ошираётган мантикий фикрлаш эҳтиёжлари билан белгиланади. Мавзу бўйича ўқитиш фақат қизиқиш билан асосланиши мумкин эмас, чунки ўқувчиларнинг қизиқиши асосан хаотик кўринишдаги баҳс – мунозара, фикр алмашиниш ва мустақил фикр билдириш орқали намоён бўлади.

Адабиётлар

1. РГ Сафарова, ФИ Юсупова. 1–9-синфларнинг ҳар бири учун ўқувчиларда ўзаро дўстона муносабатларга асосланиб ҳамкорликда фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш жараёнининг мазмуни. https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=eN8GPmgAAAAJ&cstart=20&pagesize=80&citation_for_view=eN8GPmgAAAAJ:_FxGoFyzp5QC

2. Сафарова Рохат Гайбиллаевна Основы компетентного подхода к содержанию начального образования // Образование через всю жизнь: непрерывное образование в интересах устойчивого развития. 2015. №13. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/osnovy-kompetentnosnogo-podhoda-k-soderzhaniyu-nachalnogo-obrazovaniya> (дата обращения: 09.05.2022).

3. РГ Сафарова. Возможности расширения познавательной деятельности учащихся средствами технологии обучения. http://www.manpo.ru/manpo/publications/ped_obraz/n2016_03.pdf#page=120

4. Сафарова, Р. Г. Учащиеся как активные творческие субъекты образовательного процесса в условиях модульного обучения / Р. Г. Сафарова, Н. С. Сабирова // Образование через всю жизнь: непрерывное образование в интересах устойчивого развития : материалы 14-й международной конференции, Санкт-Петербург, 03–05 июня 2016 года. – Санкт-Петербург: Ленинградский государственный университет им. А.С. Пушкина, 2016. – С. 219-222. – EDN XQTQND.

ТРАНСФОРМАЦИЯ РУССКИХ И УЗБЕКСКИХ ПАРЕМИЙDOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022>.

Чутбаева Азиза Баходир кизи,

Узбекский Государственный университет мировых языков, Факультет
Русской филологии кафедра русского языка и методики преподавания
Преподаватель

Аннотация. Данная статья посвящена анализу семантических и структурных особенностей некоторых русских и узбекских пословиц. Приведены эквиваленты некоторых пословиц на изучаемом языке для их интерпретации на другом языке, чтобы выявить несколько важных новаторских способов перевода и сопоставления их особенностей в русском и узбекском языках. Результаты и примеры этой работы могут помочь выявить некоторые различия в значениях русских и узбекских пословиц и узнать некоторые их особенности.

Пословица (от латинского «*proverbium*» — пословица) — общеизвестное, повторяющееся и конкретное изречение с законченным высказыванием; они выражают истину, основанную на здравом смысле или практическом опыте людей. Выдающийся лингвист В. Мидер в своей книге дает определение пословице: «Пословица — это короткое, общеизвестное в народе изречение, содержащее мудрость, истину, мораль, традиционные взгляды в метафорической, устойчивой и запоминаемой форме и являющееся передаваемое из поколения в поколение» [1, с. 27].

Из определения видно, что пословицы обычно основаны на метафоре и имеют переносное значение. Хотя некоторые ученые дают множество определений понятия пословицы, определение Мидера считается лучшим среди них. Ведь пословица – это не простая единица языка, а готовое предложение, которому придают метафорический смысл слова мудрости или традиционные мысли народа или нации. Кроме того, они созданы не только человеком за короткий промежуток времени. Пословица является продуктом определенного народа как народная поговорка в течение значительного длительного времени. Они передаются из поколения в поколение как рамки или модели типичных ситуаций человеческой жизни. Ч. К. Дойл предлагает исследовать их как минимальные народные поэмы [2, с. 4] в литературе,

Узбекский фольклор и языкознание изучают пословицы как свои объекты. Некоторые ученые в своих работах отмечали, что основной причиной изучения пословиц в фольклоре является их традиционность. Несомненно, фольклорные единицы традиционны и повторяются; как отмечает Н. Р. Норрик, они «рассматриваются как не имеющие авторов, без источников, а также как нелитературные, ненаучные» [2, с. 10]. Пословицы владеют этими чертами, но не полностью. Однако они исследуются и как фольклорная единица и дифференцируются от пословиц, клише, идиом, афоризмов, веллеризмов, суперстанций, максим и лозунгов.

Лингвистика также различает пословицы от идиом и фраз; кроме того, анализировать их как предложения, предложения, разговорные обороты, речевые акты и т. д. Пословица рассматривается как фразеологическая единица с переносным значением в языкознании и приравнивается к предложению по законченному высказыванию, которое они могут образовать в речи.

При этом их разнообразная экспрессивность и эмоциональность явно

подмечаются в процессе разговора. Поэтому пословицы могут наглядно представлять речевую ситуацию.

Как известно, пословицы, как правило, употребляются в каких-то практических, прагматических целях в различных обстоятельствах повседневного общения. С помощью пословицы мы можем стремиться высказать утверждения и мнения, что-то предсказать, выразить сомнение, кого-то в чем-то упрекнуть, кого-то в чем-то обвинить, оправдать или извинить кого-то, предостеречь от чего-то, что-то посоветовать или запретить кому-то делать что-то и т. так далее и так далее. Немыслимо рассматривать пословицу вне таких прагматических функций [1, с.50].

К сожалению, паремиологи имеют пока лишь смутные представления о функциях пословиц. Более того, пословица лежит как раз где-то на границе между языком и фольклором и разделяет свои функции с ними обоими, и нельзя сказать, что существует заметное совпадение представлений разных авторов о функциях языка или фольклора. Мы принимаем здесь более простую и распространенную шкалу, а именно набор из трех степеней:

Мы полагаем, однако, что эта шкала должна соответствовать характеру пословицы, и она имеет, между прочим, то достоинство, что оперирует достаточно общими понятиями и позволяет рассматривать совокупность ее подфункций (или функциональных аспектов) как единое целое. Система. Упомянутые функциональные аспекты находятся в определенной связи с грамматическими наклонениями предложения. Отсюда может возникнуть иллюзия, что пословицы можно классифицировать функционально прямо на основании их «поверхностных» грамматических наклонений, так что пословицы с констатирующей (назначательной, информативной) функцией представлены изъявительными предложениями, а с нормативной (предписывающей, вызывающей) функцией. функции, соответственно, с повелительными предложениями. Эта иллюзия, однако, тут же разбивается о два осложнения:

Оценочная (эмотивная, экспрессивная) функция не имеет отдельного или отчетливого проявления (или «поверхностного эквивалента») в виде какого-либо грамматического наклонения. По утверждению ряда авторитетов, всякое словесное высказывание выполняет не только одну функцию, в противном случае бесконтекстная пословица, как и любое другое высказывание, функционально неопределенно.

Место пословиц, поговорок и крылатых выражений по отношению к устойчивым выражениям является спорным вопросом. Пословица – это короткое знакомое эпиграмматическое изречение, выражающее народную мудрость, истину или нравственный урок в сжатой и образной форме. Пословицы имеют много общего с устойчивыми выражениями, так как их лексические компоненты также постоянны, их значение традиционно и в основном образно, и они вводятся в речь в готовом виде. Вот почему некоторые ученые вслед за В.В.

Виноградов считает, что пословицы необходимо изучать вместе с фразеологическими единицами. Другие, как Ж. Касарес и Н. Н. Амосова, считают, что если они регулярно не входят в состав других предложений, то включать их в систему языка ошибочно, поскольку они являются самостоятельными единицами общения. Н. Н. Амосов даже считает, что оснований считать их частью фразеологии не больше, чем, например, загадки и детские счеты. Эта точка зрения вряд ли приемлема, особенно если мы не согласны с узкими рамками фразеологии, предложенной этим автором [2, с.101].

Что же касается довода о том, что во многих пословицах значение составных

частей не претерпевает особых изменений по сравнению со значением тех же слов в свободных сочетаниях, то следует указать, что в этом отношении они не отличаются от очень многих устойчивых выражений. , особенно те, которые эмоционально нейтральны. Другая причина, по которой пословицы следует рассматривать вместе с устойчивыми выражениями, заключается в том, что они часто составляют основу устойчивых выражений. Например; последняя соломинка ломает спину верблюда: последняя соломинка; утопающий будет хвататься за соломинку: хвататься за соломинку; бесполезно запирает дверь конюшни, когда украден конь: чтобы запереть дверь конюшни, «примите меры предосторожности, когда несчастный случай, который они должны предотвратить, уже произошел». И устойчивые выражения, и пословицы иногда разделяются и изменяются в юмористических целях, как в следующей цитате, где пословица «Не все то золото, что блестит» сочетается с намеком на устойчивое выражение «золотой век». Это будет век не золота, а, по крайней мере, блеска.

Что касается фамильярных цитат, то они отличаются от пословиц своим происхождением. Они происходят из литературы, но мало-помалу они становятся частью языка, так что многие люди, использующие их, даже не знают, что они цитируют, и очень немногие могут точно назвать пьесу или отрывок, на котором они рисуют, даже если они знают об этом. используя цитату из Шекспира. Например: Что-то прогнило в Датском королевстве; Краткость — душа остроумия.

Цитаты из классических источников когда-то были признанной чертой публичной речи: «Времена меняются, и мы меняемся вместе с ними», «Бойтесь греков, даже принося дары». Сейчас они даже считаются дурным тоном, потому что непонятны людям без классического образования. Итак, когда оратор отваживается произнести такую цитату, он спешит ее перевести. Тем не менее ряд классических тегов сохранился в образованной речи многих стран. Есть известные фразы, например, по этой особой причине; «добросовестно».

Давая этот обзор русских устойчивых выражений, мы обратили особое внимание на тот факт, что предмет очень сложный и что разные ученые рассматривали его по-разному. Каждый подход и каждая классификация имеют свои преимущества и недостатки. Выбор, который делает человек, зависит от конкретной проблемы, которую он имеет в виду, и даже в этом случае многое еще предстоит изучить в будущем. Вероятно, неразумно воображать, что пословица могла бы сказать свое слово о вещах, которые не имеют социальной значимости или актуальности, или в безальтернативных ситуациях, или что она могла бы утверждать что-то со всей полнотой.

Проблема определения пословицы, кажется, так же стара, как и интерес человека к ней. Люди, которые сознательно использовали их или начали собирать их в древности, очевидно, нуждались в том, чтобы отличать пословицы от других гномических приемов, таких как афоризмы, максимы, афоризмы, цитаты и т. д. Ян Фредрик Киндstrand рассмотрел некоторые из этих ранних попыток определения в своей увлекательной статье «The Греческая концепция пословиц».

Следующая предварительная типология опирается на материал английских пословиц. Критерии классификации следующие:

«нормальность» против противоречивости или «разорванности»

буквального смысла текста пословицы;

- наличие или отсутствие семантической трансформации (тропа);
- тотальность против частичности семантической трансформации.

Пословицы в традиционном русском обществе отличаются от пословиц западных обществ тем, что они являются культурным наследием низшего класса общества и, следовательно, не разделяются высшим классом, который использовал в качестве своего культурного носителя форму местного языка. Хотя есть некоторые пословицы, заимствованные из других языков, большинство русских пословиц были созданы простыми людьми в качестве уроков и жизненных ориентиров для себя.

Пословицы часто имеют копрологические и ругательные отсылки, отражающие грубый и неотесанный уклад жизни. Простые люди использовали пословицы, чтобы описать внутренние мысли о своих трудностях, чтобы предостеречь от жизненных опасностей, выразить свое недовольство притеснениями правящего высшего класса и выразить радости жизни. Короче говоря, пословицы наиболее показательно раскрывают реалии жизни низшего класса. Пословицы в этом смысле функционируют как важные социальные документы. То, что отражено в этих пословицах, показывает, насколько бедными были простые люди, кем были эти бедные вульгарные люди, как они боролись за выживание в трудных обстоятельствах и какова была их жизненная философия. Это случайные отрывки из русских пословиц, которые обычно изображают жизнь простых людей. Они показывают изображение бедняка, который не любит богатых мужчин, и кто ненавидит благородный, правящий класс. Хотя он всегда становится жертвой, он втайне жаждет тех дней, когда сможет отомстить.

Русские пословицы, являющиеся частью традиционной культуры, теряют свое условное значение. Пословица раньше была формой коллективного сознания и развивалась в своем языке на основе традиционных опытов. Передача пословиц была неотъемлемой частью культуры и предпосылкой образования и формирования личности. Однако эти прошлые пословицы были изгнаны из образования. Более того, пословица даже находится на грани исчезновения. Пословица осталась просто информацией, которая индивидуалистична, но вовсе не императивна и не социальна.

ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА

1. Мидер В. Международная стипендия пословиц. Нью-Йорк: Издательство Гарленд, 1993. С.

2. Готхардт Х.Х., Варга М.А. (ред.) Введение в паремиологию: полное руководство по изучению пословиц. Берлин: Де Грюйтер, 2014. С. 2-10.

**JISMONIY TARBIYA DARSLARI JARAYONIDA O'QUVCHILARNI
HARAKAT FAOLIYATIGA O'RGATISH USULLARI**DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022>.*Ибрагимов Алишер Кароматович**Buxoro davlat universiteti dotsenti*

Maqolada jismoniy tarbiya jarayonida bolalarni harakat faoliyatiga o'rgatishning usullari va bolalarni harakat faoliyatiga o'rgatishda qo'llaniladigan metodik usullar haqida fikr yuritilgan.

Tayanch tushunchalar: Jismoniy tarbiya, ta'lim, tarbiya, metod, bola, mashg'ulot, harakat, usul.

**МЕТОДИКА ОБУЧЕНИЯ СТУДЕНТОВ ПОДВИЖНОЙ
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В ПРОЦЕССЕ ЗАНЯТИЙ ФИЗИЧЕСКОЙ
ВОСПИТАНИЕМ***Ибрагимов Алишер Кароматович,**Доцент Бухарского государственного университета.*

В статье рассматриваются методические приемы обучения детей физической активности в процессе физического воспитания и методические приемы, применяемые при обучении детей физической активности.

Ключевые слова: Физическое воспитание, образование, воспитание, метод, ребенок, упражнения, движение, метод.

**METHODS OF TEACHING STUDENTS FOR MOVEMENT
ACTIVITIES IN THE PROCESS OF PHYSICAL EDUCATION CLASSES***Ibragimov Alisher Karomatovich,**Associate Professor of Bukhara State University*

The article discusses the methodological methods of teaching children physical activity in the process of physical education and the methodological methods used in teaching children physical activity.

Key words: Physical education, education, upbringing, method, child, exercise, movement, method.

Har bir alohida metod vazifasi va uni hal etishga bir xil yondashish jihatdan birlashadigan xilma-xil usullarning butun bir kompleksi.

Usul-metodning bir qismi, uni to'ldiruvchi va konkretlashtiruvchi detal. O'qituvchining xilma-xil usullarni qo'yilgan vazifalarga muvofiq kompleks, ijodiy qo'llanishining ta'lim jarayonini boyitadi, uni individuallashtiradi, bir xillikka barham beradi.

Bolalarni harakat faoliyatiga o'rgatish jarayonida metodik usullar har bir alohida holatda harakat materialining vazifalari va mazmuni, uni o'quvchilar tomonidan o'zlashtirish darajasi, ularning umumiy rivojlanishi, jismoniy holati, har bir bolaning yosh va tipologik xususiyatlariga ko'ra tanlanadi.

Shu ma'noda ta'lim usullari bir tomondan o'quvchilar vazifalarni idrok qilayotganda barcha analizatorlarga har tomonlama ta'sir etishni, ikkinchi tomondan o'quvchining harakat vazifalarini ongli va mustaqil bajarishini ta'minlovchi turli birikmalarda kombinatsiyalanadi. O'quvchilarni harakatlarga o'rgatishda usullarning



birikuvi ularning o‘zaro harakati bilan belgilanadi. O‘qituvchi tomonidan ko‘proq ko‘rgazmali metodga oid usullarning qo‘llanilishi, masalan harakat namunasini ta‘limning barcha bosqichlarida va turli yosh gruppalarida (bu ba‘zi praktikada uchraydigan turadi) ko‘rsatish mashqlarini o‘quvchilar tomonidan mexanik tarzda, tushunmasdan taqlidan bajarishga olib kelishi mumkin.

Bunday holda ko‘proq o‘quvchining idrok organlariga ta‘sir etish uning idrokini boyitadi, ayni paytda zarur aqliy jarayonni susaytiradi, muayyan mashqning barcha elementlarini mantiqiy izchillikda ongli tarzda eslab qolishga yordam bermaydi, ba‘zan o‘quvchini keyinchalik mashqni ixtiyoriy bajarish imkoniyatidan mahrum etadi.

Biroq o‘quvchining yosh imkoniyatlarini hisobga olmagan holda ko‘proq faqat og‘zaki usuldan foydalanish ham uni harakatlarni obrazli idrok etishdan, sezgilarning ishonchliligidan, konkret obrazli tafakkur protsessidan mahrum etadi. Shuning uchun o‘qituvchi o‘quvchilarni to‘g‘ri harakatlarga o‘rgatishda ta‘limning yuqori darajasiga erishishga intilib ta‘limning turli usullari: ko‘rgazmali, og‘zaki va amaliy usullaridan o‘zaro aloqadorlikda foydalanadi. Shunday qilib, u bolalarning har tomonlama rivojlanishiga, mashqlarning ular tomonidan ongli o‘zlashtirilishiga, muayyan sharoitlarda ularni mustaqil va ijodiy qo‘llashga yordam beradi. O‘quvchilarni harakatlarga o‘rgatishda ko‘rgazmalilikning turli usullaridan foydalaniladi. Yaqqol ko‘rish usullari harakat yoki ayrim harakat elementlarining tarbiyachi tomonidan to‘g‘ri va aniq namoyish etilishidan; tevarak-atrofdagi hayot ko‘rinishlariga taqlid qilishdan; masofani bosib o‘tishda mo‘ljallanishdan foydalanish; ko‘rgazmali qo‘llanmalar-kinofilmlar, kinogrammalar, teleeshittirishlar, suratlar va hokazolardan foydalanishdan iboratdir. Taktil- muskul ko‘rgazmaliligi o‘quvchilarning harakat faoliyatiga jismoniy tarbiya qo‘llanmalarini kiritish bilan ta‘minlanadi.

Masalan, tizzani baland ko‘tarib yugurish ko‘nikmasini hosil qilish maqsadida ketma-ket qo‘yilgan yoy shaklidagi darvaozachalar qo‘llaniladi. Yugurish paytida oyoqni bu to‘siqlar osha ko‘tarib o‘tish o‘quvchining tizzani baland ko‘tarish ko‘nikmasini egallashiga yordam beradi. Bundan tashqari predmetlar o‘quvchiga yo‘l qo‘yilgan xatosini his qilish va tushunish imkonini beradi. O‘quvchi ongida o‘qituvchining “darvaozachaga tegib ketmaslik” haqidagi topshirig‘ining saqlanib qolishi xato qilayotgan paytda teri muskul sezgisi bilan bog‘lanadi va bola o‘z harakatining noto‘g‘riligini o‘zi aniqlay oladi.

Taktil-muskul ko‘rgazmaliligi o‘quvchi gavdasining alohida qismlarini boshqaruvchi o‘qituvchining bevosita yordamida ham ifodalanadi (masalan, qad-qomatni to‘g‘ri muskul tonusi sezgisini uyg‘otadigan yo‘l tekkazish orqali rostlash). Biroq, o‘qituvchining bunday yordami qisqa muddatli bo‘lishi lozim. Aks holda muayyan dinamik stereotipni hosil qilishga xizmat qiluvchi doimiy qo‘zg‘atuvchilar sistemasidagi signal ahamiyatiga ega bo‘lib qolishi mumkin. Keyinchalik ko‘nikma og‘zaki ko‘rsatmalar yordamida mustahkamlanadi.

Yaqqol eshitish usullari harakatlarni ovoz orqali boshqarishga asoslanadi. Cholg‘u musiqasi va ashula eng yaxshi eshitish ko‘rgazmasi hisoblanadi. Ular o‘quvchilarda estetik his va emotsional ko‘tarinkilik uyg‘otadi, harakat xarakterini belgilaydi, uning sur‘ati va ritmini boshqaradi [2].

Shunday qilib, ko‘rgazmalilik usullari o‘quvchining harakatlarni to‘g‘ri idrok qilishi va tasavvur etishi, hissiy ongining kengayishiga, harakatlarni bajarishda o‘z-o‘zini nazorat qilishning vujudga kelishiga, harakatlar sur‘ati va ritmini eshitish orqali boshqarishga, sensor qobiliyatining rivojlanishiga xizmat qiladi.

Harakatlarga o‘rgatishdagi og‘zaki usullar quyidagilarda ifodalanadi:

o'quvchilarga ulardagi mavjud hayotiy tajriba va tasavvurga tayangan holda yangi harakatlarni aniq, qisqa bir vaqtda bayon etish va tushuntirishda; harakatlarni konkret ko'rsatish yoki uning ayrim elementlarini aniqlash asnosidagi sharhda; o'qituvchi tomonidan ko'rsatilgan harakatlarni qayta bajarishda yoki mashqlarni o'quvchilar mustaqil bajarishlarida zarur bo'ladigan ko'rsatmalarda; yangi jismoniy mashqlar va harakatli o'yinlarni joriy qilish yoki harakatlarni o'rgatishda ularni tushuntirish, harakatli o'yin sjojeti va hokazolarni aniqlashtirish talab etilganda oldindan o'tkaziladigan suhbatda; o'qituvchi jismoniy mashqlarning bajarilishidan oldin harakatlarni bajarish izchilligini anglash darajasini aniqlash yoki syujetli harakatli o'yinlar obrazlari haqidagi tasavurning bor-yo'qligini tekshirish, qoidalarni, o'yin harakatlari va hokazolarni aniqlashtirish maqsadida o'quvchilarga beradigan savollarida.

Bundan tashqari ko'rsatib o'tilgan usullar turli komandalar, farmoyish va signallarni aniq, emotsional va ta'sirchan tarzda berishda ham ifodalanadi. Qofiyali tekstlarning musiqiyliigi va ritmliligi o'quvchilarda emotsional ruh uyg'otadi, natijada bu qofiyalar ular tomonidan oson o'zlashtiriladi va keyinchalik mustaqil o'yinlarda foydalaniladi.

Psixolog va pedagoglarning tadqiqotlari 4,5 va ayniqsa 6 yoshli bolalar o'zlariga mos turli harakat faoliyatining vazifa va shartlarini tushunib olishda etarli tayyorgarlikka ega ekanliklarini ko'rsatmoqda. Bu harakat ko'nikmalarini shakllantirishda og'zaki ta'sir etish usullaridan keng foydalanish imkonini beradi. Ular faqat ko'nikmalarni egallash sur'atini emas, balki sifatini ham oshiradi.

“Bola rivojlanishining keyingi bosqichlarida og'zaki ta'sir etish tizimi yordamida avvalgi taassurotlar izlarining yangi birikma va kombinatsiyalarda jonlanishi yoz beradi. Bundan asosan birinchi bor sof og'zaki ko'rsatma va tushuntirishlar yordamida yangi muvaffaqiyat aloqa o'rnatish, yangi bilim va ko'nikmalar hosil qilish imkoni tug'iladi”.

Maktab yoshida harakat ko'nikmalarini shakllantirish ko'p jihatdan bolaning mashq mazmuni va strukturasi, ya'ni uning barcha elementlarini qaysi izchillikda va qanday bajarish kerakligini anglash darajasiga bog'liq bo'ladi.

Shunday ekan, o'qituvchi tomonidan berilgan namunaga quruq taqlid qilishga yo'l qo'yib bo'lmaydi. Bunda harakat ko'nikmalarining o'quvchilar tomonidan o'zlashtirilishi jarayoni ko'pincha mexanik tarzda kechadi. Ana shunday hollarda o'quvchilar yozaki qaraganda mashqlarni durust bajaradilar. Biroq mashq tugagandan so'ng o'quvchidan qanday harakat qilish kerakligi so'ralganda ko'pchilik hollarda u bu savolga aniq javob bera olmaydi. To'g'rirog'i, o'quvchi javob berish o'rniga harakatni qayta bajara boshlaydi.

P.F.Lesgaft: “Agar o'quvchi biror bir mexanik metodni uning ayrim usullarining ma'nosini mutlaqo tushunmay o'zlashtirar ekan, u mexanik tarzda harakat qiladi-u mazkur metodni muayyan bir vaziyatga tatbiq eta olmaydi”, deb yozgan edi. P.F.Lesgaft ta'rificha, “harakat haqidagi tasavvur” gavdaning harakatlanuvchi qismlari, harakat amplitudasi, yo'nalishi, tezligi, tarangligi va boshqa harakat komponentlari haqidagi tasavvurdan kelib chiqadi. Shunday ekan, bunday hollarda o'quvchida gavdaning harakatlanuvchi qismlarining o'zi his etadigan barcha tarkibiy qismlari bilan mujassamlashgan obrazi vujudga keladi.

O'quvchilar mashqlarni og'zaki topshiriqqa asosan bajarib bo'lishgach, o'qituvchi uning alohida elementlarining to'g'ri bajarilgani mazkur holat uchun zarur bo'lgan ko'rsatma, ko'rgazmali namoyish, tushuntirish kabi usullarning istalgan bittasi orqali aniqlaydi. Bu bolalar tomonidan anglab olingan topshiriqni amaliy tekshirish orqali

aniqlashga xizmat qiladi.

Harakat faoliyatiga o'rgatishning yoqorida keltirilgan metodikasi professor A.I.Puni tadqiqotlariga tayanadi. Unda tasavurning harakat ko'nikmalarini shakllantirish va harakatning mashq qildiruvchi ta'sirining roli ochib berilgan. Bu psixologiyada "ideomotor reaksiyasi" deb ataladigan o'ziga xos jarayonda ifodalanadi.

Ideomotor reaksiyalar o'z asosida I.P.Pavlovning mashhur qonuni bilan quyidagicha ta'riflanadi: "Agar muayyan bir harakat haqida o'yladingizmi, Siz uni beixtiyor, o'zingiz sezmaganda holda bajarasiz". Kishi o'zicha harakatni tassavur qilganda uning bosh miya pqsitlog'ida kinestezik hujayralarning markaziy qo'zg'olish jarayoni vujudga keladi. Bu shuni ko'rsatadiki, mazkur harakatni amalda bajarish paytida paydo bo'lgan va mustahkamlangan muvaqqat nerv bog'lanishlari tizimining jonlanishi yuz beradi.

Tashqi qo'zg'otuvchi rolini o'ynovchi so'z markaziy qo'zg'olishning sababi bo'lishi mumkin. Harakat topshirig'ini berish paytida aytilgan so'z harakat mazmuni va strukturasi tasavvur qilishga yordam beradi. Boshqa paytda bu so'z kishining mazkur harakatni bajarish haqidagi o'z fikrini ifodalasa ahamiyatsiz bo'lishi mumkin. U ham kinestezik hujayralarning qo'zg'olishini vujudga keltiradi. Kishida bu harakatni bajarishga doir paydo bo'ladigan tasavvur ana shuning natijasidir.

Mashqlarni egallashda aloqalar hosil qilinadi, har qanday, jumladan, mashqlarni xayolan takrorlaganda ham bu aloqalar sayqalashadi, natijada mashqlarni amaliy bajarish ham yaxshilanadi (A.TS.Puni) [1].

O'qituvchi bularning barchasini hisobga olib, o'quvchilarda harakat faoliyatining turli usullari ko'nikmalarini shakllantirish jarayonida foydalanadi.

Chunonchi, o'quvchilarni harakatlarga o'rgatish jarayonida ko'nikmalarining shakllanishi stabil darajaga etganda va bolalar turli harakatlarni mustaqil bajarishlari kerak bo'lganda o'qituvchi ulardan biriga bu harakatni ayni paytda bajarmagan holda uning izchilligini eslab so'zlab berishni taklif qiladi.

O'quvchi harakatlar izchilligini eslar ekan, masalan, shunday deydi: "Avval tayoqchani yoqoriga ko'tarib, unga qaraladi, so'ng uni ko'tarilgan o'ng tizzaga tushiriladi, keyin esa yana yoqoriga ko'tariladi va pastga tushiriladi". Dastlab bolalar odatda o'z hikoyalarini muayyan harakatlari bilan birga olib boradilar. Bunday hollarda so'z va bir vaqtdagi harakat xotiraning ko'rish-harakat tasavvuri ifodasi hisoblanadi va o'quvchining bu tasavvurga nisbatan javob reaksiyasini osonlashtiradi. Ba'zan o'qituvchi barcha o'quvchilarga harakatlarni eslashni, ya'ni nima qilishlarini o'zlaricha tasavvur etishni taklif qiladi.

Ta'limning bunday usullari harakatlar haqidagi tasavurning vujudga kelishiga yordam beradi. Bu tasavvur harakatlarning o'quvchilar tomonidan to'g'ri bajarilishi, ularning ishtiyoqi, emotsional holati, diqqatining jamlanganligi va barqarorligi bilan mustahkamlanadi.

Mazkur usullardan muntazam foydalanilganda bolalar o'qituvchining harakatlarni albatta bajarib ko'rsatib berishini kutmaydilar: ular diqqatlarini topshiriqni tushuntirishga qaratadilar, so'ng mashqni to'g'ri, ishonch bilan mustaqil bajaradilar.

O'qituvchi keyinchalik og'zaki usullardan yangi mashqlarni o'rganishda foydalanishi mumkin. Har qanday yangi harakatda bolalarga avvaldan tanish elementlar mavjud bo'ladi, shuning uchun u mohiyatan faqatgina tanish elementlarning yangi kombinatsiyasi hisoblanadi.

Uzluksiz shug'ullanish natijasida barcha o'quvchilar o'qituvchining talablarini muvaffaqiyatli o'zlashtiradilar, bu talabalarga amaliy harakatlar bilan to'g'ri, ongli tarzda javob qaytaradilar. Bolalar og'zaki topshiriqlarni yaxshi tushunadilar va ularni harakatga aniq tatbiq etadilar.

Keyinchalik bolalar biror-bir harakatning murakkab bo'lmagan variantini taklif etishlari va o'zlariga tanish harakat elementlaridan yangi kombinatsiya tuzishlari mumkin.

O'quvchilarning javob reaksiyasi doimo turli individual xususiyatlarga molik bo'lib, u o'quvchining umumiy rivojlanishi, uning nerv tizimi xususiyatlari, diqqatini jamlash darajasiga bog'liq bo'ladi.

O'quvchilarda harakat ko'nikmalarini shakllantirishning bayon etilgan jarayoni o'quvchining psixik va jismoniy tayyorgarligiga mos keladi.

O'quvchilarda harakat ko'nikmalarini shakllantirishning boshlang'ich bosqichida o'qituvchi tomonidan beriladigan og'zaki topshiriqlarning juda aniq, lo'nda bo'lishi hal qiluvchi rol o'ynaydi.

Harakat haqidagi tasavvurni shakllantirish jarayonida bu tasavvurlarning to'g'riligini kuzatib borish zarur. Bu haqida harakat faoliyatini og'zaki bayon etish va konkret harakatlarga qarab fikr yoritish mumkin. Tasavvurning mashq qildiruvchi ta'siri boladagi o'z harakatlarini mustaqil boshqarish qobiliyatida va ularni bajarish sifatining yaxshilanishida ko'rinadi.

O'quvchilar tomonidan harakat (butun harakat faoliyati) mazmunining anglanishi uning harakat ko'nikmalarini to'g'ri va birmuncha tez shakllantirishga, ijodiy aktivlikning rivojlanishiga, harakatlarni yangi vaziyatlarda muvaffaqiyatli qo'llashga yordam beradi.

O'quvchilarni o'rgatishda ko'rgazmali va og'zaki usullarning maqsadga muvofiq qo'shib olib borilishi, ularning o'zaro bog'liqligi bir tomondan harakatlarni idrok etish va qayta bajarishning konkretligi va obrazlilikini, ikkinchi tomondan bolalar bajaradigan harakatli topshiriqlar-ular mazmuni va har bir harakat faoliyatining barcha elementlari izchilligini ongli tushunilishini ta'minlaydi. "Faqat tushunarli narsani qayta bajarish mumkin. Bunda eshitilgan narsa bosh rol o'ynaydi", - deb ta'kidlagan edi I.M.Sechenov [1].

Bolalarni harakatga o'rgatishda ko'rgazmali va og'zaki usullar bilan o'zaro bog'liq turli amaliy usullar kompleksidan foydalanadi. U mashqlarni, harakatli o'yinlardagi ayrim rollarni, boshqaruvchi rolini bajarib ko'rsatadi, o'quvchilarni topshiriqlarga jalb qilib va namuna ko'rsatib ularni musobaqalarda qatnashishga rag'batlantiradi: masalan, kim harakatli topshiriqni tezroq, yaxshiroq, to'g'rirog' bajaradi; u musobaqa hakami, jamoa kapitani rollarini bajarib, ularning o'yinchilarga nisbatan qabul qiladigan qarorlarini, o'zini qanday tutish va qanday hatti-harakat qilishni ko'rsatadi.

Amaliy faoliyatni tashkil etayotib, butun ta'lim jarayonini mashg'ulotning vazifalari, mazmuni, strukturasi muvofiq rejalab oladi. U o'quvchilarga frontal ta'lim beradi; tanish harakatlarni takomillashtirish maqsadida ularni gruppalariga bo'ladi, mustaqil harakat qilishni taklif etadi; o'quvchilarga mashqlarni o'rgatayotib, uni bir necha marta takrorlaydi va butun mashq jarayonini rejalagan holda o'zgartiradi; bolalarni ijodiy izlanishga rag'batlantirib, mashqlarni, harakatli o'yinni o'zgartirish, ularning variantlarini tuzish, yangisini o'ylab topish kabi topshiriqlarni beradi [2].

O'quvchi ta'lim jarayonida har bir yosh bosqichida katta bilim va amaliy ko'nikmalarni egallab boradi. Shuning natijasida harakatlarning mustaqilligi, egallangan ko'nikmalarni o'yin va hayotda qo'llanishdagi topqirlik kuchaya boradi.

O'qituvchi o'quvchilarning amaliy faoliyatiga rahbarlik qilar ekan, bola aqliy kamolotida ta'limiy vazifalarni amalga oshirishni ham unutmaydi. U o'quvchilarda ularga beriladigan harakatli topshiriqlarga nisbatan juda barqaror qiziqish va emotsional munosabatning vujudga kelishi hamda saqlanishi haqida g'amxo'rlik qiladi. Bu topshiriqlar bajarilishi uchun zarur qarorni izlashga yo'naltirilgan

tafakkur aktivligini talab qiladi. (Masalan, yurish, yugurish va sakrashlarni navbati bilan bajarishda quyidagi topshiriq beriladi: harakatlarni almashtirish uchun signal formasini o‘ylab topish, ularni almashtirib turish tartibini taklif etish va nega undiq emas, bundoq bajarish sabablarini keltirish va boshqalar).

Tajriba shuni ko‘rsatadiki, o‘quvchilarga bunday mashqlar (elementlar va bajarilishi oson mashqlar), shuningdek ularni egallangan bilim va harakat ko‘nikmalari (harakatlar texnikasi va ularni bajarish usullari, fazoda mo‘ljallash olish, mashg‘ulotlarda harakatlarning almashinib turishi va hokazo) asosida qiziqarli hal qilish taklif etilganda ular aktivlik va ishtiyoq namoyon qilishlarini ko‘rsatmoqda. Ko‘rsatib o‘tilgan topshiriqlar aqliy va ijodiy aktivlikning rivojlanishiga, tashkilotchilik ko‘nikmalarini ko‘zlab, maqsadli harakat qilishga, topqirlik va atrof-muhitda mo‘ljallashni bilishni tarbiyalashga xizmat qiladi [5].

Adabiyotlar

1. Колобов В.А. /Лёгкоатлетическое дедуатиборье, – Т.: 2013 г.
2. Шакиржанова К.Т., Тухтабоев Н.Т., /Основы техники, методики обучения в беге на короткие дистанции, – Т.: 2012 г.150 с
3. Ibragimov A. K. DEVELOPING THE PROFESSIONAL COMPETENCE OF TEACHERS AS A PEDAGOGICAL PROBLEM //E-Conference Globe. – 2021. – С. 333-338.
4. Karomatovich I. A. METHODS OF TEACHING CHILDREN FOR MOVEMENT ACTIVITIES IN THE PROCESS OF PHYSICAL EDUCATION // Web of Scientist: International Scientific Research Journal. – 2022. – Т. 3. – №. 1. – С. 242-249.
5. Ibragimov A. K. Catalog of training tasks for training special endurance of young girl handball players. *Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal*. Year: 2020, Volume: 10, Issue: 11. P: 486-492. DOI: 10.5958/2249-7137.2020. 01410. X.

UMUMTA'LIM O'RTA MAKTABLARDA KIMYO FANIDAN MASALALARNI ZAMONAVIY TA'LIM TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA YECHISH USLUBIYOTI

*Xudoynazarova Gulbahor Akievna,
Buxoro davlat universiteti, Umumiy va noorganik kimyo kafedrasida dotsenti*

*Murodova Shaxnoza Ibod qizi
Buxoro davlat universiteti, Umumiy va noorganik kimyo kafedrasida magistranti*

Annotasiya: Maqolada umumta'lim o'rta maktablarda kimyo fanidan masalalarni zamonaviy ta'lim texnologiyalar, ya'ni "Miqdorni oshir" va "Zinama - zina" asosida yechish uslubiyoti ko'rsatilgan.

Kalit so'zlar: ta'lim texnologiyalar, ta'lim tizimi, "Miqdorni oshir", "Zinama - zina" usullari.

Аннотация: В статье показана методика решения вопросов химии в общеобразовательных средних школах на основе современных образовательных технологий, то есть «Увеличивай размер» и «По ступенькам».

Ключевые слова: Образовательные технологии, система образования, методы «Увеличивай размер», «По ступенькам»

Abstract: The article shows the methodology for solving chemistry issues in secondary schools based on modern educational technologies, that is, «Increase the size» and «By steps»

Keywords: educational technologies, education system, methods «Increase size,» «By steps»

Mamlakatimizda kimyo va biologiya fanlarini rivojlantirish, ushbu yo'nalishlarda ta'lim sifati va ilm-fan natijadorligini oshirish maqsadida 2020 yil 12 avgustda Prezident Shavkat Mirziyoev «Kimyo va biologiya yo'nalishlarida uzluksiz ta'lim sifatini va ilm-fan natijadorligini oshirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi Qarorini qabul qildi. Qarorda ta'kidlaganidek, "Umumta'lim maktablaridagi kimyo va biologiya fanlarini o'qitish sifati bugungi davr talablariga javob bermasligini, o'qitish metodologiyasi va laboratoriyalar ma'nau eskirganligini, o'qituvchilarning mehnatini munosib rag'batlantirish mexanizmlari joriy qilinmaganligini alohida qayd etish zarur" [1-3].

Ta'lim tizimini tubdan isloh etish o'quvchi – yoshlarmizning ongi tafakkur va dunyoqarashini o'zgartirish, kelajagiga bo'lgan ishonchini oshirishning eng muhim omili va mustahkam asosiga aylantirishda o'qituvchilarning ham hissasi katta hisoblanadi.

Umumta'lim o'rta maktablarng 7 sinf kimyo fanidan masalalarni zamonaviy ta'lim texnologiyalar asosida yechish uslubiyotini yaratdik. 7 sinf kimyo fanining 1 bobi "Kimyoning asosiy tushuncha va qonunlar"ga bag'ishlangan bo'lib, dastlab o'qituvchi o'quvchilarga shu bob bo'yicha nazariy bilimlarni beradi. So'ngra bobga doir masalalar yechish darsini tashkil etadi. Buning uchun kimyo darsligida berilgan masalalarni o'qituvchining o'zi echib ko'rsatish jarayonida "Miqdorni oshir" va "Zinama - zina" ta'lim texnologiyalardan foydalanadi. Masalan, quyidagi masalani yechishda "Miqdorni oshir" ta'lim texnologiyasini qo'llash mumkin.

1- masala. Quyidagi moddalarning molyar massalari ortib borish tartibida joylashtiring.

Fe_2O_3 , Fe_3O_4 , CaCO_3 , Na_2SO_4

Yechish:

Buning uchun har bir moddaning molekulyar massalari hisoblab topiladi.

$$M_{r(\text{Fe}_2\text{O}_3)} = 56 \cdot 2 + 16 \cdot 3 = 112 + 48 = 160$$


$$M_{r(\text{Fe}_3\text{O}_4)} = 56 \cdot 3 + 16 \cdot 4 = 168 + 64 = 232$$

$$M_{r(\text{CaCO}_3)} = 40 + 12 + 16 \cdot 3 = 40 + 12 + 48 = 100$$

$$M_{r(\text{Na}_2\text{SO}_4)} = 23 \cdot 2 + 32 + 16 \cdot 4 = 46 + 32 + 64 = 142$$

Har bir moddaning molekulyar massalari hisoblab topilgach “Miqdorni oshir” ta’lim texnologiyasi asosida moddalarni tartib bilan qo‘yib chiqiladi.

Demak,



Mustaqil yechish uchun masalalar:

1. Al_2O_3 , MnO_2 , H_2SO_4 , $\text{Ca}(\text{OH})_2$
2. $\text{Ca}_3(\text{PO}_4)_2$, $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$, P_2O_5 , KNO_3
3. Cu_2O , H_2CO_3 , KClO_3 , SiO_2
4. KMnO_4 , NaNO_3 , ZnS , CuSO_3

O‘qituvchi guruhni 4 ta guruhga bo‘lib, mustaqil yechish uchun masalalar guruhlarga tarqatadi.

2 - masala. 19,6 g sulfat kislota, natriy nitrat, kaliy permanganat, alyuminiy oksid va bariy gidroksidlarning modda miqdorlarini oshib borish tartibida joylashtiring.

Yechish:

Dastlab har bir moddaning molekulyar massalari hisoblab topiladi va masala shartiga binoan berilgan massa orqali moddaning miqdori aniqlanadi.

$$M_{r(\text{H}_2\text{SO}_4)} = 98 \quad n = \frac{19,6}{98} = 0,2 \text{ mol}$$


$$M_{r(\text{NaNO}_3)} = 85 \quad n = \frac{19,6}{85} = 0,23 \text{ mol}$$

$$M_{r(\text{KMnO}_4)} = 158 \quad n = \frac{19,6}{158} = 0,12 \text{ mol}$$

$$M_{r(\text{Al}_2\text{O}_3)} = 102 \quad n = \frac{19,6}{102} = 0,19 \text{ mol}$$

$$M_{r(\text{Ba}(\text{OH})_2)} = 171 \quad n = \frac{19,6}{171} = 0,114 \text{ mol}$$

Demak, miqdorni oshir bo'yicha quyidagi tartibda joylashtiriladi:




Mustaqil yechish uchun masalalar:

1. 20 g mis (I) – oksid, bertole tuzi, kalsiy gidroksid, kaliy nitrat, alyuminiy gidroksid
2. 15 g kalsiy fosfat, marganets (IV) – oksid, ammoniy xlorid, bariy oksid, rux gidroksid
3. 25 g ammoniy sulfat, mis(II)- xlorid, kremniy (IV)- oksid, temir (II)-fosfat, natriy gidroksid
4. 30 g karbonat kislotasi, kaliy fosfat, bariy nitrat, oltingugurt (VI)- oksid, temr (III)-gidroksid

Murakkab moddalar tarkibidagi elementlarni massa ulushini hisoblashga doir masala

3 - masala. Quyidagi mineral o'g'itlarning qaysi birida azotning foiz ulushi ko'pligini aniqlab, miqdorning ortishi bo'yicha joylashtiring.



Yechish:

Dastlab har bir moddaning molekulyar massalari hisoblab topiladi.

$$M_{r(\text{NaNO}_3)} = 85 \quad \omega = \frac{14}{85} \cdot 100 = 16,47\%$$


$$M_{r(\text{KNO}_3)} = 101 \quad \omega = \frac{14}{101} \cdot 100 = 13,86\%$$

$$M_{r(\text{NH}_4\text{NO}_3)} = 80 \quad \omega = \frac{28}{80} \cdot 100 = 35\%$$

$$M_{r((\text{NH}_4)_2\text{SO}_4)} = 132 \quad \omega = \frac{28}{132} \cdot 100 = 21,21\%$$

$$M_{r(\text{CO}(\text{NH}_2)_2)} = 60 \quad \omega = \frac{28}{60} \cdot 100 = 46,46\%$$

Demak,



Mustaqil yechish uchun masalalar:

1. Quyidagi fosforli o'g'itlarning tarkibidagi fosforning foiz miqdorini toping
Fosforit uni ($\text{Ca}_5(\text{PO}_4)_3\text{F}$)
Oddiy superfosfat ($\text{Ca}(\text{H}_2\text{PO}_4)_2 \cdot \text{CaSO}_4$)
Qo'sh superfosfat (CaHPO_4)
Pretsipitat ($\text{CaHPO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$)
2. Quyidagi kaliyli o'g'itlarning tarkibidagi kaliyning foiz miqdorini toping
Silvinit $\text{KCl} \cdot \text{NaCl}$
Kaliy xlorid KCl
Kaliy sulfat K_2SO_4
3. Quyidagi kompleks o'g'itlarning tarkibidagi kaliy, fosfor va azotning foiz miqdorlar yig'indisini toping
Ammofos – $\text{NH}_4\text{H}_2\text{PO}_4, (\text{NH}_4)_2\text{HPO}_4, \text{NH}_4\text{H}_2\text{PO}_4$
Nitrafoska – $\text{CaHPO}_4, \text{NH}_4\text{NO}_3, \text{KCl}$

Moddalar tarkibidagi elementlarning miqdoriy nisbatlari aniq bo'lganda modda formulasini topish bo'yicha masalalarni "Zinama - zina" usulidan foydalanish mumkin.

4 - masala. Tarkibida 2,4% vodorod, 39,1% oltingugurt va 58,5% kislorod bo'lgan birikmaning formulasini, tarkibidagi har bir elementning valentligini, modda qaysi sinfga mansubligini, har bir elementning davriy sistemadagi o'rnini va shu moddaning grafik formulasini yozib ko'rsating.

Yechish:

$$1) \quad \text{H} - 2,4\% - x \quad x : y : z = \frac{2,4}{1} : \frac{39,1}{32} : \frac{58,5}{16} = \frac{2,4 : 1,22 : 3,65}{1,22} = 2 : 1 : 3$$

S - 39,1% - u Demak, moddaning formulasi H_2SO_3


O - 58,5% - z

2) H - I valentli; S - IV valentli; O - II valentli;

3) Topilgan modda kislota sinfga mansub

4) H - davriy sistemaning I guruh elementi, tartib raqami 1, atom massasi 1ga teng; S - VI guruh elementi, tartib raqami 16, atom massasi 32ga teng; O - VI guruh elementi, tartib raqami 8, atom massasi 16ga teng;

Masala echimlarini quyidagi "Zinama - zina" usuli bo'yicha joylashtiriladi



Xulosa qilib aytganda, umumta'lim o'rta maktablarning 7 sinf kimyo darslarida kimyoviy masalalarni yechishda "Miqdorni oshir" va "Zinama - zina" ta'lim texnologiyalaridan foydalanish o'quvchilarning masala yechish qobiliyatlarini rivojlantirib, kimyo fanidan olgan nazariy bilimlarini mustahkamlashga imkon yaratadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Sh.Miziyoyev. Oliy va o'rta maxsus ta'lim tizimiga boshqaruvning tamoyillarini joriy etish chora – tadbirlari to'g'risida. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Qarori. Ma'rifat gazetasi, 2019 yil 13-iyul, №54

2. Kimyo: Umumiy o'rta ta'lim maktablarning 7 – sinfi uchun darslik/I. R.Asqarov, N.X.To'xtaboev., R.G.G'opirov: I. R.Asqarovning umumiy tahririyati ostida. – 2 nashr. – T.: "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi" Davlat ilmiy nashriyoti, 2014.- 160b

3. Xudoynazarova G.A. Kimyo fanini o'qitishda qo'llaniladigan innavasion texnologiyalar. Uslubiy qo'llanma. Vuxoro. "Durdona" 2020. 160 b

4. Худойназарова Г.А., Бозорова М.А. Худойназарова Ш.А. Кимё дарсларнинг самарадорлигини оширишда дидактик ўйинларнинг аҳамияти. International scientific conference "Recent issues of modern science" Сборный научных трудов. Выпуск 10. Часть 2. Переяслав-Хмельницкий 2017. 26-27 феврал. С.107-110

KOMPETENSIYAVIY YONDASHUVLAR ASOSIDA METROLOGIYA, STANDARTLASHTIRISH VA SERTIFIKATLASHTIRISH FANINI O'QITISH

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022>.

Bozorova Munira Shavkatovna

Buxoro davlat universiteti Texnologik ta'lim kafedrası 2-bosqich magistri

Аннотация: Ushbu maqolada metrologiya, standartlashtirish va sertifikatlashtirish fanini kompetensiyaviy yondashuvlar asosida o'qitishning metodologiyasi va uning pirovard natijalari tahlil etilgan. Bugungi kunda ta'lim jarayonida interaktiv metodlarni qo'llashga katta e'tibor qaratilmoqda va bu metodlar an'anaviy o'qitishga ko'ra samaradorligi yuqoriligi bilan o'zini oqlamoqda. Interaktiv metodlarning juda ko'p turlari ishlab chiqilgan bo'lib, barchasi qay darajada talabalarning ilm olishida fanlarni puxta o'zlashtirishlari uchun xizmat qiladi. Ayniqsa oliy ta'lim o'quv yuklamalardagi fanlarning asosiy qismini mustaqil ta'lim tashkil etayotgan bugungi kunda o'qituvchilarning mustaqil ta'limni tashkil etishi, nazorati ba baholashda inobatga olishi bo'yicha samarador tizim ishlab chiqilmagan. Mustaqil ta'limni tashkil etish va baholash bo'yicha ishlab chiqilgan mavjud tizimlar bugungi kun talablariga javob beraolmaydi. Shu sababli maqolada oliy ta'limda umumkasbiy fanlaridan biri bo'lgan metrologiya, standartlashtirish va sertifikatlashtirish fanidan mustaqil ta'limni interaktiv metodlardan foydalangan holda noan'anaviy tashkil qilish tizimi bo'yicha fikr yuritilgan.

Kalit so'zlar: innovatsion texnologiya / interfaol metod / ta'lim jarayoni / talaba / elektron darslik / metrologiya / standartlash / sertifikatlash.

ПРЕПОДАВАНИЕ НА ОСНОВЕ КОМПЕТЕНТНОСТНЫХ ПОДХОДОВ В ПРЕДМЕТ МЕТРОЛОГИИ, СТАНДАРТИЗАЦИИ И СЕРТИФИКАЦИИ

Бозорова Мунира Шавкатовна

*Магистр 2 курс, кафедры технологического образования Бухарского
государственного университета*

Аннотация: В данной статье анализируется методика преподавания метрологии, стандартизации и сертификации на основе компетентностных подходов и ее конечные результаты. Сегодня большое внимание уделяется использованию интерактивных методов в учебном процессе, и эти методы оправдываются тем, что они более эффективны, чем традиционное обучение. Есть много типов интерактивных методов, которые можно использовать, чтобы помочь студентам овладеть предметом. Особенно в современном высшем образовании, где основная часть предметов в рабочей нагрузке является независимым обучением, отсутствует эффективная система, позволяющая учителям учитывать организацию независимого обучения, контроля и оценки. Существующие системы организации и оценки независимого обучения не соответствуют современным требованиям. Поэтому в статье рассматривается система нетрадиционной организации самостоятельного обучения по предметам метрологии, стандартизации и сертификации, одной из специальных дисциплин высшего образования, с использованием интерактивных методов.

Ключевые слова: инновационные технологии / интерактивный метод /



учебный процесс/студент/электронный учебник/метрология/стандартизация / сертификация.

TEACHING BASED ON COMPETENCE-BASED APPROACHES IN THE SUBJECT OF METROLOGY, STANDARDIZATION AND CERTIFICATION

Bozorova Munira Shavkatovna.

*2nd course Master of Department of Technological Education of Bukhara State
University*

Abstract: This article analyzes the methodology of teaching metrology, standardization and certification based on competency-based approaches and its final results. Today, much attention is paid to the use of interactive methods in the educational process, and these methods are justified by the fact that they are more effective than traditional teaching. There are many types of interactive techniques that can be used to help students master a subject. Especially in higher education today, where the bulk of the subjects in the workload is independent teaching, there is no effective system for teachers to take into account the organization of independent teaching, supervision and assessment. The existing systems for organizing and assessing independent learning do not meet today's requirements. Therefore, the article discusses a system of non-traditional organization of self-study in the subjects of metrology, standardization and certification, one of the special disciplines of higher education, using interactive methods.

Keywords: innovative technology / interactive method / educational process / student / electronic textbook / metrology / standardization / certification.

Kirish. Mamlakatimizda mustaqillikka erishilgach, metrologiya, standartlashtirish va sertifikatlashtirish sohalarini rivojlantirishga ham katta e'tibor qaratildi. O'tgan davrda O'zbekiston Respublikasida standartlashtirish, metrologiya va o'lchashlar yagonaligini taminlash va mahsulotlarni sertifikatlashtirish bo'yicha milliy tizimlar yaratildi. Bu tizimlarni yaratishda Vazirlar Mahkamasining "O'zbekiston Respublikasida standartlashtirish ishlarini tashkil qilish to'g'risida"gi qarori, Oliy Majlis tomonidan qabul qilingan "Standartlashtirish to'g'risida", "Metrologiya to'g'risida", "Mahsulotlar va xizmatlarni sertifikatlashtirish to'g'risida"gi Qonunlar muhim rol o'ynadi. Ushbu jarayonda mazkur sohalarda muhandis kadrlar tayyorlash masalasiga ham katta e'tibor qaratildi.

Jahon oliy ta'lim muassasalarida talabalarning metrologiya, standartlashtirish va sertifikatlashtirishga oid bilimlari, pedagogik xususiyatlari, metrologiya, standartlash texnologiyalar bilan bog'liq ko'nikmalarni shakllantirishning didaktik yondashuvlari, o'lchash asboblarni konstruksiyalash, ta'limda axborot-kommunikasiya texnologiyalaridan foydalanishga qaratilgan ilmiy tadqiqotlar olib borilmoqda. Ushbu ilmiy izlanishlar ta'lim oluvchilarda innovasion o'lchov qiymatlarining turlarini hosil qilishning fizik miqdorlariga oid xususiy va tayanch kompetensiyalarni rivojlantirish, metrologiya, standartlashtirish va sertifikatlashtirishda o'lchash asboblardan samarali hamda oqilona foydalanish madaniyatini oshirishga xizmat qilmoqda.

Adabiyotlar sharhi. Mamlakatimizda oliy ta'lim tizimini isloh qilish hamda moddiy-texnik bazasini modernizatsiyalash, o'quv jarayonining mazmunini xalqaro ta'lim standartlari asosida takomillashtirish, kadrlar tayyorlash tizimini takomillashtirish asosida talabalarning metrologiya, standartlashtirish va sertifikatlashtirishga oid

kompetensiyalarini rivojlantirishda kompyuter vositalaridan foydalanib, o'qitish samaradorligini oshirish imkoniyati yuzaga keldi. Metrologiya, standartlashtirish va sertifikatlashtirish fani bo'yicha ta'lim sifatini oshirish va metrologiya, standartlash, sertifikatlashtirish sohasidagi ilmiy tadqiqotlarning natijadorligini ta'minlash bo'yicha kompleks chora-tadbirlar dasturlarini, innovatsion o'qitish uslublarini, shu jumladan axborot-kommunikasiya texnologiyalarini keng joriy qilish; ta'lim jarayoniga "virtual laboratoriya"larni joriy qilish; standartlashtirishni texnik jihatdan tartibga solish va sertifikatlashtirish sohasalaridan foydalanishga oid ta'lim dasturlari bo'yicha talabalar uchun maxsus ma'ruza va amaliy mashg'ulotlarni o'tkazish; o'lchash asboblari konstruksiyalash, yarimo'tkazgichlar fizikasi, materialshunoslik va metrologiya, standartlashtirish va sertifikatlashtirish sohasida ilmiy-tadqiqot ishlarini rivojlantirish" vazifalari belgilab qo'yilgan. Bu borada ta'lim tizimida metrologiya, standartlashtirish va sertifikatlashtirish sohalari hamda metrologiya, standartlash texnologiyalarga doir innovatsion bilim, ko'nikma va malakalarni rivojlantirish bo'yicha metodik taklif va tavsiyalar ishlab chiqish, kompyuter vositalari asosida o'qitish metodikasini takomillashtirish muhim ahamiyat kasb etadi.

Tadqiqot metodologiyasi. Metrologiya, standartlashtirish va sertifikatlashtirish fan dasturi asosida zamonaviy o'lchash asboblari asboblari va o'lchov qiymatlarining turlari, yo'nalishli va burchak o'lchovlari, mexanik, issiqlik, fizikaviy va kimyoviy o'lchovlar, elektr va magnit o'lchovlar, radio o'lchovlari, chastota va vaqtni o'lchash, radiatsiya o'lchov asboblari har bir yo'nalishi bo'yicha fizik miqdori, davlat standartlashtirish tizimi, o'zaro almashuvchanlik va ularning turlari, tutashma (dopusk) va o'tqazishlar, yuzalarining bir - biriga nisbatan o'zaro joylashishidan og'ishlari tizimli tahlil qilindi.

Metrologiya, standartlashtirish va sertifikatlashtirish sohaslariga oid tushunchalar talabalarning kompetensiyaviy tafakkurini rivojlantirishga asos bo'ladi. Talabalarning metrologiya, standartlashtirish va sertifikatlashtirishga oid kompetensiyalarini rivojlantirish, bo'lajak mutaxassislarning innovatsion kasbiy faoliyatga tayyorlashda, ularning kompetensiyalarini rivojlantirish muhim o'rin egallaydi.

Talabalarning metrologiya, standartlashtirish va sertifikatlashtirishga oid motivasiyalarini inobatga olib, ularning pedagogik-psixologik va fiziologik xususiyatlariga mos ravishda (ijtimoiylik, kommunikativlik, intellektuallik, axborotlilik) kompetensiyalari belgilab olindi.



1-rasm. Metrologiya, standartlashtirish va sertifikatlashtirish sohalari

Ijtimoiylik kompetensiyasi – jamiyatda bo'layotgan voqea, hodisa va jarayonlarga daxldorlikni his etish va ularda faol ishtirok etish, o'zining fuqarolik burch va

huquqlarini bilish, unga rioya qilish, mehnat va fuqarolik munosabatlarida muomala va huquqiy madaniyatga ega bo'lish layoqatlarini shakllantirishni nazarda tutadi.

Kommunikativlik kompetensiyasi – ijtimoiy vaziyatlarda muloqotga kirisha olishni, muloqotda muomala madaniyatiga amal qilishni, ijtimoiy moslashuvchanlikni, hamkorlikda jamoada samarali ishlay olish layoqatlarini shakllantirishni nazarda tutadi.

Intellektuallik kompetensiyasi – doimiy ravishda o'z-o'zini jismoniy, ma'naviy, ruhiy, intellektual va kreativ rivojlantirish, kamolotga intilish, hayot davomida mustaqil o'qib-o'rganish, kognitivlik ko'nikmalarini va hayotiy tajribani mustaqil ravishda muntazam oshirib borish, o'z xatti-harakatini standart baholash va mustaqil qaror qabul qila olish ko'nikmalarini egallashni nazarda tutadi.

Axborotlilik kompetensiyasi-media manbalardan zarur ma'lumotlarni izlab topa olishni, saralashni, qayta ishlashni, saqlashni, ulardan samarali foydalana olishni, ularning xavfsizligini ta'minlashni, media madaniyatga ega bo'lish layoqatlarini shakllantirishni nazarda tutadi.

Shuningdek, fanning mazmunidan kelib chiqqan holda talabalarda fanga oid umumiy kompetensiyalar ham rivojlantiriladi.

Tahlil va natijalar muhokamasi. “Metrologiya, standartlashtirish va sertifikatlashtirish” soha fanini o'qitishda kompyuter vositalari, ya'ni elektron darslik, elektron o'quv qo'llanma, elektron jurnal, elektron ensiklopediya, elektron kutubxonalar, virtual kutubxonalar, virtual laboratoriya stendlari, elektron kataloglar, elektron o'quv-uslubiy majmualar, elektron masalalar to'plami, 3D animatsiyalar, elektron o'quv trenajorlari va bilimlarni nazorat qilishning kompyuterli tizimlari, ularni ishlab chiqishga qo'yiladigan talablar o'rganilib, talabalarning metrologiya, standartlashtirish va sertifikatlashtirishga oid kompetensiyalarini rivojlantirish imkoniyatlari tadqiq qilindi.

Oliy ta'lim muassasalari asosiy axborot resurslarini turli fanlarni o'rganishga oid elektron darslik, qo'llanma, o'quv-metodik majmualar tashkil etadi. Elektron o'quv-metodik majmualar deyarli barcha axborotli materiallarni yagona axborot majmuasiga jamlash imkonini beradi. Bundan tashqari, unda hozirgi kunda talab etiladigan zarur interaktivlik, ko'rgazmalilik, mobillik, ixchamlik va ularni ko'paytirishda kam xarajat sarflash, ko'p variantlilik hamda tekshirish uchun topshiriqlar va testlar hajmining ko'p bo'lishini ta'minlaydi.



2-rasm. Metrologiya, standartlashtirish va sertifikatlashtirish fanidan elektron darslik

Ta'lim jarayoniga metrologiya, standartlashtirish va sertifikatlashtirish soha fanining elektron o'quv-metodik majmualarini joriy etish talabalarga fan bo'yicha axborotning to'liq manzarasini namoyish etish, o'quv materialini mustaqil o'zlashtirishini ta'minlash, nazorat va o'z-o'zini nazoratni takomillashtirish, o'quv jarayonini natijaviyligini oshirishga yordam beradi. Zamonaviy elektron o'quv-metodik majmualarning afzalligi dars jarayonining yanada qiziqarli o'tishini ta'minlash xususiyatidir.



3-rasm. Ma'ruza mashg'ulotlari


Bunda o'qituvchi talabalarni faqat qo'llab-quvvatlaydi, o'quv axborotlari oqimidan samarali foydalanish hamda yuzaga keladigan muammolarni hal etishga yordam beradi.

Darslarning kompyuter vositalari imkoniyatlaridan foydalanib o'tilishi o'qituvchiga bir qancha qulayliklar berishi, fanga oid mavzulashtirilgan ovoqli dasturlar, rasmi ishlanmalar, harakatli yozuvlar, taqdimotlar ko'rinishida yaratilgan filmlar, 3D animatsiyalar talabalar qiziqishi va ta'lim olishga bo'lgan ishtiyoqini oshirishi, diqqatni jalb qilishi hamda ta'lim samaradorligini oshirishi tadqiqot natijalari asosida tasdiqlandi.



4-rasm. Amaliy mashg'ulotlari

Metrologiya, standartlashtirish va sertifikatlashtirish fanidan ma'ruza mashg'ulotlari bo'yicha kompyuter vositalaridan foydalanish ta'lim oluvchilarning ma'ruzalar yuzasidan chuqur, mustaqil bilim olishini ta'minlaydi.



5-rasm. Laboratoriya mashg'ulotlari

Kompyuter vositalarining yuqorida sanab o'tilgan afzalliklari va ijobiy xususiyatlaridan tashqari yana ko'pgina imkoniyatlari mavjud bo'lib, ta'lim jarayonida talabarning metrologiya, standartlashtirish va sertifikatlashtirish soxalari va qurilmalari, ulardan maxsulot sifatini aniqlash, zamonaviy o'lchash asboblari, asboblari va o'lchov qiymatlarining turlari, yo'nalishli va burchak o'lchovlari, mexanik, issiqlik, fizikaviy va kimyoviy o'lchovlar, elektr va magnit o'lchovlar, radio o'lchovlari, chastota va vaqtni o'lchash, radiatsiya o'lchov asboblarning har bir yo'nalishi bo'yicha fizik miqdoridan foydalanib, chuqur bilim olishida, talabalarning motivatsiyasiga ega bo'ladi.

Xulosa va takliflar. Yuqoridagi tahlillarni inobatga olgan holda metrologiya, standartlashtirish va sertifikatlashtirishga oid ta'lim jarayonida elektron adabiyotlar va multimediali dasturiy vositalari ya'ni elektron darsliklar, elektron masalalar to'plami, elektron o'quv-uslubiy majmualar, virtual laboratoriya stendlari, elektron o'quv trenajorlari va bilimlarni nazorat qilishning kompyuterli tizimlaridan foydalanish, ta'lim oluvchilarning motivatsiyasi hamda ta'lim sifati samaradorligini sezilarli darajada oshirishga xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. S.K.Kakharov, Yu.Yu.Zhamilov "Opportunities of the formation of students' competence on alternative energy using training software devices" European science 2020. № 2 (51). Part II. –P. 61-64.
2. Uzlüksiz ta'lim tizimi uchun o'quv adabiyotlarining yangi avlodini yaratish konsepsiyasi. Toshkent. «SHarq». 2002 yil, 2012 yil.
3. B.H.Ageev Электронная книга: Новое средство социальной коммуникации. М. 1997
4. Матякубова П.М., Арнолд Ш., Островерхов Д., Абдужабборов Н.А., Авазов Г.И. Техническое регулирование, обеспечение качества и безопасности продукции. Монография. Т: "Фан ва технологиялар нашриёт-матбаа уйи" 2020. ИСБН 978-9943-6284-7-2.
5. Sayfullayeva D.A., Bozorova M.Sh., Olimov H.H. "MSSFED-Metrologiya, standartlash va sertifikatlashtirish fanidan elektron darslik" EHM uchun dasturga guvoynoma. Uz. Res. Intellektual mulk agentligi Guvoynoma DGU 15327. 29.03.2022 й
6. Ismatullayev P.R., Matyakubova P.M., Turayev Sh.A. Metrologiya, standartlashtirish va sertifikatlashtirish. Darslik. "Lesson-Press", Toshkent. 2015. -423 b.
7. Jamilov YU.YU. Talabalarining muqobil energiyaga oid kompetensiyalarini rivojlantirishda dasturiy ta'lim vositalaridan foydalanish metodikasini takomillashtirish. Ped. fan. Nomz diss.–T., 2021.–56 b.
8. To'raqulov O.X. Axborotlashgan ta'lim muhitida kichik mutaxassislar tayyorlashning ilmiy-metodik ta'minotini takomillashtirish (axborot va kompyuter texnologiyalariga ixtisoslashgan kasb-hunar kollejlari misolida). Ped. fan. dokt. ...avtoref.–T., 2017.–64 b.
9. www.lex.uz

TALABA PORTFOLIOSINI YARATISH TEXNOLOGIYASIDOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022>.*Rasulov Erkin Madraimovich,**Farg'ona viloyati O'zbekiston tumani, 33-umumiy o'rta ta'lim maktabi
o'qituvchisi*

Annotatsiya: Ushbu maqolada portfolio haqida tushuncha hamda uni yaratish bo'yicha tahliliy ma'lumotlar shuningdek oliy ta'lim muassasasi talabalarining portfoliosini yaratish texnologiyasi va ushbu texnologiyaning talabalar uchun ahamiyati haqida so'z boradi

Kalit so'zlar: portfolio, portfolio turlari, baholash, texnologiya, talaba portfoliosi

ТЕХНОЛОГИЯ СОЗДАНИЯ СТУДЕНЧЕСКОГО ПОРТФОЛИО*Расулов Эркин Мадраимович,**Учитель 33-й общеобразовательной школы, Узбекского района Ферганской области*

Abstract: Abstract: This article discusses the concept of portfolio and analytical information on its creation, as well as the technology of creating a portfolio of students of higher education institutions and the importance of this technology for students.

Keywords: portfolio, portfolio types, evaluation, technology, portfolio of student

TECHNOLOGY FOR CREATING A PORTFOLIO OF STUDENTS*Rasulov Erkin Madraimovich**Teacher of secondary school № 33, of the Uzbek district of the Fergana region*

Аннотация: В данной статье рассматривается понятие портфолио и аналитическая информация по его созданию, а также технология создания портфолио студентов высших учебных заведений и значение этой технологии для студентов.

Ключевые слова: портфолио, виды портфолио, оценка, технология, студенческое портфолио

Kirish. Mustaqil taraqqiyot yo'lidan borayotgan mamlakatimizning uzluksiz ta'lim tizimini isloh qilish, axborot texnologiyalarini joriy etish va ta'lim samaradorligini oshirish bo'yicha keng qamrovli ishlar olib borilmoqda. Zamonaviy sharoitda ta'lim jarayonini tashkil etishda, talabalarining o'quv faoliyatlarini nazorat qilishda innovatsion xarakterga ega vositalardan foydalanilmoqda. Ayni o'rinda ana shunday vositalardan biri talaba portfoliosi hisoblanadi.

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020 yil 31 dekabrda "Oliy ta'lim muassasalarida ta'lim jarayonini tashkil etish bilan bog'liq tizimni takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi 824-son qarori 1-ilovasi "Oliy ta'lim muassasalarida o'quv jarayoniga kredit-modul tizimini joriy etish tartibi to'g'risida"gi Nizomning 6-bob "Baholash, baholarni konvertatsiya qilish" 31-bandida "Baholash usullari fan yoki modul doirasidagi talabaning yutuqlarini aks ettiruvchi va tasdiqlovchi yozma, og'zaki, amaliy ish, loyiha, portfolio va nazoratlar kabi turlarni o'z ichiga qamrab oladi. Baholash mezoni ta'lim olish natijasiga erishilganligini aks ettirishi shart" deb qayd etilgan. [1] Ushbu qaror ijrosini ta'minlash yuzasidan respublikamiz oliy ta'lim muassasalarida qator ishlar amalga oshirilmoqda. Baholash usullari

tarkibida talaba portfoliosi bo'lishi bugungi axborot texnologiyalari rivojlangan davrda muhim ahamiyat kasb etadi. Talaba portfoliosini yaratish va undan unumli foydalanish hozirgi kundagi dolzarb va muammoli masala bo'lib kelmoqda.

Adabitolar sharhi. Portfolioni ta'lim sohasida qo'llash g'oyasi, 80-yillarning o'rtalarida AQShda paydo bo'ldi. AQSh va Kanadadan so'ng, portfolio g'oyasi Evropa va Yaponiyada ommalashdi, XXI asrning boshlarida esa bu g'oya Rossiyada keng tarqaldi va hozirgi kunda bu g'oya O'zbekistonda ham keng yoyilmoqda.

Portfolio (ingl. – portfel, zarur ishlar va hujjatlar uchun papka, frans. – bayon qilmoq, ifoda etmoq, tashimoq, ital. – hujjatlar solingan papka) – bu hujjatlar, ish namunalari, fotosuratlar, taqdim etilayotgan imkoniyatlarni tasavvur eta olish imkoniyatini beruvchi materiallar, mutaxassis xizmatlari to'plamidan iborat. [3]


Texnologiya so'zi (yunon. “texno” – san'at, mahorat, malaka, “logos” – fan, ta'limot, tushuncha, fikr, ma'no) so'zi ishlab chiqarishda yangi sifat va miqdor o'zgarishlariga olib keluvchi samarali usullar yig'indisi, tizim ma'nosida qo'llaniladi. [3]

Talabaning oliy o'quv yurtidagi barcha turdagi faoliyatlarini nazorat qilish va baholashning innovatsion texnologiyalaridan biri sifatida “Talaba portfoliosi” etakchi o'rin egallaydi. Ushbu texnologiya ayniqsa rivojlangan g'arb davlatlari oliy ta'lim tizimida keyingi yillarda keng qo'llanilmoqda. Rossiyada esa 2003 yildan e'tiboran ta'lim tizimining barcha bosqichlarida, jumladan boshlang'ich ta'lim, umumiy o'rta ta'lim, kasbiy ta'lim va oliy ta'limda joriy etilgan.

Bugungi kunda xorijiy mamlakatlar tajribasida keng qo'llanilayotgan nazorat vositasi bo'lgan o'quv portfoliosi quyidagi imkoniyatlarga egaligiga ko'ra amaliy ahamiyat kasb etadi:

- ko'p funktsiyalilik va o'zining shaxsiy muvafaqqiyatini baholash;
- individual muvafaqqiyatlar monitoringini amalga oshirish;
- imtihonni tashkil etish;
- ta'lim natijalarini xolis belgilash;
- ta'limiy muvafaqqiyatlar hamda qo'shimcha natijalarni aniq ko'ra olish;
- talabaning mavjud imkoniyat va qobiliyatlarini, uning kuchli va kuchsiz tomonlarini ko'ra olish, shaxsiy, kasbiy hamda ijodiy salohiyatiga etarlicha baho berish.

Mohiyatiga ko'ra talabalarning o'quv portfoliolarini bir necha turga bo'linadi. Ular (1-rasm):



1-rasm. Talabalar o'quv portfoliolarining asosiy turlari.

Tadqiqot metodologiyasi. Quyida talabalar o'quv portfoliolarining turlariga xos xususiyatlar to'g'risida so'z yuritiladi.

1. Hujjatlar portfoliosi (bunda talabaning individual ta'limiy muvaffaqiyatlari aks ettiruvchi diplom, faxriy yorliq, guvohnoma va boshqalar jamlanadi).

2. Ishlar portfoliosi (unda talaba tomonidan bajarilgan ijodiy ishlar, loyihalar, tadqiqotlar, ularning natijalarini aks ettiruvchi reyting daftarchasi, ijodiy ish daftari, elektron hujjatlar, modellar, loyihalar, ijtimoiy, ishlab chiqarish, talaba tomonidan mustaqil yoki guruhdoshlar bilan hamkorlikda to'plagan adabiyotlar, davriy nashrlarning kseronushalari, illyustratsiyalar joy oladi).

3. Natijalar portfoliosi (bunda talabaning o'zi tomonidan jamlangan talabalarning eng yaxshi ishlari o'rin oladi; natijalar portfoliosi individual va guruhli bo'lishi mumkin; ushbu portfolioda aks etgan ma'lumotlar asosida "Eng yaxshi talabalar guruhi" tanlovini tashkil etish mumkin).

4. Baholovchi portfolio (u talabaning bilim, ko'nikma va malakalarini nazorat qilish maqsadida shakllantiriladi; bu turdagi portfoliodan nazorat shlari, testlar, chizmalar, krossvordlar va boshqalar o'rin oladi).

5. Taqrizlar portfoliosi (bunda talaba tomonidan erishgan yutuqlarni baholashga doir xulosa, taqriz, rezyume, esse, tavsiyanoma va tavsifnomalar jamlanadi).

6. On-line portfolio (bu kabi portfolio turli shakllarda namoyon bo'ladi; masalan: 1) talabalar tomonidan oliy ta'lim muassasasi yoki fakultet saytiga materiallarni qo'shish; 2) shaxsiy veb-saytlarni yaratish; 3) semestr yakunlari bo'yicha hisobot tayyorlash). [4]

Tahlil va natijalar. Portfoliolar yaratilishiga ko'ra ham turlicha bo'ladi. Ya'ni ular elektron, bosma va qog'oz variantlarda yaratiladi. Qaysi variantda portfolioni yaratishni sub'ektning o'zi tanlaydi. Portfolioda talabaning joriy, oraliq va mustaqil ishlari bo'yicha bajargan topshiriqlari, ularga qo'yilgan o'zlashtirish ballari ham jamlanib boriladi. Portfolio yurgizish talabaning semestr (kurs) va o'quv muddati davomidagi o'zlashtirishi, mustaqil ish topshiriqlarini muntazam ravishda bajarib borganligi to'g'risidagi daliliy hujjat isoblanadi. Portfolio pedagogik jarayonda pedagogga talabaning erishayotgan yutuqlari yuzasidan monitoringni olib borish imkoniyatini yaratadi va o'zlashtirish ballarining haqqoniy, ishonchli bo'lishini ta'minlaydi. Talabaga esa bilim darajasining qay darajadiligini, uning dinamik o'sishini kuzatib borish, kasbiy jihatdan shaxsan rivojlanish darajasini mustakil baholash uchun zarur sharoitni yaratadi.

Talabalar tomonidan portfoliolarning shakllantirilishi quyidagi holatlarda samarali hisoblanadi:

1. Istiqbolli ish o'rniga ega bo'lishda (rahbariyat va hamkasblar yosh mutaxassis bilan yaqindan tanishish imkoniyatiga ega bo'ladilar).

2. Ilmiy-tadqiqot ishlarini olib borishda (tadqiqot natijalarini patentlashtirish imkoniyatini ta'minlaydi).

3. Fan olipiadalarda ishtirok etishda (olipiadaning turli bosqichlarida talabaning imkoniyatlarini baholash va chamalashga muvffaq bo'linadi).

4. Nomdor hamda Prezident stipendiyasiga talabgor bo'lishda (tanlov xay'ati talabaning imkoniyatlaridan to'la xabar bo'ladi).

5. Shaxsiy maqsadlarni amalga oshirishda (qo'shimcha faoliyat turi bilan shug'ullanishda hamkorlarga talaba shaxsini yaqindan tanishtirish imkoniyatini yaratadi).

Talabalarning portfoliolari quyidagi tuzilishga ega bo'ladi:

1) titul;

2) mundarija;

3) portfolioning maqsadi;

4) portfolioning bo'limlari.

Turiga ko'ra portfoliolar bir necha bo'limlarni o'z ichiga olishi mumkin. Masalan,

“Ishlar portfoliosi” quyidagi to’rtta bo’limdan tarkib topadi:

1. “Mening qiyofoam” (talabaning shaxsiga oid ma’lumotlar talabaning rasmi, esse, anketa, tavsifnomalar asosida beriladi; unda quyidagi lavhalar mavjud: “Mening anketam”; “Tanishning – bu men!”; “Mening o’ylarim”; - “Men va mening qiziqishlarim”).


2. Portfolio-kollektor (talaba tomonidan mutaxassislik fanlari bo’yicha to’plagan materiallar (adabiyotlar ro’yxati, chizma, jadval va rasmlar, maqolalarning kseronushalari, kursdoshlarining ijodiy ishlari) o’rin oladi; bo’lim quyidagi lavhalardan iborat bo’lishi mumkin: “Ish stoli”; “Bu qiziq”; “Kursdoshlarim ijodidan”; portfolio-kollektor uncha katta bo’lmagan o’ziga xos arxiv sanaladi).

3. Ish materiallari (talabaning o’zi tomonidan yaratilgan, tizimlashtirilgan barcha materiallar kiritiladi; bo’limning lavhalari quyidagicha bo’lishi mumkin: “Yozma ishlar”, “Ijodiy ishlar”, “Tadqiqot tajribalari”, “Amaliyot ishlanmalari”).

4. Shaxsiy yutuqlar (talabaning yarim, bir o’quv yili yoki yaxlit ta’lim davrida erishgan yutuqlari, qo’lga kiritgan natijalari aks etadi; unda quyidagi lavhalar bo’lishi mumkin: “Mening bunyodkor g’oyam”; “Mening ta’lim borasidagi tashabbuslarim”).


[5]

Talabalarning o’quv portfoliosini yaratishga qaratilgan amaliy harakat bir necha bosqichda tashkil etiladi. Ya’ni (2-rasm):



2-rasm. Talabalar o’quv portfoliosini yaratish bosqichlari

Bunday “portfolio”ni an’anaviy usulda yoki elektron shaklda ta’lim muassasasi saytida, oddiy Word formatida yaratish mumkin. Ushbu papkaga muallif uchun ruxsat beriladi. Talaba o’z xohishiga ko’ra yoki o’qituvchi topshirig’i asosida o’zining turli ijodiy sohalardagi mustaqil ishlarini ma’lum ketma-ketlik asosida o’z portfoliosiga joylashtiradi. Materiallar bir semestr bo’yicha, o’quv yili bo’yicha yoki butun o’quv yillari bo’yicha olinishi mumkin.



3-rasm. Talaba “portfolio”siga kirish. [6]

“Portfolio” yoki undagi alohida ishlar talaba tomonidan oldindan izohlanadi, ya’ni nima uchun u aynan ushbu faoliyat turini tanladi, bu faoliyat turi bo’yicha u qanday natijalarga erishdi yoki erisha olmadi, o’qituvchining ushbu ish bo’yicha bergan bahosidan rozi yoki yo’qligi, ushbu ish natijalari bo’yicha qanday xulosalarga ega.

Belgilangan vaqt o’tgach (semestr yoki o’quv yili) yoki aniq hajmdagi ishlar tugagach, talabaning xohishi bilan ushbu dastur yoki loyiha bo’yicha talaba o’z portfoliosini taqdimot qilishi mumkin. Dastlab taqdimotni kichik guruhda, keyin esa katta auditoriyada tashkil etish lozim. Agar “portfolio” elektron shaklda yaratilgan bo’lsa, talaba o’z hamkorlarini (talabalarni) yoki o’qituvchini o’z parolini oshkor qilib, ushbu “portfolio” sahifalariga kirishiga ruxsat beradi va taqdimot tugagach parolni o’zgartiradi. Talaba faoliyatini, ya’ni “portfolio” mazmunini baholash uchun o’qituvchi maxsus ekspertlar belgilaydi. Materiallarni mashg’ulot davrida muhokama qilish mumkin. Agar buning uchun alohida vaqt, o’quv soati ajratilmagan bo’lsa off-line telekonferentsiya rejimida yoki darsdan tashqari vaqtda ta’lim muassasi sayti forumida amalga oshirish mumkin. Bunday forumda talaba o’zi tanlagan yoki o’qituvchi tomonidan taklif etilgan bilim sohasi bo’yicha butun kuchini berganligini, uning o’z faoliyatiga bergan bahosi o’qituvchi va ekspertlar guruhi tomonidan berilgan bahoga mos yoki mos emasligini isbotlashi zarur. U baholarni qaysi jihatdan to’g’ri yoki noto’g’ri ekanligini ko’rsatishi va o’zining kelajakdagi ushbu bilim sohasidagi ijodiy faoliyati rejalari bilan xulosalashi lozim.

Xulosa va takliflar. Xulosa qilib aytganda, talaba biror fan bo’yicha o’z yutuqlarini nazorat qilib borishni maqsad qilib olsa, u ushbu fan bo’yicha muhim deb hisoblagan bilimlarini tizimiy ravishda “portfolio”ga joylashtirib boradi. Uning vazifasi- ushbu ishlarni diqqat bilan tahlil qilib borish, kerakli o’zgartirishlar kiritish, unga tushuntirishlar berish, o’z-o’zini baholash bo’yicha qisqa hisobot tayyorlash, ya’ni ushbu bilim sohasi bo’yicha u nimalarni o’zlashtirdi, nimalarni o’zlashtira olmadi yoki tushunmadi, kelajakda nimalarga e’tibor qaratishi lozim. Shuningdek, u bu yerda o’z bilimlariga o’qituvchi, ekspertlar va ota-onasi tomonidan qo’ygan baholarga ham fikrini bildirishi mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O’zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 31-dekabrda “Oliy ta’lim muassasalarida ta’lim jarayonini tashkil etish bilan bog’liq tizimni takomillashtirish chora-tadbirlari to’g’risida” 824-sonli Qarori / Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 31.12.2020-y., 09/20/824/1689-son.

2. Shoymardonov T.T. va boshq. Elektron pedagogika va pedagogning shaxsiy, kasbiy axborot maydonini loyihalash. O’quv-uslubiy majmua. –T.: 2016. 165-bet.

3. Shoymardonov T.T. va boshq. Elektron pedagogika va pedagogning shaxsiy, kasbiy axborot maydonini loyihalash. O’quv-uslubiy majmua. –T.: 2016. 165-bet.

4. Shoyimova Sh.S. va boshq. Ta’lim texnologiyalari. Darslik. – T.: IJODPRINT, 2020. 310-bet.

5. Musaeva S. Portfolioning maqsad va mohiyati / Pedagogik ta’lim j. – T.: 2013, 1-son. – 20-b.

6. <https://tfi.uz/uz-Latn>.

ФИЗИЧЕСКОЕ ВОСПИТАНИЕ И ПРОПАГАНДА ФИЗИЧЕСКОЙ АКТИВНОСТИ: ОБРАЗ ЖИЗНИ, СПОРТ КАК ВАЖНЫЙ ОПЫТ

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022>.

Хамираев Рустам Абдиразакович,

Факультет физической культуры. Преподаватель «Методики обучения спорту». Навоийский государственный педагогический институт

Аннотация. Ценность ведения физически активного образа жизни была хорошо задокументирована в последнее время. Однако, несмотря на это знание, уровни физической активности во многих западных обществах остаются тревожно низкими как среди взрослого, так и среди молодежи. Формирование привычек в юности является ключевым показателем физической активности во взрослом возрасте; поэтому максимальное увеличение возможностей для развития мотивации у молодых людей жизненно важно для повышения вероятности сохранения привычек физической активности во взрослом возрасте. Ключевым фактором развития мотивации является физическая культура в школе. В этом обзоре рассматривается нынешняя ситуация с физическим воспитанием как средством поощрения физической активности и предполагается, что давно назрела необходимость изменить подход, который отходит от физического воспитания, сосредоточиваясь исключительно на спортивных техниках. Культурно значимая учебная программа, включающая занятия спортом, ориентированные на образ жизни, с упором на мастерство и получение удовольствия за счет подхода, основанного на значимом опыте, предлагается в качестве жизнеспособного обновления существующей практики.

Ключевые слова: физическое воспитание; физическая активность; мотивация; образ жизни спорт; Молодежная культура; значимый опыт.

Участие в физической активности (ФА) регулярно подчеркивается как жизненно важный аспект здоровья и благополучия во всем мире. В 2018 г. Всемирная организация здравоохранения (ВОЗ) утвердила новый Глобальный план действий по физической активности на 2018–2030 гг. и приняла новую добровольную глобальную цель по снижению уровня отсутствия физической активности у взрослых и подростков на 15% к 2030 г. недавний обзор рекомендаций ВОЗ, Bull et al. предложили, чтобы эти новые рекомендации содержали четкие, основанные на фактических данных рекомендации о том, как РА обеспечивает ряд преимуществ для здоровья и о потенциальных рисках малоподвижного поведения. Отсутствие физической активности считается одной из ведущих причин смертности во всем мире, что приводит к повышенному риску ряда сердечно-сосудистых заболеваний и рака.

Действительно, отсутствие физической активности было названо основной причиной преждевременной смерти во всем мире; по оценкам, 5,3 миллиона из 57 миллионов случаев смерти в мире в 2008 г. были связаны с отсутствием физической активности. Формирование привычки в молодости было выделено как ключевой предиктор взрослой ФА. Поэтому крайне важно, чтобы мы стремились предоставить молодым людям положительный опыт, который максимизирует вероятность того, что они будут видеть ценность и удовольствие в продолжении участия в РА по мере их взросления.

Физическое воспитание (ФВ) считается важным средством продвижения

физически активного образа жизни. Однако эффективность современной практики в достижении цели поощрения физически активного образа жизни ставится под сомнение. Основные поднятые вопросы касаются педагогики, используемой в физкультуре, и актуальности учебной программы для современной молодежи.

Одним из ярких показателей стабильности в обществе, его развития и прогресса является отношение государства к спорту, забота о физическом и нравственном здоровье населения.

Физическое воспитание, являясь составной частью общества, его подсистемой, находится в определенных связях, взаимоотношениях с другими социальными подсистемами.

Взаимосвязи физического воспитания с общекультурными, политическими и социально-экономическими условиями жизни общества весьма сложны и не одинаковы в различных формациях. Общие закономерности функционирования физического воспитания, отражающие характер взаимодействия его со средой, можно сформулировать следующим образом: физическое воспитание, являясь подсистемой общества, формируется и изменяется под воздействием общекультурных, материальных и социальных условий жизни общества и обусловленных ими потребностей, а в процессе функционирования оказывает воздействие на социально-демографические группы [2]. Крайне важна пропаганда физической культуры и здорового образа жизни граждан, особенно среди детей, подростков и молодежи, в средствах массовой информации, как в печатных, так и в электронных, через сеть Интернет. В Республике Узбекистан сложилась система организации информационной и агитационной работы в сферах физической культуры, спортивно-массовой и оздоровительной работы. Она осуществляется специалистами по связям с общественностью и представителями пресс-служб.

Приоритет во всей работе, связанной с развитием физкультурно-спортивного движения, должен быть отдан физическому воспитанию и формированию здорового образа жизни дошкольников и учащихся общеобразовательных школ.

Физическая культура — важное средство в системе образования и воспитания подрастающего поколения, в формировании здорового образа жизни, организации отдыха и досуга, восстановлении и развитии телесных и духовных сил. В этом проявляется ценность физической культуры для личности и общества, ее образовательное, воспитательное, оздоровительное и общекультурное значение. Недостатки физического воспитания и развития спорта среди подростков, детей и молодежи объясняются комплексом нерешенных вопросов, среди которых слаборазвитая материально-техническая база; ограниченный объем учебного времени, отведенного на обязательные занятия по физическому воспитанию; издержки в профессиональной подготовке педагогических кадров, в содержании и формах физкультурно-оздоровительной работы, особенно среди дошкольников; ориентация педагогической деятельности на количественные показатели; отсутствие традиций семейного физического воспитания; несогласованность действий органов народного образования, здравоохранения, физической культуры и спорта и т. д. [1].

В целях массового привлечения населения к систематическим и регулярным занятиям физической культурой и спортом во всех муниципальных образовательных учреждениях организуются физкультурно-оздоровительные и спортивно-массовые мероприятия. Новыми формами пропаганды

физической культуры и спорта являются массовые соревнования среди семей, республиканские спортивные состязания между селами. Такие мероприятия способствуют развитию прикладных видов спорта, привлечению населения к занятиям физической культурой и спортом. Вместе с тем фундамент здоровья и положительного отношения к физической культуре закладывается в детском возрасте. Ухудшающееся здоровье молодого поколения диктует необходимость заняться этой проблемой безотлагательно. Основные усилия должны быть направлены на повышение ответственности родителей за здоровье детей; поиск и рациональное использование целевых и спонсорских финансовых возможностей в интересах развития детского спорта; совершенствование программно-методического и организационного обеспечения физического воспитания в учебных заведениях; внедрение новых эффективных форм организации занятий; создание индустрии недорогих, но практичных и гигиеничных товаров и тренажеров для занятий физической культурой; массовое издание популярной литературы, видеокассет и компьютерных программ; создание при образовательных учреждениях комплексных физкультурно-спортивных центров, включающих спортивные залы.

Физическое воспитание должно реализовываться через урочные формы занятий; дополнительные (факультативные) занятия, в том числе с учащимися, имеющими отклонения в состоянии здоровья; через физкультурно-оздоровительные мероприятия в режиме дня; внеклассные неакадемические формы занятий (спортивные секции, занятия в спортивных школах, самостоятельные занятия); спортивно-массовые и физкультурно-оздоровительные мероприятия. Все это должно обеспечить каждому дошкольнику, учащемуся двигательную активность не менее 8–10 часов в неделю.

Таким образом, что в решении проблем вовлечения детей и молодежи в активные занятия физической культурой особое внимание необходимо обратить на проведение детьми активного досуга совместно с родителями. Концепция семейного отдыха должна быть признана приоритетной. Смещение акцента на систематические физкультурно-спортивные занятия в школьном возрасте позволит уже на этом этапе возрастного развития человека создать предпосылки для его оптимального физического развития, укрепления здоровья и более ранней профилактики различных неблагоприятных состояний, сформировать устойчивую потребность в выполнении физических упражнений оздоровительной направленности и культуру здорового образа жизни.

Литература:

Барашева Н. В., Виноградов П. А., Жолдак В. И. Физическая культура и здоровый образ жизни: Учебное пособие. — Самара: СИПКРО. 1997.

Безруких М. М. Школьные факторы риска и здоровья детей//Магистр. 1999.

Болдин В. И. «Педагогические основы физкультурно-оздоровительных систем». Материалы докторской диссертации. Ростов-на-Дону, РГПУ, 1999.

Филиппов С. С., Жгутов В. В. Муниципальная система физической культуры школьников: организационно-педагогические условия формирования: Монография.: Советский спорт, 2004.

ЎҚУВЧИЛАРНИ МИЛЛИЙ СПОРТ ТУРЛАРИГА ҚИЗИҚИШНИ ОШИРИШНИНГ ТАРИХИЙ ТАРАҚҚИЁТИ

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022>.

Мирзаев Дилшод Хамидович,
Навоий Давлат Педагогика институти. Жисмоний маданият факультети.
«Спорт турларини ўқитиш методикаси» кафедраси ўқитувчиси.

Кўпгина мамлакатларнинг тажрибаларига қараганда, миллий спорт ва жисмоний тарбия тақдири ҳақида давлат томонидан ғамхўрлик қилиниши ҳеч шухбасиз жуда катта фойда келтирмоқда. Ижтимоий соҳадаги ушбу қўллаб-қувватлаш биринчи навбатда ўсмир болалар ва жамиятнинг ёш муҳитини руҳий-жисмоний соғломлаштириш мақсадида барча қулай шароитларни яратмоқда.

Инсон ўзида жисмоний сифатларни ривожлантириш учун жисмоний тарбия ва спортнинг зарурлигини тушуниб етиши ва қунт билан ўзига ёққан маълум бир спорт турлари асосида саломатлигини такомиллаштириб бориши керак. Жисмоний тарбия ва спорт соҳаси олдида турган вазифаларни ҳал этишда миллий спорт турларини ўрганиш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш, миллий спорт турларидан оқилона фойдаланиш зарурлиги бугунги кунда яққол намоён бўлмоқда. Таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган педагоглар, спорт мураббийлари олдида турган ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга бўлган муҳим вазифа, ўсиб келаётган ёш авлодни соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш маъсулиятини юклайди. Ёш авлодни миллий спорт турлари асосида ҳар томонлама жисмоний бақувват қилиб тарбиялашга имкон берадиган, ўқувчилар жисмоний сифатларни ривожлантиришга қаратилган бу муаммони умумтаълим мактаб ўқувчилари жисмоний тарбиясини ташкил қилиш ва педагогик жараёнлар билан бирга, бир-бирига боғлаб келган узвийликда кўриб чиқиш лозимлигини келтириб чиқаради.

Бунда миллий спорт турларининг роли катта эканлиги барчамизга маълум.

Шунинг учун халқимизнинг асрлардан асрларга ўтиб келаётган миллий спорт турларини авлоддан авлодга етказиш учун ўқувчи-ёшларни миллий спорт турлари билан шуғулланишга қизиқтириш асосида соғлом турмуш тарзини шакллантириш йўллари излаш, ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш бизнинг мақсадимиздир.

Ота-боболаримиз ёшларнинг руҳан ва жисмонан чиниқиши, рақибга ҳурмат билан муносабатда бўлиши учун уларни турли миллий ўйинлар ҳамда кураш мусобақалари орқали тарбиялашга алоҳида эътибор берганлар. Зеро, курашнинг ҳар бир инсонда олижаноблик, бағрикенглик фазилатларини шакллантиришдаги аҳамияти беқиёс. Аждодларимиздан қадрият сифатида бизгача меърос бўлиб келган миллий спорт турларининг бугунги кунда жадал суратларда ривожланиб бориши ва унинг истикболини белгилаб берувчи омиллардан бири бу ўқувчи-ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тадбиқ этиш ва ривожлантиришдан иборатдир.

Миллий спорт турлари бардавом қадрият сифатида бизгача ўзбек миллий ўйинларида ўз аксини топган. Жумладан, «Чиллак», «Ошиқ», «Оқсуяк», «Қулоқчўзма», «Эшак минди», «Варрак учириш», «Елкада кураш», «Кўпкари», «Арқон тортиш» каби халқ ўйинларининг ҳар бири ўз мазмунмоҳиятига эга. Улар ёшларни жисмонан чиниқтириш билан бирга, ёш қалбларда ҳалоллик, мардлик, ҳамжиҳатлик, катталарга ҳурмат туйғуларини тарбиялаш, ирода ва қатъиятни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Миллий ўйинлар азалдан халқимиз

хаётининг муҳим қисми бўлиб келганлиги Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Қошғарий, Алишер Навоий, Бобур каби улуғ аждодларимиз асарларида ҳам қайд этилган. Хусусан, Беруний уларнинг қодалари ва ўзига хосликлари, Ибн Сино соғлиқ учун фойдали жиҳатлари ҳақида фикр юритган.

Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғатит турк» асарида халқ ўйинларининг юз элликдан ортиқ тури қаламга олинган, уларнинг йигирматасига таъриф берилган. Масалан, «Қоранғуни» (қоронғуда кўрган олиш), «Бандол» (асир олиш), «Ўтиш-ўтиш» (давра ўйини), «Мунгиз» (сув ўйини), «чавгон» (тўп ўйини), «Ўт бандал» (таёқ ўйини), «Тирандозлик», «Оқ сўнтак» каби кўплаб ўйинларга изоҳ берилган. Уларнинг барчаси миллий қадриятларимиз сарчашмасидир. «Алпомиш» достонида ҳам кураш, от пойга, улоқ, найза санчиш, камондан ўк отиш, қиличбозлик, мерганлик каби ўйинлар негизида жасурлик улуғланади, сотқинлик қораланади. Улар ёшларга орийат, матонат, маънавий ва жисмоний комилликдан сабоқ беради.

Миллий ўйинлар ҳамиша муҳим тарбия воситаси бўлиб келган, чунки бола ҳаётни дастлаб ўйин орқали ўрганади, шу орқали катта ҳаётга тайёрланади. «Агар бола ўйинда ҳалол ўйнаса, кейинчалик ҳаётда ҳам ҳалол бўлади» ёки «Боланинг ўйиндаги ҳаракатига қараб, унинг қандай инсон сифатида шаклланишини айтиш мумкин», деган халқ орасидаги фикрлар бежиз айтилмаган. Ўйинлар туфайли болаларда уларни ўраб турган дунёни тушуниш ва унга таъсир ўтказиш эҳтиёжи шаклланади.

Манбалардан маълумот келтирилишича, Юнон ёзувчиси Клавдий Элианнинг (II-III аср) ёзишича, шу ҳудудда умр кечирган сак қабиласи қизлари ўзларига куёвни йигитлар билан курашиб танлаганлар.

Кейинчалик қизлар куёвни шарт қўйиш йўли билан аниқлашган ва бу шартлар ичида кураш мусобақаси бўлган. Бунга ўзбек халқи қаҳрамонлик достони - «Алпомиш»даги Барчин шартларини мисол тариқасида кўрсатиш мумкин. Шунингдек, Алишер Навоийнинг «Хамса», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад», Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк», Хусайн Воиз Кошифийнинг «Футувватномаи султоний» Зайниддин Восифийнинг «Бадойеъ ул-вақоеъ» асарида ушбу спорт тури ҳақида қимматли маълумотлар келтириб ўтилган.

Шарқнинг буюк мутафаккирларидан бири бўлмиш Ибн Сино ўзининг «Китоб-ал-қонун фит-таб» асарида «Тиббиётга асосланган жисмоний тарбия ва машқлар организмни мустаҳкамлашга ва тўғри шаклланишига ёрдам беради ҳамда инсонга ижобий таъсир кўрсатади» деб ёзган. У ўзининг ушбу китобида курашнинг икки тури ҳақида сўз юритади ва кураш билан шуғулланмоқ жон ва тан соғлигини кафолатлашнинг энг маъқул бўладиган чорасидир, дея таъкидлаган.

Фирдавсий ўзининг «Шоҳнома» асарида ўзбек миллий кураши ҳақида маълумот бериб, жангчилар жангда ғолиб бўлишлари учун улардан чакқонлик, чидамлик ва ирода талаб қилинганлигини эслатиб ўтади.

Манбаларда келтирилишича, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам ўзининг «Бобурнома» асарида ўз жангчилари орасида миллий курашни ривожлантириб, жисмоний машқларга алоҳида аҳамият қаратганлигини таъкидлаб ўтади.

Беллашиш маҳорати кўп халқларда узоқ ўтмиш даврлардан бери маълум. Халқаро ареналарда курашнинг Юнон-рум, эркин кураш, дзюдо, самбо каби спорт турларининг қамров доираси даражаси юқори.

Бугунги кунда миллий кураш мамлакатимиз ҳудудида яшовчи аҳолининг ардоқли урф-одат ва анъаналаридан бирига айланган. Шу маънода иллий кураш ўзбек халқининг қон-қонига сингиб кетган, деб эътироф этиш мумкин. Ушбу миллий спорт турига бўлган қизиқиш, муҳаббат аждодлардан авлодларга мерос

сифатида ўтиб келмоқда.

Ҳар бир спорт турининг ўз ватани бор. Жумладан, Кореяда «таэкван - до», Японияда «каратэ», Таиландда «муайтай», Россияда қўл жанги, универсал жанг, Америкада «кикбоксинг», Хитойда эса «у-шу». Ушбу спорт турларининг ҳар бирида ўзига хос жанг санъати мавжуд. Шунинг учун ҳам улар бир-бирини такрорламайди.

Улардаги техник ҳаракатларни такомиллаштиришда мазкур спорт турлари бўйича ўз ватанларида тажрибали усталар етишиб чиққан, уни тарғиб ва ташвиқот қилишда ҳам фидойилик кўрсатишган. Кўп асрлик тарихга эга халқимиз ҳаётидаги турли тарихий ҳаракатлар орасида шарқ якка курашлари ва жанг санъатлари ҳам алоҳида ўрин тутади.

Ўзбек жанг санъатининг асосий ғояси-замонавий ёшларимизни тарихий, буюк аجدодлардан қолган жанг санъати тури орқали жисмоний ва руҳий ривожлантириш шунингдек, Ўзбекистон тарихига, маданиятига, анъаналаримизга қизиқишни кучайтириш, тарбиялаш ва Ватанимиз, халқимиз ва давлатимизга бўлган ҳурматини юксак даражага кўтариш мақсадида Ўзбек жанг санъати спорт тури дунёга келди. У куйидаги 5 та йўналишдан иборат:

1. Rahimov B.X. "Bo'lajak o'qituvchilarda kasbiy-madaniy munosabatlarning shakllanishi" Ped. fan. nom. ... diss. – T.: 2002. – 161 b
2. Иван Федорович Правдин «Руководство по изучению рыб»-Москва-2013 г-101 стр.
3. Сабунаев Виктор – “Занимательная ихтиология”- М-2013 г-87-стр
4. В.К.Солдатов-“Промысловая ихтиология” –Москва-2019 год-473-стр

CHIZMACHILIKNI O'QITISH JARAYONIDA QO'LLANILADIGAN KONSTRUKTIV LOYIHALASH MASALALAR TIZIMI VA ULARNING TAHLILI

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022>.

Sobirova Sharofat Umedullayevna,
Buxoro davlat universiteti, Tasviriy san'at va muhandislik grafikasi kafedrası
katta o'qituvchisi

Maqolada chizmachilik fanini o'qitishda talabalarda buyum chizmasini tuzish va o'qish ko'nikmasini rivojlantirishning nazariy masalalariga oid metodik tavsiyalar, chizmachilik fanidagi konstruktiv loyihalash masalalarning yo'nalishi va ko'rinishlari hamda fazoviy tafakkur qilish orqali fazoviy tasavvurni o'stirishga oid sodda loyihalash masalalari keitirilgan. Shuningdek, talabalarining chizmachilik fanidagi loyihalash masalalari yechish jarayonida fazoviy tasavvurini rivojlantirish, ularni ijodiy fikrlashga yo'naltirish haqida fikr yuritilgan.

Kalit so'zlar: chizmachilik, loyihalash, grafik savodxonlik, geometrik jism, konstruksiyalash, model, tasavvur, ijodiy izlanish.

СИСТЕМА КОНСТРУКТИВНО-ПРОЕКТНЫХ ЗАДАЧ, ИСПОЛЬЗУЕМАЯ В ОБУЧЕНИИ РИСОВАНИЯ, И ИХ АНАЛИЗ

Собирова Шарофат Умедуллаевна,
Бухарский государственный университет, старший преподаватель кафедры
Изобразительного искусство и инженерная графика

В статье даны методические рекомендации по теоретическим заданиям развития навыков чтения чертежа у учащихся при обучении черчению, направление и виды конструктивных проективных задач в области черчения, а также простых конструктивных задач, связанных с развитием пространственного воображения посредством пространственного мышления. Также рассмотрены в процессе решения проективных задач учащиеся в области черчения развить пространственное воображение и направить их на творческое мышление.

Ключевые слова: черчение, геометрическое тело, проектирование, графическая грамотность, модель, конструирование, воображение, творческое мышление.

SYSTEM OF CONSTRUCTIVE DESIGN PROBLEMS USED IN THE TEACHING OF DRAWING TEACHING AND THEIR ANALYSIS

Sobirova Sharofat Umedullaevna,
Bukhara State University, Senior lecturer of the Fine arts and engineering
graphics Department

The article provides methodological recommendations on theoretical tasks for the development of drawing reading skills in students when teaching drawing, the direction and types of constructive projective tasks in the field of drawing, as well as simple constructive tasks related to the development of spatial imagination through spatial thinking. It is also considered in the process of solving students' projective tasks in the field of drawing to develop spatial imagination and direct them to creative thinking.

Keywords: drawing, geometric body, design, graphic literacy, model, construction,

imagination, creative research.

Kirish. Ma'lumki, mamlakatimizda ta'lim-tarbiyaga katta e'tibor berilmoqda. Chet tillarini biladigan, zamonaviy texnika bilan "tillasha" oladigan, ma'naviy va jismoniy jihatdan yetuk, xalqaro talablarga javob bera oladigan yoshlarni voyaga yetkazish, ularni qo'llab-quvvatlashga Davlat ahamiyati darajasida e'tibor berilmoqda. Bunday yetuk kadrlarni tayyorlashda chizmachilik fanining ham o'rni beqiyosdir. Chunki chizmachilik fani bevosita texnika va uning taraqqiyoti bilan chambarchas bog'langan.

Chizmachilik fanining asosiy maqsadlaridan biri talabani buyum chizmasini tuzish va uni o'qishga o'rgatish hisoblanadi. Ammo bu bugungi tezkor zamonda yetarli hisoblanmaydi. Avvalo, talabalarni mustaqil fikrlashga va izlanishga, talab va ehtiyojga nisbatan eng qulay variantdagi yechim va xulosaga kela olishga o'rgatish lozim bo'ladi. Bunday natijaga erishishda konstruktiv loyihalash masalalarining o'rni va amaliy ahamiyati katta hisoblanadi. Bu fanning yana bir maqsadi - yuqori salohiyatga ega bo'lgan ijodkor yoshlarni ham voyaga etkazishdan iborat. Mashinasozlikdami, qurilishdami yoki boshqa bir texnika sohalaridami kundan-kunga yangiliklar yaratilmoqda. Bu yangiliklar insonning turmush tarzini yengillashtirish, qulaylashtirishga xizmat qiladi. Bizning barkamol avlodda ham shunday ixtirochilar, konstruktorlar, arxitektorlar yetishib chiqishida chizmachilik fanining o'rni va amaliy ahamiyati juda katta. Chizmachilik fanida ijodiy izlanish talab qiladigan grafik masalalar talabalarining fazoviy tasavvuri va tafakkurini rivojlantirishda, mantiqiy fikrlash qobiliyatini kuchaytirishda katta ahamiyatga ega.

Adabiyotlar sharhi. Chizmachilik fanlaridan talabalarining grafik savodxonligini shakllantirish, chizmani tuzish va o'qish ko'nikmasini rivojlantirish, fazoviy tasavvuri va tafakkurini o'stirish, ijodiy faoliyat bilan shug'ullanishga rag'batlantirish maqsadida ko'plab o'quv adabiyotlari, ilmiy maqolalar tayyorlangan va ular chop etilgan. Jumladan, I.Rahmonov, N.Qirg'izboyeva, A.Ashirboyev, A.Valiyev, B.Nigmanovlar hammuallifligida chop etilgan "Chizmachilik" (-T.: "Vorishnashriyot", 2016, 320-bet) darslikda fazoviy tafakkur qilish orqali fazoviy tasavvurni o'stirish, texnik detallarni shakllantirish, konstruktorlik (loyihalash) masalalari, mashina detallarining texnologiyaligi, inversiya, qo'yilgan vazifani turlicha yechish, mashinalarni loyihalashning asoslari, berilgan chizma-sxema bo'yicha konstruksiyalashda texnik talablarni loyihalash kabi ilmiy nazariy va amaliy ma'lumotlar o'rin olgan.

I.Rahmonov va A.Valiyevlar hammuallifligida chop etilgan "Chizmachilik" (chizmachilik fanida konstruksiyalash asoslari) o'quv qo'llanmasi (-T.: "Vorishnashriyot", 2011, 130-bet)da asosan chizmani tuzish va uni o'qish qonuniyatlari va natijada o'quvchi va talabalarining tasavvurining o'sishi, buyumning dizayniga e'tibor qaratish, bir nechta geometrik sirtlar kombinasiyasidan detal hosil qilish tartiblari, mashinasozlik chizmachiligida detal va moslamalarni loyihalash prinsiplari, unga texnologik yondashuvlar haqida batafsil ma'lumot berilgan.

N.Yodgorov, M.Xalimovlarning "Chizmachilikda fazoviy almashtirishlarni o'qitish jarayonida o'quvchilar bilish faoliyatini rivojlantirish" monografiyasi (-Buxoro: "Durdona" nashriyoti, 2014, 6,5)da fazodan tekis chizmaga ko'chish yoki aksincha, tekis chizmadan fazoga ko'chish jaraonlari, bunda fazoviy almashtirishlarning amalga oshirilishi va aynan shu jabhada o'quvchilarning fazoviy tasavvuri va tafakkurini rivojlantirish, shuningdek, bilish faoliyatini faollashtirish imkoniyatlari ilmiy jihatdan ochib berilgan.

N.Gulomovanning "Chizmachilik" (loyihalash) nomli metodik qo'llanmasida (-T.:

“TDPU rizografi”, 2015, 66 bet) detal shakliga o‘zgartirish kiritish, xomaki tanani o‘yib detal hosil qilish, detal ko‘rinishini, uning qismlarini surish yoki burish orqali o‘zgartirish, texn‘ik detallarni shakllantirish, konstruktorlik masalalari tog‘risida ma‘lumotlar berilgan. Shuningdek, har bir berilgan ma‘lumotga mos keladigan variantlar to‘plami tayyorlangan.

Tadqiqot metodologiyasini O‘zbekiston Respublikasining ta‘lim sohasidagi hujjatlarini o‘rganish, mavzuga oid psixologik-pedagogik, ilmiy va metodik adabiyotlarni o‘rganish; tadqiqot mavzusi bilan bog‘liq pedagogik, psixologik, usuliy va o‘quv adabiyotlarini o‘rganish; chizmachilik va tabiiy fanlarni o‘qitish metodikasida “talabalarda mustaqil ijodiy faoliyatni rivojlantirish” tushunchasi va bu faoliyatga yordam beruvchi usul va metodlarning nazariy tahlili; ilmiy muammoga aloqador chizmachilik amaliyoti, darsliklar, metodik qo‘llanma va didaktik materiallar tahlili; chizmachilik o‘qitishda foydalanilayotgan grafik topshiriqlarni ko‘rilayotgan muammo nuqtai nazaridan tahlili tashkil etadi.

Tahlil va natijalar muhokamasi. Chizmachilik fanidagi konstruktiv loyihalash masalalari talabdan ijodiy izlanishni talab qiladi. Izlanish davomida talabning tasavvuri, tafakkuri, fikrlash qobiliyati, solishtirish, xulosa chiqarish va fikrini himoya qilish xususiyatlari rivojlanadi.

Konstruktiv loyihalash masalalari birdaniga juda muammoli tarzda tuzilmaydi. Dastlab, talabga tarkibida qisman loyihalash elementlari mavjud bo‘lgan grafik masalalar beriladi.

Chizmachilik fanida grafik ish deganda talaba mavzu doirasida ma‘lum berilgan shart asosida, belgilangan standart talablariga rioya qilgan holda, qayta tiklash xususiyatini o‘zida aks ettirgan va mustaqil tarzda bajargan chizma tushuniladi.

Grafik savodxonlik deganda talabning mavjud yoki hali mavhum bo‘lgan buyumning chizmasini tuzish va o‘qish darajasi tushuniladi. Mazkur daraja murakkabligiga qarab talabning grafik savodxonlik ko‘rsatkichi baholanadi.


Grafik savodxonlikning yuqori nuqtalaridan biri talabning mustaqil tarzda loyihalash ishlari bilan shug‘ullanishi, ijodiy izlanish talab qiladigan grafik masalalarni yecha olishi, berilgan shart yoki talab asosida yangi buyum va moslamalarni loyihalay bilishi va uning chizmasini tuza olishi hisoblanadi.

Ijodiy izlanish talab qilinadigan masalalarning yechimi bitta yoki bir nechta bo‘lishi mumkin va talaba uni bajara olishi uchun ma‘lum tayyorgarlikka ega bolishi lozim. Ijodiy izlanish talab qilinadigan masalalar talabalarning bilish faoliyatini faollashtirishga katta xizmat qiladi.

Chizmachilik fanidan talabalarning bilish faoliyatini faollashtirish uchun dastlab, ularni masalalar yechishga jalb qilish va o‘qish faoliyatini ma‘lum darajada rivojlantirish kerak. Keyin ularda mustaqil fikrlashni, faollikni, tashabbuskorlikni, mustaqil bilim olish ko‘nikmasini, ijodkorlikni kuchaytirish lozim. Songra talabalar uchun bilish faoliyatining rivojlanishi uchun shar-sharoitlar yaratish zarur. Bundan ko‘rinib turibdiki, o‘qish-o‘rganishda talabalarning bilish faoliyatini faollashtirish ijodiy izlanish talab qiladigan masalalarda, konstruktiv loyihalash masalalarida o‘z aksini tezroq topadi.

Konstruktiv loyihalash masalalari birdaniga juda muammoli tarzda tuzilmaydi. Dastlab, talabga tarkibida qisman loyihalash elementlari mavjud bo‘lgan grafik masalalar beriladi. Bunday masalalar talabani loyihalash jarayoniga olib kiradi. So‘ngra yechim varianti bir nechta bo‘lishi mumkin bo‘lgan loyihalash masalalari beriladi. Talaba o‘z variantlarini ishlab chiqadi va boshqalarning yechimlari bilan taqqoslaydi. Bunda asosan proyeksion chizmachilikka oid konstruktiv loyihalash masalalari beriladi.


1-masala. V va H da proyeksiyalari bir xil kvadrat va o'rtasida uni teng ikkiga bo'luvchi chiziq chizilgan (1-rasm).. 1-rasmda a, b, c, d, e va f lar orqali masala yechimi turli variantlarda ko'rsatilgan. Mazkur variantlardan farq qiluvchi yechimlar ham mavjud, ammo uni izlab topish talabaga vazifa sifatida beriladi.



1-rasm


2-masala. Bitta sim bo'lagidan yasalgan modelning H va V dagi proyeksiylari berilgan (2 rasm). Uning uchinchi proyeksiyasi va yaqqol tasvirini bajarish vazifasi berilgan.

Modelning berilgan ikkita proyeksiyasiga muvofiq uchinchi proyeksiyasini aniqlashdan avval, kubning simdan yasalgan yaqqol tasviri chizib olinadi. So'ngra kubning V ga parallel yog'iga V dagi tasvir tushiriladi. Simning proyeksiyalariga kubning qirralari deb qaraladi. Model bir butun sim bo'lagidan yasalganligi sababli kubning bitta qirrasida sim ikki marta takrorlanmasligi lozim. Yaqqol tasvir orqali modelning beshta varianti mumkinligi aniqlangan (2-rasm, a, b, c, d, e).




2-rasm


3-masala. Oddiy geometrik jismni ko'p elementli model (detal) ko'rinishida shakllantirish vazifasi berilgan. Berilgan bir elementli geometrik jismlar (3-rasm) ning kombinatsiyalaridan ikki va undan ortiq elementli detallar hosil qilinadi. Masalan, katta va kichikroq silindrlardan, silindr va konusdan, kub va silindrdan va shu kabi kombinatsiyalashlardan ikki elementli modellar yasash mumkin (4-rasm). O'rtasi teshik silindr, konus, prizma kabi jismlar ham ikki elementlikka kiradi. (5-rasm). Silindr, konuslarning asoslarida konussimon faskalar, kub, prizma asoslarida ham faskalar (sirt turiga qarab piramidasimon qilib) bajarilgan bo'lsa, bunday detallar ham ikki elementli hisoblanadi (6-rasm).




3-rasm



4-rasm




5-rasm




6-rasm

Geometrik jismlarni biror qismini qirqib (kesib) olish yoʻli bilan ham ikki elementli model yasash mumkin (7-rasm). Lekin qirqilishdan soʻng hosil boʻlgan joy geometrik sirt deb qaralishi lozim. Kubning bir qismi yoy kesilgan oʻrinda havol chorak silindrik, qolganlarida havol prizmatik sirtlar oʻrin olgan (8-rasm, a, b, c va d). Chunki bir elementli geometrik sirtidan ikki elementli sirt hosil boʻladi.



7-rasm



8-rasm

Xulosa va takliflar. Chizmachilik taʼlim jarayoni talabalarning fazoviy tasavvurini faol ishlashini talab qiladi. Chunki chizmachilik kursining aksariyat mavzulari fazoviy jarayonlar bilan bogʻliq boʻlib, oʻquvchi talaba dars jarayonida ushbu jarayonlarni tasavvur qila olishi va shularga tayanib grafik topshiriqlarni bajara olishi lozim. Bu talaba va oʻqituvchi oldida turgan dolzarb muammolardan biridir. Bunga sabab, birinchidan, talabalarda fazoviy tasavvurning turli darajada shakllanganligi boʻlsa, ikkinchidan qisqa vaqtda oʻqituvchi talabalarning fazoviy tasavvurini yetarlicha rivojlantirib, ularda fazoviy jarayonni shakllantira olishi kerak. Bu oʻrinda chizmachilik fanida “loyihalash”ga doir mavzular muhim oʻrin tutadi.

Taklif etilayotgan konstruktiv loyihalash masalalari yagona boʻlmay, u talabalarda loyihalash faoliyatini shakllantirishga va keyinchalik maqsadga muvofiq masalalarni qayta tuzishga turtki beradi.

Adabiyotlar

1. Rahmonov I., Qirgʻizboyeva N., Ashirboyev A., Valiyev A., Nigmanov B. Chizmachilik. –T.: “Voriz-nashriyot”, 2016-456 b.

2. Valiyev A.N. v/b “Chizmachilikda konstruksiyalash asoslari”. –T.: “TDPU ruzografi”.

2013-y.

3. Roʻziyev E.I., Ashirboyev A.O. “Muhandislik grafikasini oʻqitish metodikasi”. –T.: “Yangi asr avlodi”. 2010-y.

4. Rahmonov I., Valiyev A. Chizmachilik (chizmachilik fanida konstruksiyalash asoslari). –T.: “Voriz nashriyot”, 2011.

5. N.Yodgorov, M.Xalimov “Chizmachilikda fazoviy almashtirishlarni oʻqitish jarayonida oʻquvchilar bilish faoliyatini rivojlantirish” (Monografiya. –Buxoro: “Durdona” nashriyoti, 2014, 6,5)

**TEXNIKA OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA "ELEKTROTEXNIKA
VA ELEKTRONIKA" FANIDAN MA'RUZA DARSLARINI O'QITISHNI
TAKOMILLASHTIRISH MAZMUNI**

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022>.

Nematov Laziz Alisherovich

Buxoro muhandislik – texnologiya instituti stajyor-tadqiqotchisi

Annotatsiya: Maqolada "Elektrotexnika va elektronika" fanidan zamonaviy pedagogik va axborot texnologiyalari asosida ma'ruza darslarini tashkil etish, tasniflash belgilari va turlari, ularning sifatini belgilovchi ko'rsatkichlar, ma'ruzalarga tayyorlanish bosqichlari, tarkibiy qismlari, o'qitishda uslubiy yondoshuvlar va ma'ruzaning texnologik xaritasi ko'rsatib berilgan.

Kalit so'zlar: Ma'ruzalar, tasniflash, belgilar, turlari, sifat, belgilovchi ko'rsatkichlar, bosqichlar, tarkibiy qismlar, o'qitish, uslubiy, yondoshuv, tashkil etish, tayyorgarlik ko'rish, o'tkazish.

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРЕПОДАВАНИЯ ЛЕКЦИОННЫХ
ЗАНЯТИЙ ПО ПРЕДМЕТУ "ЭЛЕКТРОТЕХНИКА И ЭЛЕКТРОНИКА" В
ТЕХНИЧЕСКИХ ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЯХ**

Нематов Лазиз Алишерович,

Бухарский инженерно – технологический институт, стажёр-исследователь

Аннотация: В статье описаны организация лекций по предмету "Электротехника и электроника" на основе современных педагогических и информационных технологий, классификационные признаки и виды, показатели их качества, этапы подготовки к лекциям, составляющие, методические подходы к обучению и показана технологическая карта лекций.

Ключевые слова: Лекции, классификация, признаки, виды, качество, определяющие показатели, этапы, компоненты, чтение, методический подход, организация, подготовка, проведение.

**IMPROVEMENT OF TEACHING LECTURES ON THE SUBJECT
"ELECTRICAL ENGINEERING AND ELECTRONICS" IN TECHNICAL
HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS**

Nematov Laziz Alisherovich,

Bukhara Institute of Engineering and Technology, trainee researcher

Abstract: The article describes the organization of lectures on the subject of "Electrical Engineering and Electronics" based on modern pedagogical and information technologies, classification features and types, indicators of their quality, stages of preparation for lectures, components, methodological approaches to teaching and shows a technological map of lectures.

Key words: Lectures, classification, signs, types, quality, defining indicators, stages, components, reading, methodical approach, organization, preparation, holding.

Texnika oliy ta'lim muassasalarida "Elektrotexnika va elektronika" fanini zamonaviy pedagogik va axborot texnologiyalari asosida o'qitishni

takomillashtirishning asosiy yoʻnalishlaridan biri bu – maʼruzani sifatini oshirishning samaradorlik shartlari boʻlib, taʼlim vositalari, pedagogik texnika va faol taʼlim usullarini qoʻllash hisoblanadi.

Avvalo maʼruzaga taʼrif berilganda, maʼruza – bu talabalarga, tinglovchilarga, malaka oshiruvchilarga, anjuman ishtirokchilariga axborot berish. Maʼruza oʻquv jarayonining asosiy boʻgʻini, dars oʻtishning asosiy shakllaridan biridir. Maʼruza bilimni soʻz bilan ifodalash, ogʻzaki bayon qilish koʻzda tutilgan, hajmining kattaligi, mantiqiy qurilishi, umumlashtirishning murakkabligi bilan ajralib turadi. Maʼruza (arabcha, leksiya (lot. lectio) – oʻqish) oʻquv material, biror masala, mavzu kabilarning mantiqiy izchil, maʼlum bir tizimga solingan bayonidir.[6]

Texnika oliy taʼlim muassasalarida “Elektrotexnika va elektronika” fanidan mavzular boʻyicha zamonaviy pedagogik va axborot texnologiyalari asosida maʼruzalarni olib borish oʻqituvchining rahbarligi asosida aniq belgilangan vaqt davomida boʻlgʻusi muhandis talabalarni, ularning har birining xususiyatlarini hisobga olish, hamma talabalar bevosita mashgʻulot davomida oʻrganilayotgan fan asoslarini egallab olishlari, talabalarining idrok etish qobiliyatlari va maʼnaviy-axloqiy sifatlarini tarbiyalash hamda rivojlantirish uchun qulay sharoitlarni yaratuvchi ish vositalari, metodlaridan foydalanishning tashkiliy shaklidir.

Oldindan koʻzlangan xatoliklar bilan maʼruzaning pedagogik vazifalari – bu yangi material mazmunini yoritib berish, talabalarni taklif etilayotgan maʼlumotni doimo nazorat qilishlariga qiziqtirishdir.[7]

“Elektrotexnika va elektronika” fanidan zamonaviy pedagogik va axborot texnologiyalari asosida tashkil etiladigan maʼruza darslari – texnika oliy taʼlim muassasalarida taʼlimni tashkil etishning asosiy shakli hisoblanib, quyidagi vazifalarni amalga oshirishga imkon beradi.

1. Yoʻnaltiruvchi – talabalarni oʻquv materialining asosiy jihatlariga eʼtibor qaratishga imkon berish.

2. Axborot – professor-oʻqituvchi maʼruza vaqtida muammoni, muammo bilan bogʻliq asosiy dalil va xulosalar mohiyatini ochib beradi.

3. Metodologik – maʼruza jarayonida muammoning falsafiy-nazariy asoslari bayon etiladi.

4. Tarbiyalovchi – talabalarda tinglash, idrok etish, munozarada ishtirok etish madaniyatini shakllantirish.

5. Rivojlantiruvchi – talabalarda mantiqiy fikrlash, xulosalar chiqara olish qobiliyatini rivojlantirish imkonini beradi.

Maʼruza darslari quyidagi turlar bilan farqlanadi:

- kirish maʼruzasi;
- maʼlumotli maʼruza;
- anjuman-maʼruza;
- muammoli-maʼruza;
- maʼruza-munozara;
- vizual-maʼruza;
- konspektli-maʼruza;
- maslahatli-maʼruza.

Texnika oliy taʼlim muassasalarida “Elektrotexnika va elektronika” fanidan zamonaviy pedagogik va axborot texnologiyalari asosida maʼruza darslarni samarali oʻqitish shakllari sifatida quyidagilar tavsiya etiladi:

- muammoli maʼruza;
- videomaʼruza, vebinarlar;

– binar ma’ruza;

Binar ma’ruza – “Binar” so’zi lotinchada olingan bo’lib, “qo’sh”, “ikki” degan ma’noda qo’llaniladi. Bunday mashg’ulotning olib borilishi ikki vakil: o’qituvchi va metodist; o’qituvchi va o’quvchi; taklif etilgan mutaxassis va o’qituvchi; o’qituvchi va tyutor (maslahatchi) o’rtasidagi interfaol suhbat, bahs-munozara va axborotlar almashinuvini namoyon qiladi.

Trening – trening zamonaviy ta’lim shakllaridan biri hisoblanib, u interfaol mashg’ulotlarni amalga oshirishning o’ziga xos ko’rinishidir.

Texnika oliy ta’lim muassasalarida “Elektrotexnika va elektronika” fanidan zamonaviy pedagogik va axborot texnologiyalari asosida ma’ruza darslarining asosiy qismini muammoli ma’ruzalar bilan tashkil etish maqsadga muvofiq. Ma’ruza darslarini o’tadigan pedagog-xodimlar muammoli-ma’ruzalar olib borish bilan talabalarga muammoli savol, muammoli vaziyat va muammoli topshiriqlarni taqdim etish orqali mavzu rejasidagi masalalarni bayon etadilar. Ushbu jarayonda talabalar qo’yilgan muammoga echim izlaydilar va ma’ruzani puxta o’zlashtirgan holda muammoning echimini topadilar.

“Elektrotexnika va elektronika” fanidan zamonaviy pedagogik va axborot texnologiyalari asosida o’tiladigan ma’ruzalarning sifatini belgilovchi ko’rsatkichlar:

Ma’ruza turlari	O’ziga xos xususiyatlari
Kirish ma’ruzasi	Talabalarda o’quv fani to’g’risidagi umumiy tasavvurlarni shakllantirish
Ma’lumotli ma’ruza	Talabalarda muammoga doir ma’lumotlarni axborot-ko’rinishida tarzda taqdim etish
Anjuman-ma’ruza	Talabalar tomonidan o’quv materialini izlanishli tarzda o’zlashtirilishiga erishish
Muammoli-ma’ruza	Talabalarga muammoli savol, muammoli vaziyat va muammoli topshiriqlarni taqdim etish orqali mavzu rejasidagi masalalarni bayon etish
Ma’ruza-munozara	Fikrlar almashinuvini tashkil etish asosida ma’ruza qismlarini o’zlashtirilishiga erishish
Vizual-ma’ruza	Vizual-materiallarni taqdim etish orqali talabalar tomonidan materialning o’zlashtirilishiga erishish
Konspektli-ma’ruza	Talabalar tomonidan o’quv materialini o’zlashtirishga erishish maqsadida tushuntirish bilan birga eng asosiy qismlarini yozdirib borish
Maslahatli-ma’ruza	Savol va javoblar tarzida ma’ruza mashg’ulotini tashkil etish
Binar-ma’ruza	Muammo yuzasidan tadqiqot olib borgan mutaxassis-olim bilan birgalikda ma’ruzani tashkil etish

Texnika oliy ta’lim muassasalarida “Elektrotexnika va elektronika” fanidan zamonaviy pedagogik va axborot texnologiyalari asosida o’tiladigan ma’ruza darslariga ikki nuqna nazardan yondashish mumkin:

1. O’quv jarayonining tashkiliy shakli sifatida;
2. Bilimni so’z bilan ifodalash, og’zaki bayon qilish metodi sifatida.

“Elektrotexnika va elektronika” fanidan o’tiladigan ma’ruza darslari boshqa og’zaki, so’z orqali ifodalanadigan metodlardan:

- a) nisbatan qa’tiy belgilangan tarkibi;
- b) o’quv materialini mantiqiy izchillikda bayon qilish;
- d) tasniflash, ta’rif berish, obrazli isbotlash;
- e) beriladigan axborotning ko’pbligi;
- g) materialni yoritib berishning tizimliliigi bilan ajralib turadi.

Texnika oliy ta’lim muassasalarida “Elektrotexnika va elektronika” fanidan zamonaviy pedagogik va axborot texnologiyalari asosida o’tiladigan ma’ruza o’quvchi-talabalar bilan muloqotda bo’lishning alohida shakli va uni boshqa hech qanday o’quv shakli bilan almashtirib bo’lmaydi. “Elektrotexnika va elektronika”

fanidan ma'ruzaning oldiga qo'yiladigan maqsad har xil bo'lib, bu maqsad maksimal darajada amalga oshishi uchun, uning funksiyalariga ahamiyat berish kerak. Bu fandan ma'ruza o'qitishning quyidagi qator funksiyalarini bajaradi:

1. Professional ta'lim berish va dunyoqarashni shakllantirish;
2. Talabalar diqqatini asosiy maqsadga yo'naltirish.

Bo'lajak muhandislarga "Elektrotexnika va elektronika" fanidan o'tiladigan ma'ruzada talabalarning diqqat-e'tibori o'quv materialining asosiy mazmuni, qonun-qoidalari, ularning nazariy va kelgusidagi amaliyotda, mutaxassislik faoliyatida qanday o'rin tutishi va ahamiyatiga, uni o'zlashtirish metodlariga qaratiladi.

Idrok, tafakkurni rivojlantiruvchi – tinglovchilarda bilmaganini bilishga qiziqish uyg'otadi. Mantiqiy fikrlash va o'z fikrini asoslashga o'rgatadi.

Bilim berish, o'rganayotgan fan bo'yicha axborot olish, olgan axboroti asosida xulosa chiqarish, umumlashtirishga o'rgatish.

Metodologik – ma'ruza jarayonida tadqiqot metodlari taqqoslanadi, qiyoslanadi, ilmiy izlanish tamoyillari aniqlanadi.

Talabalarga tarbiyaviy ta'sir ko'rsatish. Ularni axloqiy, ma'naviy jihatdan barkamol bo'lishi, mehnatga munosabati, ijtimoiy-psixologik xislatlarini shakllantirish.

"Elektrotexnika va elektronika" fanidan ma'ruza darsida mavzuning asosiy savollari ketma-ketlik asosida yoritiladi. Albatta, ma'ruzaning metodik jihatdan yoritilishi, bayon etilishi qo'yilgan maqsad, o'rganilayotgan fanning, mavzuning o'ziga xos xususiyatlari bilan bog'liq.

Texnika oliy ta'lim muassasalarida bulajak muhandislar "Elektrotexnika va elektronika" fanidan ma'ruza faqatgina elektrotexnika va elektronika sanoati rivojlanishining asosiy qonuniyatlarini ochib berish bilan cheklanishi kerak emas, fanning so'nggi yutuqlaridan foydalangan holda ilmning amaliyotda qanday ahamiyatga ega ekanligini, hayotda real muammolarni echishdagi ahamiyatini, echish yo'llarini ham ko'rsatishi kerak.

"Elektrotexnika va elektronika" fanidan ma'ruza ilmiy va innovatsion xarakterga ega bo'lishi, turli nazariy yo'nalishlar, ilmiy maktablarning asosiy g'oyalarini zamonaviy pedagogik va axborot texnologiyalari asosida talabalar ongiga yetkazishi va olgan bilimni ishonchga aylantirishi kerak. Bu fandan o'tiladigan ma'ruzaning eng zarur sharti auditoriya bilan muloqotga kirishishdir. "Elektrotexnika va elektronika" fanidan ma'ruza o'qish, eng avvalo, unga tayyorlanishdan boshlanadi. Buning uchun birinchi navbatda, ma'ruza mavzusi bo'yicha yangi avlod adabiyotlarini tanlash hamda ular bilan tanishib chiqish kerak.

Ikkinchidan, "Elektrotexnika va elektronika" fani bo'yicha ishlab chiqilgan dasturga ko'ra, ma'ruza rejasi va reja bo'yicha matn tayyorlanishi hamda darsni o'tkazishda qo'llaniladigan zamonaviy pedagogik texnologiyalar asosida metodlarni tanlab chiqish, dars jarayonini texnologik tizim sifatida tarkibi, ketma-ketligini aniqlash lozim.

"Elektrotexnika va elektronika" fanidan bir tanlovli test topshiriqlari yagona javobni tanlash imkoniyati berilgan topshiriqlar hisoblanadi. Bir tanlovli savollar «asos» deb yuritiladigan tugatilgan jumla yoki savollardan iborat bo'lib, unga ketma-ket to'rta yoki beshta haqiqatga yaqin bo'lgan javoblar tanlovi keltiriladi. Talaba-ular orasidan bitta to'g'ri javobni tanlashi kerak. To'g'ri javob «kalit» deb, noto'g'ri javoblar «chalg'ituvchi» javoblar deb ataladi.

Texnika oliy ta'lim muassasalarida "Elektrotexnika va elektronika" fanidan pedagog-xodimlarining ma'ruzaga tayyorgarligida quyidagi uchta bosqich ko'zga tashlanadi – diagnostika, tashhishlash, prognoz qilish, loyihalashtirish, rejalashtirish.

Diagnostika – bu darsni tashkil etishning archa vaziyatlarini “oydinlashtirib” olishdir. Unda o‘quvchilarning imkoniyatlari, ularning faoliyatlari va xulqlari, motivlari, talab va layoqatlari, qiziqish va qobiliyatlari, bilimdonlik darajasi, o‘quv materialining xususiyati, uning amaliy ahamiyati, dars tuzilishi, yangi axborotni o‘zlashtirish, mustahkamlash va tizimlashtirish, bilim, ko‘nikma va malakalarini nazorat qilish hamda tuzatish kabi holatlar namoyon bo‘ladi.

Prognoz qilish – bo‘lajak darsni o‘tkazishning turli varianlarini baholash va ulardan qabul qilingan mezonlar bo‘yicha eng ma‘qulini tanlab olishga qaratiladi.

Loyihalashtirish, rejalashtirish darsga tayyorlanishning yakuniy bosqichidir. Uning natijasi o‘quvchilar idrok etish faoliyatini boshqarish dasturining yaratilishi hisoblanadi. Boshqarish dasturi qisqa va aniq, erkin tuzilgan, pedagog o‘zi uchun boshqarish jarayoni muhim vaziyatlari, kimdan va qachon so‘rash, qayerda mavzuni kiritish, mashg‘ulot keyingi bosqichiga qanday o‘tish, oldindan ko‘zda tutilmagan qiyinchiliklar yuzaga kelganida jarayonni qaysi sxema bo‘yicha qayta o‘zgartirishni belgilab olishga imkon beruvchi hujjatdir.

Yuqorida ifodalangan “Elektrotexnika va elektronika” fanidan hamma ma‘ruzalarning majburiy elementi tashkiliy va yakuniy bosqich hisoblanadi.

Tashkiliy bosqich maqsadlarni qo‘yish va ularni talabalar tomonidan qabul qilish sharoitlarini ta‘minlash, ish sharoitini yaratish, o‘quv faoliyati motivlarini dolzarblashtirish va materialni idrok etish, anglash, eslab qolish yuzasidan beriladigan ko‘rsatmalarni shakllantirishni ko‘zda tutadi.

Ma‘ruzaga yakun yasash bosqichida maqsadlarga erishish qayd etiladi, ularga erishishda barcha yoki yakka o‘quvchilarning alohida ishtiroki belgilanadi, ishlari baholanadi va istiqbollari belgilanadi.

Shuningdek, “Elektrotexnika va elektronika” fanidan ma‘ruza davomida pedagog-xodim zamonaviy pedagogik texnologiyalar asosida ma‘ruza vaqtini to‘g‘ri taqsimlay olishi lozim. Bu jarayonda ma‘ruzaning kirish qismiga 5-10 daqiqa, asosiy qismining bayoniga 60-70 daqiqa, xulosa qismiga esa 5-10 daqiqa vaqt ajratilishi talabalarga samarali bilim berish kafolati sifatida qaraladi.

Texnika oliy ta‘lim muassasalarida “Elektrotexnika va elektronika” fanidan zamonaviy pedagogik va axborot texnologiyalari asosida ma‘ruza matnini tuzish qoidalari va talablariga asosan har bir ma‘ruza quyidagi uchta asosiy maqsadga erishishga yo‘naltiriladi. 1. O‘qitish. 2. Tarbiyalash. 3. Rivojlantirish. Ana shularni hisobga olib ma‘ruzaga umumiy talablar didaktik, tarbiyaviy va rivojlantiruvchi talablarda aniq ifodalanadi.

Didaktik (yoki ta‘lim)iy talablarga har bir darsning ta‘lim vazifalarini aniq belgilash, darsni axborotlar bilan boyitish, ijtimoiy va shaxsiy ehtiyojlarni hisobga olish bilan mazmunini optimallashtirish, idrok etish eng yangi texnologiyalarini kiritish, turli xildagi shakli, metodlari va ko‘rinishlaridan mos ravishda foydalanish, dars tuzilishini shakllantirishga ijodiy yondoshish, jamoaviy faoliyat usullari bilan birga talabalar mustaqil faoliyatlarini turli shakllaridan birga foydalanish, tezkor qayta aloqani ta‘minlash, amaliy nazorat va boshqaruvni amalga oshirish, ilmiy mo‘ljal va darsni zamonaviy pedagogik va axborot texnologiyalar asosida mahorat bilan o‘tkazishni ta‘minlash kabilar kiradi.

Ma‘ruzaga tarbiyaviy talablar o‘quv materialining tarbiyaviy imkoniyatlarini aniqlash, darsdagi faoliyat, aniq erishilishi mumkin bo‘lgan tarbiyaviy maqsadlarni shakllantirish va qo‘yish, faqat o‘quv ishlari maqsadlari hamda mazmunidan tabiiy ravishda kelib chiqadigan tarbiyaviy masalalarni belgilash, talabalarni umuminsoniy qadriyatlarda tarbiyalash, hayotiy muhim sifatleri, tirishqoqlik, tartiblilik,

mas’uliyatlilik, intizomlilik, mustaqillik, ish bajarishga qobiliyatlilik, e’tiborlilik, halollik va boshqalarni shakllantirish.[9]

Hamma darslarda doim amalga oshirilib boriladigan rivojlantiruvchi talablarga o’quvchilarda o’quv-o’rganish faoliyati ijobiy sifatleri, qiziqish, ijodiy tashabbuskorlik va faollikni shakllantirish hamda rivojlantirish, o’quvchilarning idrok etish imkoniyatlari darajasini o’rganish, hisobga olish lozim. O’quvchilarning intellektual, emotsional, ijtimoiy rivojlanishlaridagi «sakrash»larni oldindan ko’ra bilish, boshlanayotgan o’zgarishlarni hisobga olish asosida o’quv mashg’ulotlarini operativ qayta ishlash kabilar kiradi.

“Elektrotexnika va elektronika” fanidan ma’ruzalar kursi – fanning o’quv dasturi bo’yicha ma’ruzalar kursining nomi shu fan nomi bilan atalgan, undagi barcha mavzularning asosiy mazmuni qisqa yoritilgan, birlamchi yangi bilimlarni olishga qaratilgan, foydalaniladigan asosiy va qo’shimcha o’quv adabiyotlar ko’rsatilgan, o’z-o’zini nazorat qilishga oid savollar turkumi, mavzuga tegishli tayanch atama va iboralar keltirilgan oliy ta’lim muassasalarining Kengashi tavsiyasi asosida chop etiladigan nashr.

“Elektrotexnika va elektronika” fanidan ma’ruzalar to’plami – ushbu fanning o’quv dasturi bo’yicha undagi ayrim mavzularning asosiy mazmuni qisqa yoritilgan, birlamchi yangi bilimlarni olishga qaratilgan, foydalaniladigan asosiy va qo’shimcha o’quv adabiyotlar ko’rsatilgan, o’z-o’zini nazorat qilishga oid savollar turkumi, mavzuga tegishli tayanch atama va iboralar keltirilgan, davriy ravishda ilmiy-tadqiqot izlanishlar asosida yangilanib turiladigan, oliy ta’lim muassasalarining Uslubiy Kengashi tavsiyasi bo’yicha chiqariladigan kichik adadda nashr qilingan tarqatma material.

“Elektrotexnika va elektronika” fanidan elektron ma’ruza – interaktiv elementlar va giperuzatishlarni qo’llab, o’quv fani ma’ruza materialini namoyish qiluvchi multimedik tizim.

“Elektrotexnika va elektronika” fanidan ma’ruza mashg’ulotining o’qitish

O’quv mashg’uloti shakli	Kirish vizual ma’ruza
Ma’ruza mashg’ulotining rejasi:	1. Ma’ruza tasniflash belgilari va turlari 2. Ma’ruzalarning sifatini belgilovchi ko’rsatkichlar 3. Ma’ruzalarga tayyorlanish bosqichlari 4. Ma’ruzaning tarkibiy qismlari 5. Ma’ruzalarni o’qishda uslubiy yondoshuvlar 6. Ma’ruza matnini tuzish qoidalari va talablari 7. Muammoli ma’ruza 8. O’quv mashg’ulotining maqsadi: Talabalarga ma’ruzalarning tasniflash belgilari va turlari, ma’ruzalarning sifatini belgilovchi ko’rsatkichlar, ma’ruzalarga tayyorlanish bosqichlari, ma’ruzaning tarkibiy qismlari, ma’ruzalarni o’qishda uslubiy yondoshuvlar, ma’ruza matnini tuzish qoidalari va talablari, muammoli ma’ruza haqidagi bilimlarni o’rganish
Pedagogik vazifalar: ma’ruzalarning tasniflash belgilari va turlari, ma’ruzalarning sifatini belgilovchi ko’rsatkichlar, ma’ruzalarga tayyorlanish bosqichlari, ma’ruzaning tarkibiy qismlari, ma’ruzalarni o’qishda uslubiy yondoshuvlar, ma’ruza matnini tuzish qoidalari va talablari, muammoli ma’ruza to’g’risida mukammal bilimlar berish	O’quv faoliyatining natijalari: Talaba: ma’ruzalarning tasniflash belgilari va turlari, ma’ruzalarning sifatini belgilovchi ko’rsatkichlar, ma’ruzalarga tayyorlanish bosqichlari, ma’ruzaning tarkibiy qismlari, ma’ruzalarni o’qishda uslubiy yondoshuvlar, ma’ruza matnini tuzish qoidalari va talablari, muammoli ma’ruza haqidagi bilimlarni o’rganish
O’qitish uslubi va texnikasi	Vizual ma’ruza, bayon qilish
O’qitish vositalari	Ma’ruza matni, proektor, tarqatma materiallar
O’qitish shakllari	Ommaviy
O’qitish shart-sharoiti	Proektor, komp’yuter bilan jixozlangan auditoriya

“Elektrotexnika va elektronika” fanidan ma’ruza mashg’ulotining texnologik kartasi

Bosqichlar, vaqti	Faoliyat mazmuni	
	O’qituvchi	Talaba
1-bosqich. Kirish (5 min)	1.1. Mashg’ulot mavzusi, uning maqsadi, o’quv mashg’ulotidan kutilayotgan natijalar etkaziladi; mashg’ulot ko’rgazmali ma’ruza shaklida borishini ma’lum qilinadi.	1.1. Tinglaydi, yozib oladi.
2-bosqich. Asosiy (65 min)	2.1. O’qituvchi vizual materiallardan foydalangan holda ma’ruzani bayon etishda davom etadi. 2.2. Talabalarga mavzuning asosiy tushunchalariga e’tibor qilishni va yozib olishlarini ta’kidlaydi.	2.1. Eshitadi. Ilovalar mazmunini muhokama qiladi. 2.2. Eshitadi va yozib oladi.
3-bosqich. Yakuniy (10 min)	3.1. Talabalar e’tiborini jalb etish va bilim darajalarini aniqlash uchun tezkor savol-javob o’tkazadi. 3.2. Mavzuga yakun yasaydi va talabalar e’tiborini asosiy masalalarga qaratadi. Faol ishtirok etgan talabalarni rag’batlantiradi.	3.1. O’ylaydi, javob beradi. 3.2. Eshitadi, aniqlashtiradi. Topshiriqni yozib oladi.

Texnika oliy ta’lim muassasalarida “Elektrotexnika va elektronika” fanidan zamonaviy pedagogik va axborot texnologiyalari asosida ma’ruzalarni o’qitishda quyidagi uslubiy va ilmiy yondoshuvlarga amal qilish bo’yicha xulosa va takliflar beriladi.

Xulosa va takliflar:

1. “Elektrotexnika va elektronika” fanining ilg’or yutuqlari, zamonaviy pedagogik va axborot texnologiyalardan foydalanish, darsni o’quv-tarbiyaviy jarayon qonuniyatlari asosida tashkil etish.

2. “Elektrotexnika va elektronika” fanidan dars mashg’ulotlarida barcha didaktik tamoyil va qoidalarning optimal nisbatlarini ta’minlash.

3. Bo’lajak muhandislarning qiziqishlari, layoqati va talablarini hisobga olish asosida ular tomonidan “Elektrotexnika va elektronika” fanidan bilimlarning puxta o’zlashtirilishi uchun zarur sharoitlarni yaratish.

4. Talabalar anglab yetadigan texnika fanlari bilan “Elektrotexnika va elektronika” fani o’rtasida bog’liqliklarni o’rnatish.

5. “Elektrotexnika va elektronika” fanidan dars beradigan pedagog-xodimlarning ilgari o’rgangan bilim va malakalari, shuningdek, talabalarning rivojlanish darajasiga tayanish.

6. “Elektrotexnika va elektronika” fanini o’qitishda talabalarning shaxs sifatida har tomonlama rivojlantirishni motivatsiyalash va faollashtirish.

7. “Elektrotexnika va elektronika” fanidan o’quv-tarbiyaviy faoliyat barcha bosqichlarining mantiqiyliigi va emotsionalligi.

8. “Elektrotexnika va elektronika” fanidan dars mashg’ulotlarida zamonaviy pedagogik va axborot texnologiyalari vositalaridan samarali foydalanish.

9. “Elektrotexnika va elektronika” fanidan zarur bilim, ko’nikma va malakalar, fikrlash va faoliyatning oqilona usullarini shakllantirish.

10. “Elektrotexnika va elektronika” fanidan mavjud bilimlarni doimo boyitib borish ehtiyojini yuzaga keltirish.

11. “Elektrotexnika va elektronika” fanidan har bir darsni puxta loyihalashtirish, rejalashtirish, tashhis va taxmin qilish.

Adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasi “Ta’lim to‘g‘risida”gi Qonuni. Toshkent sh., 2020 yil 23 sentyabr. <https://lex.uz/docs/5013007>

2. Mirziyoev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. Toshkent, – “O‘zbekiston” NMIU, 2017. – 485 b.

3. Mirziyoev Sh.M. Erkin va farovon demokratik O‘zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. Toshkent, – “O‘zbekiston” NMIU, 2017. – 29 b.

4. Karimov I. A. Barkamol avlod orzusi. T.: Sharq, 1998, - B. 83.

5. G‘ulomov S.S. va boshqalar. «Oliy ta’lim. Me’yoriy hujjatlar to‘plami», - Toshkent, 2004 y.

6. Azizxodjaeva N.N. – Pedagogik texnologiya va pedagogik mahorat. O‘quv qo‘llanma. - Toshkent, 2003. 120-b.

7. Ishmuxamedov R., Abduqodirov A., Pardaev A. Ta’limda innovatsion texnologiyalar. Ta’lim muassalari pedagog-o‘qituvchilari uchun amaliy tavsiyalar / - Toshkent, Iste’dod, 2008. – 180 b.

8. Olimov Q.T., Uzoqova L.P., Halimova Z., Rustamov R.M., Ashurova S.Y. Maxsusfanlarni o‘qitish metodikasi. O‘quv qo‘llanma. – Toshkent, - «Fan», 2004, - 120 b.

9. Qosimova A.X., Xoliqova F.A. // Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat. – Toshkent, - 2004. 52-b.

10. Aripov M., red. Mansurov Sh. Axborot texnologiyalari. O‘quv qo‘llanma. - Toshkent, Noshir, 2009. - 368 s.

DEVELOPMENT OF ETHICAL AND CULTURAL RELATIONS IN STUDENTS AS A PEDAGOGICAL PROBLEM

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022>.

*Imomkulova Muslima Norkulovna,
Termez State University, senior teacher of the department of Russian language
and literature*

Abstract. It is necessary to raise the culture, spiritual and moral potential of the younger generation, to awaken the national ideology. After all, only a person who understands himself, understands the spirituality of the nation, knows his people, his nation, his homeland, his family. He understands the duty, responsibility and obligation to the people and the nation. Spiritual and moral perfection of a person is the basis of the spirituality of the people, the state and society. The article elaborates on the importance of shaping the development of moral and cultural attitudes in students as a pedagogical problem.

Keywords: student, ethics, society, personality, culture, spirituality, virtue, development.

РАЗВИТИЕ ЭТИЧЕСКИХ И КУЛЬТУРНЫХ ОТНОШЕНИЙ У СТУДЕНТОВ КАК ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ПРОБЛЕМА

*Имомкулова Муслима Норкуловна,
Термезский государственный университет, старший преподаватель
кафедры русского языка и литературы*

Аннотация. Необходимо поднять культуру, духовно-нравственный потенциал подрастающего поколения, пробудить национальную идеологию. Ведь только человек, который понимает себя, понимает духовность нации, знает свой народ, свою нацию, свою Родину, свою семью. Он понимает долг, ответственность и обязанность перед народом и нацией. Духовно-нравственное совершенствование человека является основой духовности народа, государства и общества. В статье раскрывается важность формирования нравственно-культурных установок учащихся как педагогической проблемы.

Ключевые слова: студент, этика, общество, личность, культура, духовность, добродетель, развитие.

TALABALARDA AXLOQIY MADANIY MUNOSABATNI RIVOJLANTIRISH PEDAGOGIK MUAMMO SIFATIDA

*Imomqulova Muslima Norkulovna,
Termiz davlat universiteti, Rus tili va adabiyoti kafedrasida katta o'qituvchisi*

Annotatsiya. Yosh avlodning madaniyatini, ma'naviy-axloqiy salohiyatini ko'tarmoq, milliy mafkurasini uyg'otmoq zarur. Zero, o'zini anglagan, millat ma'naviyatini tushungina xalqini, millatini, Vatanini, oilasini taniydi. Xalq va millat oldidagi burchni, mas'uliyatini, majburiyatini anglaydi. Insonning ma'naviy-axloqiy barkamol bo'lishi xalq, davlat, jamiyat ma'naviyatiga asos bo'ladi. Maqolada talabalarda axloqiy madaniy munosabatni rivojlantirish pedagogik muammo sifatida shakllantirishning axamiyati atroflicha yoritilgan.

Kalit so'zlar: talaba, axloq, jamiyat, shaxs, madaniyat, ma'naviyat, fazilat, tarqiyot.

Kirish. O'sib kelayotgan yoshlarning ongu shu o'rini, tafakkurini ma'rifat asosida shakllantirish va tarbiyalash masalalariga bag'ishlangan ilmiy izlanishlarda jahon ilmiy fan rivojiga ulkan hissa qo'shgan allomalarning ma'rifatparvarlik qarashlaridan yoshlar tarbiyasida samarali foydalanish, bilim olish jarayonida dunyoqarash, intellektual salohiyatni kengaytirish amaliy ahamiyat kasb etib, kelajakni belgilab beruvchi asosiy pedagogik omil sifatida baholanmoqda.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoev 2022 yilning eng muhim ustuvor vazifalari haqidagi Oliy Majlisga Murojaatnomasida «Mamlakatimizda ilm-fanni yanada ravnaq toptirish, yoshlarimizni chuqur bilim, yuksak ma'naviyat va madaniyat egasi etib tarbiyalash, raqobatbardosh iqtisodiyotni shakllantirish borasida boshlagan ishlarimizni jadal davom ettirish va yangi, zamonaviy bosqichga ko'tarish maqsadida, yurtimizda 2022 yilga «Inson qadrini ulug'lash va faol mahalla yili» deb nom berilishini e'tirof etdilar. Binobarin, xalqimizning boy intellektual merosi va umumbashariy qadriyatlarini asosida zamonaviy madaniyat, iqtisodiyot, fan, texnika va texnologiyalarning yutuqlari asosida kadrlar tayyorlashning mukammal tizimini shakllantirish O'zbekiston taraqqiyotining muhim sharti bo'lib hisoblanadi[1;2].

Shaxsning o'z o'zini anglashi, bilimdonlik, qalbi tozalik, saxiylik, samimiylik, xayrixohlik, iymonlilik, halolik, e'tiqodlilik, diyonatlilik, poklik, mehr-shafqatlilik, vijdonlilik, rostgo'ylik, adolatparvarlik, ota-onaga hurmat, oilaga sadoqat, vafodorlik, to'g'rilik va boshqalar.

Shaxsning millat vakili sifati maqomida: milliy o'z-o'zini anglash, milliy g'urur, millatparvarlik, vatanparvarlik, millat taqdiriga nisbatan ma'suliyatni, milliy manfaat ustivorligini his etish, milliy til, milliy tarix, adabiyot, san'at, urf-odatlar, an'analar, qadriyatlar, davlat tizimiga, qonunlarga hurmat va itoatkorlik, vazminlik, o'z kasbining mohir ustasi bo'lish, mamlakat ichki va tashqi faoliyatidan habardor bo'lish va uni qo'llab-quvvatlash, mamlakat ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy, ma'naviy hayotida faollik va boshqalar bo'lsa;

Shaxsning jamiyat vakili sifatidagi maqomida: mamlakatning jahondagi nufuzini oshirishdagi ma'sullik, jahon sivilizatsiyasi yutuqlarini egallash, jahon xalqlari oldida turgan umumbashariy muammolariga befarq bo'lmaslik, milliy va umuminsoniy manfaatlar uyg'unligini anglash, insonning tabiatining bir bo'lagi ekanligi, uni asrashda ma'sullik va boshqa bir qator tushunchalarni kiritishi mumkin.

Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili (Literature review). O'zbekiston Respublikasining birinchi prezidenti Islom Karimovning «Yuksak ma'naviyat-yengilmas kuch» asarida: «Ma'naviyat- insonni ruhan poklanish, qalban ulg'ayishga chorlaydigan, odamning ichki dunyosi, irodasini baquvvat, iymon – e'tiqodini butun qiladigan, vijdonini uyg'otadigan beqiyos kuch, uning barcha qarashlarining mezonidir» deb ta'riflagan edilar. Bu ta'rifda inson faoliyatining barcha ma'naviy qirralari qamrab olinganini ko'rish mumkin[3].

A.Erkaevning fikricha, «Ma'naviyat – insoning ijtimoiy – madaniy mavjudot sifatidagi mohiyatidir, ya'ni insonning mehr-muruvvat, adolat, to'g'rilik, sofdillik, vijdon, or-nomus, vatanparvarlik, go'zallikni sevish, zavqlanish, yovuzlikka nafrat, iroda, matonat va shu kabi ko'plab asl insoniy xislatlari va fazilatlarining uzviy birlik, mushtaraklik kasb etgan majmuidir»[6].

M.Imomnazarov dastlab «Ma'naviyat inson qalbidagi ilohiy nur...», -deb yozgan bo'lsa, keyinchalik «Ma'naviyat – inson qalbida, ko'ngil ko'zgusida aks etgan haqiqat nuridir, deyilgan ta'rif darhaqiqat, so'fiyona ramziy ta'rifdir, zotan boshqacha ta'rif bu cheksiz mohiyatni cheklab qo'yadi», -deb yozadi[7].

Abu Nasr Forobiy «Daraxtning yetukligi uning mevasi bilan bo'lganidek,

insonning barcha xislatlari ham ahloqiy tarbiya bilan yakunlanadi» deb ta'kidlaydi[5].

Ya.A. Komenskiy o'z asarlarida axloqiylik deganda biz faqat tashqi muomalani ko'zda tutmaymiz, balki niyatning butun ichki mohiyatini tushunamiz, axlok haqida gap borganda, albatta uning muayyan tuzilmasi, unga asos bo'lgan omillar, unsurlar to'g'risida to'xtalmaslik mumkin emasligini yoritadi[8].

O'quv jarayonida talabalarda axloqiy madaniy munosabatni rivojlantirish samaradorligini oshirishning pedagogik imkoniyatlarini topish va ularni takomillashtirishni taqozo qiladi. Shuning uchun ushbu soxada ilmiy izlanishlar olib borish g'oyatda dolzarblik kasb etadi.

Tadqiqot metodologiyasi (Research Methodology). O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning «Buyuk kelajagimizni mard va olijanob halqimiz bilan birga quramiz», «Milliy taraqqiyot yo'limizni qatiyat bilan davom ettirib yangi bosqichga ko'taramiz», O'zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti Islom Karimovning «O'zbekiston: milliy istiqlol, iqtisodiyot, siyosat, mafkura», «Yuksak ma'naviyat-yengilmas kuch» kabi asarlari tadqiqot uchun metodologik asos bo'lib xizmat qildi. Jamiyatning iqtisodiy, ijtimoiy – siyosiy sohalarida mavjud bo'lgan muammolarni ma'naviyatni rivojlantirish, unga tayanish orqali hal etish mumkin. Ma'naviyat millatni taraqqiyotga yetaklovchi, davlatning qudratini oshiruvchi muhim omil sanaladi. Chunki qaerda, qaysi mamlakatda ma'naviyat yuksak darajada bo'lsa, o'sha joyda, o'sha mamlakatda johillik, hasadgo'ylik, beparvolik, xudbinlik, yalqovlik, manmanlik, tekinko'rlik, g'iybat qilishlik, ko'rolmaslik, yovuzlik, qo'paruvchilik, o'z vatani va xalqiga nisbatan sotqinlik tuhmat qilish kabi salbiy illatlar, ma'naviyatsizlik ko'rinishlariga o'rin qolmaydi.

Buyuk ma'rifatparvar bobomiz Mahmudxo'ja Behbudiy o'tgan asrning boshidayoq «Dunyoda turmoq uchun dunyoviy fan va ilm lozimdur, zamona ilmi va fanidan bebahra millat boshqalarga poymol bo'lur», degan haqqoniy fikrlar bilan Turkiston ahlining ongu shu urini uyg'otishga da'vat etgani bejiz emas... Bu so'zlarning qanchalik haqiqat ekanini bugungi yuksak tafakkur va texnologiyalar zamoni ham isbotlanmoqda.

Tahlil va natijalar (Analysis and results).

Turli ilm-fan sohalarining o'lkamizda taraqqiy topishi shu mintaqamizning boy madaniy, ma'naviy, iqtisodiy imkoniyatlar zahirasiga ega bo'lganidan, xalqimizning intellektual salohiyatidan dalolat berishi barobarida islom ilmlari va musulmon madaniyati rivojiga yurtimiz mutafakkirlarining qo'shgan hissasi nechog'lik salmoqli bo'lganini tasavvur qilish imkonini beradi.

Ma'naviyat ko'p qirrali tushunchadir. U inson faoliyatining barcha qirralarini, uning yaqqol ko'zga tashlanuvchi zoxiriy va yashirin, ichki ruhiy – botiniy tomonlarini ham qamrab oladi.

Ma'naviyat o'zi nima? degan savolga aniq va lo'nda javob topish qiyin. Unga har xil, ba'zan esa bir-biriga qarama qarshi, noaniq sayoz javob va fikrlar bildirilgan.

“Ma'naviyat” tushunchasiva uning tamoyillariga o'ziga xos izoh va ta'riflar berib kelinmoqda. Bunga sabab «Ma'naviyat» tushunchasi keng ma'noda jamiyat hayotidagi g'oyaviy, mafkuraviy, ma'rifiy, madaniy, diniy va axloqiy qarashlarni o'zida to'la mujassam etgan ijtimoiy-ma'naviy hodisa ekanligidir.

Aslida ma'naviyat – insonni jamiki boshqa mavjudotlardan ajratib turadigan eng baquvvat ma'naviy-ruhiy omil hisoblanadi.

Inson – tabiatning, barcha mavjudotning gultoji deyilganda uning ushbu xislati, ya'ni yuksak ma'naviyat egasi bo'la olish imkoniyati nazarda tutiladi. Bu imkonni boshqa jonzotlarda ko'rmaymiz.

Moddiy narsalar odamga jismoniy oziq va quvvat bersa, ma'naviyat unga ruhiy oziq va qudrat bag'ishlaydi. Faqat moddiy jihatdan ta'minlanish bilan kifoyalanish – ongsiz va ruhsiz mahluqotlarga xos. Ma'naviyatga intilish esa ruh va ong egasi bo'lmish odamzotgagina xos fazilatdir. Ma'naviyat odamning aqliy va ruhiy olami majmui kabi murakkab ijtimoiy hodisadir.

Ma'naviyat juda keng qamrovli tushuncha bo'lganligi uchun ham, yuqorida ta'kidaganimizdek uni bir jumlada ifodalash nihoyatda mushkul.

Ma'naviyat tarkibiy qismlaridan eng muhimi – axloq va odobdir.

Axloq arabchadan olingan bo'lib, xulq odob, atvor, fe'l degan ma'nolarni anglatadi. Rus tilida ishlatiladigan «moral» so'zi «mocheya» so'zidan olingan bo'lib, u ham ahloq ma'nosini bildiradi.

Yunoncha «ethos» so'zidan olingan odat, odob, rasm-rusum, fe'l (xarakter) ma'nolarini bildiradi. Ushbu tushuncha Arastu (e.o.384-322 yy) tomonidan axloqning sinonimi sifatida ishlatilgan.

«Odob» (arabcha «adab» so'zining ko'pligi) xulq-atvori, yurish-turish madaniyatning tashqi va ichki jihatlarni ifodalaydigan tushuncha. U kishilarning hatti-harakatida, o'zaro munosabatida (oila, mehnat jamoasi va h.k.) namoyon bo'ladi.

Tadqiqotchi va olimlar axloq tuzilmasini, odatda, uch omil-asosdan iborat deb xisoblaydilar.

- bular-axlokiy anglash (axloqiy ong),
- axlokiy his etish (axloqiy xissiyot)
- axlokiy munosabatlar (axloqiy hatti-xarakatlar).

Axloq tuzilmasi uch asosiy omilni: axlokiy anglash, axlokiy his etish va axlokiy munosabatlarni o'z ichiga oladi. Mazkur uch omil-unsurning birortasiz axloq tushunchasini tasavvur kilib bo'lmaydi. Boshkacha aytganda, axloqni inson ko'zi oldida gavdalantiruvchi axlokiy munosabatlarning his etish va axlokiy anglashsiz yuzaga chiqishi, ya'ni mavjud bo'lishi mumkin emas.

Axloq-odob qoidalarini anglasak, nima mumkinu, nima mumkin emas va qanday yashamoq kerak savollariga javob topa olamiz.

Axloq – odob to'g'risida gapirganda axloqiy ong nimaligini ham bilish kerak.

Axloqiy ong-kishilarning jamiyatdagi axloqiy hatti-harakatlari, yurish-turishlari, yashash qoidalari, tamoyillari, shuningdek ularning o'zaro bir-birlariga hamda ijtimoiy guruhlariga, jamiyatga bo'lgan munosabatlarini ifodalovchi qarashlari tasavvurlari, nazariyalarining jamidir.

Axloq-odob axloqiy qarashlarni bilish va anglash orqali shakllanadi.

Axloqiy ong, axloq, odobning mazmuni, mohiyati, jamiyatdagi kishilar hayoti, faoliyati, taraqqiyotidagi o'rni, ahamiyati to'g'risidagi qarashlar g'oyalarning tizimidir.

Axloq - jamiyat, zamon, insoniyat tarixi uchun namuna bo'la oladigan ijobiy hatti-harakatlar yig'indisidir.

Odob - inson xakida yoqimli ta'surot uyg'otadigan, lekin jamoa, jamiyat va insoniyat xayotida u kadar muhim axamiyatga ega bo'lmaydigan, milliy urf-odatlariga asoslangan chiroyli katti-xarakatlarni o'z ichiga oladi.

Ma'rifat-pedagogika nuqtai nazaridan ta'lim va tarbiya so'zlarining qo'shma birligini bildirib, ta'lim – bilim berish, tarbiya esa olgan bilimlarni hayotda qo'llay olishlik ya'ni olingan bilimlarga ko'nikma hosil qilish, avlodlar tarbiyasini odamlarga o'rgatish ma'nosida talqin etiladi.

Ma'rifat – ya'ni bilim ma'rifatparvarlar orqali yoyiladi. Ma'rifatparvar – jamiyat va insonlarni ma'rifatli qilish uchun kurashuvchi, ma'rifat xomiysi va tarafdori demakdir.

Ma'rifat qaramlik, qo'rquv va hadikni bartaraf qiladi, insonga beqiyos ilohiy qudrat, mislsiz salohiyat ato etadi. Shuning uchun barcha zamonlarda ozodlik uchun kurashchilar mamlakat, millat ozodligini xalqning ma'rifiy uyg'oqligida deb bildilar

va ma'rifat uchun kurashdilar.

Ma'rifatparvarlik harakatining yorqin siymolaridan biri Abdulla Avloniyning «Ilm insonlarning madori, hayoti, rahbari, najotidir», - degan g'oyasi ma'rifatparvarlik harakatining dasturini tashkil etgan[4].

Bilim insonning fazilatini ulug'lovchi xususiyatlardan biridir. Bilim olish, ma'rifatli bo'lish, insonlar turli sohalarda qiyinchilikka duch kelganda moddiy va ma'naviy jihatdan g'alaba qilishi uchun zarur. Bilimsiz, ma'rifatsiz kishi himoyasizdir.

Ma'rifat keng ma'noda odamlarga bilim berish, ko'nikma va malaka hosil demakdir. U ma'naviyatni shakllantiruvchi, jamiyatning yaratuvchanlik, bunyodkorlik quvvatini oshiruvchi inson faoliyati sohasidir. Boshqacha aytganda ma'rifat jamiyatning ta'lim-tarbiyaga bo'lgan ehtiyojini qondirishga yo'naltirilgan inson faoliyatini qamrab oluvchi tushunchadir.

Ma'naviyat har doim ma'rifat bilan ya'ni bilim bilan uyg'un holda rivojlanib boradi. Har ikkalasining uyg'unligiga erisha olsak yoshlarimizning ma'naviy barkamol, iymon-e'tiqodli, vatanparvar, insonparvar, vijdonli, diyonatli, or-nomusli, halol va pok insonlar bo'lib tarbiya topishlariga erisha olamiz.

Xulosa va takliflar (Conclusion/Recommendations). Zaminimizda kamol topgan, el-yurtga tanilgan, ma'naviy barkamol, komil zotlar o'zlarida ma'naviyat va ma'rifatni yuksak darajada mujassam etgan allomalar bo'lganlar. Ular ma'naviyat va ma'rifat chiroqlarini mash'alasingari yoqqanlar. Yuksak ma'naviyat va ma'rifat tufayli Turon zamin yer yuzida shuhrat qozongan. Shundan kelib chiqib aytish mumkinki, hozirgi davrda milliy kamolot yo'li mana shu yo'l bundan boshqa yo'l yo'q. Ma'naviyat va ma'rifat xalqimizning, millatimizning, Vatanimizning porloq kelajagi uchun suv va havodek zarur. Ma'naviyat va ma'rifatning o'zaro birligi, uyg'unligi, ma'naviy va ma'rifiy tarbiya ishlarimizni birga olib borish taraqqiyotimiz taqazosi. Ularni bir-biridan ajralgan holda, boshqa-boshqa olib borib bo'lmaydi. Zero, ta'lim va tarbiya ishini uyg'un holda olib borishni talab etadi, chunki inson qalbiga yo'l avvalo ta'lim-tarbiyadan boshlanadi.

Tarix va hayot tajribasi dunyoviy va diniy qadriyatlar, ilm-ma'rifat doimo bir-birini to'ldirib, boyitib kelganligi shu asosda kishilar ma'naviy kamolot cho'qqilariga erishganligidan dalolat beradi. Ma'naviy va ma'rifiy qashshoqlik bilan hech bir millat, u yashayotgan mamlakat hech qachon iqtisodiy va ijtimoiy – siyosiy taraqqiyotning yuksak cho'qqilariga erisha olmaydi.

ADABIYOTLAR

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi Farmoni. // O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2017 y., 13 fevral. 6 (766)-son

2. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh. Mirziyoevning 2022 yil uchun mo'ljallangan eng muhim ustuvor vazifalar haqidagi Oliy Majlisga Murojaatnomasi. 2021 yil, dekabr

3. Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat - yengilmas kuch. - Toshkent, Ma'naviyat, 2008. – 176 b.

4. Abdulla Avloniy. Turkiy guliston yoxud axloq. – T.: O'qituvchi, 1992. – 62 b.

5. Abu Nasr Farobiy. Fozil odamlar shahri. // Tanlangan asarlar. Mas'ul muharrir: akad. M. Xayrullaev. – T.: A.Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti, 1993. – 222 b.

6. Эркаев А. Маънавият – миллат нишони. Тошкент. Маънавият, 1997

7. Имомназаров М. Маънавиятимизнинг такомил босқичлари. Тошкент: Шарк, 1996

8. Коменский Я.А. Великая дидактика. Изб. пед. соч. В 2 том. М. 1982. Т. 1. — с. 384.

**QALAMTASVIRDA IKKI, UCH GEOMETRIK SHAKLLARDAN
TASHKIL TOPGAN NATYURMORT CHIZISH**DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022>.*Raxmonqulov Xamroqul Boboqulovich,
Termez davlat universiteti, Amaliy san`at kafedrası o`qituvchisi*

Annotatsiya. Ushbu maqolada qalamtasvirda ikki, uch geometrik shakllardan tashkil topgan natyurmort chizish bosqichlari qonun-qoidalari haqida ma'lumot berilgan.

Kalit so'zlar: Qalamtasvir, buyum, shakl, qog'oz, geometrik jism.

**РИСОВАНИЕ НАТЮРМОРТА ИЗ ДВУХ-ТРЕХ ГЕОМЕТРИЧЕСКИХ
ФОРМ КАРАНДАШЕМ**

*Рахманкулов Хамрокул Бобокулович,
Преподаватель кафедры прикладное искусство Термезского
государственного университета*

Аннотация. Эта статья дает вам краткий обзор основ рисования натюрморта, состоящего из двух или трех геометрических фигур.

Ключевые слова: карандаш, предмет, фигура, бумага, геометрический предмет.

**DRAWING A STILL-STORY OF TWO OR THREE GEOMETRIC
SHAPES IN PENCIL**

*Rakhmonkulov Xamroqul Bobokulovich,
Termez State University, Teacher of the Department of Applied Arts*

Annotatsion. This article gives you a brief overview of the basics of drawing a still life of two or three geometric shapes.

Key words: Pencil, object, figure, paper, geometric object.

Кириш. Bugungi kunda oliy ta'lim tizimini yangi sifat bosqichiga ko'tarish, sohadagi mavjud muammolarni bartaraf etish, oliygohlarimizni ta'lim va ilm fanning yirik markazlariga aylantirish bo'yicha boshlagan katta ishlarimizni jadal davom ettirishimiz lozim.

Методлар. Амалий, кўргазмали, қиёсий, сўзлашув, модулли, интерактив

Натижалар. Ushbu maqolada yoritilgan qalamtasvirning ikki, uch geometrik shakllari yordamida talabalarga tasviriy va amaliy san'at turlarini yaratish sirlari o'rgatiladi, shuningdek, natyurmort chizishga erishiladi.

Мунозара. Qalamtasvirda ijod qilayotgan har bir talaba va ijodkor tasvirlash qonun-qoidalariga amal qilsa albatta ko'zlangan maqsadiga erisha oladi.

Введение. Сегодня мы должны продолжить начатую нами большую работу по поднятию системы высшего образования на новый качественный уровень, по преодолению существующих проблем в этой области, по превращению наших университетов в крупные центры образования и науки.

Методы. Практический, наглядный, сопоставительный, разговорный, модульный, интерактивный

Результаты. С помощью двух-трех геометрических форм пера, описанных в данной статье, школьники будут обучаться секретам создания изобразительного

и прикладного искусства, а также рисования натюрморта.

Ta'lim sohasining yana bir muhim vazifasi-faol fuqorilik pozitsiyasiga ega bo'lgan, Vatan va xalq manfaatlarini qat'iy himoya qila oladigan, zamonaviy keng fikrlaydigan, yoshlar avlodini shakllantirishdan iborat. Shu sababli "Uzluksiz ta'lim tizimida ijtimoiy fanlarni o'qitish tartibi va tamoyillari konsepsiyasi" ni ishlab chiqish va uni amaliyotga joriy etish obyektiv zaruriyatga aylanmoqda" degan fikrlari ayni muddaodir. [1]

Xususan tasviriy san'at – o'quvchilarda borliqni haqqoniy obrazlarda tasvirlashni mukammal o'zlashtirish, yosh rassomlarni tayyorlashdagi dastlabki qadam hisoblanadi. Qog'oz yuzasida jismlarning asl shaklini yuksak mahorat bilan to'g'ri tasvirlash uchun tasviriy malakani mukammal egallash va uni amaliyotda qo'llash – naturaga, shuningdek, xotira va tasawurga asoslanib, rasm chizishni o'rganish zamr. Albatta, bunday ijodiy topshiriqlarni bajarish uchun inson rassomchilik qobiliyatiga ega bo'lishi va o'z ustida uzluksiz, betinim ishlay olishi muhimdir. Tasviriy san'atning asosiy vazifasi – yoshlarda tasvirlash mahorat qirralarini o'rganish natijasida yuzaga kelgan bilim va malakalarni shakllantirishni o'z ichiga oladi. U o'quvchidan tasvirlash qonun-qoidalarini bilishni va ulardan to'g'ri foydalana olishni ko'zda tutadi.


Rasm chizishga o'rgatish, bu – bir-biri bilan o'zaro bog'liq bo'lgan quyidagi vazifalarni hal etishni taqozo etadi:

- narsani o'ziga qarab anglash, kuzatish, jismlarni o'zaro solishtirish;
- jismlarni shakli, rangi, materiallik xususiyati bo'yicha farqlay bilish;
- rasm chizish mashg'ulotlarida e'tiborli bo'tish, fikrlab, jismlarning shaklini aniq tahlil qilishga o'rgatish.

Realistik rasm chizish asoslari, uslublari va mahoratini o'zlashtirish, tasvirlashda ketma-ketlikni bilishga va turh materiahardan foydalana olishga o'rgatadi. Nazariy va amaliy mashg'ulotlarda bolajak pedagog bilim olishi va malakasini oshirishi, turli xil qalamlar bilan ishlashni o'rganishi va o'z qobiliyatini shakllantirishi, amaliyotda undan samarali foydalana olishi muhim hisoblanadi. Tabiatdagi barcha shakllar va hattoki, inson tanasi ham o'zida turli geometrik shakllarga o'xshash birikmalaridan tarkib topgan murakkab plastik shakldir (kub, shar, silindr, prizma va boshq). Shuning uchun qalamtasvir bo'yicha dastlabki mashg'ulotlar tasviriy san'atning asosiy qonun va qoidalarini o'zlashtirish hamda ushbu qonunlar asosida oddiy geometrik shakllarni turli holat va rakursda chizishga qaratiladi.

Tasviriy san'atning ajralmas bo'lagi qalamtasviridir. Qalamtasvir – barcha tasviriy san'at turlarining asosi hisoblanadi. Rassom tasviriy san'at turining qaysi birida ijod qilishidan qat'iy nazar, qalamtasvirga asoslanadi. U o'zining kuzatishlari, katta 9 asar kompozitsiyalari ustidagi izlanishlarini avval qalamda dastlabki chizgilar bilan ifodalaydi. San'at asarlarini yaratishda esa, ushbu bajarilgan chizgilar rassomga yordamchi manba bo'lib xizmat qiladi. Rassom u yoki bu kartina yaratishni qalamdan boshlaydi. Shundan keyingina, ushbu san'at asari ranglar jilosi orqali tomoshabinga estetik huzur baxsh etadi. Boshqacha qilib aytganda, qalamtasvirsiz hech bir rassom o'z asarini yetuk holga keltira olmaydi. Qalamtasvir boshqa san'at turlari orasida mustaqil ravishda tugallangan dastgohli san'at asari ham bo'lishi mumkin. Tush, sangina, pastel, sous, qalam bilan bajarilgan ko'plab kartinalar jahonning turli san'at muzeyi va ko'rgazmalaridan joy olgan. Qalamtasvir mashg'ulotlari ko'rib-kuzatib to'g'ri tasvirlash, borliqni idrok etish, qo'l, ong va sezgi organlarini shakllantirishda, nafaqat, bo'lajak rassomga, balki turli kasb sohasidagi kishilarga zarurdir. Uyg'onish

davrining buyuk rassomi va olimi Leonardo da Vinchining “Rangtasvir qonunlari” nomli asarida shunday degan edi: “Yoshlar oʻzlarini ilm-fan, tasviriy san’atda sinamoqchi boʻlsalar, awalo, rasm chizishni mukammal bilmoqlari lozimdir”. [2] Qalamtasvir mashgʻulotlari boshqa mutaxassislik fanlari qatorida boʻlajak oʻqituvchi-rassomlarni tayyorlashda asosiy fan hisoblanadi. Qalamtasvir darslari talabalarga bosqichlarda nazariy va amaliy mashgʻulotlar orqali olib boriladi. Shuni taʼkidlash kerakki, amaliy mashgʻulotlar qatorida nazariy bilimlar boʻlajak pedagoglarga ularning bilim olishni tugatgandan soʻnggi ilmiy va ijodiy faoliyatlarida muhim ahamiyat kasb etadi.



1-rasm: Qalam bosqichlari.

Barcha mashgʻulotlarda boʻlgani kabi, gips geometrik shakllarning qalamtasvirini bajarish ham tasviriy san’atning “oltin qonuni” – oddiydan murakkabga uslubida amalga oshiriladi. Maʼlumki, bizni oʻrab turgan predmetlar dunyosining barchasi geometrik shakllarga asoslangan (shar, kub, prizma, konus, piramida, silindr, parallipiped va h.k.lar). Shakllarning gipsdan boʻlishining asosiy sababi, ular aksariyat hollarda sunʼiy yoritqichlar bilan yoritilib, oʻquv-mashq maqsadlarida qoʻyiladi. Yorugʻ- soya majmuasi (yorugʻ, soya, yarim soya, refleks, shaxsiy va tushuvchi soya, yaltiroqlik) och tushdagi, xususan, oq buyumlarda yaqqol koʻrinadi. Bundan tashqari oddiy qora qalam vositasida shakllarning tus munosabatlarni aniqlash yoshlarni tasvirlashda tartib bilan ish yuritishga oʻrgatadi. Eng muhimi, dasturda koʻrsatilgan murakkab vazifalarni (meʼmorlik boʻlagi, gips milliy naqsh boʻlagi, inson portreti va gavdasi) oddiy geometrik shakllar, tekisliklar bilan tasvirlash uchun zamin boʻlib xizmat qiladi. Yuqorida keltirilgan barcha malakalar bilan bir qatorda, geometrik shakllar qalamtasvirini bajarish mashqlari asosida oʻquvchi buyumlarning kenglikdagi fazoviy holati, yorugʻ-soya munosabati va oʻzaro nisbatlari kabilar haqida toʻliq maʼlumotga ega boʻladi. Gips geometrik shakllar rasmini uyda mustaqil chizish jarayonida oʻquvchi ushbu shakllar nusxasini simdan yasab olishi va buyum tekisligiga turli holatlarda qoʻyib, uning joylashishi, konstruktiv tuzilishi, perspektiv qisqarishi, shakllarning koʻrinar va koʻrinmas tomonlarini tasavur etishi hamda oʻzining nazariy bilimlari va amaliy koʻnikmalarini yanada chuqurlashtirishi kerak. Ayniqsa, bir guruh geometrik shakllarni tasvirlashda ushbu usul oʻquvchiga yengillik tugʻdiradi. Chunki, bir shakl ikkinchi bir shaklni toʻsib turganda, ularning joylashgan yeri, birlashgan joylari hamda oʻzaro nisbatlari yaqqol koʻrinadi.


Shuningdek, auditoriyada ishlangan mashqlar bilan bir qatorda uyda ushbu geometrik shakllar namunasini qog'ozdan yasash, ulami alohida va ikki, uch, to'rt buyum ishtirokida turli kompozitsiyalar tuzib tasvirlash muhimdir. Shakllarni turli holatlarda qo'yish va yoritish orqali chizuvchining fazoviy va hajm borasidagi bilim hamda tasavurlari rivojlanadi. Quyida ufq chizig'idan pastroq joylashgan va yuqori old tomondan yoritilgan prizma, silindr va sharning uch uslubiy bosqichlarda bajarilgan namunasini ko'rib chiqamiz:

1-bosqich. Shakllarning eng chekka tomonlari asosida uni qog'oz sirtida ko'rinar va ko'rinmas qirralarini tasavur etgan holda joylashtirish hamda uning nisbatlari, balandligi, harakat holatiga qarab, perspektiv ko'rinishining dastlabki belgilarini aniqlash;


2-bosqich. Shakllarning konstruktiv tuzilishini yengil chiziqlar bilan tasvirlab, tutash nuqta orqali yon tomonlarining perspektiv qisqarishini ufq chizig'iga binoan aniqlash, shakllarning nisbatlari va perspektiv ko'rinishlarini belgilab, ularning buyum tekisligidagi tushuvchi soyasini belgilash;

3-bosqich. Kub shaklining barcha yorug'-soya munosabatlarini belgilash, tomonlari tus nisbatlarini aniqlab, refleks, yaltiroq qismlarini topib, vazifani bir butun yaxlitlikka keltirish.


Geometrik shakllardan tuzilgan natyurmortlarni tasvirlashda ularning oddiylaridan boshlash kerak, shundan keyin sekin-asta murakkablariga o'tiladi. 2-rasmdagi kub, shar, silindr, shakllarini tasvirlash ham yuqoridagi misolni bajarilgan bosqichlar asosida olib boriladi. Kub shaklini tasvirlash bosqichlari asosida olib boriladi. Bunda shakllarning o'zaro munosabatlari, tasvirlashda yordamchi chiziqlar o'tkazib ish yuritish usuli, perspektiva qonunlariga asoslanib, mashq bajariladi.




Parallel ravishda uyda ishlangan mashqlar o'quvchining o'qituvchi rahbarligida kompozitsiya borasida olgan fazoviy tasavur, chiziqli konstruktiv tuzilish, yorug'-soya munosabatlari, perspektiva qonuni, nisbatlarni to'g'ri belgilash va ayniqsa, tasvirlash malakalarini rivojlantiradi. Buning uchun uydagi turli shakllarga ega bo'lgan quti, kursi, yashik, bidon, ko'za, choynak, piyola, stakan va boshqa ko'plab uy jihoz va buyumlari kifoya.



1-bosqich




2-bosqich



3-bosqich

Ushbu natyurmortda ham qalamtasvirda ikki uchta shakllardan tashkil topgan buyumlar tasvirlangan. Bunda tasvirlash qonun qoidalariga to'liq amal qilingan. 1-bosqichda umumiy komponovka olingan. 2-bosqichda esa buyumlarlar shakli berilgan. 3- bosqichda esaqalamtasvirda kamponovkasi tugatilgan. 4- bosqichda shtrixl:



4-bosqich



5-bosqich

Shuni xulosa qilib aytsak, biz qalamtasvirda ijod qilayotganimizda tasvirlash qonun-qoidalariga amal qilsak albatta ko'zlangan maqsadimizga erishamiz.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Shavkat Mirziyoyev. 1-oktabr-O'qituvchi va murabbiylar kuni sohasidagi nutqi. – Toshkent. 2021-yil.09.29. daryo.uz
2. P.Tomas, A.Taylor. Drawing London. – London. – 2011. – 117-bet
3. Z.Bobomurotov.Qalamtasvir rangtasvir. – Toshkent. – 2013. – 16-20 b.

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИГА
ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎРГАТИШ СИФАТ МОНИТОРИНГИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022>.

Рахимова Шахло Бахтиёровна – Мактабгача таълим тизими раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти таянч докторанти

Аннотация: Ушбу мақолада олий таълим муассасаларидаги мактабгача таълим йўналиши талабаларига инглиз тилини ўргатиш сифат мониторингини такомиллаштириш масаласи таҳлил қилинган. Муаллиф олий таълим муассасалари нофилогик таълим йўналишларида инглиз тилини ўқитиш жараёнини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари масаласига бағишланган тадқиқот ишларини таҳлил қилиб, олий таълим муассасалари мактабгача таълим йўналиши талабаларига хорижий тилларни ўргатиш натижалари самарадорлиги ва таълим сифатини ошириш, талабаларни баҳолаш хусусида фикрлари ва тавсиялари тўғрисида баён қилган.

Таянч сўзлар: олий таълим тизими, мактабгача таълим, таълим сифати, талабалар билимини баҳолаш, натижадорлик.

**УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МОНИТОРИНГА КАЧЕСТВА В
ИЗУЧЕНИИ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА СТУДЕНТАМИ НАПРАВЛЕНИЯ
ДОШКОЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ**

Рахимова Шахло Бахтиёровна – Докторант института переподготовки и повышения квалификации специалистов и руководителей системы дошкольного образования

Аннотация: В статье проводится мониторинг качества изучения английского языка на направлениях дошкольного образования в высших учебных заведениях. Автор анализирует результаты и критерии изучения английского языка в нефилологических направлениях, а также исследования направленные в этой области. Приводит выводы и рекомендации направленные на повышения эффективности и оценивания в изучении английского языка в нефилологических направлениях.

Ключевые слова: система высшего образования, дошкольное образование, качество образования, оценивание знаний студентов, результативность.

**IMPROVEMENT OF QUALITY MONITORING IN LEARNING
ENGLISH BY STUDENTS OF PRESCHOOL EDUCATION**

Rakhimova Shakhlo Bakhtiyorovna – Doctoral student at the Institute for Retraining and Advanced Training of Specialists and Managers of the Preschool Education System

Annotation: The article monitors the quality of learning English in the areas of preschool education in higher educational institutions. The author analyzes the results and criteria for learning English in non-philological areas, as well as research in this area. Provides conclusions and recommendations aimed at improving the efficiency and evaluation in the study of English in non-philological areas.

Key words: system of higher education, preschool education, quality of education, assessment of students' knowledge, effectiveness.

Сўнги йилларда чет тилини ўрганиш нафақат зарурат сифатида, балки ўз-ўзини ривожлантириш усули сифатида ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Чет тили нафақат мактаб ва олий таълим муассасаларида, балки мактабгача таълим муассасаларида ҳам таълимнинг мажбурий таркибий қисмига айланиб улгурди. Бир томондан жамиятда чет тилига бўлган талаб, шунингдек, ота-оналарнинг тил нафақат замонавий таълим омили, балки уларнинг жамиятдаги ижтимоий ва моддий фаровонлиги асоси эканлигини тушунишлари, иккинчи томондан, чет тилини эрта ўрганиш, айниқса машхур ва долзарбдир. Агар бир неча йил олдин тил билиш фақат айрим соҳалардагина талаб қилинган бўлса, ҳозир камида битта чет тилини ўзлаштириш шарт.

Жаҳон олий таълим муассасаларида чет тилларни ўқитиш сифатини баҳолашнинг IELTS, CEFR индикаторларини таълим жараёнига татбиқ этиш, таълим жараёнларининг натижавийлигини таъминлаш, таълим олувчиларнинг ўқув ютуқларини баҳолашнинг инновацион механизмларини ишлаб чиқишга катта эътибор қаратилмоқда. ЮНЕСКО томонидан қабул қилинган 2030 йилгача халқаро таълим концепциясида белгилаб берилган «Бутун ҳаёт давомида сифатли таълим олишга имконият яратиш» вазифаси доирасида иккинчи тил сифатида инглиз тили фанини ўрганиш олий таълим муассасаларининг давлат тасарруфидан чиқариш ва улар автономиясини кенгайтириш, олий таълим муассасалари ўртасида рақобат муҳитини юзага келтириш, олий таълимнинг глобаллашуви таълим сифатини ошириш бўйича йирик лойиҳаларни амалга татбиқ этиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Дунёда мактабгача таълим ташкилотлари учун тайёрланаётган педагоглар, тарбиячиларга чет тилларни ўқитиш сифат мониторингини баҳолаш, замонавий ёндашувлар асосида сифат мониторинги индикаторларини такомиллаштириш, таълим хизматлари соҳасини ривожлантириш орқали ўқитиш сифати ва самарадорлигини ошириш, олий таълим муассасаларида таълим олаётган бўлажак мактабгача таълим йўналиши мутахассисларининг хорижий тилларни ўрганиш натижалари юзасидан билим даражасини, касбий компетентлигини ривожлантириш, касбий мобиллигини кучайтириш, уларда тил кўникмаларини шакллантириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, меҳнат бозорида рақобатбардош мутахассислар тайёрлашга зарур шарт-шароитларни яратиш, кадрларнинг компетентлик даражасини баҳолашнинг квалитетрик механизмларини такомиллаштириш, таълим муассасаларида ички аудитни тизимли йўлга қўйиш, ўқитиш ва ўрганиш жараёнларини баҳолашнинг объективлигини таъминлашнинг ташкилий жиҳатлари, сифат мониторингини индикаторларини аниқлаштириш энг муҳим вазифалардан бири сифатида қолмоқда.

Республикамизда бўлажак мутахассисларнинг касбий компетентлигини иш берувчилар, мактабгача таълим ташкилотларининг эҳтиёжларини, битирувчи кадрларга қўйилаётган талабларни ҳисобга олган ҳолда талабаларда компетенцияни шакллантириш, таълим жараёнига илғор хорижий тажрибаларни кенг жорий этиш, талабаларнинг лингвистик саводхонлигини ошириш, умуммаданий лаёқатлилиқни тарбиялаш орқали миллатлараро мулоқот маданиятини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, хорижий тилларни ўқитиш самарадорлигини ошириш орқали бўлажак мутахассисларнинг рақобатбардошлигига эришиш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “чет тиллар, информатика каби бошқа муҳим ва талаб юқори



бўлган фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш” [1] каби муҳим вазифалар белгилаб берилди. Бу эса, мактабгача таълим йўналишларида инглиз тилини ўқитишнинг лингвопедагогик имкониятларини ёритиб бериш, инглиз тилини касбга йўналтириб ўқитишнинг педагогик шарт-шароитларини аниқлаштириш, мактабгача таълим йўналишларида инглиз тилини ўқитиш сифатини баҳолаш индикаторлари таркибини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3261-сон, 2017 йил 26 сентябрдаги “Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3289-сон, 2019 йил 8 майдаги “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4312-сон қарорлари, 2019 йил 12 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 391-сон “Мактабгача таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, 2019 йил 7 июндаги 467-сон “Олий таълим муассасалари рейтингини аниқлаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги “Ўзбекистон республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги bosқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-5117-сон қарори [2] мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар узлуксиз таълим тизимида чет тилларини фаол ўргатиш учун шароит яратиш, замонавий ўқув-услубий материаллар билан таъминлашни янада такомиллаштириш, хорижий тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш вазифасини амалга ошириш мақсад қилиб қўйилган.

Иқтисодиёт ва илм-фан ривожланган давлатларнинг тилини ўрганиш, жаҳон илм-фани ва тараққиёти ютуқларини эгаллашнинг бош омилidir. Буюк мутафаккир бобомиз А. Навоий ҳам ўз асарларида —Тил билган эл билар деб халқни тил ўрганишга, дунёқарашини бойитишга даъват этган. Асримиз бошларидаёқ Маҳмудхўжа Беҳбудий —Икки эмас, тўрт тил керак деб миллатни тил ўрганишга чорлаган. Хорижий тилларни эгаллаш жаҳон билан тиллашув, мулоқот воситасидир. Хорижий тилларни она тилидек эркин билишга ота-оналарни фарзандларини илм-фан уйига юборишга даъват этиб, унда ўқиганлар жаҳонда илғор шахслар бўлиб етишишини башорат қилади ҳамда ўзининг тил билмаслигидан ўқиниб, шундан бағри мудом қон эканлигини, ёш авлод ҳам шундай куйга тушиб қолмаслиги лозимлигини такидлаб ўтади.

Агар ўқитувчи ўқув машғулотида таълим олувчининг талаффузини шакллантиришга кўп вақт сарфласа, кейинчалик ўрганувчиларнинг ютуқлари, сифат ва самарадорлиги аниқловчи индикатор кўрсаткичлари орқали сезиларли даражада кузатилиб, талабаларнинг матнларни равон ўқиши ва қайта ҳикоя қилиши, фонетик тарзда тўғри талаффуз қилиши билан баҳоланади. [4]

Тил ўрганувчи ўз талаффуз маҳоратини ўзи баҳолаши ҳам муҳимдир. Л.Якобовичнинг фикрича, ўрганилган бир нечта иборани чет тилида яхши талаффуз қила оладиган киши, чет тилини яхши билиши ва равон гапиришига ишонади. Чет тилини яхши биладиган, аммо фонетик хатоларга йўл қўядиган ва акцент билан гапирадиганлар ўз нутқини равон деб ҳисобламайди. [4] Бир қатор

методистлар “талаффузни ўргатишда фақат фонетик машқларда ва матнни овоз чиқариб ўқишда йўл қўйилган хатоларни тузатиш керак, деб ҳисоблайди. [5]

Грамматик ва луғат машқларни бажаришда талабалар томонидан қилинган фонетик хатоларни тузатиш шарт эмас деган фикр нотўғри, чунки талаффузни назорат қилиш талабаларнинг талаффуз нормаларини фаол ўзлаштиришини ташкил қилишнинг мажбурий таркибий қисмидир. Тингловчи ва таълим берувчининг талаффуз хатоларини нафақат махсус матнлар ва фонетик машқларни овоз чиқариб ўқиётганида, балки ҳар қандай машқларни бажаришда ҳам тузатиш керак. Идеал ҳолатда талабаларнинг ўзини ўзи бошқариш ва ўзаро назорати ҳам зарур. Уларнинг нутқий кўникмаларини мукаммал шакллантиришда тизимли мустаҳкамлаш механизминини ташкил қилиш энг тўғри йўлдир. [5]

Чет эл методологиясида меъёрий талаффузни ўқитишни такомиллаштириш имкониятлари кўпроқ даражада коммуникатив ёндашувни ривожлантириш билан боғлиқ бўлиб, бу ўқитишда ҳақиқий алоқанинг асосий қонуниятларини моделлаштиришга имкон беради; масофавий таълим технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда фонетикани ўқитиш, ўқиш, тинглаш ва нутқ фаолиятининг бошқа турларини ўргатиш билан бирлаштирилиши орқали эришиладиган жараёндир.

Ватанимиз ва чет эл педагогикасида тил ўрганувчининг фаоллигини ошириш масаласига бағишланган адабиётлар бир қанча. Жумладан, Грамкова М.Т., Григорович Л.А., Зимняя И.А., Зинченко В.П., Ибрагимова Р.Э., А.Н.Леонтьев, Марцинковская Т.Д. каби олимларнинг илмий изланишларида аниқ ифодасини тошган.

Масаланинг айрим умумдидактик жиҳатлари тўғрисида Андреевская-Левенштерн Л.С., Баришникова Н.В. Ж.Жалолов, Ибрагимова Р.Э., Грамкова М.Т. ва бошқа бир қатор олимлар йирик фундаментал асарлар яратдилар.

Ана шу асарларда ифода этилган айримларига мурожаат қиламиз. Билиш фаолиятининг намоён бўлиши, моҳияти масаласида педагогик адабиётларда турли хил қарашлар мавжуд. Масалан, Н. Ширинова бу масалада қуйидаги концепцияни илгари суради: «Билиш активлиги, - деб у қайд қилади, - ҳақиқатни исботлаш, турли манбалардан билим олишга иштиёқ ақлий топшириқларни бажаришга интилиш, ўқув машғулотига нисбатан ақлий фаолият кўрсатиш, билишга қизиқишларда намоён бўлади». [9]

Таълим жараёнида тил ўрганувчининг билиш фаоллигини ошириш масаласига доир айрим методик ҳарактерга эга адабиётлар ҳам мавжуд. Ж.Ж.Жалолов, Исоқов А.А., К.Набиева ва бошқалар тил ўрганувчининг билиш фаоллигини оширишнинг баъзи масалаларини тадқиқ этганлар. Қардош халқлар методикасида ҳам бу масалага оид айрим изланишлар мавжуд. Чет тилини ўргатишда коммуникатив компетенция маҳорати мақсад қилинган тилда алоқа ўрнатиш ва ўзга тилда маълумот алмашиш қобилиятига тайёрлигини, ушбу тилда қўлланадиган мамлакатлар маданияти ва контекстлари ҳақида тушунчага эга бўлишликни, ўз мамлакатининг маданиятини хорижий тилда тақдим эта олиш қобилиятига эга бўлиши бугунги ҳалқаролашув даврининг объектив заруратидир. Инсон ўрганган барча кўникмаларни келажакда ўз фаолиятида ишлатиш учун эгаллайди.

Мактабгача таълим йўналишларида инглиз тилини ўқитиш сифати мониторингининг назарий-методологик асосларини ёритиш, ўқитиш самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичларини аниқлаштириш, ўқитиш сифати

мониторингининг ташкилий механизмини такомиллаштириш ҳамда ўқитиш сифати мониторингининг диагностик технологияларини такомиллаштириш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. [7]

Ҳозирги кунда мактабгача таълим йўналишларида инглиз тилини ўқитиш сифати мониторинги амалга ошириш орқали қуйидагиларга эришиш мумкин деб ҳисоблаймиз. Жумладан, мактабгача таълим йўналишларида таҳсил олаётган талабаларга инглиз тилини ўқитишда лингвопедагогик хусусиятларни матн билан ишлашга йўналтириш;

инглиз тилини ўқитиш сифатини баҳолашнинг мақбул методикасини танлаш талабаларнинг ўқув индивидуаллигини таъминлаш, кўп даражали тил бўйича тайёргарликни ҳисобга олиш, таълим мазмуни компонентларини инглиз тили коммуникатив компетенциясининг тузилмаси билан мақбуллигини таъминлаш;

мактабгача таълим йўналишларида инглиз тилини ўқитиш натижалари сифат мониторинги таълим самарадорлигини технологик таъминлаш компонентларини диагностик ва ташкил этиш функцияси билан коррекциялаш;

мактабгача таълим йўналишларида инглиз тилини ўқитиш натижалари мониторинг кўрсаткичлари кадрлар тайёрлаш фаолиятини баҳоловчи мезонлари бўйича илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. [8]

Тилни ўрганиш, ўзлаштириш инсоннинг ёш давлари билан чамбарчас боғлиқдир. Масалан, болалар катта ёшли одамларга нисбатан тилни тез ва осон ўрганади. Бегона тилни ўзлаштиришда товушларни ҳам катталарга қараганда, тўғри ва аниқ талаффуз қиладилар. Болаларда чет тилини тезда ўрганиб олишларига сабаб сифатида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

- механик хотиранинг кучлилиги;
- вақтнинг катталарга қараганда вақтнинг кўплиги;
- болаларда тақлидчанликнинг кучли эканлиги;
- кўпроқ мулоқатда бўлиши;
- ўртоқларининг бошқа миллатда бўлиши.[8]

Мактабгача ёшдаги болаларга чет тилини ўргатишда болалардаги ўзига хос хусусиятларни ҳам ҳисобга олиш лозим. Болалар мазмунга тушуниб эмас, кўпинча механик ёдлаб оладилар. Шу боисдан ҳам мактабгача ёшдаги болаларга чет тилини ўргатишда уларни ортиқча зўриқтирмасдан, ўйинли-таълимдан самарали фойдаланишлари лозим. Машғулотлар боланинг қизиқишларини ва ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил етилиши керак. Маълумотлар ўта содда ҳам, ўта оғир ҳам бўлмаслиги лозим. Ҳар иккала ҳолатда ҳам боланинг тил ўрганишга бўлган қизиқишлари сўниши мумкин.

Инсон фаолиятининг барча соҳаларига инновацияларнинг кириб бориши шахслараро ва ишбилармонлик алоқалари жараёнини соддалаштиради. Ҳеч шубҳа йўқки, инновацион технологиялар ҳам таълимни тубдан ўзгартирди. Ўтган йиллар давомида ўқитувчилар янги технологияларга жавобан ўзларининг ўқитиш усулларини тубдан ўзгартирдилар. Чет тилларини ўқитишда замонавий технологиялардан фойдаланиш ўқитишни қизиқарли қилиш ватакомиллаштириш нуктаи назаридан самаралироқ қилиш каби кўплаб имкониятларни тақдим этади. Бундан ташқари, ушбу замонавий технологик восита ўқувчиларни қизиқишларига қараб жалб қилиш ва ўрганишга ёрдам беради. Замонавий шарт-шароитлар нафақат чет тилларини ўқитишда янги технологиялардан фойдаланишни, балки ўқитиш методикасидаги ўзгаришларни ва ўқитувчидан чет тилларини ўрганиш жараёнида энг янги инновацион технологияларни жорий этишни талаб қилади. Инновацион таълим технологиялари, аввало, компютерлаштирилган таълим билан чамбарчас боғлиқ бўлган ахборот-

коммуникация технологияларидир. Мактабгача ёшдаги болаларга чет тилини ўргатишда инновацион технологияларни қўллашнинг асосий муаммолари компьютерларни ўқитиш дастурларининг таркиби, уларнинг мазмуни ва Веб-муҳитни мақбул тартибга солишдир.

Мактаб ёшига етмаган болаларга чет тилини ўргатишни грамматик тушунча беришдан бошламаслик керак. Бундай вазиятда болада зўриқиш ҳосил бўлиб, тил ўрганишга бўлган қизиқиш йўқолади. Шунингдек, кичик ёшдаги болаларга чет тилини ўргатишда уларнинг ёш ва психологик-индивидуал хусусиятларини эътиборга олиш керак бўлади. Шу боис, болаларни хорижий тилларга ўргатишда асосан уларнинг сўз бойлигини ошириш, тўғри талаффузга ўргатиш каби амалий мақсадлар кўзда тутилади. Маълумки, бугунги кунда мактабгача ёшдаги болалар ҳам чет тилларини ўрганишга қизиқиш билдирганлари ҳолда, уларнинг ота-оналари ҳам бу масалага катта маъсулият билан ёндашмоқда.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, нафақат нофилологик таълим йўналишларида шунингдек, мактабгача таълим йўналишида таҳсил олаётган талабалар, балки тил ўрганиш истагини билдирган барчага инглиз тилида тўғри талаффузни ўргатишда бажариши лозим бўлган топшириқлар амалдаги нутқ муаммоларини ечишга қаратилган бўлиб, мазкур камчиликлар тил ўрганиш давомийлигини ошириб кетмаслигини таъминлаши, тил ўрганиш жараёнига табиий равишда мослашиб, ўз қобилиятларини намоён қила олишига эришиш керак.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

2. <https://lex.uz/ru/docs/5426736>

3. Леонтьев А.А. Психология общения / А. А. Леонтьев. – М.: Смысл, 1997. – 456 с.

4. Якововиц Л.А. Изучение иностранного языка: опыт психолингвистического анализа // Методика преподавания иностранных языков за рубежом. Вып.2. -М., 1976. - С. 120.

5. Абдуазизов А.А. Инглиз тили амалий фонетикаси. – Ташкент: Ўқитувчи, 1992. - 110 с.

6. Артемов В.А. Психология обучения иностранным языкам / В.А. Артемов. – М.: Просвещение, 1969. – 279 с.

7. Ш.Рахимова. Нофилологик таълим йўналиши талабаларининг инглиз тилида талаффузини коммуникатив ёндашув асосида ривожлантириш. Сўз санъати, 2021, №1.

8. Sh.Rakhimova. The role of motivation in learning foreign language. Psychology and education, USA (2021) 59 (1), ISSN 00333077

9. Республика илмий-амалий анжумани Материаллари Самарқанд, 2020 йил 16-17 октябрь

19.00.00 – ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИ БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022>.

Тоштуров Шухрат Эшонқулович,

Навоий давлат педагогика институти катта ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистонда барқарор ривожланиш контекстида гендер тенглиги масаласи, бу борада амалга оширилаётган ислохотлар, уларнинг натижаси, мавжуд муаммолар маҳаллий ва хорижий манбалар асосида таҳлил қилинган. Муаллиф томонидан мавжуд муаммоларни бартараф этиш ҳамда мамлакатда гендер тенглиги таъминлашни янада ривожлаштирига қаратилган айрим тавсиялар илгари сурилган.

Таянч сўзлар. БМТ, Ўзбекистон, Барқарор ривожланиш мақсадлари, гендер тенглиги, хотин-қизлар, глобал мақсадлар.

РЕФОРМЫ ГЕНДЕРНОГО РАВЕНСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ

Тоштуров Шухрат Эшонқулович,

Старший преподаватель Навоийского государственного педагогического института

Аннотация: В данной статье анализируется вопрос гендерного равенства в контексте устойчивого развития Узбекистана, проводимые реформы в этой сфере, их результаты, существующие проблемы на основе местных и зарубежных источников. Автор дает некоторые рекомендации по решению существующих проблем и дальнейшему развитию гендерного равенства в стране.

Ключевые слова. ООН, Узбекистан, Цели устойчивого развития, гендерное равенство, женщины, глобальные цели.

GENDER EQUALITY REFORM IN UZBEKISTAN

Тоштуров Шухрат Эшонқулович,

Senior Lecturer of Navoi State Pedagogical Institute

Abstract: This article analyzes the issue of gender equality in the context of sustainable development of Uzbekistan, ongoing reforms in this area, their results, existing problems based on local and foreign sources. The author gives some recommendations for solving existing problems and further development of gender equality in the country.

Keywords. UN, Uzbekistan, Sustainable Development Goals, gender equality, women, global goals.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо 193 мамлакатлар томонидан 2015 йил 25 сентябрда 2030 йилга қадар мўлжалланган глобал ривожланишнинг янги “Барқарор тараққиёт мақсадлари” Декларацияси (Sustainable Development agenda)[1] қабул қилинди. Мазкур дастур 17 та мақсадлардан иборат бўлиб, дунёдаги глобал ривожланишга қаратилган. Унинг энг муҳим жиҳати шундаки, бу дастур Мингйиллик ривожланиш дастурининг мантикий давоми сифатида

уни янада ривожлантириб, баргараф этилиши лозим бўлган янги мақсадлар билан бойитган. Улар қуйидаги мақсадларни ифодалаган:

1. Қашшоқликни тугатиш.
2. Очликни баргараф этиш.
3. Саломатликни янада мустаҳкамлаш.
4. Сифатли таълим.
5. Гендер тенглиги.
6. Тоза сув ва санитария.
7. Арзон ва тоза энергия.
8. Муносиб меҳнат ва иқтисодий ўсиш.
9. Индустриализация, инновация, инфратузилмаларни ривожлантириш.
10. Тенгсизликни қисқартириш.
11. Барқарор шаҳар ва аҳоли пунктлари.
12. Масъулиятли исътемом қилиш ва ишлаб чиқариш.
13. Иқлим ўзгаришларига қарши курашиш.
14. Денгиз экотизимларини асраш.
15. Ер экотизимларини асраш.
16. Тинчлик, адолат ва самарадор институтлар.
17. Барқарор тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик [2].

Барқарор ривожланиш мақсадларида глобал миқёсда турли соҳаларда устувор йўналишлар, янги мақсадларни амалга оширган ҳолда инсониятнинг муҳим муаммоларни ҳал этиш билан бирга, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган истиқболли масалалар ўз ифодасини топган. Ушбу халқаро дастурда кўзда тутилган вазифалар миллий, минтақавий ва глобал миқёсда амалга оширилиши билан бирга жаҳон халқлари ва давлатларини умумий мақсадлар контекстида бирлаштиради.

Ўзбекистон Республикасидаги 2016 йил иккинчи ярмидан бошлаб мамлакат сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларида туб ўзгариш ва янгиланишлар жараёни бошланди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси” [3] ҳамда 2022-2026 йилларга 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг “Тараққиёт стратегияси” ишлаб чиқилди ҳамда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнларда амалиётга жорий этилди. Халқаро экспертларнинг таъкидлашича[4], ушбу стратегияларда белгиланган чора-тадбирлар БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари билан уйғундир. Ушбу дастурларнинг устувор йўналишлари Барқарор ривожланиш мақсадлари мақсадларига тўлиқ мувофиқ келади. Ёки бошқача таъкидлаганда, Ҳаракатлар стратегияси – бу БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш бўйича Ўзбекистоннинг йўл харитасидир[5].

Ўзбекистонда БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш мақсадида 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги 16 та миллий мақсад ва 225 та вазифалар белгилаб олинди, уларни амалга оширишнинг “йўл харитаси” ишлаб чиқилди. Барқарор ривожлантириш соҳасидаги миллий мақсадлар ва вазифаларнинг амалга оширилишини назорат қилиш бўйича Парламент комиссияси фаолияти йўлга қўйилди. БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларида кўзда тутилган вазифаларга эришиш Ўзбекистон учун муҳим аҳамиятга эга. Ушбу мақсадларга тўлиқ эришиш мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан тараққий этишида ҳамда халқаро нуфузининг ошишига хизмат қилади.

Xoreograflar uchun kasbiy tayyorgarlik madaniy muassasalar abituriyentlarni puxta tanlab oladigan pedagogik universitetlar. Shuning uchun qabulga yaxshi tayyorgarlik juda muhimdir. Qabul komissiyalarining aksariyati mumtoz raqsga, uni ijro etish texnikasiga va ijrochining musiqiyligiga alohida e'tibor berishadi. Bo'sh joy uchun nomzodni tinglash paytida sizdan boshqa raqs uslublaridan kompozitsiyalarni ijro etish so'ralishi mumkin.

Xoreografik ta'lim beradigan universitetlarga quyidagilar kiradi:

- Sankt-Peterburg davlat universiteti;
- A.I. nomidagi Rossiya davlat pedagogika universiteti. Gertsen;
- Omsk davlat universiteti F.M. Dostoevskiy;
- Sankt-Peterburg kasaba uyushmalari gumanitar universiteti;
- Moskva davlat madaniyat instituti.

Rasm manbalari: profirk.ru, vladtime.ru, vokrugsveta.ru, women-job.kiev.ua

Raqs - bu g'ayrioddiy narsa, egiluvchanlik, his-tuyg'ular, yuz ifodalari va raqqosa tomoshabinlarga aytib beradigan voqea.

Bolaligimdan beri raqsga boraman va raqsga tushaman, muammolar va atrofdagi shov-shuvlardan chalg'iyman, men chindan ham sahnada baxtdan porlayman. Men ushbu kasbni aniq tanladim, chunki men har kimga uning shaxsiyatini ochib berishga yordam bera olaman va xohlayman. Umuman, menimcha, xoreografiyani kasb deb atash xato, chunki bu iste'dod. Kichkina yoki kattalar uchun boshlang'ich raqqosalardan namunali mutaxassislargacha «haykal» qilish qobiliyati.

Raqs yaratish ijodiy jarayon, raqs yozish san'atini o'rgatish va raqs spektakllarini yaratish - bu xoreograf oldida turgan asosiy vazifadir.

Xoreograf kuchli, moslashuvchan va doimo rivojlanib borishi, yangi raqslar haqida bilimga ega bo'lishi kerak. Bizning zamonaviy dunyoda tobora ko'proq yangi raqslar paydo bo'lmoqda va eskilarga qiziqish oson emas, biz zamonaviy yoshlarga qiziqamiz, bizlar bilan yaqinmiz, men buni hammaga aytmayman, lekin ko'pchilikka. Ha, klassik raqslar, shubhasiz, ko'pchilikni hayratda qoldiradi va siz klassikadan voz kecha olmaydiz, ammo unga yangi ranglar qo'shishingiz kerak.

Xoreograf kasbidagi eng qiyin narsa bu o'z-o'zini tarbiyalashdir. O'zingizni sevrishingiz, azoblashingiz va zavqlanishingiz kerak. Azoblangan va keyin juda yaxshi. O'zingizni qiynamang - yomon » .

Raqqosaning sahnada qanday bo'lishi kerakligi haqida hamma har xil fikrda, kimdir o'zini kuchli va intizomli bo'lishi kerak deb hisoblaydi, kimdir asosiysi bu uning texnikasi, qolgani esa o'z-o'zidan keladi deb aytadi. Men ishonamanki, texnika albatta muhimdir, lekin asosiysi raqqosning raqsga tushadigan hissiyotlari, chunki agar u raqsga moslashtirilmagan bo'lsa, u texnik va maqsadga muvofiq bo'lishidan qat'i nazar, u hech qachon yaxshi raqsga tusha olmaydi.

Men birinchi marta raqs zaliga borgan kunimni hech qachon unutmayman, u erda men uchun hamma narsa yangi edi, qizlar menga juda o'xshash, ammo men bu istakni, xohish va quvonchni ular qilayotgan narsadan ko'rdim. Mashinaga qanday murojaat qilganimni eslayman va ichimdagi yangi «men» ni his qildim, shunda men o'zimning maqsadim ekanligini, hech qachon raqsdan voz kechmasligimni angladim, bu sodir bo'ldi, men hali ham raqsga tushaman va menga juda yoqadi Qilaman Raqslarsiz hayot kulgili va odatiy ko'rinadi, lekin men zalga kirishim bilan, barcha muammolar fonga o'tadi, hamma narsa ruhda teskari tomonga burilib, rangga aylanadi.

O'z fikrlarining raqqosasi uchun asosiy narsa, u muvaffaqiyatga erishishiga va maqsadga erishishiga, xohlaganiga erishishiga, muvaffaqiyatsiz muvaffaqiyatsiz bo'lishiga amin bo'lishi kerak. Ishonchim komilki, har kim xohlasa muvaffaqiyatga erishadi, dangasa va qo'rqmaydi.

Raqsga tushganimda yashayman, yashaganimda raqsga tushaman! Shuning uchun men xoreograf bo'lishni xohlayman!

Xoreograf guruh va individual raqs raqamlarini o'rnatish bilan shug'ullanadi. U nafaqat teatr tomoshalari bilan, balki muz namoyishlari, musiqiy videolar, kattalar va yosh raqqosalar uchun balet kechalari bilan ham ishlaydi. Kasb jismoniy tarbiya va qo'shiqchilik, musiqaga qiziqqanlar uchun mos (maktab fanlariga qiziqish uchun kasb tanlashga qarang).

Qisqacha tavsif

Xoreograflar musiqiy va estetik didga, ajoyib jismoniy tayyorgarlikka ega iste'dodli odamlardir. Bir necha yillar davomida raqs direktori o'zi ishlayotgan ijodiy guruh bilan sayohat qilib, ko'plab mamlakatlarga sayohat qilishga muvaffaq bo'ldi.

Professional raqs direktori teatrlarda, bolalar va kattalar ijodiy studiyalarida va

fitness-klublarda doimo talabga ega bo'ladi.

Xoreograflarning asosiy qoidasi mukammal jismoniy shaklni saqlashdir, chunki ularsiz ishlash juda qiyin. Shuning uchun, ularning hayoti mashg'ulotlardan, mashg'ulotlardan, doimiy ish safarlaridan iborat va ish ko'p vaqtni oladi.

Xoreografning hayoti qanday?

Balet raqqosalari, gimnastlar va figurali uchuvchilar xoreografga aylanishadi. Pensiyaga chiqqandan keyin o'z hayotlarini tubdan o'zgartirishni istamaydigan raqqosalar ham ushbu sohaga kirishadilar. Bular yuqori darajadagi professionallardir, ular amalda ma'lum bir harakatning ko'rinishini, turli xil raqs uslublarida ishlashlarini namoyish eta oladilar.

Xoreograf truppa rahbariga bo'ysunadi, ish paytida bo'yanish bo'yicha rassomlar, yoritgichlar, tashkilotchilar bilan o'zaro aloqada bo'lib, spektaklga tayyorlanish jarayonini boshqaradi. Ammo bu uning barcha vazifalari emas, qolganlari haqida ko'proq bilib olamiz:

- talabalarga raqsga o'rgatish, professional raqqosa talab qiladigan darajada harakat qilish;
- talabalarning texnikasini takomillashtirish;
- jamoaviy va individual xoreografik spektakllar;
- raqqoslar uchun liboslar, bo'yanish, soch turmagi tanlash;
- mashg'ulotlarni o'tkazish (guruh va individual);
- zamonaviy tomoshabin talablarini inobatga olgan holda repertuarini yaratish;
- madaniy va ma'rifiy faoliyat;
- raqqoslarning estetik didi, musiqiy qulog'i, hissiyotlilikini rivojlantirish.

Xoreograf - ustoz, yordamchi, u raqqoslarning yonida doimiy ravishda o'z mahoratini oshirib boradi. Bu xoreografga qanday qilib g'ayrioddiy va chiroyli bo'lishiga bog'liq. U rasmni shakllantiradi, so'ng aktyorlar va musiqa yordamida jonlantiradi, tomoshabinlarning qalbini hayajonga soladi.

Kasbning afzalliklari va kamchiliklari

Taroziga soling

1. Ko'p sayohat.
2. Ijodiy va g'ayrioddiy jamoa.
3. Muayyan mamlakatga murojaat yo'q.
4. Harakat bu hayot, lekin xoreograflar doimiy ravishda harakat qilishadi.
5. Xoreograf o'z maktabini, reklama brendlarini ochib, kinostudiyalarda maslahatchi bo'lib ishlashi mumkin.
6. Raqsni yaxshi ko'radigan odamlarni rozi qiladigan kasb.
7. Pensiyaga chiqqandan so'ng, siz ushbu sohada sodda ish topishingiz mumkin: maslahatchilar, musobaqalar paytida hakamlar hay'ati a'zosi va boshqalar.

Kamchiliklari

1. Xavfli kasb, chunki shikastlanish xavfi katta.
2. Oyoqlari, makkajo'xori, kramplar, burmalar - bu muammolar xoreografga butun faoliyati davomida hamroh bo'ladi.
3. Ko'pincha dangasa bo'lgan truppa rahbari va raqqosalar bilan to'qnashuvlar repetitsiyalar va konsertlarda yaxshi ishlamaydi.
4. Hamma xoreograflar muvaffaqiyat va yuqori maoshga erisha olishmaydi.
5. Ish ko'p vaqt talab etadi.

Muhim shaxsiy fazilatlar

Xoreograf juda nafis va ijodiy odam bo'lib, o'z his-tuyg'ularini raqs orqali qanday etkazishni biladi. Rejissor o'zining egiluvchanligi, moslashuvchanligi, qulayligi bilan



ajralib turadi, lekin shu bilan birga, rahbarning xususiyatlari, ishontirish va hatto kerak bo'lganda majburlash qobiliyati uning fe'l-atvorida ustunlik qilishi kerak. Xoreograf ustozdir, shuning uchun u har qanday yoshdagi odamlar bilan umumiy til topa olishi kerak.

1. Sog'lik yaxshi.
2. Ajoyib jismoniy tayyorgarlik.
3. San'at
4. Amaliylik.
5. Badiiy did.
6. Qiziquvchanlik.
7. Temperament
8. EHM
9. Qattiqqo'llik.

Xoreografda mashq qilish

Bugungi kunda, 15-20 yoshida o'z hayotlarini raqsga bag'ishlashga qaror qilganlar, shuningdek, xoreograf ixtisosligiga ega bo'lishlari mumkin. Ammo bunday direktorlar kamdan-kam hollarda kelajakda professionallar bilan ish olib borishadi, ular fitness markazlarida, bolalar bog'chalarida, zamonaviy raqs maktablarida yaxshi ish topishlari va havaskorlik musobaqalarida qatnashishlari mumkin.

Professional xoreograf 5-8 yoshdan boshlab raqsga tushishni boshlagan kishi. 11-12 yoshida raqqosalar maktablarga yoki kollejlarga boradilar, shundan so'ng balet ustasi bo'limiga hujjatlarni topshirishadi («Xoreografik san'at» yo'nalishi). Qabul paytida ijodiy imtihonni mukammal topshirib, egiluvchanlikni, musiqiy quloqni namoyish etish juda muhim, ammo uyatchanlik va tiyilishni unutish yaxshiroqdir.

E'tibor berib, xoreograf o'z malakasini tasdiqlashi kerak. Agar universitetda tahsil olgan direktor raqqoslar bilan qanday ishlashni bilmasa va ritm hissi yoki yaxshi texnikaning etishmasligi bilan ajralib tursa, unga hech qachon bo'sh joy berilmaydi. Raqs guruhining rahbari birinchi navbatda rejissyorning qanday harakat qilishiga va qanday ishlashiga qaraydi, va tasdiqlangandan so'ng diplomlarga qaraydi.

Ushbu maktabda o'qish atigi 9 oyni tashkil etadi, tajribali raqqoslar va xoreograflar tomonidan ishlab chiqilgan dastur nazariy va amaliy bilimlardan iborat. Kursni tugatgan o'quvchilarga diplomlar yoki davlat tomonidan berilgan sertifikatlar, maktab vakillari ish topishda yordam berishlari mumkin.

**ЁШЛАР ДУНЁҚАРАШИДА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН САЛБИЙ
ОҒИШЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ – ПСИХОЛОГИК ИНДИКАТОРЛАРИ**DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022>.

Турсунов Лутфулла Сайфуллаевич,
Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика Университети
“Психология”
кафедраси п.ф.н. доц в.б.

Аннотация: Ёшлар дунё қарашларини давр талабида шакиллантириши билан бир қаторда, ёшларнинг хулқида юзага келадиган оғишларни илмий асосда мунтазам таҳлил этиб бориши лозим бўлади. Ёшларнинг дунё қараши ва хулқ аворлараридаги ўзгаришини аниқлаб берувчи индикатор ўз ичига нималарни қамраб олади ва ундан қандай фойдаланиши мумкинлиги ҳақида мазкур мақолада танишишингиз мумкин.

Калит сўзлар: Шакилланаётган феъл – авор, одоб – ахлоқ мезонлари, миллий ва диний қадриятлар, ўзлаштираётган ва ўзлаштирган билимлар, атрофдагилар билан муносабатлар, ташиқи имеджи ва қуришаб турган предмедлар, рухий ҳолати ва рухиятини йўналтира олиши.

**СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ИНДИКАТОРЫ
НЕГАТИВНЫХ ФАКТОРОВ, ПРОЯВЛЯЮЩИЕ В МИРОВОЗЗРЕНИЯХ
МОЛОДЁЖИ**

Турсунов Лутфулла Сайфуллаевич,
И.о. доцента кафедры «Психология, Ташкентский государственный
Педагогический университет имени Низами

Аннотация: Чтобы молодежь успешно выполнила свою миссию, поколение, действующее как социальный мост, должно не только формировать мировоззрение у молодежи, но и должны знать и осознавать отклонения в их мировоззрении. В этой статье можно узнать, что включено в качестве индикаторной активности, которая определяет изменения в отношении и поведении молодых людей.

Ключевые слова: Формирующиеся поведение, моральные аспекты, национальные и религиозные ценности, усвоенные и усваивающиеся знания, отношения с другими людьми, внешняя имидж и окружающие предметы, психологическое состояние и направление психики.

**SOCIAL AND PSYCHOLOGICAL INDICATORS OF NEGATIVE
FACTORS MANIFESTING IN YOUTH WORLDVIEWS**

Tursunov Lutfulla Sayfullayevich,
a.d. Associate Professor of the Department “Psychology”, Tashkent State
Pedagogical University named after Nizami

Resume: Each nation naturally worries about how society will use its values that have been stored for centuries and passed on from generation to generation. For young people to successfully fulfill this mission, a generation acting as a social bridge must not only shape the worldview of young people, but must also know and be aware of deviations in their worldview. In this article, you can find out what is included as an indicator activity that determines changes in the attitude and behavior of young

people.

Key words: The formed ghost, moral aspects, national and religious values, acquired and assimilated knowledge, relations with other people, external image and surrounding objects, psychological state and direction of the psyche.

Индикатор – турли ўлчаш асбобларни умумий номи, у бир нечта мақсадларда фойдаланилади. Мисол учун; созлаш индикатори, қувват индикатори, реакциялар индикатори ва хо козо индикаторлар. Индикаторни шундай хусусияти бор – ки у бирор мезонни ва меорни аниқ кўрсатиб бериш билан бир қаторда, мезонни меъордан ортиб ёки меъордан тушиб кетганлик даражаси ҳақидаги огохлантириш хусусиятига ҳам эга.

Юқорида тарифи келтирилган индикаторга ўхшаш, “инсон феъл-атвори ва дунё қарашидаги ўзгаришлар мезонни кўрсатиб берадиган индикатор вазифасини бажарувчи нима бор?” деган саволга рухиятшунослик фанида жавоб борми?

Ҳеч кимга сир эмас-ки одам фарзанди дунёга келганда бирор миллатга ёки динга мансублигини билмайди. Ижтимоий жамият тарбияси таъсирида у Ватанини таниди, ўзини қайси миллатга ва қайси динга мансублигини англаб етади. Чунки шахс ижтимоий жамиятни маҳсули сифатида ўсиб улғайган ижтимоий муҳитни билвосита ва бевосита онгли акс эттиради. Демак шахсда индикатор вазифасини бажарувчи ёзилган ва ёзилмаган қонунларга қандай даражада амал қилиши жамият аъзоларига боғлиқ эканлигини унитмаслигимиз лозим. Давлат қонунлари ҳамда миллий қадриятлар йўналишида ёки диний эътиқодлар кўринишида боринки маҳаллий эткет тизимида бўлишидан қаттиқ назар жамиятни аъзолари унга амал қилишлари лозим, ана шу қонунлардан бузиш, умум ижтимоий мезондан оғиш деб ҳисобланади. Мазкур қонуниятдан кўринади-ки энг биринчи индикатор вазифасини болага берилаётган дастлабки йўриқнома (базивий установа) ҳисобланади.

Болани ривожланиши жараёнида энг мураккаб даврий босқич “Мен кимман?” ва “Нима учун?” деган даври бўлиб, унда бола ўзини жинсини, номини билиш билан бир қаторда атроф муҳит билан танишув жараёнини амалга оширади. Айнан мазкур даврда катталар томонидан берилаётган таълим тарбияни бола қандай бажараётганлиги қаттиқ назоратга олиниб, бола қандай салом бермоқда, нонни қайси қўлида ушламоқда, қошиқдан қандай фойдланмоқда умуман барча фаолияти берилган йўриқномага мос келиши назорат қилинади. Бола улғайган сари ана шу назорат сусайиб бориши билан бир қаторда индикаторнинг саълбий кўрсаткичлари ортиб бораверади. Базан оила раҳбарлари бола феъл - атворидаги нуқсонни, хатти – ҳаракатидаги ҳатоларини ҳамда муомаласида номутаносибликни кўриб туриб кўрмасликка оладилар. Ана шу йўл қўйилган лоқайдлик асосида бир неча йил давомида шакиллантилган тарбия мезони бузлаётганлиги аниқлаш учун оила раҳбарлари берган йўл-йўриқлари (тарбия) ва бола унга қандай амал қилаётганлигини қиёслаш орқали камчиликларни аниқлаб уни бартараф этилиши индикатор ишлаётганидан дарак беради. Демак ижтимоий - психологик индикаторни мовфақиятли ишлаши болани қуршаб турган муҳитга боғлиқ экан. Жамоатчилик ва оила раҳбарлари томонидан одоб - ахлоқ мезонлари ёшларга сингдирилади, бола унга қандай амал қилаётганлигини қиёсланиши индикаторлик вазифасини бажаради.

Ёш авлодни ижтимоий – психологик индикатор қуйдагиларда акс этади.

- Шакилланаётган феъл - атворида.

- Одоб – ахлоқ мезонларига амал қилишида.
- Миллий ва диний қадириятларга муносабатида.
- Ижтимоий жамиятдаги ўзгариш ва янгиликларни акс этиришида.
- Ўзлаштираётган ва ўзлаштирган билимларини намоён этишида.
- Атрофдагилар билан муносабатларида.
- Ташқи имеджи ва қуршаб турган предметларга муносабатида.
- Рухий холати ва рухиятини йўналтира олишида.

Юқорида санаб ўтилган ижтимоий муҳит томонидан сингдириладига билимлар асосида шакилланадиган шахслилик хусусиятлари орқали жамият орзу қилган “комил инсонни” индикаторини асосий омиллар ҳисобланади. Ана шу омилларнинг ҳар бири ўз ичига яна ўнглаб омилларни қамраб олишини ҳисобга олган ҳолда, улар ҳақида куйида қисқача тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Шакилланаётган ёш авлодни феъл - атворидаги ижтимоий – психологик индикатор ёшлар ҳулқида пайдо бўлган кескин ўзгаришларни жамият томонидан қабул қилинган этнопсихологик ва минталитетга хос ҳатти – ҳаракатлари билан солиштириганда намоён бўлади. Мазкур ҳолатни ёшлар билан мунтазам мулоқотга киришиб, ёнма – ён яшовчи яқинлари тезда англаб етишлари табиий. Ёшларда мавжуд бўлмаган ҳатти – ҳаракат ёки феъл - атворидаги мутлоқ янги унсурлар ва дунё қараши ўзгариб борётганлиги оддий кузатиш орқали баҳо бериб, аниқлаш қийин эмас.

Ҳар бир миллатни ўзига хос бўлган одоб – ахлоқ мезонларига амал қилиш ҳамда ҳатти – ҳаракатлари, мулоқот ва муносабатларининг амалий ёзилган ва ёзилмаган мажмуалари мавжуд бўлади. Ана шу мажмуадаги қоидадан четга чиқиш одоб - ахлоқ меъорини бузиш дегани. Аксари ёшлар ўзларини бошқалардан ажралиб туришларини хоҳлаганликлари учун жамоада қабул қилинган одоб меъорини бузиш ҳолати юзага келади. Одоб - ахлоқ меъорилари миллий қадирият ва миллий ананаларда бевосита намоён бўлиши жамиятшунослик фанларида ўз исботини топган. Демак мазкур йўналишда индикатор вазифасини жамиятимиздаги қадирият ва ананаларга бўлган муносабатлар орқали баҳолаш мумкин. Шу сабабли ҳам;

“Ҳар йигитни аслин билай десангиз,

Марақада ўтириб – туришин кўринг.” деган ибратли иборани бежиз ҳалқимиз урғу бериб, тез – тез такрорлаб турмайди.

Диний ва миллий қадириятларга амал қилишда ота – боболари амал қилиб келаётган мазҳаб йўлидан оғмаслик эътиқоднинг тўғрилигини кўрсаткичи бўлса, ота – боболарни йўлни “хато” деб ўзларини “чала савод устозларини” сўзини “ҳақ” лигини исботлаш йўлида асосиз фикрларни химоя қилиш ва жамиятга бегона ҳатти – ҳаракатларни “диний зарурий ибодат” деб уни ортидан кўр – кўрона эргашиш эътиқоддан оғиш дейлишини тан олмай саълбий фаолиятни амалга ошириши диний эътиқод индекаторининг саълбий кўрсаткичи деб баҳолаш мумкин. Миллий урф – одатларни менсимасдан бегона одатларга рўжув қўйиш миллий қадриятлардан оғиш деб тарифлаш мумкин. Мазкур ҳолатларни баҳолаш учун ёшларни диққат билан кузатиш, улар баён қилаётган фикрларини чуқур билимлар асосида анализ ва синтез қилиш асосида мантиқан умумлаштириш лозим бўлади.

Ижтимоий жамиятдаги ўзгариш ва янгиликларни акс этиришида замон билан ҳамнафас бўлиш ҳамда қўллаб қуватлаш ёшлардаги замон билан ҳамоханликни кўрсатади. Аксинча ўтмишга қайтишга интилиш, ўтмишни ўз

давридан зиёд кўйиш дунё қараш соҳасида тенгдошларидан ортда қолиш деб таъриф берилади.

Ёшлар томонидан ўзлаштирилаётган ва ўзлаштирилган билимлари асосида ўзларининг қобилиятлари ҳамда имкониятларини намоён этиш орқали қайдаражада мустақил фикр юритишга ва ҳаётга тайёр эканликларини бевосита кўрсатадилар. Ўзлаштирган билимларини баҳолашда мутахассислар томонида белгиланган мезонлар мавжуд бўлиб, ана шу мезонлар кўрсаткичини ўзлаштирган билимлар индикатори дейишимиз мумкин.

Ҳар бир жамият томонидан қабул қилинган шахслараро муносабат мавжуд бўлиб, у асрлар давомида миллий кадриятлар асосида шакилланади. Мазкур муносабатлар жамиятни асоси бўлмиш оиладан бошланиши барча даврларда ва ҳамма мамлакат ҳамда миллатларга хос ҳисобланади. Ёшларни атрофдагилар билан мулоқати ва муносабатини жамиятда ёзилган ва ёзилмаган қонуниятлар асосида амалга оширилади. Ана шу қонуниятдан четга чиқиш муносабатларни бузиш деб ҳисобланади. Аксари ҳолларда жамиятни тажрибали аъзолари муносабатлар торози паллаларининг муозанатини сақлаб туриш орқали шахлаоро муносабатлар индикаторини мунтазам ишлаб туришини таъминлашади.

Тақидлаш жоиз – ки ҳар бир миллатни ўзига ҳос бўлган ташқи имеджи ва қуршаб турган предметларга муносабати авлоддан – авлодга сайқалланиб замонга мос равишда такомиллашиб бораверади. Ташқи имеж ва қуршаб турган предметга муносабат асрий ананаларга асосланганлиги учун миллийликдан мутлоқ узоқлашиб, оммавий ахборот тасирида оммавий маданиятга кўр – кўрона эргашиб ёки тақлид қилиш миллийликдан узоқлаштириш билан бир қаторда ёшларни дунёқарашига саълбий таъсир этади. Мазкур ҳолат ўз навбатида миллий хослик индикаторида ижобий кўрсаткичга эга бўлмайди. Шу сабабли катта авлод ёш авлодни назорат қилиши, ўз навбатида ёшлар катталарни кўрсатмаларига амал қилишлари лозим бўлади.

Ёшлардарухий ҳолатиний ўналтира олишининг шакиллантириш энг мураккаб жараёнлардан бири бўлиб, ёшлар фел – атворидаги кутилмаган ўзгаришлар уни қуршаб турган шахслар томонидан турлича идрок этилиши табиий ҳол. Рухий ҳолатни вазиятга нисбатан йўналтира олиш ёшларда мураккаб кечишини асосий сабаблари ўтиш давридаги танглик (кризис) давридаги бош мияда юзага келадиган бир марказдаги кучли кўзғалиш ва устунлик (доминантлик) эканлиги фанда ўз исботини топган. Ана шу ҳолатни бошқаришнинг механизми битта у ҳам бўлса фаолиятни йўналтиришга индикатор вазифасини бажарувчи миллий тарбия десак хато бўлмайди.

Шахс фаолиятига бохо беришда фаолиятини амалга ошириш тизимидан келиб чиқиб баҳолаш мақсадга мувофиқдир. Шу нуқтаий назардан шахсни фаолиятга ундовчи эҳтиёжи, мақсади, режаси, ҳатти – ҳаракати ва кутилган натижасини аниқлаш лозим бўлади. Ҳар бир шахсни фаолияти фаоллиги ўз олдига қўйган мақсади, онг олди кучли образли доминантликдан онг ости фаолликка ўтишида амалга оширган ҳатти-ҳаракатлар моҳиятидан келиб чиқиб баҳоланади. Бош миядаги бир нерв марказини бошқа нерв марказларидан устунлиги (доминантлик) шахсни кучли биологик эҳтиёжга ёки ташқаридан бериладиган йўриқномага (установка) боғлиқ бўлиши фанда исбот талаб этмайдиган қонуният десак хато бўлмайди.

Ёшларни ижтимоий жамиятдаги ўзгариш ва янгиликларни акс этириши ҳамда улар асосида ҳати – ҳаракатларини амалга ошириш давр талаби эканлигини англаб етганлик даражаси мавжуд. Жамиятдаги туб ўзгаришларни тан олиш ва

уларга мослашишни ягона йўли сиёсий билим ва дунё қарашни ёшлар онгида тўғри сингдириш ҳисобланади.

Айнан юқорида такидланган қонуният асосида ёшлар хулқ – атвори юзага келар экан, ана шу хулқ – атворни маълум бир тизимда сақлаб туришга жамиятда қабул қилинган ёзилган ва ёзилмаган қонунларга асосланган йўналтирувчи кучга эга бўлади. Демак қандай кўринишдаги жамият бўлишидан қаттиқ назар ёшлар учун бериладиган йўриқнома асосий индикатор вазифасини бажариб келган бундан кегин ҳам бажараверади.

Адабиётлар.

1. Мирзиёев. Ш.М “Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжиҳат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қилайлик”. Халқ сўзи 16 июнь 2017.

2. Ғозиев. Э. Ғ. Онтогенез психологияси. –Т.: Ўқтувчи. 2012.

3. Ғозиев. Э. Ғ. Умумий психология. –Т.: Файласуфлар миллий жамияти нашриёти, 2010.



**ШАХСНИНГ АХЛОҚИЙ ШАКЛЛАНИШИ ВА
РИВОЖЛАНИШИНИНГ ПСИХОЛОГИК МЕЗОНЛАРИ**

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022>.

*Жалилова Сабохат Халиловна,
психология фанлари номзоди, доцент*

*Умрзоқова Наргиза Исмоил қизи,
2-босқич магистранти, Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика
Университети*

Аннотация. Ушбу мақола шахснинг ахлоқий жиҳатдан ривожланиши масаласига бағишланган бўлиб, унда ахлоқий ривожланишининг психологик мезонларига оид мавжуд татқиқий соҳалар ва уларнинг талқинига тўхталиб ўтилади. Шунингдек, мақолада ахлоқий ривожланиши босқичлари, ахлоқ тузилишининг асосий компонентлари: когнитив, эмоционал ва хулқ-атвор компонентларининг моҳияти ёритиб берилди.

Калит сўзлар: ахлоқ, ахлоқийлик, психологик мезонлар, ахлоқий ривожланиши, негатив тенденциялар, ахлоқий тарбиялаш, когнитив компонент, эмоционал компонент, хулқ-атвор компоненти, ахлоқий қадриятлар.

**ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ КРИТЕРИИ ПРАВСТВЕННОГО
ФОРМИРОВАНИЯ И РАЗВИТИЯ ЛИЧНОСТИ**

*Джалилова Сабохат Халиловна,
кандидат психологических наук, доцент кафедры Психологии,
Ташкентского Государственного Педагогического Университета имени
Низами*

Умрзоқова Наргиза Исмоил қизи

Аннотация. Статья посвящена проблеме нравственного развития личности. В ней рассматриваются различные аспекты изучения данной проблемы и анализируются некоторые подходы психологических исследований. Также в статье освещается сущность этапов нравственного развития и основных компонентов структуры нравственности, таких как когнитивный компонент, эмоциональный и поведенческий компонент.

Ключевые слова: нравственность, психологические критерии, нравственное развитие, негативные тенденции, нравственное воспитание, когнитивный компонент, эмоциональный компонент, поведенческий компонент, нравственные ценности.

**PSYCHOLOGICAL CRITERIA OF PERSONAL MORALITY
FORMATION AND DEVELOPMENT**

*Jalilova Sabokhat Khalilovna,
Candidate of Psychological Sciences, Associate Professor*

*Umrzakova Nargiza Ismail qizi,
the 2nd stage of Master's Degree Tashkent State Pedagogical University named
after Nizami named,*

Abstract. This article is devoted to the issue of moral development of the individual, in which the existing research areas on the psychological criteria of moral development and their interpretation are discussed. The article also describes the stages of moral development, the essence of the main components of the moral

structure: cognitive, emotional and behavioral components.

Keywords: morality, ethics, psychological criteria, moral development, negative tendencies, moral upbringing, cognitive component, emotional component, behavioral component, moral values.

Ўсиб келаётган ёш авлоднинг ахлоқий шаклланиши жамият ривожининг муҳим таркибий қисмидир. Жамиятнинг ижтимоий муҳим талаблари – бурч, гурур, виждон ҳар бир бола шахсининг ички стимулларига айланиши зарур. Ахборот ҳукмронлик қилувчи жамиятда замонавий негатив тенденциялар туфайли ушбу кадриятларни ўсиб келаётган ёш авлодда таркиб топтириш мураккаб ҳисобланади. Ахборот манбаи сифатида катталар ва ўқитувчиларга бўлган ишончнинг пасайиши ахлоқий кадриятларни шаклланишига қаратилган тарбиявий ишлар мазмуни ҳамда шаклини янгилашни талаб қилади.

Ёш авлодни ахлоқий тарбиялаш муаммоси жамият ривожининг барча босқичларида долзарб саналади. Катталар болага қандай яшаш ва кимга ҳурмат билан муносабатда бўлиш кераклигини қанчалик сингдиришмасин, ушбу кадриятларни бола ҳали англамас экан, улар шахс хислатларига айланмас экан натижа етарли даражада бўлмайди. Шу сабабли кичик мактаб ёшидаёқ болага мураккаб ижтимоий ҳаётда тўғри йўналтиришга кўмаклашиш лозим. Муҳими шаклланган ахлоқий кадриятларга эга бўлиш зарур.

Бошланғич синфларда ўқувчиларни тарбиялаш дастури ахлоқий ривожланишга қаратилиши керак. Шундай экан, ахлоқ тушунчаси талқинига тўхталиб ўтамиз. Психологик-педагогик луғатда “ахлоқийлик – бу жамиятда инсонларнинг ўзаро муносабатларини бошқарувчи норма ва қоидалар мажмуи бўлиб, улар фаолияти ва хулқ-атворини стимуллаштириши ёки тормозлаши мумкин” дея таърифланади [4].

Б.Т.Лихачевнинг фикрича, ахлоқ инсон томонидан ўзлаштирилади ва ичдан қабул қилинади ва у индивидуал хулқни бошқаради. Ахлоқийлик дунёқараш, эътиқод ва виждонга таянади[2].

Ахлоқ бир бутун ва тадрижий психологик ҳодиса бўлиб, шахснинг ҳақиқатга, яхшиликка ва гўзалликка интилиши жараёнида шаклланиб ва ривожланиб боради.

Ахлоқ оламида энг юксак идеаллар яхшилик, гўзаллик, ҳақиқат ва адолат ҳисобланади. Шахслар ва ижтимоий гуруҳларнинг хатти-ҳаракатларини баҳолашда энг мезонлар вазифасини мана шу тушунчалар ифодалайдиган ҳодисалар бажаради. Бу тушунчаларнинг ҳар бири ҳар бир муайян ҳолатда муайян кўринишга эга бўлади. Масалан, яхшилик тушунчаси конкрет вазиятда турли шахслар ва турли гуруҳлар томонидан турлича баҳоланиши мумкин. Айтайлик, жиноят содир этган шахсга нисбатан раҳмдиллик қилиш жиноятчи томонидан яхшилик сифатида баҳоланади. Лекин, жиноятчидан жабрланган шахс томонидан бундай ҳаракат ёмонлик сифатида баҳоланиши мумкин. Бундай вазиятларда, аввало, раҳмдиллик мезонини ҳисобга олиш керак. Раҳмдиллик шахс ахлоқининг муҳим хусусиятларидан ҳисобланади. Лекин, у оптимал даражадан, яъни меъёрдан четга чиққанда, салбий хусусият касб этиши ҳам мумкин. Худди шунингдек, сахийлик, ўзаро ёрдам сингари ҳодисалар ҳам муайян меъёрлар, яъни мезон доирасида ижобий хусусиятларга эга бўлса, бу мезондан ташқарига чиққанда улар салбий ҳодисага айланиши ҳам мумкин.

Ахлоқий ривожланиш мезонлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: 1. Шахснинг атрофдаги воқелик, ўзга шахслар ва ўзига муносабатида

маънавий жиҳатларнинг мавжудлиги ва устуворлиги. 2. Шахснинг онги ва дунёқарашида виждон, яхшилик ва ёмонлик тўғрисида аниқ тасаввурларнинг мавжудлиги ва яхшилик қилиш йўлидан боришга интилиш. 3. Ўзини ўзи тарбиялаш, ўзини ўзи такомиллаштириш, ўзининг хулқ-атвори ва тафаккур тарзини такомиллаштиришга интилиш. 4. Ўзга одамларнинг муваффақиятларидан хурсанд бўлиш, муваффақиятсизлигидан куюниш ва ҳамдардлик билдиришга, ёрдам кўрсатишга эҳтиёжнинг мавжудлиги. 5. Субъектив психоэмоционал соғломлик (яхши кайфият, қувонч, тетиклик). 6. Маънавий юксалишнинг бир босқичидан кейингисига ўтиш истаги ва интилишнинг мавжудлиги.

Ахлоқий кадриятларда жамиятнинг ахлоқи акс этар экан, шахс уларни ўзлаштириш жараёнида шу кадриятларнинг субъекти, ташувчисига айланади. Шахснинг жамият ахлоқий кадриятларини қай даражада ўзлаштиргани унинг ахлоқини белгиловчи мезон ҳисобланади.

Шахс ахлоқининг муҳим таркибий қисми бўлган ахлоқ ҳақидаги тушунча, тасаввурлар ва ҳукмлар инсоннинг ҳис-туйғуси, тафаккури, идроки ва психик фаолиятининг бошқа турлари сингари ривожланиб боради. Ахлоқ шаклланиши ҳамда ривожланишидаги психологик хусусиятлар шундан иборатки, улар ҳеч қачон тайёр ҳолда берилмайди. Шахснинг ахлоқий ривожланиши бир неча босқичларда юз беради. Ана шу босқичларни қай даражада тез ёки секин босиб ўтилиши бир қатор ички ва ташқи омилларга боғлиқ. Ушбу омиллар шахснинг интеллект, идроки, тафаккури хусусиятлари, у ўсаётган оиладаги маънавий-ахлоқий установакалар, жамиятдаги бола тарбиясига оид анъаналар билан боғлиқ.

Ахлоқий ривожланиш боланинг ўзини муҳитдан ажратиб тасаввур қилиши ва “Мен” ининг шаклланиш жараёни билан боғлиқ. Болалик даврида шахс ривожланишининг асосий йўналиши ўзини ўзгалардан алоҳида шахс эканини англашга йўналтирилган бўлади.

Ахлоқий кадриятлар ижтимоий тараққиёт жараёнида шаклланади ва инсонга, инсониятга хизмат қилади. Бундай кадриятлар бутун инсоният томонидан яхшилик сифатида баҳоланади. Улар шахс онгида қай даражада доминант экани унинг қай даражада прогрессив шахс эканини белгилайди.

Инсон кадриятларининг тизим ҳолида бўлиши унинг ҳаракатлари, хулқ-атворини белгилайдиган мотивациянинг зарур шарти ҳисобланади. Инсоннинг турли-туман вазиятларда ва шароитларда амалга оширадиган ҳатти-ҳаракатларини ўзаро боғлаб турувчи ҳалқа ҳам кадриятлар тизими ҳисобланади.

Ахлоқ тузилишида 3 та компонент: когнитив, эмоционал ва хулқ-атвор компонентини фарқлаш мумкин. Ахлоқнинг ҳар бир компоненти қай даражада ривожланганлиги даражаси қуйидаги мезонлар асосида белгиланади: 1. Умуминсоний кадриятларга мослиги. 2. Шахснинг умуминсоний кадриятларни ўзлаштириш даражаси. 3. Янги маънавий-ахлоқий кадриятларни яратишдаги роли. 4. Маънавий кадриятларни тарғиб қилишдаги роли. 5. Шахснинг барқарор позициясини шакллантиришдаги роли. 6. Маънавий кадриятларни танқидий англашдаги роли.

Компонентларнинг ҳар бири мураккаб таркибий қисмлар ва сифатлардан ташкил топган бўлиб, ўзгарувчанлик хусусиятига ҳам эга. Масалан, когнитив компонент ўз ичига билимлар, билимларни эгаллаш усуллари; нарса-ҳодисаларнинг моҳиятига ета билиш, уларнинг сабаблари ва оқибатларини кўра билиш, энг муҳим қисмини ажрата билиш кабиларни қамраб олади.

Когнитив компонентнинг етакчи унсури билим ҳисобланади. Билим юз

берган ёки юз берадиган тайёр ҳодиса эмас, балки ахлоқ ва тафаккурнинг узок вақт оралиғидаги маҳсули бўлиб, унинг бунёд этилиши мавжуд маданият имкониятлари билан боғлиқ. Бу имкониятлар турли-туман бўлиб, ижтимоий-маданий шарт-шароитлар билан бевосита боғланган. Шунинг учун билимларни яратиш, узатиш ва эгаллаш билиш субъектининг актив фаолияти орқали амалга оширилади. Бундай даражанинг вужудга келиши ўқув жараёнида шаклландиган ва ривожланган назарий тафаккурга асосланади. Назарий тафаккур янги билим мазмунини эгаллаш, янги қизиқишларни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, когнитив қизиқишларнинг янги типини шакллантиради, ички рефлексиянинг вужудга келиши ва ривожланишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида ахлоқий-маънавий ривожланиш жараёнига туртки беради.

Ахлоқий ривожланишнинг эмоционал компоненти шахснинг ўзига, бошқа одамларга, воқеа-ҳодисаларга маънавий-ахлоқий нуқтаи назардан ёндашиши ва эмоционал идрок қилишини англатади. Ижобий эмоционал баҳо маънавий-ахлоқий кадриятларнинг шахс томонидан қабул қилиниши учун муҳим шартлардан бири ҳисобланади.

Ахлоқдаги эмпатия эмоционал ҳолат билан ўртоқлашиш қобилиятини ва кўникмасини, бошқа шахсга энергия узатиш лаёқатини англатади. Ўзини ўзи англаган шахс, ўз ролини тўла ўргангандан кейин фаолият юритиш, ўзини намоён қилишга ўтади ва бу жараёнга атрофидаги одамларни ҳам жалб этади. Ўзининг моҳиятини, потенциал имкониятларини англаш ўзга шахсга муносабат орқали намоён бўлади. Бу муносабат жараёнида ўзга шахс буюк кадрият сифатида ўзининг бетакрорлиги ва танҳолиги орқали гавдаланади. Ўзга шахсларни мана шундай ҳис қила билиш альтруизм, меҳрибонлик, ҳамдардлик, муҳаббат сингари маънавий кадриятларнинг намоён бўлишидир. Булар ўз навбатида эмпатиянинг ривожланиш даражасини шахснинг маънавий-ахлоқий ривожланиш даражасининг кўрсаткичи сифатида қабул қилишга асос бўлади.

Хулқ-атвор компоненти ахлоқий ривожланишнинг узвий таркибий қисми ҳисобланади. Чунки бу жараён воқеликни ўзлаштиришнинг ижтимоий, шахсий усули бўлиб у фақат билиш билан эмас, шахснинг маънавий кадриятларга йўналтирилган фаолияти билан ҳам боғлиқдир. Баъзи шахсларда ижобий маънавий қарашлар ва кадриятлар мавжуд бўлса ҳам, уларда мана шу қараш ва кадриятлар асосида ҳаракат қилиш учун жасорат етишмайди. Бундай одамлардаги маънавий-ахлоқий қарашлар эътиқод даражасига кўтарилмаган бўлади.

Хулқ-атвор компонентининг етакчи элементи ирода ҳисобланади. Ирода маънавий куч бўлиб мақсад томон ҳаракат қилиш жараёнида пайдо бўладиган тўсиқларни енгиш учун зарур бўлади. Ирода инсоннинг мустақиллигини, яъни атроф-муҳит ва ўзгалар фикрининг босимига қарши ҳаракат қила олишида намоён бўлади. Ахлоқий ривожланиш мураккаб жараён бўлиб уни қўллаб-қувватлаш, такомилга етказиш учун ироданинг иштироки зарурдир.

Психология фанида ахлоқий ривожланиш мураккаб жараён сифатида белгиланиб унинг бир неча босқичлари мавжуд:

1. Инсонда маънавий-ахлоқий кадриятлар тўғрисидаги тасаввурларнинг пайдо бўлиши.
2. Уларнинг интериоризациялашуви (яъни билимларнинг эътиқодга айланиши).
3. Эътиқоднинг индивид ҳатти-ҳаракатлари ва фаолиятида намоён бўлиши. Шундай қилиб, ахлоқий ривожланиш даражаси кадриятлар тўғрисидаги



тасаввурнинг шаклланганлиги, уларнинг интериоризациялашуви ва фаолиятда намоён бўлиш даражаси билан белгиланади.

АДАБИЁТЛАР

1. Овчарова Р.В. Нравственное развитие личности: от детства к отрочеству./ Теория и практика общественного развития. М.,2013, № 11.
2. Лихачев Б.Т. Педагогика:Курс лекций. М.,Юрайт-М,2001.
3. Месникович С.А. Возрастные закономерности нравственного развития личности на разных этапах онтогенеза. / Гуманитарно-экономический вестник. 2009, № 4.
4. Рапацевич Е.С. Психолого-педагогический словарь. Минск:Совр. слово.-2006.

ЎҚУВ ФАОЛИЯТИ ЖАРАЁНИДА ТАЛАБАЛАРДАГИ СТРЕССОГЕН ОМИЛЛАРНИ ЎРГАНИШ

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022>.

Исмоилова Нуржаҳон Зухуриддиновна,
ТДПУ “Психология” кафедраси доценти

Аннотация. Ушбу мақолада талабаларда кузатиладиган стресснинг келиб чиқиш омиллари ўқув фаолияти жараёни билан боғлаган ҳолда ёритилган. Таҳлиллар тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда келтирилган ва керакли тавсиялар берилган.

Калит сўз: стресс, стрессоген, рухий зўриқиш, стрессоген омил, информაციон стресс.

ИЗУЧЕНИЕ СТРЕССОГЕННЫХ ФАКТОРОВ У СТУДЕНТОВ В ПРОЦЕССЕ УЧЕБНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

Исмоилова Нуржаҳон Зухуриддиновна,
доцента кафедры “Психология” ТДПУ

Аннотация. В данной статье описаны стрессовые состояние у студентов в учебном процессе. В статье проанализированные экспериментальные обоснованные данные и разработаны рекомендации по экспериментальном данным.

Ключевые слова: стресс, стрессоген, психологическая напряжения, стрессогенный фактор, информაციонный стресс.

STUDYING STRESS-GENERATING FACTORS IN STUDENTS IN THE PROCESS OF LEARNING ACTIVITIES

Abstract. In this article analyze stress factors at students, especially, mutual relations stress with study activity. Research information based on theoretical analyzes and makes recommendations for preventive measure.

Key words: stress, stress relating, psychological strengthen, stress factors, informational stress.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан буён давлат сиёсати даражасига кўтарилган бош масалалардан бири сифатида баркамол авлодни тарбиялашда унинг маънавий тарбияси ва рухий саломатлиги энг муҳим даражадаги вазифалар қаторидан жой олган. Ёшларнинг рухий жиҳатдан саломатлиги билан боғлиқ бўлган, бугунги кунда нафақат психолог-олимлар, балки кенг жамоатчилик томонидан ҳам эътибор қаратилаётган масала – бу стресс ва стрессга барқарорлик масаласидир.

Ёшларнинг энг кўзга ташланадиган, интеллектуал бой қисми – талабалар ҳисобланади. Талабалик даврида ўқув фаолиятида ўзига хос нохушликлар, қийинчиликлар, муаммолар, тўсиқлар ҳам юзага келадики, бу ҳолатларни аксарият мутахассислар талабалардаги фрустрация, стресс каби эмоционал ҳолатларнинг асоси сифатида таъкидлаб ўтишади [1, 3].

Малумки, стрессни ўрганиш борасидаги тадқиқотлар орасида талабалик даври билан боғлиқ стрессларнинг ижтимоий ва психологик омилларини ўрганишга бағишланган ишлар муҳим позициялардан бирини эгаллайди.

Шу ўринда айтиш лозимки, ўзбек муҳотида талабалик даври билан боғлиқ стрессларнинг ижтимоий-психологик жиҳатлари ўрганилишига қўл урилган, лекин чуқур тадқиқ этилмаган муаммолардан биридир. Айни муаммонинг долзарблигини ҳисобга олиб биз талабалик даврида кузатиладиган стресс муаммосини ўрганиш мақсадида Низомий номидаги ТДПУ Педагогика-психология йўналишининг 1- ва 4-босқич талабалари ўртасида тадқиқот ишларини олиб бордик.

Тадқиқотда талабаларда ўқув фаолияти давомида қайси омиллар улар учун стрессоген таъсирга эга эканлигини ўрганиш мақсадида синалувчилар гуруҳида “Ўқув фаолияти давомида стрессоген омилларни аниқлаш сўровномаси” ўтказилди.

Методика 1-босқич ва 4-босқич синалувчилар гуруҳида алоҳида-алоҳида ўтказилди. Олинган натижалар миқдор ва сифат жиҳатдан таҳлил қилиниб, таҳлил натижалари қуйидаги жадвал ва диаграммаларда ўз аксини топган.

1-жадвал. Синалувчиларда ўқув фаолияти жараёнида стрессни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш бўйича натижаларнинг ўртача кўрсаткичи

жадвали

<i>Курслар</i>	<i>Мулоқотдаги зиддиятлар билан боғлиқ стресс</i>	<i>Ўқув фаолияти билан боғлиқ стресс</i>	<i>Информацион стресс</i>	<i>Вертикал муносабатлардаги стресс</i>
1- босқич	9,31	9,16	8,72	7,68
4- босқич	7,11	8,69	8,07	5,34

Жадвалдаги натижаларга кўра бошланғич ва битирувчи курс синалувчилари орасида курсларга боғлиқ равишда сезиларли фарқларни кузатиш мумкин. Методиканинг дастлабки шкаласи мулоқотдаги зиддиятлар билан боғлиқ стресс 1-курс синалувчиларида 9,31 – юқори даражани ва 4- курс синалувчиларида 7,11 – ўрта даражани ташкил этган. Бу натижаларни психологик жиҳатдан изоҳлаш ва таҳлил қилиш мумкин: 1-курс талабаларида ушбу параметр бўйича юқори кўрсаткич қуйидагиларни изоҳлайди: эндигина ўқишга кирган ва ҳали бир-бирларини яхши танимайдиган талабалар бир-бирларининг шахсий ва индивидуал хусусиятларини, оилавий жиҳатларини яхши билмайдилар. Бунинг натижасида улар ўртасидаги ўзаро муносабатларда зиддият ва низоларнинг келиб чиқиш эҳтимоли юқорилиги кузатилади. Шунингдек, улардаги ўзаро нотанишлик оилавий муаммоларини ёки ўқув фаолияти билан боғлиқ бўлган, ўзини қийнаётган «дардларини» бир-бирларига айтмасликларига асос бўлиши мумкин. Бу ҳам улардаги оддий муаммоларни жиддий қабул қилинишига ва стрессоген сифатида таъсир этишига олиб келиши мумкин.

Бундан ташқари, 1-курс талабаларида гуруҳий муносабатлар динамикаси ҳали шаклланиш босқичида бўлганлиги боис уларда гуруҳий уюшқоқлик, ҳамжиҳатликдан кўра индивидуализм ва ўзини кўрсатиш истагининг кучлилиги кўпроқ намоён бўлади. Бу ҳолатлар эса улар ўртасида низоларнинг келиб чиқиш эҳтимолини оширади, гуруҳдаги ўзаро қўллаб-қувватлашнинг йўқлиги эса бу низолар уларнинг эмоционал соҳасига чуқурроқ таъсир кўрсатишига ва ҳатто стресс ҳолатларига олиб келишига яна бир туртки бўлади.

4-курс синалувчиларида эса мулоқотдаги зиддиятлар билан боғлиқ стресс параметри бўйича кўрсаткичнинг 1-курсларга нисбатан пастроқ эканлигини қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин: ўтган 3 йил давомида ўқув фаолияти жараёнидаги бир қанча муаммоларни биргаликда ҳал қилиш, сессия давридаги муаммолар ва қийинчиликлар тўсиғидан биргаликда ўтишига тўғри келган.

Бундай жараён эса уларга бир-бирларининг феъл-атворларини яхши билиб олишига ёрдам беради. Шунингдек, йиллар ўтган сайин ўзаро муносабатларда бир-бирларининг шахсий сирларидан бохабар бўлиш каби омиллар улар ўртасидаги шахслараро муносабатларда низолашувчанлик ҳолатининг кам кузатилишига асос бўлиши мумкин. Бундан ташқари гуруҳий муносабатлар қонуниятларига кўра талабалар жамоасида бирга бўлиш муддати ортгани сайин улар орасида уюшқоқлик, бир-бирини қўллаб қувватлаш, жипсликка интилиш ҳам ортиб боради. Бунинг натижасида улар ўртасида ўзаро зиддият ва низоларнинг юзага келиши камаюди. Кузатишлар асосида айтиш мумкинки, 4-курс синалувчилари орасида низолар юзага келганида ҳам бу уларнинг эмоционал ҳолатларига кучли таъсир кўрсатмайди ва стрессга олиб келиш эҳтимоли ҳам юқори бўлмайди.

2-шкала - ўқув фаолияти билан боғлиқ бўлган стресс шкаласи - бўйича натижалар ҳам 1-курс синалувчиларида жуда юқори - 9,16 – кўрсаткични ташкил этган. Буни шундай изоҳлаш мумкин: 1-курсга қабул қилинган талабалар турли хил касб-ҳунар коллежлари ёки академик лицейларда таҳсил олганликларини ҳисобга олсак, ўрта-маҳсус таълим тизимидаги ўқув жараёни билан олий таълимдаги ўқув жараёни ўртасида ўзига хос фарқли ҳолатлар мавжуд. Ўз навбатида 1-курс талабаси бу фарқларга мослашувининг ўзи ҳам уларда маълум бир руҳий зўриқишларни келтириб чиқаради. Қолаверса, мутахассисликка тегишли фанлардан берилаётган назарий билимларни ўзлаштириш ва дастлабки ойларида амалиётда қўллай олмаслик, назарияни амалий ҳаёт билан мослаштира олмаслик, мутахассислик ҳақида ўзларида шу вақтгача мавжуд фикрлар билан энди шаклланаётган фикрлардаги қарама-қаршиликларнинг юзага келиши кабилар ўқишни бошлаган талабада турли даражадаги стрессларни келтириб чиқариши мумкин.

2-шкала - ўқув фаолияти билан боғлиқ бўлган стресс шкаласи - бўйича натижаларнинг ўртача кўрсаткичи 4-курс синалувчиларида бир оз пастроқ - 8,69ни ташкил этган. Бу натижа эса қуйидагилар билан асосланиши мумкин: ўтган йиллар давомида талабалар ўқув фаолиятига ҳам, бу фаолиятдаги ютуқ ва муаммоларга ҳам мослашганлар. Мутахассислик фанлардан берилган билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш натижасида психологик саводхонлик даражаси ортган, мутахассислик фанлари ва касбий соҳага оид тушунча, тасаввурлар ойдинлашган ва кенгайган. Буларнинг барчаси билан боғлиқ ҳолда 4-курс талабаси ўз вақтини унумли режалаштира оладиган, юзага келган муаммолар ечимини топа оладиган даражага етганлиги билан асосланади.

Синалувчилар орасида 3-шкала - информацон стресс шкаласи билан боғлиқ кўрсаткичларда деярли фарқ кўринмайди. Информацион стресс шахсда ахборотлар оқимининг ниҳоятда кўплиги, уларни ўзлаштириш учун вақтнинг танқислиги ёки индивиднинг шахсий когнетив имкониятларининг етишмаслиги натижасида келиб чиқишини ҳисобга олсак, ҳар иккала курсда ҳам информацон стресс ўртача кўрсаткич (1-курсда 8,72; 4-курсда 8,07)ни ташкил этган. Лекин 1-курсларда бу кўрсаткич бир мунча юқорироқ эканлигини кўриш мумкин. Бунинг изоҳи сифатида уларда ўзлаштирилиши лозим бўлган маълумотларни тизимлаштириш ва вақтни тўғри тақсимлаш каби кўникмаларнинг камлигини, шунингдек бу ҳол информацон стресснинг бирмунча юқорилашига сабаб бўлганлигини келтириш мумкин.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, информацон стрессни келтириб чиқарувчи вазиятлар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- субъект маълум бир фаолиятни бажариш жараёнида ўзига юклатилган вазифани ууддалаш учун ўта зўр бериб ишлаганида;
- ўзига имконияти етмайдиган даражада юкламалар юклаганида;
- бу жараёнда ўта юқори жавобгарлик ҳиссини ҳис қилганида;
- юзага келган вазиятларни ҳал қилиш ва ечишда тўғри қарор қабул қила олмасдан сиқилишида [2].

Шу каби ҳам организм, ҳам руҳият кучли зўриқиш берадиган вазиятлар аксарият талабаларда информацион стрессни вужудга келтиради.

